

# Uzbek Fideyuzi

1996

1

---

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ ЖУРНАЛИ

---

65-йил чиқиши

*Бош муҳаррир:*  
Ўткир ҲОШИМОВ

*Таҳрир ҳайъати:*  
Тоҳир МАЛИК  
(Масъул котиб)  
Мурод МАНСУР  
(Наср бўлими мудирини)  
Омон МУХТОР  
(Бош муҳаррир ўринбосарини)  
Икром ОТАМУРОД  
(Назм бўлими мудирини)  
Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФҲОН  
(Мерос ва қадрият бўлими мудирини)  
Али Назар ЭГАМНАЗАРОВ  
(Мақоланавислик бўлими мудирини)

МУАССИС:

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САЊЪАТ НАШРИЁТИ

*Шафрат Раҳматулло Шермидий*

## ВАТАН

*Дастур қилса оталар Амир Темур тузугин,  
Тақса оқил оналар Тумариснинг узугин,  
Алломалар ҳақ сўз-ла бутласа юрт бузугин,  
Ёвқур боболар руҳи бўрон бўлса юракда,  
Истиқлолу истиқбол Турон бўлса юракда,  
Ўзбекистон бўлажак — Худо хушлаган Ватан,  
Ватанки Туг, Тугросин Ҳумо ушлаган Ватан.*

*Жами миллат бирлашиб, бир жаҳоний гап қилсак,  
Иқтисодда истибдод мутелигин даф қилсак,  
Истеъдодни, ижодни Ватанга бир саф қилсак,  
Ёвқур боболар руҳи бўрон бўлса юракда,  
Истиқлолу истиқбол Турон бўлса юракда,  
Ўзбекистон бўлажак — Худо хушлаган Ватан,  
Ватанки Туг, Тугросин Ҳумо ушлаган Ватан.*

*Оталар меросига берсак яна сайқаллар,  
Жаҳоний ҳосил берса ўзбаки — фан пайкаллар,  
Тош эмас иш, ижоддан қуйсак юртга ҳайкаллар,  
Ёвқур боболар руҳи бўрон бўлса юракда,  
Истиқлолу истиқбол Турон бўлса юракда,  
Ўзбекистон бўлажак — Худо хушлаган Ватан,  
Ватанки Туг, Тугросин Ҳумо ушлаган Ватан...*

Муқоваларда:

Наби Жалолдиннинг «Улимнинг ранги» қиссасига расмон Осимхон Восихонов чизган суратлар (1 ва 4-бет). Эл ардоғидаги санъаткор Турғун Алиматов. (2 ва 3-бет)

ШАРҚ КЎЛДУЗИ № 1, 1996 й.

## ИСТИҚЛОЛНИ АСРАЙЛИК

Нечанчи синфдалигим эсимда йуқ, бир куни зоология уқитувчимиз (раҳматли жуда мулоийм, сочлари оқарган, юзи нузли киши эди) одам маймундан пайдо булганини узок, жон куйдириб тушунтирди. Маҳмаданароқ эканман шекилли, хаёлимга келган саволни бердим: «Ҳозир ҳам маймун одамга айланишти-ми?» Уқитувчим бундай саволни олдин ҳам эшитган шекилли, дарров жавоб қилди: «Бунинг отини эволюция дейдилар. Маймун миллион йиллар давомида одамга айланган». Жим утирсам-ку, олам гулистон эди. Яна сурадим: «Ҳозирги маймулар миллион йилдан кейин одам буладими?» «Худо биледи, — деди муаллим ва негадир аччиғи чиқди. — Жа бошимни қотирдинг-да! Утир жойингта!»

...Ростиши айтсам, дадам намозхон эди. Тугри, мачитга бормас, ваъзхонликда бир гапни айтиб амалда бошқача иш қиладиган «мулла»ларни еқтирмас, дузахга энг аввал шулар кушда булади, дер, аммо уйда беш вақт намозини қанда қилмасди.

Уша куни дадам шом намозини уқиб булиб, утганларнинг гуноҳини суради, кексаларга имон, ешларга инсоф тилади, фотиҳа тортиди.

Муаллимнинг бояғи гапи эсимга тушиб сурадим:

— Одам маймундан тарқалганми? Уқитувчим айтди.

Дадам ута камгап, кам куладиган одам эди. Бу сафар негедир мийиғида кулди:

— Домланг айтган булса, бир нимани билиб гапиргандир.

Шу билан бу мавзу тугади... Ушанда мен — гудак билмаган эканман. 30-йилларда амакимни эшон деб Сибирга сургун қилинганидан, одам маймундан тарқалган, деб уқтирган муаллимнинг отаси «қулоқ» қилинганидан, уқитувчим шурлик «Ет элемент»нинг боласи сифатида Украинага бадарга қилингани, минг бир балоларни куриб юртимизга омон қайтгач, яна институтда уқиганидан бехабар эканман.

Орадан кун йиллар утиб, баъзи нарсаларни англаб олдим. Маълумки, одам боласини учта улуг тушунча Инсон қиёфасида ушлаб туради. Жисмоний, ақлий ва руҳий қудрат. (Балки руҳ бирламчидир.) Кун йиллар давомида бизнинг онгимиздан руҳий тарбия деган тушунчани суғуриб олишга уриқдилар ва анча

нарасага эришдилар ҳам. Бунинг исботи учун ҳеч қандай руҳ йўқ, чунки ҳеч қандай Худо йўқ, агар Худо бўлса, уни қимдир қурган буларди, деган моддиюнчи фалсафа дастак қилинди. Бу назариянинг механизми оддий эди. Энг аввал сувда бир хужайрали тубан жониворлар пайдо бўлган. Улар бора-бора балиққа айланган. Балиқлар сузиб юра-юра судралиб юривчиларга айланган. Судралиб юривчилар судрала-судрала қушга айланган. Қушлар уча-уча сут эмизувчиларга, жумладан, маймунга айланган. Маймунлар у дарахтдан-бу дарахтга сакраган, бунисидан унисига сакраган ва миллион йиллар утиб одамга айланган... Қаранг, ҳаммаси тушунарли ва оддийгина... Албатта, мен Дарвиндек улуг олим билан баҳслашишга қодир эмасман...

Шунақа-ку, яқинда Америка олимлари ҳайратда қоларли тадқиқот натижаларини эълон қилдилар. Бир хужайрали жониворлар билан балиқ орасида, балиқ билан судралиб юривчилар орасида, судралиб юривчилар билан ҳайвонлар орасида ва ниҳоят, маймун билан одам орасида эволюцион ҳалқа йўқ экан! Демак, дунёдаги ҳамма нарсанинг яратувчиси бор!

Муқаддас Қуръони каримда Оллоҳ ҳар нарсани яратувчидир ва ҳамма нарсани қургувчидир, деб қайта-қайта таъкидлангани бежиз эмас.

Бу гаплардан мурад нима? Юртимизнинг мустақилликка эришиши ҳам Тангрининг инояти эмасмикин? Турли давраларда бўлишга тугри келади. Баъзилар азбаройи юзакни уйлаганидан, баъзилар (афсуски, шундайлар ҳам учрайди) ичиқораликдан, Ўзбекистоннинг мустақиллиги шунчаки тасодифан бўлди, деганга ухшаш фикрларни айтадилар. Тарихга бир назар ташланг! Юртимиз неча бор ёшлар оёғи остидан тоғталмади? Искандар босқини, араб истилоси, муғулар қирғини ва ниҳоят, утган асрда Россия империясининг қонли жанглари... Юртимиз озодлиги учун қурбон бўлган лашкарбошилар, олиму фузалолар, ижодкорлар, борингки, оддий меҳнаткашлар озми?

Буни қарангки, ота-онам замона зугумидан қурқиб, биз — фарзандларига айтмаган бир сирни Истиқлолдан кейин, 1991 йил кузида англаб етдим. Яхши ниятли одамлар шажарамизга оид ҳужжатни олиб келишди. Тошкентдаги Халқлар дустлиги саройининг орқасида гузал бир обида — мадраса бор. Бу бино тоталитар тузум буронларидан тасодиф билан омон қолган. Буюк адибимиз Абдулла Қодирий шу мадрасада таҳсил қурган экан. Хуллас, бу обидани қурган Инсон — Абулқосимхон тураменинг катта бобом бўлган эканлар. Албатта, гап мадраса қуришда ҳам эмас.

Утган асрнинг 60-йилларида Чор Россиясининг тиш-тирноғига қуролланган лашкарлари Тошкентни қамал қиладди. Айни саратонда шаҳар аҳли деярли икки ой бир томчи сувсиз қолади. Чанқов ва очликдан силласи қуриган шаҳарни душмандан ҳимоя қилишга ундаган, уз замонининг донишманд ва саводли одами сифатида дуненинг талай мамлакатларига хат ёзиб, Туркистон забт этилаётганидан жаҳон жамоатчилигини огоҳ қилишга уринган киши худди шу Инсон — Абулқосимхон тура булган. Тошкент ҳимоячилари тенгсиз жангларда мардонавор курашади. Черняевнинг яқинларидан бири бу «фанатиклар» шаҳрида хотинлар ҳам замонавий қуроллар билан жиҳозланган аскарларга қарши қулиш паннашаха билан жанг қилганини ёзиб

қолдирган. Қушлаб қурбонлар берган шаҳар ахйри таслим булади. Генерал Черняев билан маҳаллий халқ вакиллари — Ҳаким-хожи эшон қозикалон, Абулқосимхон эшон, Тошкент ҳимоясининг раҳбари мулла Солиҳбек додхоҳ (генерал) ва бошқалар сулҳ ҳужжатига имзо чекадилар. Бу ҳужжатта биноан забт этувчилар Туркистон аҳлига зулм қилмаслик, шаҳарнинг маҳаллий аҳолиси яшайдиган қисмига берухсат қилмаслик, аҳолининг тили, дини, удувларига даҳл қилмаслик, маҳаллий аҳолидан аскар олмаслик ва яна қуш ваъдаларни тасдиқлайдилар. Бироқ орадан қуш утмай оқпошпо Александр II ҳазрат олийларининг иродаси билан сулҳ қайтадан ёзилади. Бу энди бутунлай бошқа ҳужжат бўлиб, аввалги ваъдалардан тамомила топишган, Тошкент уз ихтиёри билан, «жон-дили»дан Россия империясига қушилгани баён қилинган эди. Аввалги битимга имзо чекканлар гирт туҳматдан иборат бундай «сулҳ»га қул қуйишдан қатъиян бош татадилар ва уша ондаёқ Сибирга сургун қилинадилар.

Шу мисолнинг узиеқ юртимиз мустақиллиги учун жон олиб, жон берганлар ҳамиша булганидан, Истиқлолимиз тасодифий эмаслигидан дарак бермайдими?

Хурматли Президентимиз И. А. Каримов ҳар бир издиҳомда Мустақилликнинг қадрига етайлик, керак бўлса бу йулда жонимизни ҳам аямайлик, деб таъкидлаётгани бежиз эмас.

Эслаб қуринг, қуни кеча СССРдан бир қадам четга чиқсак, Ўзбекистон деган юртни биров таъирмиди?

Бундан бир неча йил илгари Туркияга борганимда Истамбулдаги «Туп қоли» саройига кирдим. Ростини айтсам, бу даргоҳдаги экспонатлар мени ларзага солди. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муйи муборағи, Ҳазрати Алининг қиличи, турк султонларининг олтин тахталари, тилла бешиклар... Аслида, гап ушбу ноиб обидаларнинг пулга қақиладиган қимматидагина эмас. Гап шундаки, Туркия қуш йиллардан бери дунё харитасида уз урнига, дунё мамлакатлари орасида уз мавқеига эга булган ҳамма узининг тарихий, маданый, маънавий бойликларини сақлаб қолган мамлакат. Ушанда бир нарсани орзу қилган эдим. Қани энди биз ҳам мустақил булсак. Улуг тарихий меросимизни, илмий, бадий асарларимизни дунёга куз-куз қилсак!

Нима учун биздаги оддий мактаб боласи Шекспирни билмади, Оксфорд университетининг талабаси Алишер Навоийни билмади? Нима учун биздаги талаба Жек Лондонни билмади, америкалик талаба Қодирийни умуман билмади? Гап истеъдоддами? Ундай десак, Навоийнинг Шекспирдан, Қодирийнинг Жек Лондондан қолишадиган жойи йўқ шекилли? Ё ҳамма гап таржимадами? Булиши мумкин. Аммо менимча, масаланинг бошқа муҳим жиҳати ҳам бор. Биз яшаб келган социалистик тузум мактаб ўқувчисидан тортиб аспирантга дунё адабиёти ва санъатини чуқур урганиш имкониятини яратиб берди ва биз буни инкор этсак, ноинсофлик булур эди. Бизнинг фарзандларимиз Данте ва Шекспирни, Жек Лондон ва Тагорни билиши катта ютуғимиздир. Афсуски, ҳар қандай нарсанинг икки қирраси бор деганларидек, вақт утиши билан социалистик тузумнинг маънавий дарёси бир томондаги тегирмонга сув қуядиган бўлиб қолди. Қуш йиллар давомида бизга, сенлар миҳни ҳам четдан олиб келгансан, сенлар бесаводсан, деб бошимизга

муштлагудек булдилар. Ғалати савол тугилади. Агар биз миҳни ҳам четдан келтирадиган даражада нотавон булсак, Беруний бундан минг йил аввал Ер билан Ой уртасида масофани қандай қилиб бу қадар аниқлик билан улчади экан? Хоразмий қандай қилиб алгоритм фанини яратди экан? Улуғбек дунёдаги энг мукаммал обсерваторияни қандай курди экан? Агар Туркистонда инқилоб арафасида бор-йўги уч фоиз одамгина саводли булса, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Тошкентдаги ушлаб мадрасалар, маҳалла ва қишлоқлардаги минглаб домла ва отинлар нима билан шуғулланди экан? Тўғри, уша пайтларда Туркистонда (аниқроғи, Ўзбекистонда) уч фоиз саводхон булган. Лекин булар рус-тузем мактабларининг ўқувчилари булган. Аҳолини руйхатга олишда фақат шуларни саводли дейишган. Аслида эса аҳолининг ўттиз фоизига яқини эски имлода ўқин ва ёзишни билган. Бунчалик ёлгон кимга ва нима учун керак булгани энди сир эмас.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сузлаган маърузасидан қуйидаги парчани эслайлик: «Ғоҳ ошқора, ғоҳ зимдан: «Сизлар уз-узларингни мустақил бошқаришга, мустақил давлат қуришга қодир эмассизлар», «Сизлар мутеъ, қарам миллатсизлар», «Сизлар учун биз фикрлаймиз, назария яратамиз, амру фармон берамиз, сизлар эса бажарасиз, холос», деб миямизга қуйиб келишмаганмиди?»

Бу дарсли фикрлар далили сифатида узим гувоҳ булган бир мисолни келтиришим мумкин. 80-йилларнинг ўрталарида ёзувчиларнинг Қибрайдаги боғилан бир гуруҳ чет эллик меҳмонларни шаҳар марказигача кузатиб келдим. Енимда утирган меҳмон йул-йулақай саволга тугди. «Кетаётган кучамизнинг номи нима?» «Луначарский кучаси». «Манов майдон кимнинг номида?» «Горький номида». «Манови ҳайкал кимники?» «Пушкин ҳайкали». «Буниси-чи?» «Куйбишев ҳайкали». «Мановиниси-чи?» «Карл Маркс». «Бу кучанинг номи қанақа?» «Пролетарская». «Униси-чи?» «Первомайская». «Нарғи-чи?» «Привокзальная». «Анови бино нима?» «Концерт зали». «Кимнинг номида?» «Свердлов номида». «Анови бино тепасида ёниб турган чироқ нима?» «Қаҳвахона афишаси». «Номи қанақа?» «Ветерок»...

Ахийри шаҳар марказига етиб келганимизда меҳмон сунги саволини берди. «Бу шаҳарнинг оти нима?» Мен кулдим. «Жаноб, сиз уч кундан бери Тошкентда юрганишизни унутдингизми? — дедим. «Йук, — деди у. — Бу Тошкент эмас, Россиянинг бир булаги, холос!»

Албатта, Пушкин, Горький, Гоголь — улуг зотлар. Жаҳон маданиятига, жумладан, ўзбек маданияти тараққийига ҳам улкан ҳисса қўшган аломатлар. Лекин жоначон пойтахтимиз азим Москвада Навоийнинг ҳайкали эки ақали Ўзбекистон деган биронга метро бекати, Тошкент деган меҳмонхона бормиди? Уша ердаги биронга «Заводская» эки «Фабричная» деган кучанинг номи «Самарқанд» деб узгартирилса, осмон узилиб ерга тушармиди? Ахир, иззат-ҳурмат дегани бир еклама бўлмайди!

Бундай биреклама мўпосабат маънавиятимизга таъсир этмаслиги мумкин эмас. Эслаб қуринг, фанда ҳам, адабиёт ва санъатда ҳам ғалати ҳолатлар руй берди. Ҳатто, ўзбек тилига оид илмий иш ҳам рус тилида ёзилиши ва Москвадан тасдиқланиб

келиши шарт эди. Бирон бадиий асар рус тилида чиқиб, Москва танқидчилари томонидан маъқуланса, яхши, бўлмаса, ёмон. Натижада удумларимизни шунчаки экзотика қилиб тасвирлайдиган анчагина асарлар пайло булди.

Санъат масаласига келсак. Албатта, театр эки кинога баҳо берип менинг вазифамга кирмайди. Лекин бир нарсани тан олайлик: Етмишинчи йилларнинг буюғига келиб, бизда ғалати манзара руй берди. Ўзбек киносининг ярмидан кўшида албатта босмачи буларди. Уларнинг қонхўрлиги ва каллакасарлиги бутун даҳшати билан тасвирланарди. Табиий, босмачилар орасида каллакасарлар булган. Лекин босмачи деганда бошқа юртни босиб олган одамни тушуниш керак шекилли. Қайси босмачи қайси юртни босиб олди? Бу ҳам етмагандек, ўзбек киносининг сценарийси албатта рус тилида ёзилиши ва муаллифлардан биттаси албатта марказдан булиши шарт эди.

Ўзбекистон телевидениясида «Абдуллажон» деган фильм курсатилиди. Яна айтаман, мен бу соҳанинг мутахассиси эмасман. Фильмнинг узига яраша фазилат ва камчиликлари булиши мумкин. Аммо бир нарса аниқ. Агар мустақиллик булмаса мана шу хунчақчақ ва беозор асар ҳам экранга чиқмас эди. Чунки унда миллий ва умуминсоний буюқлар кўп. Ўзбек халқининг содда дўлворлиги, бағрикенглиги ва донишмандлиги теран тасвирланган. Истиқлол бизга берган мевалар тўғрисида яна қўлаб мисоллар келтириш мумкин. Босмачиликка қарши кураш баҳонасида юртимизни қатагон қилган бири шомиўлов, бири қилич таққан, яна бирови кўзойнак илган турли даҳойлар ўрнига мана шу юрт учун жонини фидо қилган буюк инсонлар ҳайкалларининг ўрнатилаётгани, Тошкент марказида Амир Темури майлони, ҳайкали ва метроси пайдо булгани, Андижонда Бобурнинг мухташам боғи очилгани ва яна кўп мисоллар Мустақилликнинг маънавий қадриятларимизни нақадар ҳимоя қилаётганига далилдор.

Президентимизнинг нутқ ва китобларида маънавиятга алоҳида эътибор берилаётгани бежиз эмас. «Маънавий ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, узаро таъсирланиб, ривожланиб борали. Миллий камолот йули мана шу. Аммо бу йулни эсон-омон босиб ўтишимиз керак. Ана шу ўтиш даври катта қийинчиликлар тугдираётгани табиий. Бир нарсани тан олишимиз даркор. Агарки, мафкура, маънавият, одамларимизнинг дунёқарани, тафаккури юксалишининг жамиятимиз истиқболи учун аҳамиятини яхши англаётган эканмиз, авваламбор мана шу йулда узини аямаётган, талбиркор, ижодкор зиеллар, ўқитувчилар, шифокорлар, олимларимизга етарли даражада шароит тугдириб, ижтимоий жиҳатдан таъминлаб бериш бизнинг вазифамиздир... Бу борадаги энг катта ишлардан бири таълим, маданият, матбуот ва ношрилик соҳаларига оид зарур қонуларни тайёрлаб, тезда қабул қилиндир... Ушбу қонулар замонвий талаблар даражасида булиб, уларда халқаро маданий алоқалар, ижодкорларнинг ҳақ-хуқуқлари, ҳомийлик тартиб-қоида, солиқ солиш тартиби, муаллифлик ҳуқуқи, гонорар масаласи ва ҳоказолар ўз ечимини топиши керак». Бу гапларга қўшимча қилиш шарт эмас.

Чиндан ҳам мамлакатимиз раҳбарияти маънавий бойлик яратувчи кишиларга имкон борича шароит яратишга ҳаракат қилмоқда. Истеъдодли еш ижодкорлар жамғармасининг тапқил



этиланлиги, вақтли матбуот ходимлари, санъат ходимларининг шароитини яхшилашга қаратилган қарорлар қабул қилинганлиги ва бошқа мисоллар шундан дарак беради.

Айни пайтда бозор муносабати илм ва ижод оламига узининг маълум таъсирини утказётгани ҳам табиий. Сунгги пайтларда бир думалаб ёзувчи бўлиб олган «бойваччалар» кўшайиб кетяпти. Ҳатто нашриётлар шундай аҳволга келдики, китобнинг тасвигига «Ушбу китобнинг бадиий савиясига муаллиф жавобгар» деб ёзиб қўядиган бўлди. Начора, уша бойвачча қоғоз топади, босмахона харажати тўлайди. Китоб чиқади. Аммо уша китоб уқувчининг маънавий савиясини юксалтирадимиз, пайсайтирадими, бунисига бир нарса дейиш қийин.

Виоляларда янги газеталар чиқаётгани, янги нашриётлар очилаётгани яхши гап. Фақат уларда чоп этилган китобларнинг гоъвий-бадиий савияси эъгибордан четда қолмас яхши буларди. Эҳтимол, бунинг учун ижодий уюшмалар, илм даргоҳлари биргаликда махсус кенгаш ташкил этар ва кенгашдаги етакчи қаламкашлар, олимлар уқувчи савиясини юксалтирадиган асарларга кенг йўл очиб, пала-партиш китобларнинг йўлини тўсар.

Бозор иқтисодиёти маънавиятга салбий таъсир қилади, деган кескин фикр менга бир қадар шубҳали туюлади. Авваллари шундай қоида бор эди. Қўлёмалар бир қадар пала-партиш муҳокамадан утказилиб, китоблар қаторасига нашр қилинаверар, очингани айтсак, бадиий савияси баланд китоблардан кўра савияси мундайроқлари кўпроқ чиқар эди. Истеъдоди уртачагина бўлган ёзувчилар давлат белгилаб берган мўмайгина қалам ҳақини олиб, янги «асар»ини бошлар, нашриёт шурликлар эса севиб уқиладиган китоб ҳисобига пенхтахтада чанг босиб ётадиган китоб харажатларини қолташ билан обора эди.

Бозор муносабати маълум маънода табиий ташлов имконини беради. Бозор муносабатига утилгандан кейин ҳам яратилган кўшига асарлар бунга мисол булади. Фақат катта наср — роман жанрининг узини оладиган бўлсак, сунгги йилларда ёзилган Одил Ёқубовнинг «Адолат манзили», Улмас Умарбековнинг «Фотима ва Зўхра», Мурод Муҳаммад Дустнинг «Лолазор», Шукур Холмирсавнинг «Олабужи», Омон Мухторнинг «Минг бир қиёфа», «Кузгу олдидаги одам», Эркин Самандарнинг «Тангри қудуғи», Тоҳир Маликнинг «Шайтанат», Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» асарларини кенг жамоатчилик қизгин кутиб олгани бунинг исботидир. Яна шуниси муҳимки, агар Мустақиллик бўлмаса, бу романлар ёзилмас, ёзилган тақдирда ҳам чоп этилиши амримаҳол эди.

Юртимиз раҳбари тўғри таъкидлаганидек, ижодий зиёлилар ҳуқуқини, қалам ҳақи масаласини жиддий ўйлаш керак. Санъатнинг баъзи турларида ижод қилувчиларнинг молдий аҳволи, маълум маънода анча дуруст. Масалан, яхши расмом узининг янги полотносини долларга сотиши мумкин. Овози зур кўшиқчи ақали тўйда ашула айтиб «гонорар» ишлаши мумкин. Майли, бунинг ёмон ери йўқ. Фақат бу масалада қалам аҳлининг аҳволи анча мураккаб.

Тўғри, сунгги йилларда қоғоз нархи, матбаа харажати бир неча марта қимматланди. Лекин шунга яраша китобнинг нархи ҳам ошди-ку! Масалан, 1990 йилда баҳоси бир сум булган китоб ҳозир 40-50 сумга сотиляпти.

Биз адабиёт ва санъатни биринчи навбатда маънавий бойлик деб биламиз. Лекин китоб бозорга чиққанидан кейин товарга, товар эса пулга айланади. Шундай экан, истеъдодли қаламкашлар кўпроқ, истеъдодсизлар камроқ ҳақ олиши табиий нарса деб тушунишга урганмоғимиз керак. Аслида, боқимандалик кайфиятга чек қўйлик, ҳар ким уз тирикчилигини узи қурсин, деган ҳаққоний талаб бу уринда ҳам тўғри келади.

Ҳозир Республика Олий мажлиси Қумиталарида ноширлик фаолияти, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид Қонун лойиҳалари устида жиддий иш олиб борилмоқда.

Модомики, биз жаҳон ҳамжамиятига қўшилмоқчи эканмиз, модомики, ҳамма соҳада яккахокимлик — монополиядан воз кечишимиз керак экан, нима учун ноширлик соҳасида ҳам бу йўлдан бормаслигимиз керак? Нега асар муаллифининг узи ношир булолмайди? Нега ношир, масалан, таннархи 30 сумга сотилган китобни савдо ташкилотидеги монополиста 20 сумга татиб зарар қуриши керак-да, савдогар худди уша китобни 50 сумга сотиб фойда қуриши керак? Ношир узи чоп этган китобни узининг савдо дўконларида сотса булмайдимиз? Ва ниҳоят, нега муаллиф узи яратган асар учун ношир билан узи шартнома тузиб, фалон юз минг сум қалам худди талаб қилмаслиги керак? Китобнинг умумий нархидан ёки ноширнинг соф даромадидан фалон фоизини нега талаб қилмаслиги керак? Отам замонидан қолган «Печат листига фалон сум», деган гаплар аллақачон талабга жавоб бермай қўйди-ку!

Бу уринда бошқа бир савол ҳам туғилиши мумкин. Ноширларга эрк берилса, пала-партиш асарлар кўпайиб кетмайдимиз? Бунга жавобан бир қанча далиллар бор. Биринчидан, бизнинг китобхон яхши асар билан ёмонини фарқлай олмайдиган даражада саводсиз эмас. Иккинчидан, чиқаётган ҳар бир асарнинг илмий, бадиий, маърифий жиҳати мукамал булишини Қонун йўли билан белгилаб қўйиш мумкин. Дунё практикасида бу тажриба ҳам бор. Давлатимиз дарсликлар, болалар адабиёти, баъзи техника адабиётларини таъминлаётгани нур устига нур. Аммо бошқа нашрларни уз ҳолига қўйиш вақти етди. Бундан ношир ҳам, давлат ҳам, ҳақиқий истеъдодли қаламкаш ҳам, охир-оқибат маънавиятимиз ҳам фақат фойда қуради!

Хуллас, юртимиз мустақиллиги ва маънавиятини юксалтиришга катта имконлар очганлиги, адабиёт ва санъатни ривожлантириш йўлида жиддий ишлар қилинаётгани куришиб турибди. Бироқ утинг даври ва бозор иқтисодиёти бу соҳага узининг узгаришларини киритаётгани ҳам бор гап. Муаммолар оз эмас. Уларни ҳал этиш учун аввало, юртимизда тиңчилик, ҳамжиҳатлик булиши керак. «Туркистон — умумий уйимиз!» деган пиор кенг қўлоқ ёйгани, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар Ўзбекистонга ҳавас билан қарашгани бежиз эмас. Тотувлик, осойишталик бор жойда ҳар қандай эъгу юмушни бемалол бажариш мумкин. Бунинг учун эса биз — аввало зиёлилар Истиқлолимизни қадрлашимиз, эл-улусни ҳам шунга даъват этишимиз керак!

Уткир ҲОШИМОВ.



*Аҳмад Лутифий*

## ИНТИЗОР КУТИЛГАН ШАФАҚ

Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётлари

### I Каъба йиқилдими?

#### Фил ва Абобил қушлари

Эрта тонгдан бери анчагина йўл юриб қўйган лашкарга ҳароратнинг ошиши туфайли истироҳат берилди. Отлар, туялар қўйиб юборилди. Улови йўқ яёвлар тўхтаган жойларида чўкиб қўя қолдилар.

Атрофда биронта ҳам тиккайган дарахт ёхуд яшиллик кўринмас эди. Узаниб ётган қум саҳроси. Ора-сира учрайдиган кичик тепачалари билан гоҳ баландлашиб, гоҳ пастлашиб давом этарди.

Феврал ойи охишлаб бораётган эди. Бироқ Арабистон ярим оролида бу ойлар ҳам ёздагидек иссиқ бўлиши ҳақиқатдир.

Мешлардаги сув қон каби илиқ. Бундай ҳавода ҳеч ким илиқ сув ичишни истамайди. Аммо, начора, ичмасликдан бошқа чора ҳам йўқ эди.

Аскарларнинг баъзилари чўктирилган туяларга суяниб, баъзилари белбоғларини қумга ёйиб, устида ухлаб қолишган. Истироҳат берилгандан кейин уйғоқ бирор кимса қолмаган ҳисоб.

**Аҳмад Лутифий** — ҳозирги замон турк адиби, тарихчи олим. Биз эътиборингизга ҳавола этаётган «Интизор кутилган шафақ» унинг Саодат асридан ҳикоя қилувчи олти жилдан иборат асарининг биринчи китобидир. Китоб тўла ҳолида Жаноби пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг туғилишларидан то вафотларига қадар муборак ҳаётларини қамраб олади. Худди шу мавзуга бағишланган бошқа асарлардан фарқи — муаллиф аниқ тарихий воқеа-ҳодисаларни узига хос бадиий йўсинда акс эттирганидир. Натижада гоёқ ўқишни чиққан. Бу китобларнинг машҳур бўлиб кетганини шу далилдан ҳам билса бўладики, асар ватанида турт марта қайта нашр қилингандир. Иншоолар, сўзларга ҳам ёқадди, деган умиддамиз.

— Тур урнингдан, оғайни.

— Тинчликми?

— Турганингдан кейин биласан.

Аскар беистак урнидан турди. Ўзига қолса-ку, яна соатларча ширин уйқусини давом эттирган буларди. Узун-узун эснади.

— Бу йўл қачон тугайди, оғайни?

— Қаердан билай? Абу Риғолдан сўра.

— Сабрим тугади...

— Менинг ҳам жонимга тегди.

Шу пайт юришга буйруқ берилди. Лашкар ортидан чангтўзон қолдириб, Макка томон силжий бошлади.

Лашкар орасида тарқатилган гапларга кўра, яна икки кундан кейин Маккага етиб борилиши керак. Абу Риғол бу оқшом Мугаммисга борилажагини, у ердан эса, Маккага икки қадамлик йўл қолишини сўзларди.

Қоронгу тушгунча давом этган бугунги юриш «Тўхта!» амри билан ниҳоя топди. Юклар туширилди. Чодирлар тикилди.

Абраҳа хизматчисини юбориб Абу Риғолни чақиртирди. Абу Риғол Абраҳанинг ҳузурига кириб, ерни улди.

— Бу жойнинг номи нима?

— Султоним, бу жойни Мугаммис дейишади.

— Маккага ҳали узоқми?

— Етиб келдик деб ҳисоблайверинг. Бақирсангиз, овозингиз етади.

— Бир кунда етиб бора оламизми?

— Бир кунга бормас, етиб келдик ҳисоби, султоним.

Абраҳанинг юзида мамнунлик аломатлари пайдо бўлди. Хизматчисига:

— Бу ерда бир неча кун қоламиз. Тахтим қурилсин! — деди.

Абу Риғолга кетишга изн берди-да, дам олиш учун тўшаига га чўзилди.

Ниҳоят, улуг орзуи амалга ошадиган пайт етиб келган эди. Ҳафталаб юрилган йўллар ахийри поёнига етган, чекилган машаққатларнинг мукофотини олиш соатлари яқинлашган эди. Ётоғида шундай тотли хаёллар оғушида ором оларкан, шод-хуррамлик билан уйқуга ҳозирланди.

Абу Риғол Тоиф шаҳридан эди. Маккадаги муборак Байт-ни — Каъбани бузиш учун келган Абраҳа лашкари билан Тоифга ҳужум қилмоқчи бўлиб турганида, бу шаҳарнинг оқсоқолларидан Масъуд ибн Муаттиб бошчилигида бир ҳайъат Абраҳанинг қаршисига чиқди:

— Эй, Малик, сен вайрон қилмоқчи бўлган Байт Тоифда эмас, Маккада. Бизнинг сенга қарши урушадиган кучимиз йўқ. Агар Тоифга ҳужум қилмасанг, сени Маккага энг қисқа йўл билан олиб борадиган етакчи берамиз, — дедилар тоифликлар.

Абраҳага бу таклиф хуш ёқди. Унинг мақсади ҳам урушиш эмасди. Балки Санъа шаҳрида ўзи қурган калисога рақиб бўлган ва араблар томонидан эъозлаб келинган Каъбани бузиш ҳамда Макка халқининг муҳаббатини калисога қаратиш эди. Шу сабабли тоифликларнинг таклифини қабул қилди. Тоифликлар йўл кўрсатувчиликка Абу Риголни бердилар.

Абу Ригол Тоиф — Макка йўлини беш бармогидек яхши биларди. Кўп карвонларга йўл кўрсатувчилик қилган эди. Бу сафар эса, Каъбани бузиш учун кетаётган лашкарга йўл курсатишига тўғри келди...

Ажабо, бу хизмати эвазига нима берар эканлар? Хизмат ҳақи масаласида ҳали келишилмаган эди. Ҳақини Абраҳа берармикан ёки тоифликларми?.. Тугашига бир кун қолган бу сафардан яхшигина даромад олишни умид қиларди у.

Балки бир энг зотдор туянинг соҳиби бўлар. Олтмиш минг кишилик лашкарга йўл кўрсатувчилик қилиш чакана хизмат эмасдир ахир!..

Аммо... бу не ҳол? Абу Риголни тўсатдан чидаб бўлмас бир тутқаноқ тутди. Икки дақиқа мобайнида ич-ичидан келган кучли огриқ уни типирчилатиб қўйди ва, ниҳоят, ўтиб кетди. Бу огриқ яна бир бор рўй берса, Абу Ригол бардош беролмасди.

Турди, унгу сўлга юрди. Лашкар сафида келган Маҳмуд исми баҳайбат хонаки филнинг ёнига борди. Улут ҳайвон ҳисобланган бошқа филлар бу ҳайбатли филнинг олдида болачасидек кичик кўринар эди. Абраҳа Каъбани мана шу баҳайбат филга буздирмақчи эди.

Абу Ригол бир неча дақиқа бу филни томоша қилди. Бир парча ҳам булут кўринмаган осмонга боқди. Самодаги беҳисоб юлдузлар унга таниш кўринди. Йиллар давомида карвонларга йўл кўрсатувчилик этган Абу Ригол бу юлдузларга қараб юрар, у юрган йўллари кечалари ана шу юлдузлар ёритиб турар эди.

## МУАЛЛИФДАН

Саодат йўлининг энг улуг ва энг сўнги раҳбари, Оллоҳ таолонинг энг севгили қўли ва элчиси ҳазрати Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам (с. а. в.) жанобларининг гўзал, баркамол, урналик ҳаётларини бутун борлигича айнан тасвирлаш, асҳобининг унга нисбатан муҳаббатини, вафодорлик тўғуларини мукаммал курсатиш, душманларининг кин ва ҳасадга тула хатти-ҳаракатларини тўласича ифодалаб бериш, фикримизча, ҳеч бир инсоннинг қўлидан келмайди. Масалан, Абу Бакр ҳазратларининг Жаноби Расулulloҳга (с. а. в.) бўлган меҳр-муҳаббати, Абу Жаҳлдаги кин ва ҳасад уммон каби чексиз-чегарасиздир. Ҳозирга қадар айтилган гаплар ҳам, айтилажак гаплар ҳам шу уммондан бир неча қатрадир, холос.

Юз йилларча давом этган туссиз, масъулиятсиз ҳаёт, бу ҳаёт ичидаги яхши-ёмон, ибрат олиш мумкин бўлган эътиқод, ахлоқ, одат ва анъаналар... Ундан кейин илоҳий амр ҳилпиратган Тавҳид санжоги ва ҳақ билан ботил орасида юзага келган буюк кураш...

Қўлингиздаги китоб Сарвари анбиё жанобларининг (с. а. в.) туғилишдан то нубувват вазифасини олгунга қадар кечган ҳаётларини ва ўшандаги жоҳилият даврини акс эттиради. Ундан кейинги — нубувват ва рисолат вазифасини олгандан то Парвардигорига эришгунларига қадар ўтган вақтга «Саодат даври» дейилади.

У яна юрди, чодирга кирди, утирди. Қўққисдан тагин ичи санчди. Абу Риголнинг вужуди шу даражада азоб бериб огридики, тирноқлари билан беихтиёр тупроқни чангаллаб қолди. Қинидан чиқиб кетгудек бўлган кўзлари, буришган башараси, тишларининг орасида қисилиб қолган тилини кўрган одам қўрқиб кетган бўларди. Абу Ригол ерда юмалаб, типирчиларди. Бўғзида уқтин-ўқтин чиққан бўғиқ инграшларни ухлаб ётганларнинг биронтаси эшитмади. Беш дақиқалар чамаси вақт ўтгач, Абу Риголнинг ҳаракатлари секинлашди ва, ниҳоят, вужуди ҳаракатсиз, тинчиб қолди.

...

Эрталаб уйгонгач, юриш тараддудини кўрар эканлар, лашкарга эълон эшитирилди. Абраҳа бир кунлик истироҳат берган эди. Сабаб — Каъбага яқинлашиб қолганликлари бўлди. Яхшилаб дам олингач, сўнгра Каъбага ҳужум қилиниши билдирилди. Ўрнидан турганлар яна такрор ётдилар. Тоза ҳаводан симириб, ҳамроҳлар узаро суҳбатта берилдилар.

...

Абу Риголнинг нонуштасини келтирган одам унинг ҳали ҳам ўрнидан турмаганини кўрди. У юзтубан ётар, қўли нарироқдаги бир нарсани олмоқчи бўлгандек узалган эди. Келган одам уни уйготмоқчи бўлди:

— Ўлганмисан нима бало, тур, эй Абу Ригол!

Абу Риголнинг танаси қимирламасди. Аскар ҳайрон бўлди. Сўнгра бақира кетди:

— Улибди, улибди!

— Ким улибди?

Уйлаймизки, ушбу китобни ўқиганлар орасидан «Пайгамбаримизни янада яқиндан танидим, янада кўпроқ севадиган бўлдим», дейдиган бирор инсон чиқар ва ҳузурли илоҳийда ҳам шундай шохидлик берар. Ана шунда бу китобдан кутилган натижа-муқофотга эришган бўламиз.

Асарнинг бу жилдида пайгамбарлик вазифаси келгунга қадар Расулulloҳнинг муборак исми шарифларига «соллаллоҳу алайҳи васаллам» саловоти қўшилмаган. Бироқ буни Расули Акрамга нисбатан ҳурматсизлик деб тушунмаслик керак. Китобда ҳурматга қўлдан келганича риоя қилинган.

Бугун ҳам марқад муборакларида самимият ила салоту салом айтганларга шаънларига ярашадиган даражада муомала қилишларига ишонганимиз Расулulloҳга (с. а. в.) абадиятлар қадар ва олинган нафаслар сонича салоту саломлар айтмамиз.

Оллоҳ таоло сари элтувчи ягона саодат ва ҳидоят йули бор, у ҳам бўлса, пайгамбаримиз (с. а. в.) курсатган йўлдир. Инсоният эриша оладиган энг юксак ахлоқ қандай бўлиши лозимлиги пайгамбаримиз (с. а. в.) тарафларида шу шахсан яшаб кўрсатилган. Бундан бошқа йўл қидирган кимса бадбахт бўлар. Уни камситган киши дунё ва охирада хору зор бўлар. Унга қарши чиққанлар алал-оқибат бало-қазога гирифтор бўлар.

У зотга бўлган севи — ибодат, у зотнинг шарафли исмларини зикр этиш — саодат, у кишининг шафоатларидан махрум қолиш — фалокатдир. У

— Абу Ригол улибди, — дея титрарди ҳалиги аскар.  
Бир соат ичида олтимиш минг кишилиқ бутун лашкар бу нохуш хабардан воқиф бўлди.

Абраҳа нонуштасини битиргач, хизматкори унинг қулогига пичирлади:

— Нима, Абу Ригол улибдими?

Абраҳа ишонмади:

— Алжирама, кечгача олдимда эди-ку?!

— Султоним, ўлганлиги аниқ.

— Бориб ўзинг кўриб кел-чи. Булар-бўлмас миш-мишларга ишонаверасанми?

Хизматчи чиқди. Қайтиб келиб, биргина сўз айтди:

— Улибди.

Абраҳа «булиши мумкин» дегандек, бошини қимирлатди ва:

— Зотан, биз ҳам қарийб Маккага келдик... — Сунгра буюрди: — Чуқур қазиб, уликни кўминглар!

Абраҳа филбон Асвад ибн Мақсудни чақириб, унга бир неча суворий берди ва Маккага жўнатди. Асвад Макка томонга бориб, у атрофдаги туяларни ҳайдаб келтирди. Бу туялар орасида Макка раиси Абдулмутталибнинг икки юз туяси ҳам бор эди.

Макка халқи Мутаммисда тўхтаган катта лашкарнинг даҳшатидан узини йўқотиб қўйди. Шаҳар катталари Абдулмутталиб раислигида «Доруннадва» деб аталадиган жойда мажлисларини ўтказдилар. Бу қадар катта лашкарга қарши урушмоқ улим билан баробардир, дедилар. Абдулмутталиб йиғилган

зоти шарифга, у зотнинг йўлларидан юрганларга, у зотга хос уммат бўлишга гайрат қилаётганларга саломлар бўлсин. «Инсон севгани билан биргадир» ҳадиси хабар берган саодатга эришганларга салом...

«Бугун бир соатгина Расулulloҳни ўйимда меҳмон қилсам, қандай бахтиёр бўлардим!»

«Дуконимга бораётганимда, олдимда пайгамбаримиз юриб бораётганларини кўрсам, мен узим қандай юрган бўлардим?»

«Мен қатнашаётган мажлисда Набийи Акрам жаноблари (с. а. в.) ҳам утирган бўлсалар, мен ўзимни қандай тутардим?»

«Жаноби Расулulloҳ яшаган Саодат даврида яшаганимда, у зотга ҳурматим қандай бўларди?» — каби ҳаяжонли саволларни ўзига бера олувчи ва буларни азиз умрида тадбиқ қилиш фурсатини топгучи, ётарда у кишининг севглиси ёди билан уйқуга кетувчи, уйғонганида у зотнинг гул бўйларини ҳидлаш фикри ила турадиган мўминларга саломлар бўлсин...

Тилим сени сўйласин, қалбим доим сени эсласин,  
Севгинга тўқнашмаган қалб кўксимда бўлмасин.  
Мушк таратган тупроғинга юзларимни сурмасам,  
Исён ила чириган кўзларим юмулмасин.

Аҳмад ЛУТФИЙ  
1982 йил.

маълумотларни мажлис аъзоларига етказди. Мажлис аъзолари лашкар кўмондони билан учрашишга қарор қилдилар.

Шу орада Доруннадвага Абраҳанинг элчиси келтирилди.

— Макка раиси ким, мен у билан кўришмоқчиман, — деди элчи.

Йиғилганлар Абдулмутталибга қарадилар. Элчи унга:

— Яман ҳукмдори Абраҳа сен билан кўришмоқчи, — деди.

— Мақсади нима?

— Ҳукмдор: «Мен сизлар билан уруш қилгани келганим йўқ. Фақатгина шу Байтни бузмоқ учун келдим. Агар бизга қарши чиқмасаларингиз, мен ҳам қонларингизни тўқмайман», деяптилар.

Абдулмутталиб қарорни айтди:

— Бизнинг ҳам сизлар билан жанг қилиш ниятимиз йўқ. Кучимиз ҳам етмайди. Урушиш учун сабаб ҳам йўқ.

— Ундай бўлса, ҳукмдорим сени кутмоқда.

— Қани, бошла.

Абдулмутталиб ёнига икки ўглини олиб, ҳабаш лашкари томон йўл олди.

Абдулмутталиб Абраҳанинг чодирига кирди.

Абраҳа умрида бундай одамни кўрмаган эди: Абдулмутталиб узун бўйли, гоят хушфезъл, юзидан нур ёғилиб турарди. Подшоҳ бирдан юрагининг тез ура бошлаганини ҳис этди. Бу одамга оддий кишилар билан гаплашгандек муомала қила олмасди. Тахтидан тушди. Ерга ўтирди. Абдулмутталибни ёнига ўтказди. Таржимон воситасида сўради:

— Мендан нима истайсан?

— Одамларинг олиб кетган икки юз туям қайтариб берилишини истайман.

Абраҳа бу жавобдан ҳайрон қолди. Яна бир бор Абдулмутталибга бошдан-оёқ разм солди. Бирор камчилик тополмади. Эшитган сўзлари бу инсоннинг сўзлари эканлигига ишонмади. Ўртани сукунат қоплади. Абраҳа, боши эгик, ўйланиб қолди. Кейин таржимонга бир нарсалар дея пичирлади. Таржимон Абдулмутталибга:

— Сени кўриб ҳайбатингдан титраб кетдим. Нақадар виқорли, улуг одамнинг рупарасида турганимни тушундим. Аммо сўзларингни эшитиб, фикрим ўзгарди. Бир неча туянгни қайтариб беришимни сўрадинг. Ҳолбуки, мен сен ва ота-боболаринг муқаддас деб келган Байтни бузиш учун келдим. Сен бу Байтни бузмаслигимни сўрайсан, деб ўйлаган эдим.

Абдулмутталиб гоят сокинлик ила:

— Мен туяларимнинг эгасиман. Байтнинг эса, эгаси бор, у ўзи қуриқлаб олади, — дея жавоб қилди.

Абраҳа бу сўздан ҳайратланди:

— Ҳеч ким мени бу қароримдан қайтаролмайди. Сен ҳам, Байтнинг соҳиби ҳам...

Сунгра ёнидагиларга:

— Бу одамга туяларини қайтариб беринглар, — деди.

Абдулмутталиб чодирдан чиқиб кетди. Абраҳа ҳайратлар

ичида қолди. Бу одамнинг сўзлари ҳеч ҳам оддий сўзлар эмас эди. Ҳатто Абдулмутталиб бу сафар кўзига яна ҳам ҳайбатлироқ кўринди. Унинг назарида, бу одамни менсимасликнинг сира иложи йўқ; уни менсимасликка ҳаракат қилганларнинг обрўйи тукилар эди.

Абдулмутталибнинг келишидан кўра кетиши улутвор бўлди. Ҳақиқатан ҳам бу дашт одами тоғда бўрию қушларни озуқлантиради деганлари рост экан, деб таъсирланди Абраҳа.

Абраҳа унга «Ҳеч ким мени бу қароримдан қайтара олмайдими», дер экан, Абдулмутталибнинг сўзлари уйғотган таҳликани билдирмасликка ҳаракат қилди. Катта лашкари ва баҳайбат фили бор эди унинг. Буюк Арабистон юртида унга қарши чиқиб: «Менман сен билан урушадиган!» дейишга журъат этадиган бир мард топилмас эди. Бу уйлар туфайли газаби келган Абраҳа лашкарига берган истироҳат муддатини қисқартириб, эрта тонгданоқ Маккага юришни амр қилди.

Абдулмутталиб туяларини етаклаб Маккага кириб борди. Макка халқига Абраҳанинг мисли кўрилмаган лашкари ҳақида маълумот берди ва ҳаммага шаҳарни тарк этиб, тоғларга чиқиб кетишни буюрди.

Сунгра Қурайшнинг кайвонилари билан бирга Каъбанинг ёнига келиб, Байт эшигининг ҳалқасини тутди. Кўзларидан оқаётган ёшлар соқолидан тушиб, кўксига томчилар эди. Олоҳга юкиниб, маҳзун сас ила дуо этди:

— Оллоҳим, банданг ўз ашё-рўзгорини қуриқлашга интилади. Сен ҳам ўз мулкинг — Байтингни қуриқда. Уларнинг хочлари, куч-қувватлари сенинг қудратинг устидан асло голиб келолмайди. Агар уларнинг хоҳиши бўйича бизни улар билан қибламиз олдида ёлғиз ташлаб қўйсанг, бу ҳам сенинг ишингдир.

Абдулмутталиб шу сўзларни айтар экан, ёнидагилар ҳаяжон ичида «Омин» дедилар. Кўнгиллардан чиқаётган ниёзлар олий даргоҳга юксалар, бутун Макка халқи Абу Қубайс тепаларида қўл очиб, бу дуоларга жўр бўлишар эди.

Кейин юзта туя келтирилиб, қурбонлик учун нишон урилди ва Каъбанинг ёнига қўйиб кетилди. Каъбага ҳужум қилганлар бу ҳайвонларни сўйиб есалар, бу ноҳақ ҳаракатлари учун Оллоҳ улардан интиқом олади, деган тушунча билан шу иш қилинди.

Абдулмутталиб ва шериклари Каъбани асл соҳибга омонат этиб топширгач, тоғларга қараб кетдилар ва душманнинг шаҳарга келишини пойлай бошладилар.

Абраҳа ярим кечада уйғонди. Кўзлари чодирнинг тепасига тикилган эди. Нафас олиши тезлашди. Юраги ҳам тез ура бошлади. Зеҳнини ҳали ҳам ўша сўзлар эгаллаб олган эди: «Мен туяларнинг эгасиман. Байтни эса, эгаси қуриқлаб олади». Бу сўзларни айтган одамдаги матонат унга қаттиқ таъсир қилган эди. Араб диёрида туллаш мумкин бўлмаган улуг бир лашкарининг бош қўмондони, Яман мамлакатининг подшоҳи бўла туриб, айтилган бир жумланинг таъсиридан ҳеч қутулолмас эди. Бу жумла узоқдан келаётган ва яқинлашган сари кучаяётган бир портлаш каби даҳшатли эди. У яқинлашган сари Абраҳа чайқалар, қаттиқ зарбалар билан руҳини остин-устун этар эди. Ниҳоят, чидаёлмаслигини англади ва урнидан қалқиб, ташқарига чиқди.

Муҳаррам ойининг ўн олтиси арафасида катта баркашдек кенгайган ой бутун ҳашамати ила жаҳонни томоша қилмоқда эди. Инсон кўзини безовта этмайдиган энг тотли ёруғлик эди бу. У атрофга нур сочиб турарди. Бундай кечада ойнинг шундай ҳолини кўрган одам фақат ҳузур қилади ва руҳи дам олади.

Абраҳа олтиш минг кишилиқ лашкарини бир сидра кўздан кечирди. Бу даҳшатли куч унинг биргина буйруги билан ҳаракатга келади. Бу лашкар билан фақат Каъбани тугул, балки бутун Маккани вайрон этмиш қийин иш эмасди. Бу лашкар билан бутун араб оламини тиз чўктирса бўларди. Кекса Абдулмутталиб: «Байтни эгаси қуриқлаб олади», деб уртага солган гулгула энди ниҳоят эрталаб ариса керак. Бутунгача барча арабларнинг қалби боғланган Каъба хароб этилажак, қарши чиққанларнинг калласи кетажак. Араб олами бутунга қадар бундай лашкари кўрмаган эди. Бу лашкар араблар тушларида ҳам рози бўлмайдиган катта ишни бажаради — асрлардан бери муқаддас деб топиниб келинган Каъба салтанатига сўнгги нуқта қўяди.

Абраҳа анчагача шундай уйлар билан лашкарини томоша қилди. Чодирга қайтар экан, узига ўзи шундай дерди:

«Сўнгги сўз эртага. Ҳа, охириги сўзни Абраҳа айтадимиз ёки Байтнинг эгасими, эртага кўрамиз».

Ётди. Кўзларини юмиб, Санъа шаҳрида қурдирган муҳташам калисосини хаёлига келтирди. Билқиснинг саройи қолдиқларидан кўчириб олинган мармарлар, энг ноёб дарахтларнинг ёгочлари билан безаб қурдирган калисосини севмаган инсон қолмаган эди. Ниҳоятда баланд, кенг, ҳашамли, мустаҳкам бир калисо бўлган эди у. Бунинг учун беҳисоб давлат харжланган, сон-саноксиз одам ишлатган эди. Аммо, ҳайҳотки, ялангоёқ араблар бу калисони мақбул кўрмай, яна ўз Каъбаларига рағбат курсатавердилар. Бундан газабланган Абраҳа бир куни Яман тужжорларидан сўради:

- Маккадаги Каъбани кўрдиларингми?
- Албатта, султоним, бир неча маротаба кўрдик.
- Хуш, у каттами ёки меники каттами?

— Сизники катта, султоним.

— Қай бири гўзал — Каъбами ё мен қурган калисоми?

— Сизники гўзал. Каъба — тошлардан қурилган тўрт дордан иборат бир бино. Устига латта тортиб қўйилган, атрофида юзлаб бутлар йирилган бир ибодатгоҳдир. Қуруқ ва иссиқ, атрофи тоғлар ила уралган бир водий. Суви жуда оз. Яқиндагина Макка раиси Абдулмутталиб бир қудуқ қаздирди. Бу қудуқ илгаридан мавжуд бўлган, аммо кўмилиб, унутилган экан. У одам қайтадан очибди. Шу қудуқнинг суви жуда ширин ва битмас-туганмасдир. Арабларнинг бу қудуққа рағбатлари кучли.

— Хўш, менинг калисом муҳташам бўлса, нега араблар уша тош иморатга бунчалик кучли муҳаббат қўядилар?!

— Султоним, бу Байт уларга катта боболари Иброҳим пайгамбардан қолган. Уша вақтлардан бери муқаддас ва мубороқ ҳисобланади. Тош учун эмас, уша пайгамбардан қолган қудсий мерос ва омонат бўлгани учун бу Байтга шу қадар қаттиқ боғланганлар.

— Тушунарли. Демак, токи у Байт мавжуд бўлар экан, менинг калисомга рағбат қилинмайди, шундайми?!

Одамлар кетгач, Абраҳа отини ҳозирлашларини буюрди. Калисога бориб, уни тўйиб-тўйиб томоша қилмоқчи эди.

Калисога яқинлашгач, шовқин-суронга дуч келди. Калисо хизматчиларининг юзларида қўрқув излари намоён эди. Худди улар подшоҳнинг ташрифидан норози каби. Қандай воқеа юз бергани бирор дақиқа ўтгач, маълум бўлди. Хўш бўйлар таратсин, дея атирлар, мушку анбарлар септирган калисосига бир одам ҳожат чиқариб кетибди! Буни эшитган Абраҳа дабдуруст ўзини тушдами ё унгдами эканлигини билолмай қолди.

— Қўлимни тишла-чи?

— Ие, султоним, бу нима деганингиз?!

— Тишла, қаттиқ тишла!

У одам буйруқни бажарди.

— Бўлди, етар.

Ҳа, бу туши эмас, унги эди. Юзи қўрқинчли даражада ўзгарди. Хизматчиларнинг ранглари оқарди ва бошлари устида улим шамоли эсаётганига шубҳалари қолмади.

— Бу қандай разолат?! Сизнинг бу ердаги вазифангиз нима?!

Бошлари эгилди. Жавоб бермадилар.

— Тезда қидирилсин!

Зиёратчилардан бири:

— Султоним, эрталаб Кинана қабиласига мансуб бир одамнинг бу ердан чиқётганини кўрдим.

Унинг сўзлари тўғри эди. Уша Кинана қабиласи кишиси бу қилгиликни қасдан қилган. Каъбанинг обрўйини синдириш мақсадида қурилган калисога нисбатан арабларнинг қараши шундай. Яъни, «араблар учун бу калисо кенг ва чиройли бир ҳожатхона бўлиши мумкин, холос», демоқчи бўлган.

Абраҳа бу гапга бутун қалби ила ишонди. Чунки Яман

диёрида яшовчи ҳеч бир одам бу ишни қилишга журъат этолмасди.

Кинаналикни бошқалар ҳам кўришган эди. Қидирдилар, аммо тополмадилар. Топилса ҳам, фойдаси йўқ эди. Чунки бу ишни у қилмаганида ҳам, бошқа бирови қилган бўларди.

Абраҳа калисодан чиқар экан, саройдаёқ зеҳнига жойлаштириб қўйган «Каъбани бузиш» режаси янада кучайди ва бу ниятимни муқаррар амалга ошираман, деб онт ичди. Бир томондан, мақсадини қўшни Ҳабаш ҳукмдорига билдириб ёрдам сўради; иккинчи томондан, ўз лашкарини юришга тайёр бўлишга буюрди. Ҳабашистондан келган ёрдамчи аскарлар билан бирга «Маҳмуд» лақабли улкан фил ҳам бор эди.

Шундай қилиб, жами ҳисоби олтмиш мингга етган лашкар билан йўлга чиқди. Йўлда бир қанча қабилалар унга буйсунди. Булардан Шаҳдон ва Наҳис қабилаларининг раиси Нуфайл ибн Ҳабибни ўлдирмоқчи бўлган эди, йўл кўрсатувчилик қилиш шарти билан ўлдирмади. Узоқ давом этган сафардан сўнг Мугаммис деб аталган жойга, Абу Риғол улган жойга етиб келди...

Абраҳа ётоғида ўтган кунларни уйлаб ётар экан, тонг отай деб қолган эди. Енгил бир уйқу босди, аста-секин юмилган кўзлари уйқуга таслим бўлди.

...

Абраҳа яхши ухлади. Тонгга қадар паришон ҳолга келган зеҳнини охири уйқу элтиб, ором олди. Кеч уйғонди. Нонушта асносида ҳаяжонини яшира олмади. Дарҳол лашкарга юришга амр берди. Сафнинг энг олдидан улкан фил жой олди. Йўтон бақувват харғуми билан Каъбани йиқитиши кутилмоқда эди. Араблар балки у Байтни сўнгги маротаба тавоф қилиб видолашаётгандирлар.

Тайёргарликлар тугади. Бу орада Нуфайл ибн Ҳабиб филга яқинлашиб: «Эй Маҳмуд, чўк. Соғ-саломат келган жойингга қайт. Чунки сен Оллоҳ ҳаром қилган, қўл теккизилмоғи манъ этилган ҳудудда турибсан», деди-да, жуда тезлик билан тоққа қараб чопиб кетди.

Абраҳа ҳозирланган отига минди ва юришга буйруқ берди. Филнинг эгаси Унайс филга юришни амр қилди. Аммо фил ётган жойидан қимирламади. Унайс қўлидаги таёқ билан филни енгилгина урди, жонивор барибир қимирламади. Яна урди, яна урди, ҳеч турадиганга ўхшамади. Абраҳа отининг устида виқор ила туриб, филнинг ўрнидан қалқошини кутмоқда эди. Ниҳоят, сабри тугади:

— Тезроқ тургаз бу ҳайвонингни! — деб бақирди.

Унайс буйруқни бажармоқ ниятида таёқни бор кучи билан филга урди. Бироқ бунинг ҳам натижаси бўлмади.

— Аҳмоқ, филни шунақа тарбиялайсанми?

— Ҳеч бундай одати йўқ эди, султоним, унга нима бўлганини тушунолмаёман.

Ердამчиларни ҳам чақириб, филни биргаликда тургазмоқчи бўдилар. Лекин на ёрдამчиларнинг гайрати, на Унайснинг пешонасидан оқаётган терлар ва на танасига урилган зарбалар жониворни жойидан қимирлата олди. Абраҳа асаби бузилиб, жигибийрон бўлиб, нима қиларини билолмай қолди. Борган сари газзати ошган Абраҳа қўлидаги найзасини филнинг бурнига санчди. Бурнидан қон отилиб чиқди, ҳайвон урнидан сакраб турди. Бироқ олдинга қадам ташламади.

— Нариги томонга бур-чи, — деди бириси филбонга.

Шунда унга эгирилди. Абраҳа кулимсиради. Чунки фил юра бошлаган эди. Орқага юрди, чапга қайрилиб юрди. Қайсарлиги тугагандек эди. Аммо Каъба томонга йўналтирилган заҳоти фил турган жойига михлангандек бўлди-қолди. Макка томонга бир қадам ҳам қўймади. Яна унга, чапга, орқага юргизиб кўрдилар, юрди. Макка томонга эса, қайрилар эди-ю, ҳеч юрмасди.

Шу вақт Абраҳанинг зеҳнида чақмоқдек бир овоз чақнади: «Мен туяларнинг эгасиман. Байтни эса, эгаси кўриқлаб олади». Демак, филнинг Макка тарафига қадам ташлай олмаётгани Байтнинг кўринмас соҳибига алоқадор бир ҳикматданми-кан! Энди Абраҳанинг олдида икки йўл турарди: ё филни бу ерга ташлаб, лашкар билан Маккага ҳужум қилиш, ёки бутун лашкарни олиб ортга қайтиш. Аммо шунча азиятлар Макка остонасига келганда орқага қайтиш учун чекилдими? Бу муаззам лашкар катта мақсад билан тўпаланган, ахир. Абраҳа филни шу ерда қолдириб олга юришга қарор берди.

Шу вақт уфқда пайдо бўлган бир тўп қора нарса эътиборини тортди. Бу қора борган сари яқинлашиб келаётган қушлар тўдаси эди.

— Бу томондан ҳам келаётгилар.

Абраҳа эгирилди. Унг томондан ҳам бир тўда қуш яқинлашмоқда эди.

— Қалдирғочга ўхшайди.

— Йўқ, булар абобил қушларидир.

— Қаранглар, бу тарафдан ҳам келаётгилар.

— Демак, ҳаммаси бизнинг устимиздан учиб ўтишади.

— Устимизни ишқилиб ифлос қилишмасин-да...

Фил эсдан чиқиб, лашкар ҳар тарафдан учиб келаётган қушларга тикилиш билан овора эди.

— Умримда кўрмаганман бунақасини.

— Орқа томондан ҳам келаётгилар қуши қурмагурлар.

— Талеи бор биронтамизнинг бошимизга нимадир ташлаб кетар.

— Э, толеъ бизда нима қилсин...

Қушлар жуда яқинлашиб қолди. Лашкарнинг устига келди.

Шу пайт бир фарёд эшитилди:

— Онажон, вой-дод!..

Бирин-кетин оҳу фарёдлар ортаверди.

Қўлини ушлаган одамга қарадилар. Билаги тешик, қон отилиб чиқарди. Нўхатдан кичик, мошдек келадиган, пиш-

ган гиштнинг ушоғи сингари қаттиқ бир тош бор эди қўлида.

— Нима бўлди, огайни?

— Ким отди сенга?

Аммо бу саволни бердилару ўзлари ҳам бақира бошладилар. Чунки қушлар тепадан ёғдираётган тошлар уларга ҳам насиб этган эди. Метин тошчалар дуч келган одамнинг вужудини тешиб юбораверди.

Икки дақиқадан кейин бутун бошли лашкар нима қиларини билмай, шошилиб қолди. Ерда типирчилаётганлар, у ёқдан-бу ёққа қочаётганлар, қўлига тушган нарсани ўзига қалқон қилиб сақланишга беҳуда уринаётганлар ва жигарлари узилаётгандек бўкираётганлар сон-саноқсиз эди.

Лашкар қаерга қочишини билмай сарсон ҳолда:

— Нуфайл... Нуфайл... — деб бақирар эди.

Нуфайл худди шу воқеалар содир бўлишини олдиндан билгандек қочиб кетиб, жонини сақлаб олган эди. Нуфайл уларга қутулиш йўлини кўрсатадигандек, уни қидираётган эдилар. Лекин энди кеч. Қудрат қўли билан отилган ўқлар ёйдан чиқиб нишонга теккан эди. Каъба соҳибининг тенгсиз қудрати олдида улугвор лашкарнинг тиз чуқишдан ва бу мусибат қаршисида фарёд чекишдан бошқа чораси қолмаган эди.

Абраҳа бир оз аввал завқ билан томоша қилган қушларнинг энди қай тахлитда устларига фалокат ёғдираётганини кўриб, барча режалари пучга чиққанини, жон сақлаб қолиш чорасини излашдан ўзга йўли қолмаганини сезди. Кўз унгида ҳайбатли ва нуроний қария пайдо бўлгандек бўлди. У туяларини олиб кетишга келган ва Каъбани ҳақиқий эгасига топширган Абдулмутталиб эди. «Мана, кўрдинг. Каъбанинг соҳибни мулкани шундай муҳофаза қилади», дегандек бўлди унга.

Отидан тушмоққа уринди. От унинг тушмоқчи бўлганини билгандек, чўкди. Аммо у қушлар ёғдираётган тошлардан бир нечаси теккани учун мажбуран чўккан эди, буни Абраҳа англади. Шўрлик отга теккан тош унинг бутун вужудини тешиб ўтган эди. Абраҳа чодирга қараб чопди. Аммо тиззасида бирдан пайдо бўлган кучли огриқ уни жойига михлаб қўйди. Бошқа бир тош эса, қўлини тешиб ўтди. Энди қутулишнинг иложи йўқлигини англаб етди. Осмон маҳшар қадар туполон эди.

Қалдирғоч катталигидаги беҳисоб қушлар тўда-тўда бўлишиб учиб ўтишарди. Ерда жон бераётганлар, ўлганлар қалашиб ётарди. Дод-фарёдлар, инграшлар муҳдиш шовқин ҳосил қилди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас майдонда тик турган бирон жон қолмади. Барчаси ўрилган бутдой боғлари каби ерга ёстандилар. Ҳар бирининг танаси илма-тешик бўлиб кетган.

Қушлар бутун лашкарни шу тарзда маҳв этгач, аста-секин тарқала бошладилар. Аммо лашкар орасида унинг тарқалаётганини кўрувчи бирон одам зоти қолмаган эди. Аксарияти ўлган, баъзилари жон бермоқда эдилар.

Бир қисм аскарларнинг тақдирига ажал битилмаган, бу муҳдиш манзаранинг шоҳиди сифатида тирик қолишлари иста-

нилган эди. Улар Абраҳанинг бошқалар сингари бадани илма-тешик ҳолда ётганини кўрдилар. Эмаклашга ҳам ҳоли йўқ эди унинг. Қаеридан ушласалар, тўкилиб кетаман дерди. Бир матога солиб, соғ қолган туялардан бирига юкладилар ва Санъа шаҳри томон йўлга тушдилар.

Абраҳа ора-сира: «Ҳали келмадикми?» деб сўраб қўяр эди.

Бу йул унга дунёни етти марта айланаётгандек жуда узун кўринди. Ниҳоят, олисдан Санъа шаҳрининг хурмозорлари кўриниб мужда берилди. Лекин Абраҳага бу хабарни эшитиш насиб этмади. Чунки ажали етиб, дунёдан ўтган эди.

Оллоҳнинг Байтини вайрон қиламан деб йўлга чиққан Абраҳа ҳаётининг сўнги кунларини ҳеч вақт ҳаёлига келтирмаган шундай сафолат ичида тамомлади.

Байтуллоҳга қарши очган урушида аччиқ мағлубиятга учради.

Мисли кўрилмаган катта бир лашкарнинг қўмондони ва Яман султони бўлмиш Абраҳага қасамини амалга ошириш насиб этмади, балки мағлуб ва паришон ҳолда жасади Санъага қайтиб келди.

Умрининг сўнгида илма-тешик вужуди чириб, сасий бошлаган, ўзидан ўзи жирканадиган ҳолга тушган эди у. Яшаган тақдирда ҳам, ҳаёти ўзи учун, уни олиб келганлар учун тутанмас бир фалокат бўлув эди.

Абраҳанинг ўлганини эшитганларнинг юзларида «Хайрият, қутулдик», деган маънода мамнуният балқиб турарди.

...

Абдулмутталиб ва яқинлари лашкарнинг келишини кутар эканлар, устларидан тўдалашиб ўтган беҳисоб абобил қушларининг қайси амрга биноан учиб кетаётганидан беҳабар эдилар. Қушларнинг лашкар устида қора булутдай тўдалашиб айланишганини ва сўнгра кўп вақт ўтмай тарқалиб кетишганини кўрдилар, холос.

Неча кундир ҳаяжон ва қўрқув ила қутилган душман аскарлари Маккага ҳужум қилмадилар. Бир неча киши яширинча хабар олиб келиш учун йўлга чиқди. Йўлда бир кўр одамга дуч келдилар. Судралиб юрар эди у. Маълумот олиш мақсадида сўроққа тутилган бу одам филбон Унайс эди. Булиб ўтган барча воқеаларни ундан билдилар.

Абраҳага ва лашкарига берилган бу жазо барча арабларнинг Каъбага булган муҳаббат ва ҳурматларини янада орттирди. Унга қарши чиққанларнинг мутлақо мағлуб бўлишига энди ҳеч шубҳа қолмади.

Абобил қушлари воситасида Абраҳа ва лашкарига муҳаррам ойининг 17-кунида (феврал ойининг охирида) берилган жазо кўп йиллар инсонларнинг хотирасида қолди. У йилга «Фил йили», маҳв этилган лашкарга «Асҳоби фил», рўй берган бу воқеага эса, «Фил воқеаси» дея ном берилди.

Абобил қушлари учиб кетгач, осмон қузгунлар билан тўлди. Йилларча есалар ҳам тугамайдиган хазинага рубару бўлган бу йиртқич қушлар севинч ила қийқирганча роса байрам қилдилар.

Бу даҳшатли манзарани маккаликлар ҳам кўрдилар. Абобил қушлари отган тошларни хотира ўлароқ олиб кетиб, фожиали манзарани кўрмаганларга кўрсатдилар. Кўрганлар ҳайрон бўлишар, бу қадар кичик тошлар билан инсонларнинг бадани илма-тешик бўлганига, улугвор лашкарнинг кун-фаякун этилганига ҳеч ақллари бовар қилмас эди. «Нима бўлганда ҳам Оллоҳнинг берган жазоси», дея тасалли топгандек бўлдилар.

Кейин осмон қора булутларга тўлди. Чақмоқ чақди. Челақлаб қуйган шиддатли ёмғир ёғиб, селга айланди. Ёмғир ва сел ёғиб ўтгач, қузгунлар унда-бунда ётган бир-икки жасадан бошқа жасад тополмадилар.

Бу ҳодисадан таъсирланган шоирлар шеърлар битдилар. Оллоҳ номига қурбонликлар сўйилди. Каъба тавоф қилинди. Асли маккалик бўлган қурайш қабиласининг бошқа қавмлар олдидаги эътибори янада кучайди. Уларни «аҳдуллоҳ» (Оллоҳнинг дўстлари) деб атай бошладилар.

Фил воқеаси кўп йиллар мобайнида тарихнинг бошлангичи ўлароқ ҳисобланиб келинди.

...

Маҳмуд лақабли баҳайбат фил жиловдори Нуфайлнинг ҳурмати учун чўкмаган эди. Унга Каъба томон қадам босмаслик буйруғи илоҳий даргоҳдан келган, Маккага борадиган йўл унга ва ортидаги лашкарга илоҳий тақдир ила беркилган эди.

## II

### Мавлиди Набавий

(Саодатли таваллуд)

Асҳоби фил маҳв қилинган вақтларда Абдулмутталибнинг севимли келини Омина она бўлиш арафасида эди. Лекин унда ҳомиладор аёлларда кўриладиган ҳолатлар негадир йўқ эди. Ўзи ҳам ҳайрон эди бунга. На ранги ўзгарди, на кўнгли айниди ва на қусди. Қорнидаги боланинг борлигини ва огригини ҳам ҳеч ҳис қилмасди.

— Омина, сен ҳеч ҳомиладорга ўхшамайсан, — деб ҳазиллашиб қўйишарди аёллар.

Абдулмутталиб келинлари ичида кўпроқ Оминани яхши кўрарди. Бунинг икки сабаби бор эди: бири — севимли ва раҳматли ўгли Абдуллоҳнинг омонати эканлиги; иккинчиси



эса, пайгамбар Иброҳим алайҳиссаломдан бери отадан ўтилга ўтиб келаётган нурнинг угли Абдуллоҳдан кейин Оминанинг юзида тажаллий этаётгани эди.

Қабила раислари ҳам олдида ҳайиқиб турадиган Абдулмутталиб ўзининг салобатига, кексалиги, катта обру-эъгибор эгаси эканига қарамасдан, хонасига кирган Оминани утирган жойида кутиб олишга кўнгли бўлмай, ўрнидан туриб ва ҳурмат ила:

— Кел, қизим, — дерди.

— Отажон, овора бўлманг, турманг, — дерди Омина.

— Менинг келиним ҳар қанча ҳурматга лойиқ. Мен сенга бўлган ҳурматимни жойига қўўлмай хафаман.

— Мен уяламан, отажон.

— Мен ҳам сени ҳурмат қилмасам, уяламан, қизим. Қуявер мени, умрининг сўнгги дамларини яшаётган бу қари чол билганини қилаверсин.

У вақт Омина ҳеч нарса дея олмас, бироз қизарган юзлари кулимсира, боши эгилар эди.

Омина кузи ёрийдиган кунгача ҳомилали эканини билмай бемалол юрди.

...

Судралиб келган бир кўр киши Абдулмутталибнинг эшигини тақиллатди. Ичкаридан бола чиқди:

— Ким керак? — деди.

Кўр одам:

— Икки кузи билан икки оёгини бериб, ўзи соғ қолган бечорага раҳм қилинг, — деди.

Бола кўр кишини дарров ичкаридагиларга айтди. Абдулмутталиб ўрнидан туриб, «Қарай-чи», деб уйдан чиқди. Келган одамни кўргач, дудоқларидан беихтиёр «Унайс» исми чиқди. Икки ҳафта аввал руй берган воқеа эсига тушди. У даҳшатли кунда соғ қолганлардан бири шу филбон Унайс эди.

— Кел, эй Унайс.

— Қорним оч, эй Абдулмутталиб. — Унайс хотиржам гап-лаша олмасди. Ўша ҳодисанинг даҳшатида қаттиқ ларзага тушгани боис аҳволи шундай бўлиб қолган эди.

— Эшигимиз сен учун доим очик, эй Унайс.

— Аммо мен уяляпман, жуда уяляпман.

— Қани, ичкари кир-чи.

Унайс олдида дастурхон ёйилди. Таом қўйилди. Унайс овқатланар экан:

— Биз сизга бундай муомала қилмаган булардик, — деди.

— Ундай дема, Унайс. Балки, сизлар биздан кўра яхшироқ муомала қилган булар эдингизлар.

Унайс оғзидаги луқмани ютгач, Абдулмутталибга қараб:

— Бизнинг сизларга қандай муомала қилганимизни билмаган қолдимиз? Сизлар бизга ҳеч қандай ёмонлик қилмаган бўларингиз ҳам, мингларча аскар билан ҳафталаб пиёда юриб

келиб, устларингизга ҳужум қилмоқчи бўлдик. Қолбуки, сизлар бизни билмас эдингизлар, биз ҳам сизларни билмаган эдик. Аммо маҳв бўлдик. Оллоҳ маҳв этди бизни. Биз шунга лойиқ эдик. Сизлар шундай мақсад билан бизнинг тарафларга борганингизда эди, сизларга бир ютум сув, бир дона хурмо бермасдик. Аммо сизларда чин инсонлик бор, меҳру оқибат, хайру саховат бор. Мени меҳмон қилаётирсизлар. Абдулмутталиб, сен ўша, Абраҳанинг ёнига борганингда, сўзингни эшитган эдим.

— Нимани?

— Водийда инсонлар, тоғларда йиртқич қушлар сенинг дастурхонингдан овқатланишини.

— Қўй уларни, Унайс, ўзингдан гапир, ўша куни нима бўлди?

— У куни... Ҳа, у куни момақалдироқ чақмоқ чаққандек бўлди. Нима ҳодиса юз берганини билолмай қолдик. Лашкари-мизга, куч-қудратимизга ишонган эдик. Каъбани бузишга, йулимизни тўсганларни эса, қириб ташлашимизга мутлақо ишонардик. Ҳеч қандай куч-қудрат бизни тўхтата олмайди, деб уйлаган эдик. Оллоҳ бизни шу кичкина қушлар отган кичик тошлар билан маҳву паришон этиб қўяқолди. Ўзимизни дунёнинг ҳокими деб уйлардик, аммо кўз очиб-юмгунча, ўрилган бутдой боғлари каби, терилиб қолдик.

Унайс охири луқмани ютаркан, сўзида давом этди:

— Мен филнинг ўрнидан турмаганини кўриб, бу ишда бир ҳикмат борлигини тушунган эдим. Ўшанда: «Қайтишингиз керак. Фил ўзича ётгани йўқ», деган овозни эшиттандек бўлавердим. Орқага, унга, чапга юриб, аммо Макка томонга ҳеч юрмаганидан кейин бу ҳол кўринмас бир кучнинг иши эканини, у Куч бизни энди ўз ҳолимизга қўймаслигини аниқ билдим. Бунга Абраҳага айтмоқчи эдим. Аммо у пайт у осмонларда юрган эди. Ҳеч кимнинг сўзини эшитмас, ҳеч гап қулоғига кирмас бир ҳолда эди. Зотан, орадан кўп вақт ўтмади ҳам. Қушлар егиб келдилар.

— Абраҳага нима бўлди?

— Абраҳани охири дафъа оти ерда думалаб ётганда кўрдим. Эгаридан тушасолиб қочиб бораётган эди. Орқасидан: «Йигит бўлсанг, қочма, Абраҳа, бошимизга бу балони сен келтирдинг, лаънати!» деб бақирдим. Оёқларимда туролмасдим. У ҳам ерга чўқди. Энг охири кўрган манзарам шу бўлди: бирдан дунё қоронгулашганини ҳис қилдим, қолбуки, кўзларим кўр бўлган экан. Ундан кейин ким нима бўлганини билмайман. Чунки ҳамма ўз жонини сақламоқ дардида ҳар тарафга қочар, фарёд қилар эди. Бирон киши бошқа бирини уйлайдиган замон эмас эди. Ора-сера Абраҳага ёғилаётган лаънатлар эшитиларди. Мен ҳам жүр бўлиб лаънатлашга киришдим. Аммо бақир-чақирларимизнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ эди!.. Сўнг-ра судралиб-судралиб, қаерга кетаётганлигимни ҳам билолмай, у лаънати майдондан узоқлашдим. Мана, кўриб турганингдек, умримнинг поёнини тиланчилик билан утказаяпман.

— Фил нима бўлди?

— Филга нима бўлганини сира билмайман.

Шундан кейин Унайс ўрнидан турди:

— Оллоҳнинг ҳимоясида эканлигингизга аминман. Бу Байт ҳам, ҳеч шубҳа йўқки, Оллоҳнинг уйдидир, — деб хайрлашиб кетди.

— Яна келгин, кутамиз, эй Унайс, истаган вақтингда кел, — деди Абдулмутталиб.

...

Фил воқеасидан элик икки кун ўтган, рабиул-аввал ойининг ун биридан ун иккинчисига ўтар кечаси.

Эрон ҳукмдори Хусрав уйқуда экан, бирдан сакраб ўрнидан турди. Ер мудҳиш тарзда ларзага келган эди.

Атрофни куздан кечирди: ҳеч ўзгариш йўқ. Аёли ҳам ўша силкинишдан уйғониб кетган эди. Туш кўрибмиз, шекилли, деб яна қайтиб ётдилар. Аммо ухлай олмадилар. Чунки ташқарида одамларнинг овозлари, ҳайқириқлар эшитилар эди. Бу орада хизматчи эшикни тақиллатди.

— Нима бўлди?

— Сарой йиқилди, султоним, ҳолимиз хароб!..

Хусрав ётоғидан сакраб турди, апил-тапил кийинди. Ҳақиқатан ҳам саройнинг бир қисми харобага айланган эди. Қуббалар чўккан, деворлар қулган эди. Вайрона остида қолган бир хизматкор бор овози билан додларди.

Яшаб бўлмас ҳолга келган саройнинг атрофидаги уйларга, ажабки, унча зарар етмабди. Эрталаб бу сирли воқеа ҳақида берилган маълумотда ун тўртта миноранинг йиқилгани қайд этилди.

Хусрав тушдан сўнг вазирларини мажлисга чақирди.

...

Эронликларнинг муқаддас оташгоҳлари ҳам бу тунда галаги воқеаларга дуч келди. Бу ер уларнинг ибодатхоналари бўлиб, минг йиллардан бери ҳеч ўчмаган шу оловга сигинишар эди.

Ўчоқчилик вазифасини бажарадиган киши динига бўлган ҳурмати юзасидан ҳамда подшоҳдан қўрқанидан у оловни тинмай ёқар эди. Ёлғиз вазифаси оташни сўндирмаслик, доим ёқиб туриш эди. Ора-сера қип-қизил ўт шаклига келган оташга ўзи ҳам сажда қилиб олар, унга ёлворар, бандалик қилар, кейин эса, йигиб қўйган ўтинларидан бир-икки дона ташлаб қўяр эди. Неча йиллардирки, вазифасини муҳаббату ихлос билан бажариб келарди. Агар олов ўчиб қолгудек бўлса, оқибати яхши бўлмаслигини ўзининг исмидек яхши биларди. Ҳатто унинг ва барча оташпарастларнинг эътиқодича, оловнинг ўчиб қолиши Тангрининг яшамаслигини ишташ деган гап эди. Ҳар

борада Тангрига қарздор бўлганидек, уни яшатмоқ оташпараст хизматкорнинг бурчи эди.

Атрофидаги одамлар сингари унинг фикрлаши ҳам бу эътиқод доирасидан чиқмасди: «Демак, мен олов ёқишни қанда қилсам, Тангри яшамайди», дерди.

Бироқ у: «Ҳаёти менинг қўлимда бўлган Тангри қандай қилиб мени ва бутун оламларни ярата олади?» дея уйлай олмади, бундай уйлашга қобил ҳам эмасди.

Ловуллаб ёнаётган оловнинг устига бир неча бог ўтинни ҳурмат билан қалагач, кир шолчанинг устига чўқди. Қаланган ўтинлар ёниб битгунга қадар бемалол бир неча соат вақт ўтарди.

Енгилгина уйқу босгандек бўлди. Ҳаво аста-секин исий бошлаган бу кунларда тунлари оловнинг олдида ўтириш роҳатли эди.

Ширин уйқу ила кўзларининг юмилганини ҳис қилди. Бирор дақиқа ўтар-ўтмас хуррак ота бошлади.

Неча соат ухлаганини билмайди. Ҳўрозларнинг қичқириги уни уйғотиб юборди. Қалаган ўтинларининг ёнмаганлигига кўзи тушдию ўчоқчи ўрнидан сакраб турди. Ҳолбуки, ўтинларни қалаётганида уларнинг тагида қип-қизил оташ бор эди!

«Ҳул ўтин ташладиммикан», деди ўзича. Ваҳоланки, бу ерга ҳул ўтин келмайди. Ўтинларнинг бари қуп-қуруқ эди. Устидаги ўтинлар ёнмаганидек, тагидаги оташ ҳам сўна бошлабди. Дарҳол чўғларни ўртага тўплаб пуфлай бошлади. Аммо барча уринишлари зое кетди. Оташ худди бошқа биров томонидан атай сўндирилаётгандек эди. Бир оз ўтиб, катта оташгоҳда оловдан асар ҳам қолмади.

Ўчоқчи ҳайрон бўлиб, ўрнидан турди. Қўрқувдан ранги оқариб кетган эди.

— Учди, учиб қолди... — деб йигламсирарди. Оловни ўчириб қўйганлиги учун калласи кетиши аниқ эди. Камида ўтнинг устига ўтқазилади! Шу бўлгуси манзарани тасаввур эта бошлади ҳатто. Турган жойида қотиб тураверди. Ишониб, кўп йиллардан бери сигиниб келган Тангриси ўчиб, қулга айланган эди. Ниҳоят:

— Ўчиб қолди, учди! — деб бақира-чақира, саройга томон чопди.

Кучалар жимжит эди. Унинг бақиринини эшитганлар нима бўлганини билиш учун ташқарига қарадилар ва кўчада «Ёниб кетди» дегандек югуриб кетаётган ўчоқчини кўриб, ҳеч нарса бўлмагандек, яна ичкарига — уйларига кириб кетдилар.

Ўчоқчи ўзининг шовқинидан одамларнинг безовта бўлишларини ҳам уйламас, «Ўчиб қолди, учди», дея бақириб, жинни сингари ҳар сари чопарди. Саройга етиб боргач, унинг бақирчақирига қулоқ солишга одамларнинг тоқати йўқлигини кўрди: сарой вайрон бўлиб ётарди...

Эроннинг бош қозиси Мубадон эрталаб уйқудан дили хуфтон бўлиб турди. «Нима бўлди?» деб сўраганларга: «Ҳеч нарса», дея жавоб берди. Нонуштадан сўнг бир маъмур келиб, Хусрав уни туш пайтида утказилажак мажлисга чақираётганини айтди.

Мубадон тушга яқин огир-огир қадамлар ила саройга томон йўл олди.

Хусрав шоҳ раислигида утказилган йигилишда саройнинг ун тўрт минораси йиқилгани маълум бўлди.

Хусрав:

— Сарой худди тамалидан бузилгандек бўлди, бу даҳшатли ҳодисадир, — деди.

Бош қози Мубадон сўз олди:

— Бу тунда тушимда бемаза воқеалар рўй берди. Дажла дарёсининг қирғоғида эдим. Бирдан бир неча саркаш туя кўрдим. Огизларидан купиклар сачрар эди туяларнинг. Олдиларидаги араб отларини Дажлага ҳайдаб келардилар. Шу аснода аввал отлар, сўнгра туялар Дажладан сузиб утиб, Эрон ерларига ёйила бошладилар. Қаерга қарасам, бу туялардан бошқа бирор нарса кўрмадим. Қўрқув ичра уйғондим. Бу тушимнинг саройда рўй берган ҳодисага алоқаси бормикан, деган уйда айтяпман.

Бу орада йигилишга юксак мартабадаги бир маъмур кириб келди.

Хусрав:

— Нима гап? — деб сўради.

Маъмур:

— Султоним, фалокат, — деди.

— Нима бўлди?

Маъмур:

— Оташ ўчибди, султоним, — деди.

Хусрав:

— Тушунмадим, оташ ўчибди, дейсанми?

— Ҳа, султоним, оташ ўчибди.

Бирдан Хусравнинг юзи саргайди. Йигилишдагиларнинг ҳам ранглари ўзгарди.

— Чақир менга, уша лаънатини! — деди.

Ичкарига ирkit бир одам кирди. Инсон қанчалик уринсада, бу одамдан ҳам исқиртроқ бўла олмасди.

— Кани, айт-чи, ростдан ўчдими оташ?

— Ҳа, ўчди, султоним.

— Нега қарамадинг? Сенинг вазифанг нима ўзи?

— Қарадим, султоним. Бугун гайратим билан ўтин қаласам ҳам, барибир ўчди.

Оташчи олдинга бир-икки қадам ташлаб, бошини бир оз кўтаргач, соқолини курсатди. Пуфлаётганимда ёнди, султоним, — деди.

Хусрав маъмурга:

— Тезда олов такрор ёқилсин. Эртага бу одамни уша оташда ёқиб жазолайман, — деди.

Ташқарига олиб чиқаётганларида ўчоқчи:

— Майли, жазоланг, бироқ менинг айбим йўқ-ку, — дея эътироз билдирди. Қўрқанидан оёқлари юролмайдиган ҳолга келган эди. Ўчоқчи чиқиб кетгач, Хусрав:

— Галати нарсалар рўй бермоқда, ҳеч тушунолмай қолдим, — деди.

Шу пайт яна бир хабарчи келганини айтдилар.

— Дарров кирсин, — деди Хусрав, йигилишдагиларга қараб: — Яна бир фалокат хабари бўлса керак.

Усти-боши тупроққа беланган бир одам кириб келди.

Хусрав:

— Тезроқ гапир, нима бўлди? — деди.

— Султоним, Сава кули шу кечада қуриб битибди. Уша ердаги доно кексалар ҳам «Ҳеч қачон катта бир кўл бир кечада қуримайди. Бунда қандайдир гайритабиийлик бор. Тезда султонимизга хабар беринглр», дейишди. Дарров отта миниб келдим, — деди.

— Яхши қилибсан.

Аслида, «Яхши қилибсан»га арзийдиган ҳеч нарса йўқ эди. Бу яхши хабар эмасди. Катта бир кўл ўзидан-ўзи бир кечада қандай қилиб ва нима учун қурийди? Шоҳ ақлга сигмайдиган бу ҳодисалардан гангираб қолди. Оташ... Шунча йилдан бери ёниб келган, осон ёнсин деб махсус қуритилган ўтинлар билан ёқиладиган олов қандай қилиб ўчади?!

Ўрнидан турди. Мажлис аъзолари ҳам йигилиш тугади деб уйлаб, уринларидан турдилар.

— Ҳаммамиз биргалиқда оташгоҳга борамиз, — деди Хусрав.

Оташгоҳга бориб, у ердагиларнинг чорасизликларини кўргач, шоҳ танг қотди. Ҳақиқатан ҳам олов ёнмаётган эди. Ўзи бирма-бир ўтинларни текшириб кўрди: ўтинлар қуш-қуруқ. Аммо ёнмасди.

Бир неча соат ёқишга уриндилар. Натижа бўлмагач, шоҳ оташгоҳни тарк эди.

Подшоҳ оташгоҳдан чиқар экан:

— Ўчоқчининг айби йўқ экан, уни кечирдим, — деди.

Уша тунда одамлар Сомова сойи тўлиб-тошиб оққанини кўрдилар. Ҳолбуки, бу сой неча йиллардан бери сувсиз қақраб ётган эди.

Хусрав юз берган ақл бовар қилмас ҳодисаларни ойдинлаштириб бера оладиган бир одам сўраб, Бусра подшоҳи Нуъмон ибн Мунзирга мактуб йўллади. Нуъмон Абдулмасиҳ ибн Хайём деган донишмандни Хусравнинг ҳузурига жўнатди.

Абдулмасиҳ бўлиб ўтган воқеаларни Хусравнинг ўз оғзидан эшитгач, шундай деди:

— Бу ҳақда ҳеч нарса дея олмайман. Аммо Шом томонлардаги Жабаия деган жойда тоғам Сотих яшайди, у киши билан маслаҳатлашиб, кейин оддингизга келсам...

— Унда дарҳол йўлга чиқ, — деди султон Хусрав.

Абдулмасиҳ бу галати ҳодисаларни тоғаси қандай шарҳлашини билмоқ учун Шомга жўнаб кетди.

Уша, Хусрав саройида вайроналиклар содир бўлган кеча тижорат мақсадида Маккага борган бир яҳудий олими галати ҳолга тушди. Ниҳоят, ёнидаги Хишом, Валид ва Утбага қараб:

— Бу тунда орангизда бир бола тугилдими? — деди.

Ҳеч кутилмаган гап эди бу. Томдан тараша тушгандек маъносиз бир савол эди. Хишом ҳайрон бўлиб:

— Хаёлингга қаёқдан келди бу савол? — деди.

— Қаёқдан келганини кейин тушуниб оласиз. Менга жавоб беринг, бу кеча орангизда бир бола тугилдими?

— Биз бола тугмаймиз.

— Устимдан кулманглар...

— Устингдан кулаётганимиз йўқ. Бироқ бу аҳволингга сен бирпасдан кейин бола тугворасан, шекилли.

— Яна мени мазах қилаётибсан, Хишом!

Валид гапга аралашди.

— Сен ўзинг мазахлашга арзийдиган гап қиялсан-да. Бу кеча бола тугилиши ё тугилмаслиги билан нима ишимиз бор? Бошқа ишимиз йўқми? Энди бир камимиз «Бу кеча ким бола тугди?» деб бутун Макка водийларини кезиб чиқишимиз қолувди? Лот ва Уззо ҳаққи айтаманки, сен ўзинг бизни устингдан кулишга мажбурлаяпсан. Қани, айт-чи, мақсадинг, дардинг нима ўзи? Нима демоқчисан бу билан?

Яҳудий пинагини ҳам бузмасдан:

— Бу тунда бир юлдуз пайдо бўлди, — деди.

Утба қаҳ-қаҳ отиб кулди:

— Майли, шу сўзингга бутун қалбимдан ишонай. Аммо пайдо бўлаётган юлдузларнинг ҳисоби сон мингта. Юлдузлар ҳар кеча пайдо бўлади, — деди-да, олдида турган шароб тўла қадаҳни яҳудийнинг башарасига сепиб юборди. Сўнгра хизматкорини чақириб: — Дарров икки челақ сув келтир. Бу яҳудий ҳали-вери ўзига келолмайди, шекилли.

Яҳудий йиғламоқдан бери бўлиб турарди. Юзидаги шаробни артар экан, деди:

— Ҳалиям устимдан куляпсизлар, ҳолбуки...

Шу пайт Валид унинг олдида келиб, бошидан ушлади ва тепага қаратиб:

— Ҳолбуки, осмонда бир юлдуз пайдо бўлди, шундайми? Утба, кел, шу одамнинг кўзи қинидан чиқиб кеттунича йириб оч, бирма-бир юлдузларни санасин-чи, — деди.

Уч киши ширакайф ҳолда яҳудийни роса мазах қилардилар. Лекин яҳудийнинг оғзидан фақат ўша сўз чиқарди. Амаллаб бошини Валиднинг қўлидан ажратгач, яна:

— Бу кеча бир юлдуз пайдо бўлди, деяпман сизга, Аҳмаднинг юлдузи. Оллоҳнинг охириги пайгамбарининг юлдузи. Бу кеча бу пайгамбар шу шаҳарда тугилган бўлиши керак. Барча муқаддас нарсалар ҳаққи қасам ичаманки, у Оллоҳнинг энг сўнги пайгамбаридир. Энди Исроил уғилларидан пайгамбарлик кетди. Қўларидан китоб ҳам кетди. Яҳудий олимларининг қадри-эътибори қолмади энди. Бу уларнинг ўддириллажаклари ҳақида берилган ҳукмдир. Араблар бу пайгамбар туфайли жаҳлатдан халос бўладилар. Эй қурайшликлар, севининглар, энди, валлоҳи (Оллоҳга қасамки), сизлар бутун дунёга эришмоқдек шарафга эга бўласизлар, — деб ўрнидан туриб, чиқиб кетди.

Макканинг тор кўчаларида уйига бораётган чол, ёнидан утиб кетган бир яҳудийнинг «Бу кеча Аҳмаднинг юлдузи пайдо бўлди, бу кеча Аҳмаднинг юлдузи порлайди, биз маҳв бўлдик», деган сўзларини эшитиб: «Тентак...» деб кўйди.

Бундай гаройиб ҳодисалар рўй берар экан, нур юзли бир аёл ҳам атрофида нималар содир бўлаётганини англамоқ учун унг-сулига қараб қўя, ора-сера осмонга тикилиб қолар, ҳайронлиги ортар эди.

Неча ойдирки, ҳомиладор эди. Аммо огиросоқ эканини ҳеч ҳам билмади, яъни, ҳомилалик аломатлари ҳеч кўринмади. Кунлар, ойлар ўтар экан, қорнидаги етим боласини, қачон курар эканман, деб уйлаб хавотирланарди.

Боласининг отаси Абдуллоҳнинг вафот этганига бир неча ой бўлган эди. Шомга савдо учун кетиб, қайтишда Ясрибда (Мадинада) тоғаларининг олдида урган эди. Абдулмутталиб оиласи унинг ўлимига аза тутиб, кўп вақт кўз ёши тўккан, Макка халқи ҳам бу навқирон йигитнинг бевақт ўлимидан кўп қайгурган эди.

Ёш келинчак Омина ўлган эрига кўп йиғлаган, мунгли шеърлар ёзган, тугилажак боласини кўролмай бевақт оламдан ўтган Абдуллоҳ шаънига марсиялар битган эди.

Энди эса, фақатгина боласи билан овунишни уйларди. Бу бола Оминанинг биринчи фарзанди эди. Атрофидагилардан ҳомилалик белгилари ҳақида кўп нарсалар эшитар, аммо улардан бирортаси ҳам ўзида содир бўлмаганидан лол эди. Унинг бу аҳволини кўрган баъзи аёллар ҳайрон бўлиб:

— Қушни, бу Омина тобора гузаллашиб кетаётир. Ҳомиладорман деб бизни алдаётган бўлмасин тагин, — дейишарди.

Ниҳоят, рабиул-аввал ойининг ўн биридан ўн иккисига ўтар кечаси тулгоқ тута бошлади. Дарров қушни аёллардан иккитасини чақиртирди. Шифо ва Фотима деган қушчиларни, Умму Айман деган жорияси унинг ёнида туришди.

Неча йиллардан бери бола тугдиравериб кўзи пишиб кетган бу аёллар уйдаги фавқулодда ҳолатни кўриб ҳайрон қолдилар. Уйда чироқ йўқ эди. Аммо унга эҳтиёж ҳам қолмади. Чунки уй кундуз каби ойдин эди. Фақат, бу ойдинлик қуёшдан бўладиган ёруғликка ҳеч ўхшамас эди.

Омина атрофида умрида сира учратмаган гузал мавжудотларнинг байрам қилаётганларини кўрди. Омина ётган бу хона кичик, гузал мавжудотлар эса, бундай хоналарнинг йигирматасига ҳам сигмайдиган даражада кўп эди. Улар учун худди девор йўқдек, бемалол кириб келавердилар — хонанинг деворлари бу гузал махлуқлар учун мутлақо тўсқинлик қилмасди. Бу севинч, бу байрам ниманинг шарофати? Бу гузал хилқатлар кимлар ўзи? Бу мавжудотларни бошқа хотинлар ҳам кўряптими?!

Омина бу саволларнинг жавобини билмасди. У ҳатто, туш кўряпман, деб шубҳаланаётган ҳам эди.

Хурсандчилик қилаётганлар Оллоҳнинг сўнгги пайгамбари энди дунёни шарафларга буркаяжаги ҳақида сўзлашардилар.

Шифо ва Фотима хонимлар уйга кириб-чиқиб туришибди, доялик вазифаларини адо этишмоқда эди. Шу вақт Омина бир неча гузал аёл ёнига келиб утирганини кўрди. Бу аёлларнинг ҳеч қайсисини танимасди. Аммо улардаги кўнглига яқинлик дунёнинг ҳеч бир аёлида йўқ эди. Юзларидан ёгилиб турган нур ҳар тарафни ойдинлатарди. Омина улар билан кўришди. Келганлар ўзларини таништирдилар:

— Менинг исмим Марям, Исо алайҳиссаломнинг онаси ман.

— Менинг исмим Осийё. Мисрда худолик даъвоси билан чиққан Фиръавннинг хотини эдим.

Омина ҳеч танимаган, аммо илк кўришидаёқ кўнглига яқинлик ила ўрнашган бу муҳтарама аёлларнинг ташрифи билан таъриф этилмас бир фароғатта зришди. Атрофда нурдан яратилган хилқатларнинг шодиёнаси давом этарди. Бу орада Шифо хоним:

— Мужда, мужда... — дея бақирди.

Қўлида гузаллар гузали бир чақалоқ бор эди. Бу гўдак аслида Шифо хонимнинг эмас, балки ҳалиги нурли хилқатларнинг қўлида тургандек эди. Гўдак киндиги кесилган ва суннат қилинган ҳолда туғилган эди.

Доя аёллар ҳайрат ичида қолишди. Омина боласини жуда осон туққан эди. Ҳеч қандай огриқ, азобланиш, дард чекиш юз бермади. Тугрироғи, Омина атрофдаги шод-хуррамликни томоша қиларкан, ёнидаги муҳтарама аёлларнинг суҳбатини тинглааркан, Шифо хоним қўлига тутқазган мужда билан она бўлганини билди, холос.

«Оламларга раҳмат булган охирги ва энг буюк пайгамбарнинг онаси» бўлиш шарафи Оминага насиб этган эди!

...

Омина «нурли бола»сини бағрига босаркан, атрофида ҳали ҳам шодиёналар давом этарди. Узларини Марям, Осийё деб танитган аёллик оламининг султонлари бир-бирларини ва Оминани табриклар эдилар.

— Бу туғилган бола дунё ва охиратнинг султониدير. Оллоҳ таоло уни бутун оламларга раҳмат ўлароқ жўнатди. Оллоҳнинг энг севгили бандаси ва энг улуғ Расули сенинг ўглингдир. Сенга бахту саодатлар тилаймиз, эй бутун оналарнинг энг бахтлиси Омина! — дер эдилар.

Шифо хоним:

— Муборак бўлсин, Омина! — дер экан, турмушга чиққанидан бери Оминанинг юзида ойдек порлаб турган нурнинг йўқолганини, энди бу нур қучоғидаги боласининг юзида порлаётганини кўриб, ҳайрати ортди. Фотима хоним ҳам қаради: Оминадаги нур боласига ўтган эди.

Тонг отар чоғида, Омина қўйнида боласи билан ётаркан, оламларнинг султонини кутиб олиш учун келган беҳисоб фаришталар севинч ила яна малакут оламига қайтдилар.

...

Қаъбанинг Ҳижр дейилган қисмида дўстлари билан ўтириб суҳбатлашаётган Абдулмутталиб Оминанинг нурли ўғил туққанини эшитиб, гўдаклардек севинди. Йигитлик даврида бевақт ўлган жигарпораси Абдуллоҳнинг бир омонати ўлароқ у чақалоқни тезроқ бағрига босгиси келди. Дарҳол ўрнидан туриб, Сафо тепалигига қараб чопди. Оминанинг уйига кириб келди:

— Неварам қани?

Аёллар йўргакни унга бердилар. Абдулмутталиб чақалоқнинг юзини очиб, ақл бовар қилмас даражадаги гузал набирасини кўрди. Уни бағрига босиб, ёноқларини ҳидлар экан, жаннатдан келган хушбўй ҳид эканлигига аниқ ишонар эди. Кузларидан томчиллаган ёшлар севинч ёшлари эди.

— Ҳеч бир куз бундан ҳам гузал гўдакни кўрмаган. Ҳеч бир она бундан ҳам гузал бола туғмаган. Қасам ичаманки, ҳеч кимнинг невараси менинг неварамдан гузал эмас! — деди.

Бир муддат гўдакка қараб қолди. Қарагани сари кўнгли севги, марҳамат ва шафқат билан тўларди. Бир онда марҳум ўғли Абдуллоҳ куз ўнгига келди. Аммо бу набираси минглаб Абдуллоҳларнинг ўрнини босадигандай. Бир вақтлар пешонасида порлаган, кейин Абдуллоҳга, кейин Оминага ўтган нур, ниҳоят, асл эгасини топганини кўриб турарди. Неварасини

багрига босди. Каъбага кирди, дуо қилди, сунгра уйга қайтиб келди. Ҳали ҳам кучогидаги боласини томоша қиларди.

Аёллар овозларини чиқармай Абдулмутталибни томоша қилишар, тўғрироғи, уни набирасининг гул юзига боқиб ҳис этаётган саодат туйғусига халал бермаслик учун миқ этмай туришар эди.

Абдулмутталиб набирасини қучоқлаганча, яна Каъбага кетди. Ичкари кириб, дуо қилди. Сунгра яна келинининг ёнига қайтди. Соатларча боқса ҳам тўймайдиган неварасини яна бир бор ҳидлагач, қизи Сафияга узатди:

— Уғлимни онасига бер, — деди.

Туриб чиқиб кетди. Шу онда қалби осмон қадар кенгайганини ҳис қилди, севинчдан учадигандек эди.

...

Абдулмутталиб келинининг уйдан севинчи ичига сигмай чиқди. Тўғри Каъбага борди. Шукроналик билдириб, Каъбани тавоф қилди. Неварасига қандай исм қўйишни ўйлади. Ҳусни жамолига, шаънига лойиқ бир исм қўйиш лозим эди.

«Муҳаммад»...

Бирдан сеҳнига бу исм ўрнашиб олди. Зулмат ичида чақмоқдек чақнади бу исм. Ота-боболаридан ҳеч бирининг оти бундай эмас эди. Танилган, машҳур исмлардан ҳам эмасди. Ҳазрати Иброҳимдан бери давом этиб келаётган ва маълум бўлган исмларни ҳаёлидан бирма-бир кечирди. Ҳеч қайсиси бу қадар эътиборни тортувчи эмасди. Яна қабила раислари, таниш-билишларининг исмларини бирма-бир хотирлади. Бироқ қалбига ҳукмини утказаетган, бутун қалбини эгаллаган пинҳона бир қудрат унга барча эслаган исмларини сеҳнидан четлатар, яна айланиб-ургилиб «Муҳаммад» исми кўнглига келаверар эди. Ундан бошқа барча исмлар, унинг назарида, кўримсиз, заиф, бўлмагурдек эди. Бу пинҳона қудрат Абдулмутталибни неварасига «Муҳаммад» исмини қўйишга мажбурлаётган, бошқа исм қўйишига йўл қўймаётган эди.

...

Омина боласини бувасининг қўлига бераркан, ҳаяжонини босиб сўради:

— Дадажон, неварангизга қайси исмни муносиб кўрасиз?

Абдулмутталиб кучогидаги малак юзли болага яна бир қараб:

— «Муҳаммад» қўяман отини, — деди.

Оминанинг кўзлари қулимсиради. Юзида мамнуният белгиси пайдо бўлди. Гуёки кўпдан бери орзу қилган нияти амалга ошгандек эди. Абдулмутталиб ўзи қўйган исмга келинининг ҳам севинганини кўриб, жуда мамнун бўлди:

— Биласанми, қизим, кимдир мени шу отни қўйишга маж-

бурлагандек булаверди. Зеҳнимга фақат шу исм ўрнашиб олди. Бошқа исмни ўйласам ҳам, дарров ўрнини «Муҳаммад» исми эгаллаб олаверди. Фикринг қандай, яхши исм шекилли? — деди.

Омина қулимсираб жавоб берди:

— Мен ҳам боламга «Муҳаммад» деб от қўйишни ният қилган эдим. Тушимда ҳам «Муҳаммад» исмини қўйишим амр этилди. Мен утилчанин буюк инсон бўлишдан умидворман.

Абдулмутталиб келинининг гапларини маъқуллади:

— Албатта, менинг набирам инсонларнинг энг буюғи бўлажак.

Макка раиси ва ҳошимийлар авлодининг каттаси Абдулмутталиб, келинининг ҳам розилиғи билан, кучогидаги неварасига инсоният тарихидаги энг буюк ва энг муборақ исмни берди. «Сенинг исминг Муҳаммад бўлсин, болам», деди.

...

Саодатли таваллуддан етти кун ўтгач, Абдулмутталиб катта зиёфат берди. Уч кун давом этган бу маъракада бола-чақалари билан бутун маккаликлар, ташқаридан келган меҳмонлар, ҳатто тиланчиликдан бошқа ҳеч ишга ярамайдиган кутарам кўр Унайс ҳам қатнашдилар.

Зиёфат асносида меҳмонлар:

— Неварангга қандай исм бердинг, Абулҳарис (яъни, Абдулмутталиб)? — деб сўрадилар.

— Отини «Муҳаммад» қўйдим.

— Нега оталарингдан бирортасининг исмини қўймасдан, бу исмни қўйдинг?

— Осмонда Оллоҳ, ерда инсонлар унинг гузал сифатларини мадҳ этишсин, деб шу исмни қўйдим.

Гудакни кўрганлар Абдулмутталибни қўтладилар:

— Бундай ширин, бундай гузал неваранг билан ҳақиқатан мақтансанг ярашади, эй Абдулмутталиб, — дедилар.

...

Омина боласини уч ёки етти кун эмизди. Кейин амакиси Абу Лаҳабнинг жорияси Сувайба вақтинчалик сут она<sup>1</sup> қилиб белгиланди. Авваллари амакиси Ҳамза ва Абу Салама деган бир бола сут эмган кўкракларни бу сафар пайгамбарлар ҳаққасининг охирги ва улут соҳиби эма бошлади.

<sup>1</sup> Уша даврда Макка шаҳрида вабо касали кенг тарқалган бўлиб, Макканинги ўзига туқ оилалари чақалоқларини вабога чалинмаслиғи ва соғлом ўсиши учун Макка ташқарисидagi қишлоқлардан келган сут оналарга топширишар эди.

## Бани Саъд юртида

### Сут она

Абдулмасиҳ неча кунлар йул юриб Жабияга етиб келганида, тоғаси Сотиҳ улим тушагида ётарди. У шунча йўлдан келиб бундай нохуш хабарни эшитишни сира истамасди. Чунки Хусравнинг топшириги оддий топшириқ эмас эди.

Сотиҳ жиянининг саломига алик ҳам олмади. Чунки саломни эшитадиган ҳоли йўқ эди унинг. Умрининг сунгги дақиқаларини яшаётган эди.

Салом яна такрорланди. Сотиҳдан яна сас чиқмади. Абдулмасиҳ:

— Яман диярининг каттаси соқовми? Ёки карми? Ё булмаса, ўзи улганда, руҳи осмонга учиб кетганми? — дея Сотиҳни мадҳ этувчи шеърини айтди. Шу пайт Сотиҳнинг кўзлари хиёл очилди ва қийнала-қийнала жавоб бергандек бўлди:

— Абдулмасиҳ туясига миниб Сотиҳнинг олдига келди, ҳолбуки, Сотиҳ қабрга кириш олдиди... Эй Абдулмасиҳ, сени сосоний малик ўз саройининг йиқилиши, оташнинг сўниши, Мубадоннинг туши ҳақида маълумот олмоқ мақсадида жўнатган...

Сотиҳ яна жим бўлиб қолди. Абдулмасиҳ унинг гапиришини кутарди. Сотиҳ эса, улай-улай деб зўрга нафас оларди. Ниҳоят, сўзида давом этди:

— Эй Абдулмасиҳ, ваҳий такрор-такрор уқилганда, асо соҳибига пайгамбарлик берилганда, Самова сойи сувга тулганда, Сава кўли қуриганда, форсларнинг ибодатгоҳида оташ сўнганда, билки, уша пайтда Шом шаҳри Сотиҳ учун Шом бўлмоқликдан чиққандир. Эронликларнинг йиқилган миноралари нечта булса, ушанча султон салтанат сурар, кейин эса, бошларига не шўриш тушса, шуни кўрарлар, — деди-ю, сўзини давом эттиролмади. Дармонсизликдан ҳолсизланиб, дудоқлари юмилди. Бир неча нафасдан сўнг ҳаракатсиз қолди.

Шундай қилиб, узоқ йиллар давом этган бир умр поёнига етди.

Сотиҳ дафн этилди. Абдулмасиҳ унинг жавобларини Хусравга билдириш учун дарҳол йўлга чиқди.

Хусрав жавобни эшитиб, анча ўзига келди. «Ўн тўрт малик келиб-кетгунча нималар бўлмайди», деди ўзича.

Унинг ҳисоб-китоби — салтанат мақомида узоқ йиллар тўйиб-тўйиб подшоҳлик қилиш эди. Ҳали у қора кунлар келгунча, ҳеч булмаса, юз эллик йил, балки икки юз йил ўтар, деб ўйларди Хусрав.

Саъд ибн Бакр қабиласи Макка атрофида обрў-эътибори ва жўмардлиги билан танилган эди. Одамлари инсофли, ҳавоси ва суви тоза, забоналари ҳам бегона сузлар аралашмаган асл арабча эди. Шу сабабдан Макканинг бой оилалари, янги тугилган чақалоқларини Саъд ибн Бакр қабиласига жўнатардилар. Болалар бу қабил аёлларининг сутлари билан қувватланишар, гаплашишни ҳам уша ерда ўрганишар, Маккада ўсган болаларга қараганда, соғлом ва бақувват бўлишар эди.

Қабил аёллари йилда икки маротаба Маккага энишар, насл-насабли оилаларнинг болаларини олиб қишлоқларига қайтишар, уларни эмизганлари учун олган ҳақ ва ҳадялари оила тирикчилигига кўмак бўлар эди.

Фил воқеасидан уч ой утгач, қабил аёллари одатдагидек эрта тонгда йўлга чиқишга келишдилар. Кун чиқмасдан йўл бошида йигилдилар. Аёл-эркак бир гуруҳни ташкил қилди. Эмизиш муддати тугаган болалар ўз кўкалдошлари, дўстлари билан хайрлашдилар. Оналари бағрига қайтиш қувончи ҳамда дўсту биродарларидан ажралиш изтиробини уларни ҳаяжонга солган эди. Сут эмизган оналар болаларни ота-оналари қўлига топширгач, оладиган ҳақ ва совга-саломларини ҳисоблашар, бошқа жиҳатдан эса, икки йил мобайнида уларни эмизган болаларидан айрилиш изтиробини ҳам ҳис этишар эди. Балки, бу айрилиқ бошқа ҳеч кўришмаслик маъносиди абадий айрилиқ бўлар. Ҳолбуки, оналар улар учун минг хил азият чеккан, норасидалар огриганда бирга дардини тортанлар, кечалари ширин уйқуларини бузиб, гўдаклар бошида неча-неча тонгларни бедор орттириб, тун буйи уларга алла айтиб чиққанлар.

Кўёш чиқишига жуда оз вақт қолган эди.

— Юринглар, эй Бани Саъд халқи, булмаса, кеч қоласизлар, — деган овоз эшитилди.

Қисқа бир видолашувдан сўнг болаларни қўларидан тўтиб, қучоқларига олиб кўтариб, баъзиларини эшак ёки тўянинг устига утқизиб, йўлга чиқдилар.

— Кеч қолманглар, онажон, кутамиз.

— Бизни унутма, Шайба.

— Яна кўришамиз, Ханзала.

— Яхши қолинглар, Фотима, — деган овозлар эшитиларди.

Кўзларда ёшлар пайдо бўлди...

Карвон чанг кўтариб олга борар экан, заиф бир эшак секин юриб орқада қола бошлади. Эшак эгалари бўлган оила энг орқада қолди. Борган сари карвон билан орадаги масофа узаяр эди.

— Ҳалима, юргиз тезроқ шу эшакни, — деди қўшнисини.

Ҳалима кучсиз ва қари ҳайвоннинг елкасига ҳалачўпни бир-икки марта нуқиди. Эшак қадамни бир оз тезлатди, лекин сал ўтмай, яна аввалги ҳолига қайтди.

Ҳалима дугоналаридан орқада қолишни ҳеч истамасди. Чунки эрта борганлар тез ишни битирарди. Маккада Ҳалима келсин, боламизни унга берамиз, деб ҳеч кимнинг кўзи учиб тургани йўқ, албатта. Вақтли борганлар узлари хоҳлаган оиланинг боласини олиб, кўпроқ пул қўлга киритардилар. Кечикканлар бола тополмай қайтишлари эҳтимоли ҳам бор эди.

— Бугун эшагимизнинг феъли айниб қолдими, Ҳалима?

— Ҳар куни шундай эмасмиди, Ҳарис? Ахир, у қариб қолди-ку, тобора қуввати кетмоқда.

— Лекин бошқа кунлари бунчалик эмасди, бинойидек юрарди-ку...

— Балки касалдир?

Ҳариснинг оиласи орқада қолганини кўриб, шериклари уни кутиб туришган экан, улар етиб келишганида саволга тутишди:

— Бугун жуда орқада қолдинглар, Ҳарис?..

— Эшакни юргизолмаяпмиз.

— Бу кетишда жуда кеч қоласизлар.

— Шунақага ухшайди.

Ҳарис қўлидаги ҳалачўп билан эшакни урди.

— Улдирсанг ҳам шу кетишда кетавераман, дейди-я жонивор.

Юкини енгиллаштириш керак эди. Болани эшакнинг устидан тушириб, кучоғига олди. Усти енгиллашган эшак энди тез юриши лозим эди. Бироқ бу тадбир ҳам унинг юришини тезлаштирмади.

— Ҳалима, бу эшак бошимизга бало бўлади, шекилли. Етолмаймиз. Бизга бола қолмайди.

— Шундай бўладиганга ухшайди. Қара, одамлар биздан роса узоқлашиб кетдилар. Жуда орқада қолиб кетдик.

— Ишқилиб, боласиз қайтмайлик-да.

Ҳалима кўксини ушлади. «Бола топсак ҳам, эмиздирадиган сутим йўқ», демоқчи бўлди, аммо айта олмади. Агар бола топсалар, нима бўлади? Ҳалиманинг ҳозирдан унга раҳми кела бошлади. Шўрлик гўдакни тўйдирмасдан туриб, қандай қилиб пул олади? Лекин қўлидан нима ҳам келарди. Сутга барака бериш унинг қўлида эмасди, ёмғирни ҳам у ёғдира олмасди. Мавсум эса, тобора қуруқлашиб боряпти, ҳафтала бўйи ёмғир ёлмайди. Қургокчилик боис озиқ-овқат камайиб кетган, бинобарин, Ҳалима ҳам қорнини зўрга тўйгизар эди. Шу сабабли кўкрагида сут кам эди. Узининг ўглига етмайдиган сут қандай қилиб эмиқдош болага етади?! Аммо тирикчилик важҳидан бу юмушни давом эттиришга мажбур. Тўтри, бир туялари ҳам бор. Эрталаб уйдан оч чиқиб кетади, кечкурун уйга яна оч қайтади: емиш йўқ. Оқшом туядан озгина сут соғилади, у ҳам узининг боласини зўрга тўйдирарди...

Маккага келганларида дугоналари алақачон ишларини би-

тирган эдилар. Барчаси наслу насаби баланд оилаларнинг болаларини олишган, мўмайгина пулга ҳам эга бўлишган эди.

— Кеч қолдинг, Ҳалима.

— Шундай бўлди, нимаям қилардик.

Ҳалима кеч қолганидан сиқилган эди.

Дарҳол маҳалларни айланиб, эмизгани бола топишга киришди. Угли Абдуллоҳ эри Ҳарис билан бирга бир жойда кутиб турадиган бўлдилар.

Каъбага йўналди. Дуч келган одамдан сўрайверди:

— Бу ерларда эмиздирадиган боласи бор оила йўқми?

Каъбанинг соясида ўтирган бир чолни кўрсатдилар.

— Анави ўтирган одам — Абдулмутталиб, неварасига сут она қидираётган эди, сўраб, кўр-чи. — дедилар.

Ҳалима Абдулмутталибга яқинлашди:

— Эмизиш учун бола қидираётган эдим, — деди.

— Қайси қабиладансан, қизим?

— Саъд ибн Бакр қабиласиданман. Ҳарис ибн Абдулуззонинг хотиниман.

— Бир етим бола бор, уни сенга бераман. Умид қиламанки, ундан яхшиликлар кўрасан.

Ҳалиманинг юзи ўзгарди.

— Етимми?

— Ҳа, етим.

— Ундай бўлса, бошқа бир бола қидирайин, — деб нари кетди. «Етим учун неча пул ҳам берардилар?» деб ўйлади ичиди. Боланинг қорнини тўйгазиши учун аввал ўзининг қорнини тўйгазмоғи лозим. Томоқдан бирон нарса утмаса, кўкракдан нима ҳам чиқарди. Етим учун берилган пул уни таъминлай олмасди.

Айлаңди. Маҳалларни кезди. Боласи бор дейилган уйлари-нинг эшикларини бирма-бир тақиллатди. Биринчи эшик очилди. Заифа, қорача аёл чиқди.

— Эмиздирадиган бола қидиряпман. Болангиз бор экан, деб эшитдим.

Уй эгаси:

— Бошқага бермоқчимиз, — деб ичкарига қайтиб кириб кетди.

Бошқа бири эса:

— Ярим соат аввал олиб кетишди, — деди.

Ҳалима шу аснода бир неча уйни суриштириб чиқди. Бой оилалар болаларни унга бергилари келмади. Баъзилари бериб бўлишибди. Фақирларникини эса, Ҳалима олмади.

Энг охири эшикни ҳам тақиллатди, эшикни очган аёл:

— Узининг боланг борми? — деб сўраб қолди.

— Бор.

— Сутинг уни тўйдир оляптими?

Ҳалима жавоб бермади. «Ҳа, тўйдиряпти», деб ёлгон гапиришга уялди. Бошини эгди, уйдан узоқлашди.

Ҳалима мағлуб булган эди. Илк учраган болани етим экан деб олмади, баъзилар болаларини бермади, баъзилари бошқа-



ларига бериб бўлган эди. Хуллас, барча эшиклар унга ёпиқ эди, гуё илк болани етим дегани учун интиқом олишгаётгандек.

Бориб эшагини яхшилаб ургиси келди. Аламини эшақдан олмоқчи бўлди. Тез-тез юриб, эри билан боласи кутиб турган жойга борди.

Кўёш ботиш арафасида эди. Шом яқинлашиб қолган.

— Нима бўлди? — деди эри Ҳарис.

— Бир етимдан бошқа бола йўқ. Қолганларни уртоқларим олиб бўлишибди.

— Демак, бу йил насибамиз кесилибди-да.

— Шундайга ухшайди. Фақирларнинг пул берадиган аҳволи йўқ. Бойларда бола қолмабди. Боласи бор бошқалари эса, менга беришни истамадилар.

Ҳалима бу гапларни айтар экан, кўзлари ёшланди. «Устимдан куддилар», деган сўзни айта олмас ҳам, кўзларидаги ёшдан шу маънони уқса бўларди.

— Ё олти ой ўтишини кутамиз ёки ўша етимчани оламиз. Сен нима дейсан, Ҳалима?

— Дугоналарим биттадан бола билан қайтаётганда, мен боласиз кетишни истамайман. Аммо бир етим учун берилажак озгина пул бизга етармиди. Бир қарорга кела олмайдиман. Лекин бошқа бир қарорим бор.

— Қандай қарор экан?

— Шу кўр бўлгур эшакни ўлгунча уриш.

Ҳарис:

— Эшакни урсанг, дарров бир бола олиб келиб беришларини билсам, биргалашиб урардик.

Ҳалима уйланиб қолди:

— Ҳа, албатта, эшакни урганимиз билан ҳеч ким бизга бола келтириб бермайди.

— Етим бола учун нима берар эканлар?

— Сўрамадим. Етим эканини эшитибоқ «Кими ҳам бор эдики, бирор нарса берса», дея нари кетдим.

Уйланиб қолдилар. Эшак у ёқдан-бу ёққа юриб, чўкиртакларни еб, бир амаллаб қорнини алдаб турар эди.

— Тезроқ бир қарорга келайлик, Ҳалима, шом тушай деб қолди.

— Сенинг фикринг қандай, Ҳарис?

— Мен аниқ бир нарса айта олмайман. Ўзинг нима хоҳласанг, шуни қил.

— Бўлмаса, мен бу етимни олсаммикан, боласиз қайтишдан уяляпман.

— Билганингни қил. Балки, бир етимни олганимиз туфайли уйимизга барака келар.

Ҳалима сўзни чўзиб утирмасдан ўрнидан турди ва Каъбага қараб кетди.

Абдулмутталиб кетма-кет келаётган аёллардан ҳеч бирининг неварасини эмизишга рози бўлмаётганлигидан хафа эди. Келаётган аёллар боланинг етим эканлигини эшитгач, қайтиб кетишар, ҳатто сут ҳақи қанча бўлишини ҳам сўрамас эдилар.

Балки бунда бир ҳикмат бордир, деб ўзига тасалли берарди. Аслида, боланинг етим эканлигини айтмаса ҳам бўларди. Аммо суз бошлаши билан, худди ургатиб қўйилгандек, боланинг етим эканлигини айтиб юборар эди. Гуё ичидан келаётган бир нидо улут қудрат эгасининг, бу болани фақат муносиб сут онага бериш лозим, ундан бошқаси олмаслиги керак, деган даъватини ҳайқираётгандек эди.

Ҳақ масаласи, аслида, унчалик муҳим эмасди. Ҳеч ким, Абдулмутталиб сут онага етарли ҳақ бермайди, дея олмасди. Гудакнинг отаси бўлмаса ҳам, бобоси бор эди, ахир. Бир боланинг ҳали туғилмасидан олдин отасидан ажралиб қолиши эса, бола учун айб ёки нуқсон эмас эди. Бинобарин, бола сифатида неварасининг ҳеч қандай айби йўқ эди. Қурганларни ҳайратда қолдирадиган, ҳайратдан бармоқ тишлатадиган даражада ҳуснли эди у. Дунёнинг бутун боболари набираларига кура бир сафга тизилса, сафнинг энг бошида, ҳа, мутлақо энг бошида Макканинг ҳокими, қурайшнинг раиси Абдулмутталиб бўлган бўларди. Бу жиҳатдан Абдулмутталибга аини даражада тенг келадиган ҳеч бир шахс мавжуд эмас, мавжуд деса, ақл бовар қилмас эди.

Неварасига тикилгани сари Абдулмутталибнинг қалби бўлакча бир меҳр-муҳаббат ҳисларига тўлиб-тошар, ичидаги бир нидо: «Бу бола ўхшаши йўқ буюк инсон бўлажак», дер эди. Баъзан Абдулмутталиб Каъбанинг деворига суяниб ўйлар, кечасини кундузига қўшган бу болани бунчалик севишининг сабабини ахтарар, «Ажабо кексалигим туфайли ирода заифлигига дучор бўлдимми?» дер, аммо бундай фикрни ҳазм қилолмас эди. Чунки Муҳаммаддан бошқа ҳам, ўзга ўғил-қизларидан бир неча неваралари бор эди. Уларни ҳам жон-дилидан севарди. Бироқ Муҳаммадга келганда, унга бўлган севгисини тил билан таърифлашнинг сира иложи йўқ эди. Гуёки бу боладаги гузаллик, ширинлик, кунгилга яқинликни тиллар, ҳатто диллар таъриф этолмайдигандек.

Унинг етим экани ҳақ, бироқ ота-онаси бор болалалардан кам жойи ҳам йўқ, улар учун қанча ҳақ берилса, Муҳаммад учун ҳам улардан кам берилмайди. Абдулмутталибнинг хасислигини ким кўрибди? Ҳар тарафда «Яйловда инсонларни, тоғ бошларида ҳайвонларни тўйдиради», дея шуҳрат топган, дастурхонидан меҳмоннинг кети узилмаган Абдулмутталиб Муҳаммадининг сут она ҳаққини беришдан қочармиди?!

Аммо келган ҳар аёл боланинг етим эканини эшитибоқ ҳеч нима демай қайтиб кетишларида, албатта, бир ҳикмат бордир. Эҳтимолки, улут Оллоҳ бу аёлларни ўзининг олий ҳукми ила орқага қайтараётгандир, Муҳаммадига лойиқ бўлган сут она-

нинг келиши учун куттираётгандир. Ора-сира Абдулмутталибнинг кўнгли Мавлога йуналиб:

— Оллоҳим, менинг бу етимчамга энг шафқатли, энг пок кўнглили сут онани юбор, ярамасини орқага қайтар, — дея ёлворарди.

Бу орада Ҳалиманинг қайтиб келаётганини кўриб, кўнгли жойига тушди.

— Бола қаерда?

Абдулмутталиб кулимсираганча, ўрнидан турди.

— Ортимдан юр, — деди.

Ҳалима Абдулмутталибнинг орқасидан юрди.

Ўзал бир аёл:

— Хуш келдингиз, отажон, хуш келдингиз, опажон, — деб уларни кутиб олди.

Ҳалима уйга кирганида тотли бир ҳидни туйди. Бундай атирни у ҳеч ҳидламаган эди. Қабилада ҳар бир аёл узига атир сепарди, аммо бу атирни на Ҳалима, на қабиланинг бошқа аёллари билишарди.

Уйнинг бир бурчагида эмизикли гўдак ётарди. Тагига яшил ипак мато тушалган, чақалоқ эса, оқ жун матога ўралган бўлиб, ширин уйқуда ётар эди. Таърифга сигмас даражада чиройли эди у.

Ҳалиманинг юраги жиз этди. Малаклар каби гўзал булган бу чақалоқни эмизиш учун онасидан олса-ю, бироқ уни туйдира олмас, оч қолдирса...

Ачинарли бир ҳол эди бу. Уйда уз боласи хурсанд бўлиб қачон туйган эдики!.. Неча-неча ойлар давомида ўглининг огзига сутсиз, алдамчи маммалар кириб чиқаётганини эслаш унинг кўнглини безовта қилди-да, энди қийналиш навбати бу гўдакка келдими, деб ўйлаб, ичидан эзилди...

Шу ёшда тул қолган ёшгина хонимга қаради, кейин ота юзини кўрмасдан етим қолган чақалоққа тикилди, яна юраги жиз этди.

Абдулмутталиб бурчақдаги тахтага ўтириб:

— Қизим, бу аёл Саъд ибн Бакр қабиласидан, исми Ҳалима, — деди.

Омина келган бу аёлнинг сут она эканини фаҳмлади.

Ҳалиманинг ортиқча вақти йўқ эди. Ухлаётган чақалоқни кутариб олиш учун энгашди. Шу вақт чақалоқ уйғониб, Ҳалимага боқди. Ҳалима бу нигоҳнинг то юрагига қадар бориб етганини ҳис қилди. Бир онда бутун вужудини шафқат ва марҳамат туйғуси қоплади. Энди ҳеч нарса бермасалар ҳам, бу болани олмасдан кета олмасди. Дугоналарининг бу болани кўрмай кетганликларини ўйларкан, севинчдан титраб кетди. Уни кўрган ҳар қайси сут она дарров ёпишса ёпишардики, ташлаб кетиши амримаҳол эди. Ёнига утирди, авайлаб кучоғига олди. Сутни қуриган маммаларини чиқариб, боланинг гул куртакларига ўхшаш дудоқларига теккизгиси келди. Унг маммасини гўдакнинг огзига тутди. Шу онда Ҳалима ҳайратта тушди, кўксидан тотли бир роҳатланиш сезди. Ёқимли туйғу эди бу. Сут

келаётганини билдирувчи ҳис эди бу. Дарҳақиқат, чақалоқ уни эма бошлади.

Ҳалима кўкрагининг сутга тўлганига, айниқса, шундай шаброитда сутга тўлганига ҳеч ақли бовар қилмасди. Ўзи каби бошқа хотинларнинг ҳам сутлари йўқ эди. Тиззаларида ётган боласи бир кунни бу сутсиз маммаларига анча андармон булгач, очликдан йиғига тушган, Ҳалима ҳам кўзёш тўкиб унга жўр булган эди. Дунёга келтириб, аммо қоринни туйдирилмаган боласи учун мўл-мўл ёш тўккан бу кўзлар ушанда.

Ажабо, энди ана шу маммалар сутга тўла эди. Кучоғидаги бола сутга зор бу маммадан тўйиб-тўйиб эмарди.

Гўдак бир оз эмгандан сўнг Ҳалима маммасини тортди, болани яна бағрига босиб, бошқа маммани берди. Аммо чақалоқнинг дудоқлари ёпилди ва маммани эммади. Ҳар қанча уринса-да, эммади. Такрор унг маммасини тутган эди, олди, эма бошлади.

Вақт зиқ эди, ортиқ кечикмаслик лозим эди.

— Энди мен кетишим керак, — дея болани кучоғидан қуймаган ҳолда, ўрнидан турди.

Абдулмутталиб:

— Боламни олсанми, эй Ҳалима, — деди.

— Оламан. Энди у менинг болам.

— Жуда яхши. Фақат шуни яхши билгинки, биз боламизнинг сут ҳаққини бошқа оилалар берадиган ҳақдан кам бермаймиз. Ортиқчароқ беришга ҳаракат қиламиз. Умидвормизки, боламнинг ҳурматига хонадонингизга баракот ёгади. Фақат, сендан илтимосимиз, боламга уз фарзандинг каби яхши қара.

Ҳалима Оминага қаради. Ҳар бир она каби, боласидан айрилиш гами унинг ҳам юзидан билиниб турар, кўнглини тўлдирган қадарга кўзларидан оқаётган ёшлар эш бўлаётган эди. Боласини сўнгги марта бағрига босиб, ҳидлагач, гул юзларидан тўйиб ушгач, Ҳалиманинг қўлига тутаркан, «Болам», дея ингранди.

Ҳалиманинг ҳам кўзлари ёшланди. Биргина фарзандидан, тугилмасдан бурун етим қолган боласидан айрилмоқ осонми? Бу онага тасалли бериш лозим эди.

— Хавотир олма, синглим, унга уз боламдай қарайман, менга ишонавер, — деди Ҳалима.

Эшиқдан чиқар экан, тўхтади, Оминага қараб:

— У атирдан менга ҳам бир оз бер!

— Қайси атирдан?

— Болангга сепган атирдан. Қасам ичаманки, бундай ҳидни ҳали Саъд ибн Бакр қабиласидагилар ҳидламаганлар. Берсанг, сепаиб, ҳидлаб юрардим.

Омина кўзларига келган бир-икки томчи ёшни яшириб ўтирмади, ҳафиф гамгин товуш-ла:

— У менинг боламнинг ҳидидир. Унга атир сепмасангиз ҳам бўлади, — деди ва энди ойлаб қуролмайдиган боласини такрор ҳидлаб: — Хайр бўлмаса, сизларни Оллоҳга омонат этдим, — деди.

...

Ҳарис Ҳалимани кузатгач, ёнида қолган Абдуллоҳни овутмоқ учун хаёлига келган ҳар чорани қўлаб кўрди. Аммо қорни оч болани сутдан бошқа ҳеч нарса билан тинчитиб бўлмастлигини жуда яхши биларди. Яна шуни ҳам яхши билардики, Ҳалиманинг маммаларидаги ёлғиз Абдуллоҳга етмаётган сут энди икки болани оч қолдириши аниқ эди. У шурлик боланинг етимлиги етмагандек, уни яна очлик ҳам кутмоқда ва бир дард икки бўлиши турган гап эди. Ҳаммасига сабаб — йўқчилик, қургоқчилик. Бу икки сабаб бир бўлиб, ўглини тўйдиришдан ожиз бўлган бир аёлни эмизишга бола қидиришга мажбур қилди. Авваллари саҳарга қадар бир боланинг фарёди ила уйғонган оила, энди уйқудан тамоман воз кечадиган бўлди, бошларига тор келган дунё мукамал бир зиндон ҳолига айланадиган бўлди.

Қуёш ботмоқ учун уфққа нарвон қуйган ҳам эдики, Ҳалима бола қучоқлаган ҳолда қайтиб келди. Юзида мамнунлик аломатлари бор эди. Ҳарис бу мамнуниятни савдонинг яхши бўлганлигидан деб билди.

— Хурсанд кўринасан, Ҳалима?

— Ҳа, хурсандман. Чунки гул юзли бир бола билан келяшман.

Ҳарис «гул юзли бўлиш қорин тўйдирмайди-ку», дегандек боқди, аммо...

— Аввал болани бир кўр-чи, — деди Ҳалима ва гўдакнинг юзини очди. Йўрғақда ётган чақалоқнинг ҳақиқатан бир бола эканлигига кўзлари ишонмади Ҳариснинг. Таърифга сигмайдиган даражада тотли бир буй тараларди ундан.

Ҳалима утирди. Унг мамма яна Муҳаммаднинг гул дудоқларига ўрнашди, чап мамма Абдуллоҳга берилди. Абдуллоҳ илк эмишдаёқ оғзини тўлдирган ва тугилганидан бери ўзи зор бўлган она сутини тўйиб-тўйиб эма бошлади.

Кўп ўтмай, иккала бола ҳам уйқуга кетдилар. Ҳарис кўриб ишонмаган бу ҳолни ҳайрат-ла томоша қиларди. Абдуллоҳни ва бу гўдакни тўйдирётган бу қадар мўл сут қаердан келаёттир?

Энди навбат ўзларига келди. Ҳар бир оила сингари улар ҳам туяларини соғиб сутини ичишга мажбур эдилар. Бир нажот бўлиб қолар деган ниятда елини қуриб-қақшаган туяга яқинлашдилар. Туя эмчаклари сутга тула эди. Туяда меъеридан ортиқ даражада сут бор эди. Ҳолбуки, Ҳарис бу қадар сутни ўнгидан эмас, тушида кўрса ҳам рози эди.

Ойлар мобайнида уйқуга тўймаган оила аъзолари бутун биринчи марта бемалол ухладилар. Абдуллоҳ илк маротаба йиғламасдан ухлади. Ҳалима уйқусини бўлмасдан эрталабгача ухлашнинг мазасини биринчи марта тотди.

Эрталаб туясининг мўл-кўл сут берганини кўриб, Ҳарис бунинг шунчаки бир тасодиф эмаслигини фаҳмлади:

— Ҳалима, жуда муборак, барака келтирувчи бир бола олиб келдинг-да оиламизга, — деди.

Қисқа муддатли олди-бердидан сўнг Бани Саъд қабиласи орқага қайтди. Ҳалиманинг эшаги яна қийнайдиганга ухшарди. Аммо бу дафъа чопқиллаб олдинга тушди, қабила халқи орқанда қолиб кета бошлади. Қабила аёллари бу сафар Ҳалимага қараб қичқирдилар:

— Бошингга раҳмат ёрсин, Ҳалима, сал секинроқ юр.

Ҳалима дугоналаридан айрилишни истамасди. Бироқ эшак тўхтамасликка жазм қилгандек эди. Ҳарис эшакнинг ипини тортиб туриб, олдига ўтди ва тўхтатди. Ҳамроҳлари етиб келгач, қўйиб юборилган эшак яна чопқиллаб, ҳаммадан ўзиб кета бошлади.

— Ҳарис, бу кечаги эшак эмас, шекилли! — дедилар қабиладошлари.

— Уша, кечаги эшагимиз, — деди Ҳарис.

— Жоним, кеча сизларни йўлларда хуноб қилган эшак бутун пойгага чиқмагандир. Қарагин, пойгада чопаетгандек.

— Отамнинг боши ҳаққи айтаманки, бу кечаги эшакдир.

Бириси сўзга аралашди:

— Ҳа, билиб турибмиз, кечаги эшак. Бироқ бутун бошқача бўлиб қолибди.

...

Бани Саъд қабиласининг ерлари кўпдан бери сувсиз, қургоқ эди. Мол-ҳол ейишга ўт тополмасди. Қуй ва туялар яйловга оч кетса, яйловдан яна оч қайтарди. Қоринлари бўм-бўш, маммалари кўп-қуруқ эди.

Ҳалиманинг моллари эса, ҳам қоринлари тўқ, ҳам елилари сутга тўлиб қайта бошлади. Ҳалималар хонадонига барака кирган эди. Қабила халқи ҳам буни сезди. Ҳамма, шу қатори болалар ҳам, Муҳаммаднинг келишидан мамнун эдилар.

— Бизнинг молларимизни ҳам Ҳалиманинг моллари ўтлайдиган жойда ўтлатинглар, — дейишарди улар.

Чўпонлар:

— Ҳаммасини бир жойда ўтлатяпмиз. Биргаланиб олиб бориб, бирта олиб қайтяпмиз. Аммо нима бўлаётганини тушунолмаяпмиз. Уларнинг ҳайвонлари тўйиб, тўқ қайтяпти, бизники оч қайтяпти. Ҳайвонларнинг ўт емасдан тўйиб қолиши, емиш емасдан туриб сут бериши ақл бовар қилмайдиган сирлигича қолаёттир...

Ҳалима баъзан билиб туриб, баъзан ёдидан чиқариб, Абдуллоҳ эмадиган чап маммасини Муҳаммадга тутса, Муҳаммаднинг гул дудоқлари дарҳол ёпилар, «Биродаримнинг ҳаққини эма олмайман, менга ўз маммамни бер», дегандек бўлиб, сеvimли юзини у ёққа-бу ёққа олиб қочар эди. Бундан ташқари, Ҳалима Муҳаммаднинг тагини булгаб қуйганлигини, бирор марта бўлсин, кўрмади. Келган кунларидан бери икки чақалоқ ҳам эрталабгача ухлар, она, ота ва бошқалар безовта бўлишмас — кечалари болалари йиғлашмас эди. Жаноби Мавло (Ол-

лоҳ) Муҳаммаднинг безовта бўлмаслиги учун Абдуллоҳнинг бешигини малакларга тебраттираётгандек эди.

— Ҳалима қиз, қандай хушбўй ҳид келяпти-я, валлоҳи, бу чақалоқда бир гап бор, — дейишарди одамлар. Уша куни Маккага бола олгани биргалашиб борганлар Абдулмутталибнинг набирасини етим деб олмаганлари учун минг пушаймон бўлишар эди.

Кунлар Ҳалиманинг саодатли кунлари ўлароқ ўта бошлади.

...

Муҳаммад комил инсон бўлиб вояга етаётган эди. Саккиз ойлигидаёқ гапир бошлади, бир ой кейин эса, бемалол гаплашадиган бўлди. Икки ёшдан утгач, сутдан чиқиб, соғлом кучли бир бола бўлди. Энди онасининг бағрига қайтиш вақти келган эди. Бир куни эрталаб биродари Абдуллоҳ, опаси Шайма, дўстлари билан хайрлашди ва Саъд ибн Бакр қабиласи юртидан айрилди. Ҳалима ва Ҳарис билан бирга Маккага равона бўдилар. Онаси, бобосига етишиш пайти келган эди. Ортидан унга қул силкиб кузатаётган қардошларининг кўзлари ёшли эди.

Оминанинг ўглига етишиши ўта ҳазин бир манзара эди. Икки ойлигидаёқ ажрашган боласининг ҳасрати анча йигилиб қолган эди. Ҳалима ва Ҳарис унинг икки йил мобайнида кечирган умрини, бошларидан утган гаройиб ҳодисаларни айтиб бердилар. Ҳар томонлама мамнун эдилар. Муҳаммаднинг ҳар куни тинч ухлагани, ётоғининг доим тозаллиги, сут онаси ва отасини асло ҳафа қилмагани, қардошлари билан сира уришмаганлигини Оминага батафсил ҳикоя қилиб бердилар. «Биз Муҳаммадни ўз ўғлимиздек тарбияладик, бағримизга босдик, севдик, — дедилар. — Чунки у ташриф буюргач, уйимизга барака ёғди, юзимизга қон югурди, болаларимизнинг, мол-ҳолларимизнинг қорни тўйди. Хонадонимизда доимо тотувлик ҳукм сурди, ҳузур-ҳаловатта эришдик. Биламизки, сиз унинг ҳақиқий онасисиз. Бундан кейин Муҳаммад ўзинингизда қолади. Аммо бизни уйлантириб қўйган, ҳатто қўрқитаётган бир нарса бор...

— Нима экан у? — деб сўради Омина.

— Макка вабоси...

Оминанинг кўзлари толди. Ҳақиқатан ҳам шу кунларда Маккада вабо иллоти туфайли кўп одамлар, айниқса, ёш болалар қирилиб кетаётган эди. Бу вабо Муҳаммадга ҳам юқиши эҳтимоли бор эди.

Вабо — олди олинмас ўлим бурони, бутун Макка кўчаларида қаттиқ эсмоқда, истаган эшиқдан кириб, дуч келганни йиқитмоқда. Ҳеч кимнинг кўз эшига қарамаёттир. Ҳар куни, ҳар кучада бир ўлим. Вабо бурони Абдулмутталиблар эшигини қачон тақиллатишини, бу оила қачон қурбон беришини ҳеч ким билмайди. Бир тарафда, дунёнинг ягона инжуси Муҳаммад, бошқа тарафда, ўт ўргандай инсонни ураётган вабо...

— Болам шу ерда қолсин...

Ушбу сўзни айта олмади Омина. Билиб туриб жигарпорасини таҳлиқанинг кучогига отишга рози қилолмади кунглини. Чорасиз эди. Ҳасратига чидамоқ, соғ қолса, бу бало дафъ бўлгач, кўришмоқ умидида яна қайтиб Ҳалима билан кетишга рухсат берди.

Бироқ, икки йиллик чеккан ҳасратини ўглини фақатгина бир неча соат кўриш билан аритиб бўлмади. Омина ўглининг устидаги кўйлагини ечди. Янгисини кийдирди. Асл мақсади унинг ҳиди, терлари сингган бу кўйлакни олиб қолиб, ҳидлаб юриш, ҳасратини кеткизишга ҳаракат қилиш, уйқусиз тунларда оққан кўз ёшларини бу кўйлак ила артиш эди.

Айрилиқ вақти келганда, боласига:

— Хайр, соғ-омон етиб бор, сени Оллоҳга омонат этдим, — деди-да, кўзлари ёшланди.

Ҳалиманинг қўлидан ушлаганча, орқасига қайрилиб-қайрилиб қараб кетаётган боласига тикилиб қолди. Кунгли унинг орқасидан кетаётгандек эди. Улар кўздан гойиб булгач, хонасига кирди, йиғлади, тўйиб-тўйиб, бузлаб-бузлаб йиғлади.

Орадан кўп вақт ўтмай, қўшни хонадондан юксалган бир фарёд Макка вабосининг яна бир очиқ эшик топганини, яна бир қурбон олганини, бир ҳаёт шамини ўчирганини билдирди.

Қалби орзиқди. Ҳар нарсага қодир бўлган буюк қудрат соҳибига дуолар қилди, ниёзлар атади. Боласи билан яна қайта кўришиш тилагини кўз ёшларига йўгириб, Яратувчига ҳавола этди.

...

Абдулмутталиб набирасини кўриб, кўзларига ишонмади. Икки йилда бундай бақувват, келишган бола бўлишини уйламаган эди. Аммо том уйлаганидек, невараси гузал эди. Айни чоқда, келиши билан кетиши бир бўлган Муҳаммаддан айрилаётганидан дили қоронгу эди.

Ҳалималарга етарли даражада ҳақ берилди. Ваҳоланки, Ҳалима бутунлай ҳақ олмасликка ҳам рози эди, чунки у ҳақини ҳар куни олаётган эди.

...

Ҳалима хонадонининг баракаси ила қайтгач, уйда ҳамма хурсанд бўлди. Онаси, буваси билан бир кунгина бирга бўлиб, сўнгра айрилиқ оқибатида шодлик ва қайғуни бир вақтнинг ўзиде ҳис қилган Муҳаммад ҳам икки йил бирга уйнаб-кулган оғайнларига қўшилиб, уларнинг кучогига отилди.

Ҳалима билан Ҳарис бу болага кўп қарздор бўлиб қолганларини, унга янада мустаҳкамроқ боғланганликларини ҳис этдилар, уларининг асл устунни шу бола эканини яна бир карра англадилар.

Орадан бир муддат вақт утди. Бир куни Абдуллоҳ шошилиб уйга кирди. Ниҳоятда ҳаяжонланган, юзида қўрқув шарпа-си бор эди.

— Икки одам келиб қурайшлик биродаримни ушлаб олиб ётқиздилар-да, кўксини ёрдилар, — дея олди базур.

Ҳалима девоналарча ўрнидан сакраб турди. Ҳарис ташқарига отилди. Шайма ҳам орқаларидан югурди. «Қурайшлик биродар» уйнинг орқа тарафида юзи сўлгин ҳолда тик турарди. Ҳалима бора солиб уни бағрига босди:

— Нима бўлди, болам, нега гул юзинг сўлгин?

Боланинг жавоби ҳам қўрқитди, ҳам уйлантириб қўйди:

— Оқ кийимли икки одам келди. Мени ерга ётқизиб, кўксимни ёрдилар, кўксимдан бир нарсаларни чиқардилар. «Мана бу шайтоннинг насибаси булади», деб нарига отдилар. Бири сув келтириб, юрагимни ўша сув билан ювди, кейин кўксимни беркитдилар.

Ҳалима бу сузларни эшитар экан, кичик тилини ютишига сал қолди. Ҳеч ким бу боланинг ёлгон сўзлашини хаёлига ҳам келтира олмасди. Аммо унинг на устида, на-да турган жойида қон излари бор эди.

— Қаерда бўлди бу воқеа, ўғлим?

— Худди шу ерда!

Ҳалима яна атрофни қаради. Ҳеч нарсадан ном-нишон йўқ: на қон, на сув, на «Шайтоннинг насибаси», деб отилган нарса!

— Болам, балки туш кўргандирсан, ухлаётган эдингми?

— Йўқ, ухламаётган эдим, лекин бу туш ҳам эмас, хаёл ҳам эмас.

Ҳалима Абдуллоҳга қаради:

— Сенга ким айтди буларни?

— Ҳеч ким айтмади. Мен ўзим кўрдим, иккунининг ҳам кийими оқ эди.

Ҳарис:

— Кўксингни оч, кўрайин-чи, — деди.

Муҳаммад кўксини очди. Билинар-билинемас чизиқнинг борлиги маълум бўлди.

— Қани, қаерга кетди у одамлар?

— Бирдан гойиб бўлдилар.

Ҳалиманинг боши эгилди. Ҳарис ҳам бирор нима дея олмади.

Бу ҳодиса Ҳалимани ҳам, Ҳарисни ҳам хийлагина довлари-тиб қўйди. Ҳалима оқшомга қадар ичига чироқ ёқса ёришмай, кўзлари гами, ўй босиб юрди. Ҳариснинг ҳам боши эгик эди.

Ҳаётлари гулдек яшнаб кечаётган пайтда бирданига бундай ҳодисанинг содир бўлиши кўнгилга хуш ёқадиган нарса эмас эди.

Ҳалима кечгача қурайшлик боласини пойлади, бирор ўзгариш кўра оламанми, дея кузатди. У ўтган воқеанинг оқибати зарарли бўлиб чиқишидан қўрқарди. Аммо Муҳаммаднинг хат-

ти-ҳаракатлари ҳам, гап-сўзлари ҳам одатдагидек эди. Ҳамиша-гидек ширин-ширин сўзлашар, кулар эди.

Лекин Ҳалиманинг ичига қурт тушган эди. Мабодо яна ўшандай ҳол рўй бериб, бошига бирор фалокат келса, нима бўлади?..

Дардини Ҳарисга айтди. Ҳарис ҳам шундай қўрқув ичида кўнгли безовта эканлигини билдирди. Биргалашиб гаплашдилар, маслаҳатлашдилар. Барча мулоҳазалар болани ҳеч бир зиён-заҳмат етказмасдан онаси ва бувасининг қўлига топширишга бориб тақалар эди.

Қолбуки, Муҳаммад бу хонадоннинг саодат устунни, баракот манбаи эди. Қургоқчилик, очлик шиддат билан Саъд ибн Бакр қабиласини забтига олар экан, шу боланинг ҳурмати учун бу оилага барака ёғилар, ўзлари сезмаганлари ҳолда тўқчилик, фаровонлик ичида яшар эдилар.

У кетса нима булади? Туялар яна ҳозиргидек мўл-кўл сут бераверадими? Одамни хурсанд қиладиган даражада фаровонлик булаверармикан?..

Кўзларда ёш, юзларга хафалик соя солган ҳолда бир қарорга келдилар: Муҳаммад уйига олиб борилади, онасига топширилади. Бу қарорни эшитганлари заҳоти Шайма билан Абдуллоҳ юрак-бағирлари орзиқиб кетганлигини ҳис қилдилар. Кичкина Абдуллоҳ хатто:

— Қурайшлик биродар кетса, ҳамма нарсанинг ҳам мазаси кетади! — деб юборди.

Ҳалима туни бўйи Муҳаммаднинг бошига бир неча марта келди, бу уйда сўнгги тунини ўтказиб, бемалол ухлаётган боланинг ёнига тиз чўқди. Унинг мушк-анбар бўйи таралиб турган нафасини тўйиб-тўйиб искади.

Энди бундан буён бу хонада бундай ҳид таралмайди.

Уни эмизиш учун ҳар кучоғига олганида, ҳар кўксига босганида кўнгли жаннат боғларида юргандек ҳисларга тўлар эди. Бу гул юзли боланинг тагин оч қолишини, тагин келиб кўксини искалашини ҳар дафъа алоҳида бир соғинч билан кутарди. Маммасини унинг оғзига тутар экан, кўпинча севинчдан ҳаяжонланиб титради. У эмар экан, атрофини фаришталар ўраб олар ёхуд ўзи нурлар оламига гарқ булар, руҳи ақл бовар қилмайдиган юксакликларда парвоз этар эди...

Ажабо, келажақда унинг буюк инсон бўлиб етишганини бутун олам билганида Ҳалима ҳаёт булармикан? Унинг атрофини ўраб олган бу деворлар мушк-анбар сепилгандай тотли бир ҳидга энди бурканмайди.

Анча вақтлар ўтгандан кейин ҳам уйдаги ҳиднинг қандай ҳид эканини сўраган хотинларга Ҳалима:

— Бу Муҳаммаднинг ҳиди, — деб жавоб берарди. Аёллар эса:

— Алжирама, Муҳаммад йўқ-ку бу ерда? — дейишарди.

Аммо Ҳалима ёлгон гапирмас эди. Муҳаммаднинг нафаси, кийган либоси, ҳатто унинг қўли теккан бола соатлаб гуллар каби буй таратарди. Муҳаммад қайси бола билан уйнаган бўлса, ўша бола билан гаплашганлар:

— Сен бугун Муҳаммад билан уйнабсан-да, — дер эдилар.

Ҳатто кўр одам ҳам ёнига яқинлашган боланинг қурайшлик Муҳаммад эканини пайқарди. Бу ҳид Ҳазрати Одамдан бери дунёга келган ва қиёматгача оламга келадиган инсонлар ичида фақат ва фақат унгагина хос эди...

Ҳалима ўша тун тонггача ухлаёлмай, куп маротаба уйғони кетаверди. Ҳар уйғонганида, келиб Муҳаммадни ҳидларди. Ҳар сафар ичи орзиқиб-орзиқиб кетарди, ҳар дафъа ичида бир нималар ўпирилиб кетганини ҳис қиларди.

Ҳалима бу кечанинг узайиб кетишини, қуёшнинг секин чиқишини, кечанинг бу қимматли меҳмони бу уйни яна бир оз муддат обод қилишини истарди. Уни уйда меҳмон қилиш завқини Ҳалима яна бир оз тотсин, ахир.

Аммо, аксинча, тун тез тутаб бораётгандек эди. Ҳурозлар қуёшнинг чиқишга ҳозирлик қураётганидан хабар бера бошлаган эдилар. Ортиқ ёта олмади. Боласининг ёнига ўтирди. Айрилиқнинг яқинлашганини ҳис қилган кўзларидан кўз ёш томчилари тукила бошлади.

Ҳурозлар қичқира бошладилар. Ҳалиманинг дарди уларга бегона эди. Тухтамай, кетма-кет қичқаришарди. Бу овозлар ширин уйқуда ётган гўдакнинг оромини бузди. У кўзларини очди, қараса, тепасида энагаси ўтирибди, икки қўлини чўзиб унга талпинаркан, хиёл кулимсираб, «Онажон!» деди.

Ҳалима ортиқ чидай олмади:

— Гул юзли, ширин сузли болагинам, — дея багрига босди ва ҳунграб йиглаб юборди.

— Онажон, нега йиглаяпсиз?

— Чунки бугун Маккага туққан онангининг олдига кетасан, ажралишамиз, жигарим. Аммо сендан ажралиш мен учун шу қадар огирки...

Ўрнидан турди, кийинди, йулга ҳозирлик кўрилди, ака-укалар упишиб хайрлашдилар. Қари, кулранг эшак хизматта ҳозирланди. Йулга чиқдилар. Силкинаётган қўллар, ёшланган кўзлар ортда қола бошлади.

— Тез-тез келиб тур, Муҳаммад.

— Сени жуда ҳам соғинамиз, ҳеч унутмаймиз, эй қурайшлик қардош!

Бу овозлар анчагача эшитилиб турди. Ниҳоят, овозлар эшитилмай, силкинаётган қўллар кўринмай қолди. Бир оздан сунг бир тепалиқдан ошилгач, Саъд ибн Бакр қабиласи ҳам кўринмай қолди.

Муҳаммад бутунлайга кетаётган эди. Лекин коинот қадар теран бир поклик ва самимийлик тула қалбида бу қардошларга вафодорлик ва меҳр-муҳаббат билан йўгрилган туйгулар ҳаммиша топилар эди.

Макканинг юқори маҳалласига етиб келганларида, Ҳалима бир муҳим иш юзасидан вақтинча Муҳаммадни ёлғиз қолдириб кетди. Ишини битириб қайтиб келганида Муҳаммадни қолдириб кетган жойидан топа олмади. Чапга, унга қайрилди, кўринмади. Тумонат одам орасида ҳали у ёққа, ҳали бу ёқ-

қа югуриб қидирди. Сунгра бирданига қўлини пешонасига қўйиб:

— Худо курсатмасин... — дея инграб юборди.

Бир дақиқагина кўринган ва тушуниксиз галати ишларни қилиб гойиб бўлган у икки бегона киши яна келган бўлса-чи? Агар шундай бўлса, Ҳалиманинг қўлидан ҳеч нима келмасди. Қаердан келгани, қаерга кетгани номаълум, бир дақиқагина кўришиб, сунгра гойиб бўлган мавжудотларга кимнинг ҳам кучи етарди?

Яна болани қолдириб кетган жойига қайтиб келди. Ҳеч зот кўринмасди.

— Болажонимни кўрмадингизми?

— Қанақа эди боланг?

— Дунёдаги энг гузал бола эди.

— Йўқ, кўрмадик.

Яна у ёқдан-бу ёққа югура бошлади. Ҳалима узоқлашиб кетгач, ҳалиги аёллардан бири иккинчисига:

— Угил одатда ота-онага тортади. Бу онадан шу қадар чиройли бола тугилишига ақлим етмайди, — деди.

— Ҳар бир она учун ўз фарзанди дунёдаги энг ширин, энг гузал бола бўлиб кўринади, сингилжон, — деди унга иккинчисига.

...

Абдулмутталиб Каъбанинг соясида, аср тушиб кун салқинлаша бошлагунча дам олгандан кейин огир-огир қадамлар ташлаб уйи томон йўл олди. Шундайгина дарвозаси олдига етганида, жонҳолатда югуриб келаётган бир хотинни кўриб қолди. Бирон ташвиш уни шу аҳволга солгани аён эди. Макканинг оқсоқоли ўлароқ ҳар бир одамнинг дардини тинглаш унинг вазифаси эди. Аёл ҳам ўз навбатида уни узоқдан кўрибоқганидан эди.

— Тухтаб туринг, эй Абдулмутталиб! — деб бақирди.

Қаттиқ саросимада эди у. Бу аёл Абдулмутталибнинг кўзига таниш кўринди. Ёнига етиб келгач:

— Мен Ҳалимаман, — деди.

— Танидим, неварам қаерда? — деб сўради Абдулмутталиб.

— Уни қидириб юрибман.

Абдулмутталиб эсанкираб қолди, бир қўли билан деворга суянар экан:

— Нималар деяпсан ўзи? — деди.

Ҳалима бир неча огиз гап билан аҳволни тушунтирди. Абдулмутталиб ларзага тушган эди. Дарҳол ўзини тутиб олди-да:

— Зинҳор Омина эшитмасин, — деди.

Салдан кейин яқин кишилари, хизматкорларига хабар берди. Ҳамма Абдулмутталибнинг неварасини қидиришга тушди.

...

Қурайшнинг ҳошимийлар сулоласидан чиққан ва Сайи-дул Мурсалин бўлиш йулида давом этаётган кичкина Муҳаммад (с.а.в.) Ҳалима қолдириб кетган жойни нега тарк этди, қаерга кетди, нега яна ўша жойга қайтиб келмади ёки келганида энагасини топа олмади?..

Бу саволларга жавоб беришдан ожизмиз.

...

Бозор тарқалиб, ҳеч ким қолмаган, қош қорая бошлаган эди. Бўлиб ўтган воқеадан Омина ҳамон беҳабар эди.

Макканинг юқори қисмида, қўлларида машғалалар кўтариб Муҳаммадни қидиришга чиққанлар бирдан:

— Шу ердан! Мен Абдулмутталибнинг неварасиман! — деб бақирган бир боланинг овозини эшитиб қолдилар.

Кўп ўтмай, севикли неvara бобосининг кучоғида эди.

— Жигаргўшам, мен Абдулмутталибман, бобонг сенга қурбон бўлсин, айланай, — дер эди у.

Ҳаяжони тарқаб, ўзига келган гўдак Оминага топширилди.

Ўша кеча Ҳалима Оминанинг меҳмони бўлди. Уйига барака келтирган болажонининг уйида тунади.

Ҳалима эртаси кунни уйига қайтиб кетди. Омина энг яқин кишиси, суюкли фарзандини бағрига босди. Мунис ва меҳрибон онанинг ўз жигаргўшасига қовушиши юрагига чек, из ҳузур бағишлади. Ҳар жиҳатдан баркамол ва етук бўлажак инсоннинг онаси эканлиги беқиёс бир бахтиёрлик туйғусини бағишлаган эди.

...

Севимли Муҳаммад Бани Саъд қабиласидан кўпгина ширин таассуротлар билан қайтди. Энагаси, отаси, укалари, уртоқлари ва қўшнилари...

Шунингдек, инсонларнинг баъзи бир бурчақда турган жонсиз, фойдасиз бир тошга сигинишлари билан боғлиқ хотиралар ҳам ушбу таассуротлар ичида эди.

...

Абдулмутталибнинг кўнгли тинчланган эди. Неварасининг кун сайин улғайиб, камол топиб бораётгани уни беҳад қувонтирарди. Уни бир кун кўрмаса, туролмасди. Катъанинг соясида тушаб олган кўрпачасида ёнбошлаб ўтираркан, юрагида бир бўшлик ҳис этар, фақат Муҳаммад чопиб келганидан кейингина енгил нафас олар, юрагини сиқаётган ҳолат дарҳол уни тарк этар эди.

Абдулмутталиб ўта босиқ, пурвиқор, огир-вазмин бир одам эди. Шу даражада салобатли эдики, на утиллари, на Макканинг аслзодалари у утирган кўрпачага ўтиришга ботина олардилар. Унинг қаршисида одоб сақлаб турардилар. Баъзан суюкли набираси келиб бобосининг тиззасига ўтирмоқчи бўлса, амакилари уни турғизиб юборишар, аммо Абдулмутталиб:

— Неварамни ўз ҳолига қўйинглар, — дер ва у чопиб келиб, яна бобосининг тиззасига ўтириб олар эди.

...

«Фил йили» деб аталувчи машғум санадан буён икки ярим йил ўтган эди. Тамим қабиласининг бошлиқларидан Абу Кўҳофага ўтилик бўлгани ҳақида хушxabар келди.

Болага «Абдуллоҳ» деб исм берилди. Арабларнинг одатига кўра, кейинроқ Абу Бакр лақаби берилажак буюк зот мана шу гўдак эди. Онасини Уммул Хайр, яъни, Яхшилик ва Эзгуликнинг онаси, деб атар эдилар. Асл исми Салмо эди.

#### IV

### Абвода қазилган мазор

Бир неча йил ўтди. Суюкли неvara олти ёшга тўлди. Абдулмутталиб том маънода шафқат паноҳига айланган, она-боланинг ҳар бир эҳтиёжини зиёда қилиб қондирар эди. Аммо Омина кун сайин сўлиб борар, юрагида қандайдир бир дард пайдо бўлган эди. Мана, олти йилдан ошибдики, бева яшайди. Бир кунни Абдулмутталибга:

— Ичимни бир дард ёндирмоқда, отажон, — деди.

— Нима бўлди, қизим?

— Билмадим. Лекин ҳеч таскин тополмаяпман.

Абдулмутталиб бошини эгди, оппоқ соқоли кўксига тушди, хиёл ўйга толди, сўнгра:

— Шу, бир саёҳат қилиб келсанг, қандай буларкан, қизим, — деди.

— Қаерга ҳам борардим.

— Ясрибга бор. Тоғаларингни кўриб келасан. Ҳамда... — Абдулмутталибнинг кўзлари ёшланди. Омина ҳам худди шу аҳволда эди. — Ҳамда Абдуллоҳнинг қабрини зиёрат этарсан.

Омина бу маслаҳатга рози бўлди. Гуёки кекса Абдулмутталибнинг юрагидаги орзуларини ўқигандай эди.

— Қачон йўлга тушай, отажон?

— Қачон хоҳласанг, ўшанда. Ўша томонга борадиган бирон-бир қарвонга омонат қўшиб юбораман. Бориб, бир оз дам олиб келасан.

Бир куни Абдулмутталиб Ясрибга борадиган бир йуловчи карвонни тогани ҳақида хабар келтирди. Омина зуҳра қабиласига бориб, қариндошлари билан хайрлашди. Сунгра карвонга қушилди. Ёнида суюкли угли Муҳаммад билан жорияси Умму Айман ҳам бор эди. Улар икки туяга миниб олдилар.

Эрталаблари тонг-саҳардан йулга тушилар ва қоқ тушгача юрилар, сунгра тўхтаб дам олинар эди. Аср пайти — куннинг тафти қайта бошлагач, яна йулга тушилар, туялар яна хизмати-ни давом эттирар эди. Қумлар устидан огир-огир одимлаётган бу жонзотлар битмас-туганмас сабр-тоқат билан Макка ва Ясриб орасидаги бепоеън йўлни босиб ўтардилар. Ора-сира туяларни гайратта солиш учун ўқиладиган шеърлар қулоққа эшитилиб қоларди. Кўз қамаштирадиган даражада чўзилиб кетган қумлар устида соатларча йул давомида биронта ҳам дов-дарахт учрамасди. Баъзан бир нечагина хурмо дарахтининг, бошларини бошларига қўйиб ҳасратлашаётгандай турган ҳолатига дуч келинарди, тепада учиб юрган қушлар кўриниб қолар, улар йуловчиларга шу яқин орада сув борлигидан дарак берар эдилар. Шунда тўхтаб мешларга сув тўлдирилар, туялар сугорилар ва яна юриш давом этар эди.

Йул бир неча кун давом этди. Кун неча марта чиқиб, неча марта ботди. Ниҳоят, бир куни яшил хурмо дарахтлари билан қопланган гўзал бир шаҳар кўринди.

— Ана Ясриб, ана Ясриб!.. — деб ҳайқирганлар бўлди.

Йуловчилар узоқ ва машаққатли сафардан кейин енгил нафас олдилар. Севиндилар. Севинишга тўла ҳақли эдилар. Чунки узоқ йул давомида қароқчиларнинг ҳужумига дучор бўлмаган, йиртқич ҳайвонларга рўбарў келмаган эдилар. Энг муҳими, неча кунлардан бери чанг-тузон ичида, туяларнинг устида чайқала-чайқала давом этган сафар тугаган эди.

Шаҳарга киришгач, Омина биринчи учратган одамга:

— Нажжор угилларининг манзилига бормоқчи эдик, — деди.

У одам боши билан ишора қилди:

— Туянгни мана бу йулдан ҳайда.

Ниҳоят, кўзланган манзилга етиб келдилар. Маккадан келган меҳмонлар хурсандчилик билан кутиб олиңдилар. Нажжор угиллари Абдулмутталиб тугилиб, вояга етган қабила эди. Она-си Салмо ушбу қабиланинг қизи эди.

Омина келган куннинг эртасига бир қабр тепасига борди, йиглаб ўтирди. Бу Абдуллоҳнинг қабри эди. Кунлардан бир куни эрта тонгда Маккадан кузатган, орқасидан ўпкаси тўлиб, тикилиб қолган Абдуллоҳини орадан олти ярим йил ўтгач, мана шу тарзда зиёрат қилиб турарди. Аммо кўргани шунчаки бир ҳовуч тупроқ эмас эди. Бу тупроқнинг остида тирик қолиши учун беҳад фидокорликлар қилинган мард ва гўзал йигит Абдуллоҳнинг чирий бошлаган суяклари ётарди.

Тирик қолиши учун юзта туя қурбон этилган Абдуллоҳ...

Маккалик бир хотин томонидан «Менга уйлансанг, сенга

юзта туя бераман», дея турмуш қуриш таклиф этилган Абдуллоҳ...

Коинот пайгамбарининг отаси булганидан беҳабар, унинг гул юзини бир мартагина булса ҳам кўрмасдан ажал ўқига дучор булган шурлик Абдуллоҳ шу ерда ётарди.

Омина мазор бошига тиз чўкди. Не қиларини, нима деяри-ни билмай, сокин ўтириб қолди. Кўзлари мазор тупроғига тикилган эди. Шу ҳолатда нималарни уйлади, кўз олдидан нималар ўтди, у ерда қанча вақт қолиб кетди — номаълум. Кўзларидан оқиб ёноғига тушган ёшларни ҳам балки сезмади ёки артишни лозим кўрмади.

Барвақт ҳаётдан кўз юмган хожаси учун йиглаш айб эмас эди. Ҳаётининг айни баҳор чоғида, эндигина уйланган йигит, сафардан қайтаркан, касалга чалиниб вафот қилган эди. Олти йилдан ортиқроқ вақтдан бери ичини ёндириб келаётган ҳасрат туйғуси аҳён-аҳёнда алангаланар, Оминанинг юрак-бағрини тилка-пора қилар эди. Шу онда юрса ҳам, ўтирса ҳам, кулса ҳам, доимо қалбида яшаб келган, фақат севгили ёригагина дахлдор булган туйғулар Оминанинг кунглини ўртарди, кунглидаги гам-алам кўзларидан шашқатор ёш бўлиб оқарди.

Омина қабрнинг тепасида қачонгача турганини ўзи ҳам билмасди. Билса ҳам, бирон нарсани фарқлай олмасди. На бозор билан, на расталар билан иши бор эди. Қайтди, тоғалариникига келди.

...

Нажжор угилларининг маҳалласидаги болалар янги бир дўст орттирганликларидан беҳад хурсанд эдилар. Хушбичим, очик чехрали, ширинсухан, кучли, бақувват бир бола эди у. Аммо жанжал, туполонни сира ҳам хуш кўрмасди. Уришаётган болаларни кўрса, ажратиб қўярди, яраштиради. Қўллари, юзи тоза, кийган кийими озода. Маккадан Ҳошим угилларининг хонадонидан келган эди у.

Бир куни Омина суюкли ўглининг эшиқдан жуда хурсанд ҳолда кириб келганини кўрди. Уни бу ҳолатда куриш Оминани тинчлантирар, унга ором бағишлар эди. Омина ўглини бағрига босди:

— Бугун жуда хурсандсан, ўгилгинам, — деди.

— Ҳа, онажон. Биласизми, мен сузишни ўргандим.

Оминанинг юраги ҳаприқиб кетди:

— Қаерда?

— Оди ибн Нажжорнинг ҳовузида.

— Эҳтиёт бул, болажоним, бирон зиён-заҳмат етмасин.

...

Меҳмонлар бир ой қолиб кетдилар. Бу орада суюкли Му-



ҳаммад болалар билан дўстлашиб олди. Тоғаларининг угиллари билан биргаликда уйинлар уйнади.

Бир кунни Наҳжор ўгилларининг юрти билан хайрлашдилар. Омина Макка томон йўл олди.

— Яна келгин, Омина.

— Сизларни соғинамиз.

— Бизлардан Абдулмутталиб оиласига салом айтинг... — деювчиларнинг саломатлик тилашларидан сўнг йўлга чиқдилар.

Ортада қолганлар ширин хотиралар оғушида эдилар. Биринчи маҳзун юзли Омина ҳақида, бошқаси юзидан нур ёғилиб турувчи ўгли ҳақида баҳс қиларди.

Омина бу сафардан жуда мамнун бўлди. Хожасининг қабрини зиёрат қилди, қариндошлари билан дийдор кўришди, Маккадан кўра иқлими анча енгил ва юмшоқ бўлган Ясрибда, хурмо дарахтларининг соясида, гўзал бог-роғларда кунгидагидек дам олди. Энди Абдулмутталиб оиласини ҳам роса соғинган эди.

Бир неча кунлик сафардан сўнг оқшом пайти Абво деб аталувчи бир қишлоққа етиб келиб, тўхтадилар. Чунки Омина ҳолдан тойган, узини ёмон ҳис қилаётган эди. Бу аҳволда узоққа етиб бора олмаслиги аён. Бу ерда бир неча кун дам олиб, дармонга кирса, яна йўлга чиқиш мумкин буларди.

Арабларнинг гоят меҳмондўстлиги шу ерда яққол кўринди: Омина меҳмони бўлган хонадон мутлақо нотаниш эди, шундай бўлса ҳам, уни қучоқ очиб кутиб олишди. Аммо касали тобора авж ола бошлади. Умуми Айман Оминага қандай қилиб бўлса ҳам ёрдам бермоқчи бўлар, аммо чорасиз эди; гул юзли жигаргўшаси Муҳаммад ҳам ута ғамгин ҳолда, ҳаёт шамъи секин-секин сўниб бораётган бечора онасига қараб ичи ўртанар эди.

Уй эгаларининг тажрибаси ҳам, Умуми Айманнинг гайрати ҳам, пурзиё гўдакнинг ёнаётган юраги ҳам тақдирга битилган ҳукмни ўзгартира олмади. Омина тобора жони бўғзига тикилиб келаётганини ҳис этаркан, бошида юзлари маҳзун жигари кўзларига қаттиқ тикилиб турганини сезиб, унга томон бурилди. Боласини ўзига тортди. Энди зўр-базўр қимирлаётган лаблар унинг гул юзларидан уқди. Унинг муборак исидан ҳидлаб, ўпкасини тўлдирди. Мажолсиз қўллари билан кўксига босди. Келажақда Оллоҳнинг ҳар турли неъматини ва раҳматининг энг буюк тимсоли, дунё ва охиратнинг султони, набийлар сарвари бўлмиш бу гўдакни дунёга ўзи келтирган, аммо уни тўйиб-тўйиб бағрига боса олмаган, тўйиб сева олмаган эди. Ҳолбуки, унга ўздан яқин, унда ўздан кўпроқ ҳаққи бўлган кимса йўқ эди.

Сўнгги дафъа кўраётганини билиб, қайта-қайта тикилди. Шундан кейин ич-ичидан тошиб келаётган ҳис-туйғулар, титроқ калималар байтлар ҳолида тилдан тўкила бошлади:

— Эй даҳшатли ажал ўқига дучор бўлган, Оллоҳнинг лутфи ва ёрдами билан юз тўя эвазига ҳалос бўлган зотнинг фарзанди!.. Оллоҳ сени муборак ва умрингни зиёда қилсин.

Агар тушимда кўрганларим тўғри бўлса, сен жалол ва икром соҳиби Оллоҳ томонидан Одам фарзандларига ҳалол ва ҳаромни ажрата олишни ургатиш учун пайгамбар сифатида жўнатиласан. Сен Исломни — бобонг Иброҳимнинг динини тиклаш учун жўнатиласан. Оллоҳ сени миллатлар билан биргаликда яшаб келган бутлардан, бутпарастликдан қўтқаражак. Тугилган ҳар жонзот улажак, ҳар янги нарса эскиражак, кўп бўлган камайиб битажак, фоний булажак. Дарвоқе, мен ҳам уламан. Аммо доим кишилар қалбида яшайман. Чунки пок, дуруст бир фарзанд тугдим, узимдан кейин хайрли бир ёдгорлик қолдирмоқдаман...

Омина ортиқ гапиролмай қолди. Нафаси сиқар, пешонаси совуқ тердан жиққа ҳўл бўлган эди. Энди ортага қайтилмайдиган умр йўлининг тутагани, сўнгги қадамларини босиб ўтганига қатъий ишонч ҳосил қилган эди. Сўнгги дафъа ўглининг дийдорига тўймоқчи бўлди. Ўзини зўрлаб, зўрга, бир неча сониягина қарай олди. Кейин чуқур бир нафас олиб, ҳаётдан кўз юмди. Вужуди жонсиз, ҳаракатсиз қолди.

Умуми Айманнинг дод-фарёди тирик етим бўлиб қолган гўдакнинг йигиси билан қўшилиб кетди.

...

Оминанинг вазифаси инсониятнинг саодат раҳбарини, рақибини ва тенгини йўқ султонини қорнида кўтариб юриш, тугишдан иборат эди. Бу вазифани вафо билан бажарган, бироқ ўзининг дунёси ўзига вафо қилмаган эди. Турмуш қурган йили эри вафот этди, ягона овунчоғи бўлган фарзандидан неча йилларгача айрилди, ундан кейин уни бағрига босиш бахтига эндигина эришганида, қаршисига ўлим фариштаси келди.

Унинг охирати қандай булар эди? Оқибати нима булар эди?

Биз уни жаннат неъматлари орасида кўришни истаймиз, албатта. Аммо бу саволга тўғри жавоб беришга биз ожизмиз. Бу мавзуни Оминани Ҳабиби Акрамига она қилган буюк Оллоҳга қолдириш, бизнингча, энг маъқул ишдир.

...

Гул юзига ёмғир каби кўзёши инган гўдак Умуми Айманнинг қулида кўрди узини. Унинг меҳр-шафқати боланинг қалбини ардоқлади. Чул дейишга лойиқ бир кўм дарёсининг уртасида, уларни одамгарчилик туфайли меҳмон қилган оиланинг уйида онасидан жудо бўлиш, уни бегона тупроқ қўйнига топшириш ва бир умрга ундан ажралиш гоят огир савдо эди.

Омина Абво қишлоғининг қумли тупроғига қўйилди. Бу фожиа нурли чеҳра эгасига қаттиқ таъсир қилган эди. У онасининг устига тортилган тупроқдан ҳам огирроқ ғам юки остида қолганини ҳис этди.

Шундан кейин азобли сафар бошланди. Умуми Айман бир

туяга миңди. Ота-онасидан ажралган гирт етимни кучогига олди. Иккинчи туяни етаклаб йулга чиқди.

Абво қишлогидан узоқлашиб кетганларидан кейин ҳам ора-сира орқасига қараб қўяётган гўдакнинг кўзларидан тинмай ёш оқар, баъзан «Онам, онажоним» дегани эшитилиб қолар, аммо Умму Айман уни бағрига босар, бошини силар, оналик меҳри билан сочларини ҳидлар эди.

Туя устида чайқала-чайқала давом этган бу машаққатли сафар беш кун деганда поёнига етди. Ниҳоят, Макка водийси кўринди. Каъбанинг ёнидан утиб, Абдулмутталибнинг уйига яқинлашдилар.

Абдулмутталиб қаршисида неварасини кўрганда, дунёга қайта келгандек бўлди. Куз ёшлари билан кучогига отилган неварасини шу қадар соғинган, шу қадар муштоқ бўлган эдики...

Аммо невараси ута гамгин кўринарди.

— Онанг қани, болажоним, — деди у.

Шу онда бир фарёд эшитилди. Умму Айман бўлган воқеаларни йиглаб-йиглаб сўзлаб берди. Абдулмутталиб буни кўз ёшлари билан тинглади. Энди бобосининг иссиқ кучоги унинг ягона паноҳи эди. Шу билан баробар гуёки у бобосига эмас, балки бобоси унга муҳтож эди. Абдулмутталиб уни ёнидан жилдирмас, бир гапи икки бўлмайдиган даражада меҳрибонлик кўрсатар эди.

Умму Айман эса, унинг энагаси ва энг яқин дўсти бўлиб қолган эди.

— Зинҳор неварамни кўздан қочирмагин. Сенинг вазифанг фақат шундан иборат.

Бу кўрсатма Умму Айманга берилган эди. Жонига роҳат бағишлаган амр эди бу. Чунки Умму Айман буни шунчаки бир вазифа деб билмас, балки чин кунгилдан бажарар эди. Ҳар иккаласининг орасида ҳам жуда теран бир меҳр-муҳаббат туйғуси бор эди. У ҳам Умму Айман ҳақида «Тўққан онамдан кейинги онамдир», дея илтифот кўрсатаркан, бутун қалбини бағишлаган эди.

## V

### Абдулмутталибнинг меҳр кучоғи

Абдулмутталиб неварасига меҳр-муҳаббат ва марҳамат кўрсатибгина қолмай, унда ўзгача ва улусифат бир шахсиятта хос белгиларни кўргани учун ора-сира қиладиган иши хусусида у билан яширинча пичирлашиб, маслаҳатлашиб олган кезлари ҳам бўларди.

Невараси ҳам унинг сиймосида фақатгина бобосини эмас, балки чин дўст, ажралмас ўртоқни ҳам кўрган эди. Абдулмутталиб қанчалик оч бўлмасин, невараси бўлмаса, дастурхонга

ўтирмас ёки ўтирса ҳам, то у келгунга қадар таомга қўл текизмас эди.

Абдулмутталиб хонасида ёлғиз ўтирган чоғларда унинг ҳузурига таклифсиз кира оладиган ягона одам ҳам невараси эди; бошқа одамларнинг эса, бундай қилишга ҳаққи йўқ эди.

...

Абдулмутталиб, одатдагидек, Каъбанинг соясига тушалган кўрпачасининг устида чордона қурганча, атрофидагилар билан суҳбатлашарди. Гап шу йилги қургоқчилик ҳақида борди. Анча пайдан бери кўқдан бир томчи ҳам ёмғир томчиламаган эди Макка тупроқларига. Ҳамманинг бирдан-бир ташвиши сувсизлик бўлиб қолди.

— Ҳар тонг уйгонганимда кўзим самода бўлади, — деди бири.

Бошқаси қўшимча қилди:

— Шу кетишда бу йил ҳаммамиз оч қолиб, қирилиб кетамиз.

Ҳалиги киши яна сўз олди:

— Илоҳларнинг ҳам биз билан ишлари йўқ...

Атрофни ўраб турган юзларча бутларга кўз қирини ташлагандан сўнг:

— Ўзлари сувга муҳтож эмас-да. Бизнинг муҳтож ёки муҳтож эмаслигимиз уларни сира қизиқтирмайди, — деди.

Унинг ёнида турган бириси мингирлади:

— Зотан, тош эмасми улар?

Бошқа бириси:

— Газабларига учрамайлик тагин, етар энди, — деди. Бироқ ўзини тутолмасдан:

— Илоҳ сифатида газабланишлари керакми ёки бизнинг аҳволимизни кўриб ачинишлари лозимми, буни ҳам билмаймиз, — деди.

Бу гапларни айтаркан, «илоҳлар газабланса ҳам, бирон нарсага кучи етмайди», дегандек бўлган эди. Аммо яна бири унинг хаёлидан кечган гапларидан ҳам ўтиб тушди:

— Шунча йиллардан бери уларнинг қошидан бош эгиб келамиз. Лекин муҳтожликка гирифтор бўлганимизда тошдек қотиб турсинлар деб эмас, ахир!

Бу одамнинг шу онда тил тортмай ўлиши ёки бошига кўқдан бир олов парчаси келиб тушишидек илоҳий жазо берилишини куттанлар ҳам бор эди.

— Сен ҳақдингдан ошиб кетдинг, ҳой йигит!

Шу гапни айтиб илгарига қадам ташлаган бирини бошқаси тўхтади.

— Бу одам илоҳларни ҳақорат қилди, аммо уни сен ўз ҳолига қўявер, токи жазони ҳам уларнинг ўзлари берсин.

— Ҳа, ҳа, қўларидан келса, жазони улар берсинлар...

Ҳар каладан бир гап чиқар эди.

— Ёмғир дуосига бир чиқсак, қандай бўлар экан-а? Нима дейсан, эй Абдулмутталиб?

Бир дақиқада мавзу узгарди. Яхши бир таклиф эди бу. Аслида, мақсад жанжаллашиш эмас, сувсизликка чора топиш эди. Юзларидаги совуқ ва шиддатли ифодалар юмшади. Юзлар Абдулмутталибга ўтирилди.

— Ажойиб булади. Эртага тонгда чиқамиз.

Атрофга хабар берилди. Ҳамманинг дарди бир эди. Таклиф ҳеч қандай эътирозсиз қабул этилди.

Тарқалишар экан, ҳалиги одамнинг:

— Илоҳлар эканлигингизга шак-шубҳамиз йўқ, аммо ҳолимизга бепарволигингиз ҳам аён... — деб пунгилагани эшитилди.

...

Абдулмутталиб кечани беҳаловат ўтказди. Қайта-қайта уйғониб кетаверди. Мияси қаҳатчилик гурбатларини уйлаш билан овора эди. Тонг отганда уни кўрганлар, дурустгина ухлаб, дам олган, дея олмасдилар.

Тонг-саҳарда Каъбанинг атрофига тўпланган юзларча кишилик бир жамоа Абдулмутталибнинг келишини пойларди. У ҳам узини куттириб қўймади. Ёнига суюкли неварасини олиб, жамоани бошлаб кетди. Бу жамоада эркаклардан ташқари аёллар ва болалар ҳам бор бўлиб, ҳаммаси бир хил туйгулар оғушида Абу Қубайс тепалиги томон йўл тортдилар.

Абу Қубайс жуда яқин эди. Каъбадан атиги бир неча юз қадам нарида қад кўтарган эди.

Оғир-оғир қадам ташлаб, тўхтаб-тўхтаб, нафасларини ростлаб, тепаликка чиқдилар. Пастда Каъба кўринар, ундан ҳам, чапдан ҳам қўзилиб келган водийларнинг бари Каъба жойлашган ерда қўшилиб кетар эди.

Абдулмутталиб халқнинг ўртасида тўхтади, чуқур нафас олди. Суюкли невараси ҳам ёнида эди. Сунгра нигоҳлари кўкнинг ададсиз теранликларига қадалди:

— Оллоҳим, шу етимнинг ҳурмати ҳаққи сендан ёмғир сўраймиз... — дея дуо қила бошлади.

Осмонда ёмғир ёғишини кўрсатадиган биронта ҳам белги, булут парчаси йўқ эди. Аммо қурайшликлар яна ёмғир сўрар, арзи ҳол этар эдилар. Бугун бўлмаса эртага, эртага бўлмаса индинга ёгажак ёмғирга ҳам бажонидил рози эдилар. Шу орада Абдулмутталибнинг ёнида турган нур юзли боланинг ҳам қўлларини кўтаргани, бармоқлари билан кўк юзига ишора қилгани кўринди.

Абдулмутталиб қайта-қайта «Оллоҳим, мана шу етимнинг ҳурмати учун...» деб дуо қилар, ҳамма «Омин», деб унга жўр булар эди.

Шу аснода уфқда кичик бир булут парчаси пайдо бўлди. Тезлик билан, орқасидан биров қувлаётгандай, илгарилаб келаверди. Аммо бунчалик кичик булут парчасидан бирон нарса кутиб бўлмасди. Ҳолбуки, бундан юз марта катта булут келтирадиган ёмғир ҳам етарли эмасди.

Булут югургандай илгарилар экан, тобора катталашар, Абдулмутталибнинг дуоларига «Омин» деб қўшилган халқ бу ҳолни диққат ва ҳаяжон билан кузатар эди. Худди кичкина бир тугун ҳолида бўлган булут яқинлашган сари очилиб, ёйилиб-кенгайиб борарди.

Унинг орқасидан оқиб келаётган булутлар кўриндию дуонинг қабул этилганига шубҳа қолмади. Юзларга табассум балқиди. Кузлардан севинч ифодаси улароқ ёшлар оқаркан, бошларига бир-икки ёмғир томчиси туша бошлаганини сездилар.

Ҳаммаёқни ларзага солиб гумбирлаган момақалди роқ «Тарқалинглар, дуонингиз қабул этилди...» деяётгандек эди. Одамлар севинч қичқириқлари билан тепадан пастта эна бошладилар.

Абдулмутталиб севинганидан йигларди. Соқолидан оқиб тушаётган ёшларини артаркан:

— Бу ёмғирни Оллоҳ бизга сенинг ҳурматинг учун берди, болам, — деди у неварасига.

Чақмоқ чақар, момақалди роқ гумбурлаб, водийларни ёритиб юборар эди. Салгина олдин бир неча кундан кейин булса ҳам ёмғир ёғишига рози бўлганлар уйларига етгунчаёқ шалабо бўлдилар.

Бу воқеадан кейин Абдулмутталиб ҳақида шеърлар тўқилди. Буюк инсон деб тан олинди.

...

Араблар изларга қараб башорат қилиш соҳасида улкан тажрибага эга эдилар. Қум устида қолдирилган оёқ изига қараб кишини ҳайратга соладиган даражада мукамал ва тўғри башорат қилардилар. Бир ҳайвоннинг изига қараб, унинг қайси қабиллага тегишли эканлигини аниқлашар, ёнма-ён юриб кетган икки кишининг оёқ изларидан уларнинг эр-хотинми, ота-болами ёки дўст-биродарми эканлигини тўғри айта олардилар. Бу соҳада муджиҳ қабиласи барча қабилалардан ўтиб кетган эди.

Бир куни муджиҳ қабиласидан Маккага келган бир неча киши кўркамларнинг кўрками бўлмиш, юзларидан нур ёғилиб турувчи, очиқ чехрали бир болага дуч келдилар. У бошқа болалар билан уйнаётган эди. Бамисоли юдузлар орасидаги ун турт кунлик ойдек ажралиб турарди у уртоқларидан. Ёнига яқинлашдилар. Шу он қорачадан келган бир аёл:

— Болага тегина кўрманг, — деди.

Бу аёл Умму Айман эди. Одамлардан бири ҳеч саросимага тушмай, деди:

— Ёмонлик қилмоқчи эмасмиз.

Бошқаси қўшимча қилди:

— Бундай бир маъсум гўдакка ёмонлик қилиш учун шайтонни ҳам йўлда қолдирадиган даражада жоҳил бўлиш керак.

— У ҳолда нима истайсиз?

— Фақат ёқтириб қолдик. Шундай, синчиклаб қарамоқчи эдик, холос.

— Мақсадингиз нима? Нега бошқа болаларга қарамайсиз?

— Биз бу болада ҳеч бир болада бўлмаган гаройиб ҳолларни кўрдик. Ижозат бер, бир оз ёнимизда турсин.

Умму Айман Муҳаммадни чақирди:

— Бери кел, углим, мана бу амакиларинг сени кўришмоқчи.

Улар Муҳаммадга бошдан-оёқ чуқур разм солдилар. Айниқса, оёқларига тикилиб қолдилар. Кейин бошини силадилар. Умму Айманга ташаккур билдирдилар.

— Бу кимнинг угли?

— Абдулмутталибнинг угли.

Ҳалиги одам бошини чайқади.

— Аслзода бир оиланинг фарзанди эканлигига шак-шубҳа йуқ.

...

Саксон ёшга кирган бир инсон вақтининг кўпини дам олиш билан ўтказди. Абдулмутталиб ҳам шундай ҳаёт кечирар. Каъбанинг соясида кўрпачасини ёзиб ҳордиқ чиқарар эди.

Муаллақанавис шоир Зуҳайрнинг бир байтини хотирлади у: «Ҳаётнинг оғир юкларидан чарчадим. Ҳа-я, ким саксон йил яшаса, ҳаётдан ҳам чарчаши бегумон», деган эди Зуҳайр. Абдулмутталиб ҳам аини шу ҳолатда эди. Тиг каби, тутган жойини кесадиган қирчиллама йигит бўлган кезларига ўзи ҳам ишонмайдиган даражада кексайган эди. Бошида биронта ҳам оқармаган соч толаси, соқолида биронта ҳам қора мўй қолмаган. Бундай ёшга етган ҳар қандай киши каби, у ҳам вақтисоати келиб ажал ўз домига тортадиган дақиқаларни пойлаб, бир чеккада дам олиб ўтирарди.

— Салом сенга, эй Абдулмутталиб!

— Салом бўлсин сизга, эй мудлижликлар. Марҳамат қилинглар, мана бу ерга ўтиринглар.

Келганлар ўтирдилар. Абдулмутталиб улардан ҳол-аҳвол сўради. Мудлиж қабилисидан танишлари бор эди, улар ҳақида сўриштирди. Шундан кейин уларнинг келиш сабабини сўради.

Бери:

— Бугун болалар орасида жуда чиройли бир гўдакни кўрдик. Ёнидаги аёл сенинг ўглинг эканлигини айтди.

— Ҳа, у менинг углим, яна ҳам тўғрироғи, неварам.

Одам бир-икки сония жим бўлиб қолгач, гап бошлади:

— Биз болани кўриб қизиқиб қолдик ва унга чуқур разм солдик. Бизнинг фикримизча, мақоми Иброҳимдаги оёқ излари билан бу боланинг орасида жуда яқин ва чамбарчас боғлиқлик бор. Биз ўзимизнинг мезон ва меъёримиздан келиб чиқиб айта оламизки, бу бола пайгамбарлар авлодидандир.

Абдулмутталиб бу хулосадан жуда мамнун бўлди.

— Тўғри, — деди, — мақоми Иброҳимдаги излар бу гўдакнинг катта бобосининг оёқ изларидир. Чунки у излар пайгамбар Ҳазрати Иброҳимга оиддир. Биз эса унинг авлодиданмиз. Мен наслимизга мансуб боболаримнинг исмларини санай-санай Аднанга қадар чиқа оламан. Аднан эса, маълумингизким, Ҳазрати Иброҳим наслидандир.

...

Орадан бир неча кун ўтди. Абдулмутталиб Нажрон қозиси ва роҳиби бўлган бир дўсти билан суҳбатлашиб ўтирарди. Роҳиб ўз маслагидан келиб чиқиб, диний мавзулардан баҳс юритар, неча асрлардан бери пайгамбар юборилмаганини сўзлар эди. Ҳазрати Исонинг давридан бери юз эмас, бир неча юз йил ўтган, келиши муқарар ва лозим бўлган бир пайгамбар кутилаётган эди.

Роҳиб сўзларини шу тарзда давом эттирди:

— Биз Исмоил ўғиллари наслидан келажак ва пайгамбарнинг сунгиси булажак бир пайгамбарнинг сифатларини китобларда ўқиб юрибмиз. Ушбу маълумотларга кўра, бу пайгамбар юзага чиқадиган жой шу ер, яъни, Макка шаҳридир.

Роҳиб келажак пайгамбар ҳақида атрофлича маълумотга эга эди. Кузларининг ранги, оёқларининг шакли, икки елкасининг уртасида жойлашган бир белгига қадар ўзига хос хусусиятларини ҳам билар эди. Абдулмутталиб унинг сўзларини зўр қизиқиш, ўта эътибор билан тингларди.

Шу он суюкли невараси келиб, бобосининг ёнига ўтирди.

— Эй Абдулмутталиб, булар сира ҳам уйдирма эмас. Диний китобларда ёзилган... — Роҳибнинг гапи оғзида қолди, кўзлари бирдан ҳозиргина келган болага қадалган эди. Диққат билан кузатди. Кузлари, қўллари, оёқлари, баданига синчиклаб қаради.

— Бу кимнинг боласи, эй Абдулмутталиб? — деди.

— Менинг углим.

— Бўлиши мумкин эмас асло.

— Нега энди?

Роҳиб жуда секин овоз билан пичирлади. Худди гапини бола эшитишини хоҳламаётганга ўхшарди.

— Чунки бу боланинг отаси улган бўлиши керак.

— Нега шундай деб ўйлайсан?

— Менга қара, эй Абдулмутталиб, бу бола сенга боядан бери гапирётган пайгамбарнинг сифатларига эга. Сен унинг отаси эканлигини айтдинг. Ҳолбуки, бизнинг диний китобларда ёзилишига қараганда, бу бола етим бўлиши керак эди. Сен унинг отаси бўлишинг мумкин эмас.

Абдулмутталиб унинг сўзларини тасдиқлади.

— Тўғри гапирасан. Ҳақиқатдан ҳам бу боланинг отаси, яъни, менинг углим, ҳали у туғилмасдан олдин вафот этган эди. Мен бобосиман. Аммо ўз углимдан ҳам ортиқ кўраман уни. У кўзимнинг оқу қорасидир.

— Энди узинга келдинг, эй Абдулмутталиб. Аммо бу бола-ни эҳтиёт қилишинг лозим. Яҳудийлар уни кўрар-кўрмас та-нийдилар. Билиб қолсалар, бирон зарар етказишлари эҳтимол-дан холи эмас.

Бу сўзлар Абдулмутталибни неварасига яна ҳам қаттиқроқ боғлаб қўйди.

...

Абдулмутталиб ҳаётининг сўнгги кунларини яшаётганини чуқур ҳис этарди. Замондошлари ҳавас қилса арзигудек бир умр кечирган эди у.

Ҳар кимга яхши муомалада бўлди, катта-кичик барчанинг ҳурматино қозонди. Фақирларни тўйгазди, бевалар, етимларга ёрдам қўлини чўзди, умр бўйи бирон марта ҳам зинога яқин-лашмади, яқинлашганларни ҳам хуш кўрмади.

Ичкиликни ёқтирмасди. Чунки ичкилик ичувчиларнинг қандай шармандали аҳволга тушганларига кўп гувоҳ бўлган. Бундай қабоҳат ишларга сира ҳам тоқати йўқ, виқор ва одоб эгаси эди. Макканинг ҳокими сифатида, уғрилиқ қилганлар-нинг қўлларини кестирар, қўлидан келганча, қиз болаларнинг ўдирилишига тўсқинлик қилар эди. Ёмонлик қилган кимса қўлга тушса, қамчи билан саваларди. Охиратга ишонар, Оллоҳ-нинг борлиги, қудратли ва буюклигига шубҳа қилмас эди. Ўз замонида кенг тарқалган бутларга сизинган-сизинмагани эса, бизга қоронги.

Рамазон ойи келган кун озиқ-овқат олиб, Маккага яқин Хиро тоғига чиқиб кетар, у ерда ёлғиз қолиб, ўзича ибодат этар, ўй-хаёлга толар эди. Бу ишни илк маротаба у қилган, шундан кейин таркидунёчилик одатини шу кўрувчилар пайдо бўлди, халқнинг шовқин-суронли ҳаётидан чекилиб, бу тоғда бир ой давомида ёлғиз яшашга ҳавасмандлар кўпай-ди. У ерда қандай ибодат қилингани эса, яна бизга но-маълум.

У ҳақда тадқиқотчи Куксол «Узун бўйли, ёқимли, сабрли, ақлли, тарбияли, дунёқараши кенг, сарвқомат, мард ва сахий киши эди», деб маълумот беради.

Маккаликлар уни «Иккинчи Иброҳим» дердилар. Барча арабларнинг Пайгамбар Иброҳим алайҳиссаломга бўлган чу-қур ҳурматларини назарга олсак, маккаликларнинг Абдулмут-талибга қай даражада ҳурмат-эҳтиром кўрсатганликларини та-саввур этишимиз қийин бўлмайди.

Каъбага доир бутун хизматлар Абдулмутталибнинг бошчи-лиги остида юритилар, ҳеч кимса Маккага ундан бошқа киши-ни ҳоким қилишни ўйламас эди. Чунки Абдулмутталиб бу ма-қомга зўравонлик билан эмас, муруввати, фазилати ва шара-фи боис келган, ақли расо ва аслзода қабила бошлиқлари уни бу мақомга лойиқ деб топганлар. У бу мақомга муносиб эмас, деб бирор киши даъво қила олмасди. Чунки Макка худудида яшовчи бирон кимса Абдулмутталибдан ёмонлик кўрганини

иддао этолмас, аксинча, ундан яхшилиқ кўрганини эътироф қилар эди.

Бир кун Иброҳим Абдулмутталиб дардга чалинди.

Барча уринишлар, шифо излаб елиб-югуришлар беҳуда бўлди. Тобора ўлим соати яқинлашиб келаётгани равшан эди. Абдулмутталиб дарди бедавога йўлиққанини англаган, ўздан кейин тўққиз уғил, олти қизи ва бир этак неваралари қолмоқ-да, аммо унинг уй-фикри бош қотиришга лойиқ деб билган суюкли неварасида эди. Уни нима қилиш, кимга қолдириш тўғрисида ўйларди. Шу кунга қадар уни қўлидан келганча тар-биялаган, ҳеч нарсада камситмаган, устига гард юқтирмаслик-ка уринган, унга ҳақиқий ота, тенги йўқ бобо бўлган эди. Аммо Абдулмутталиб ҳам фоний бир борлиқдир. Унга ҳам эн-ди ажал яқинлашган, ўлим фариштаси эшик қоқиб келаётган эди.

Ора-сира ҳушидан кетади, ўзини билмай қолади. Шундай кезларда «Муҳаммадим, суюкли Муҳаммадим...», дея босинқи-рагани эшитилиб қолади. Ўзига келганда эса, яна тамомила унинг ташвиши билан банд бўлади.

Бир пайтлар Муҳаммаднинг отасини, яъни, узининг ўғли Абдуллоҳни кўруб қолишга бел боғлаган кунларни эслади. Агар ўша қасамини бажарса, бутун қалбини ларзага солиб, кекса юрагини ёндираётган бу меҳр-муҳаббатнинг соҳиби ҳам бўлмасди.

Аммо буюк ҳикмат эгаси бўлмиш Оллоҳ ҳамма нарсани шу боланинг ҳурмати учун яратган эди. У бўлмаса, бошқа борлиқларни яратишнинг маъноси қолмас эди. Бутун оламлар-га Оллоҳнинг беҳисоб раҳмати унинг воситасида, у орқали ёғилиши керак эди. Инсоният унинг раҳбарлигида ҳақ йўлни топажак, саодат йўлига киражак. Оллоҳга элтувчи йўлни энг мукамал тарзда инсонларга у кўрсатажак эди. Шу боис бир эмас, минг Абдулмутталиб тил бириктирса ҳам, илоҳий қудрат бунинг олдини олар ва Абдуллоҳни қўтқарар эди. Коинот сар-варининг унинг наслидан, унинг ўғли сифатида дунёни шараф-га буркаши азалий ва илоҳий тақдирнинг зарурати эди.

— Отика!

— Лаббай, отажон.

— Сув бер.

Отика дарҳол келтирилган Замзам сувидан идишни тўлди-риб берди. Абдулмутталиб бир неча қултум ичди.

— Шифо бўлсин, отажон.

— Омон бул, болам.

— Эсингиздами, отажон, Замзамни қазиган кунларингиз?

Абдулмутталиб бош иргади. «Ҳа», деб пичирлади. Салдан кейин Отика чиқиб кетди. Абдулмутталибнинг хаёлидан ўт-миш кунлари кечди.

## Замзам

Ропша-роса қирқ йил олдин бўлиб утган эди бу воқеа.

Бир куни Абдулмуатталиб Каъбанинг «Ҳижр» деб аталувчи қисмида қайлула уйқусида эди. Пешин пайти оловдек қиздирадиган қуёш тафтидан ҳамма салқинга қочиб ухлагани каби, Абдулмутталиб ҳам ётиб ухлаган эди. Туш пайтидан бошланадиган бу уйқу асрнинг урталарида, салқин тушгач, тугар ва араблар буни «қайлула» дердилар. Бу соатларда ҳамма ишини ташлаб, салқин жой қидириб қоларди. Чунки жазирама иссиқ фақат меҳнат қилишгагина эмас, ҳатто сайр этишга ҳам имкон бермасди.

Абдулмутталиб туш кўрди. Тушида ёнига бир одам келиб:

— Тибани қази, деди.

— «Тиб» қаер ўзи?

Одам жавоб бермай, кўздан гойиб бўлди.

Абдулмутталиб уйгонгач, бир муддат бу туши ҳақида ўйлаб қолди. Ҳеч қандай маъно бера олмади. «Ҳар доим кўриладиган тушунарсиз рўёлардан бири бўлса керак», деган хулосага келди.

Эртаси куни яна айнан ўша ерда ухлаётган эди. Тушида яна нотаниш бир одам келиб унга:

— Баррани қази... — деди.

— «Барра» қаер? Нега у ерни қазишим керак?..

Одам жавобни ҳам кутмай ва бошқа ҳеч нарса демай, гойиб бўлди.

Тибани нима? Барра нима? Нега у жойлар қазилиши керак? Бу саволларга жавоб беришдан ожиз эди у.

Учинчи куни яна ўша одам келди. Бу сафар:

— Маднунани қази! — деб буюрди.

— Маднуна нима, у қаерда?

Одам жавоб бериш ўрнига, яна гойиб бўлишни афзал кўрди.

Абдулмутталиб энди ҳар ухлаганида бирон ерни қазиш буюрилишига ишонч ҳосил қилган эди.

Тўртинчи куни ётар экан, «Қурайлик-чи, бутун қаерни қазири эканмиз», деб ўйлади. Ҳақиқатан ҳам, тушида яна ўша одам келди.

— Замзамни қази! — деди.

— Замзам недир?

— Замзам ҳеч тугамайдиган, камаймайдиган бир сувдир. Сен тўп-тўп бўлиб келадиган ҳожилар жамоасига ундан ичирасан. У сув қурбонлик қонлари оқизилиб тўпланадиган жойлар билан ахлатлар тўкилган жойларнинг орасидадир. Ола-чинор қарга қагиллайдиган жойни топгин, у ерда бир чумоли уяси бор.

Бу одам ниҳоят асл мақсадни гапирган эди. Неча кундан бери айтолмаётган гаплари, демак, шулардан иборат экан-да.

Абдулмутталиб уйқудан уйгонган заҳоти ён-теваракка аланг-

лади. Кўзлари қурбонликлар сўйилиб қонлари оқизилган, чинди-супириндилар тўкилган ерни қидирибди. Шу орада қорни ва қанотлари оқ бир қарганинг қагиллаётганини кўрди. Тушида кўрганлари тўғри чиқишига шубҳаси қолмади. Уша томонга йўл олди, қаргага яқинлашиб бора бошлади. Аммо у қочмасди. Эҳтимол, қазиши лозим бўлган ерни аниқ кўрсатиш учун кетмаётгандир. Ниҳоят, жуда яқин боргач, «пирр» этиб учиб кетди. Абдулмутталиб қарга кўниб турган жойнинг шундайгина ёнбошида гавжум бир чумоли уяси борлигини кўрди. Ҳақиқатан ҳам бу ер қурбонликлар сўйилган ва ахлатлар тўкилган жойнинг қоқ ўртаси эди. Бу жойни яхшилаб таниб олиш учун белгилаб қўйди. Каъбанинг эшиги томонда эди. Каъбагача ва мақоми Иброҳимгача бўлган масофани ўлчади. Энди келиб шу ерни қазишдан бошқа чора қолмаган эди.

Буюк бобоси пайгамбар Исмоил ҳазратлари замонидан қолган сув, муборак бир қудуқ борлиги ҳақида ҳамма қатори у ҳам биларди. Аммо неча юз йиллар давомида Макка аҳлининг ҳам, келиб-кетувчи ҳожиларнинг ҳам эҳтиёжларини тўла-тўқис қондирадиган бу қудуқ Журҳум қабиласи одамларининг ахлоқсизлиги ва жоҳиллиги оқибатида вайрон этилиб, беркитиб ташланган эди. Мағлубиятга учраган журҳумликлар Маккани тарк этар эканлар, қудуқни ҳам кумиб кетган эдилар.

Вақт утиши билан Замзамнинг қаерда бўлгани ҳам унутилди, оти бор-у, ўзи йўқ нарсага айланди. Ичига Каъбага тегишли анча-мунча олтин буюмлар ҳам кумилиб кетган қудуқни топиб очиш буюк бир шарафга ноил бўлиш билан баробар, Оллоҳнинг лутфи ва карамига сазовор бандасигагина бундай саодат насиб этиши мумкин эди!

Оқшом тушгач, ўгли Ҳорисга:

— Эртага бирга тер тўкиб ишлашимизга тўғри келади, — деди. Унинг қизиқсиниб қараб турганини кўриб изоҳ берди: — Замзам қудуғини қазиймиз.

— Аммо, отажон, биз унинг қаерда жойлашганини билмаймиз-ку? — дея Ҳорис отасининг юзига қаради. «Тушунмадим» демоқчи эди. Абдулмутталиб қисқагина бир жавоб берди:

— Тушимда курсатилди.

Ҳорис учун мазкур жавоб етарли эди. Отасига бўлган ишончи беҳад эди. Абдулмутталибнинг ўша пайтда қўли ишга келиб қолган биргина угли Ҳорис эди.

Эрталаб тонг-саҳарда қурайшликлар Абдулмутталибни белқурак ва чўкични олиб қаёққадир кетаётганини кўрди.

Кеча белгилаб кетган жойига келди.

— Оллоҳим, муборак бўлсин... — дея чўкични ерга урди. Ота-бола бирга қазий бошладилар.

— Ҳорманг энди, ё Шайбатул ҳамд!..

— Саломат бўлинг.

— Нима қилаётирсиз?

— Кўриб турибсиз, шу ерни қазияпмиз.

— Аммо нима мақсадда?

— Бу ер Замзам қудуғининг ўрни.

Шундан кейин Абдулмутталиб кетма-кет тўрт кун давомида кўрган тушларини гапириб берди. Одамлар истехзо аралаш жилмайдилар.

— Тушда кўрган нарса билан иш битар эканми? — дедилар.

Абдулмутталибга хурмати баланг булганлар эса:

— Бунда бир гап булса керак, — дея ишнинг натижасини кутиш ва шунга қараб ҳукм чиқаришни маъқул топдилар.

Абдулмутталиб зерикмасдан, умидвор бўлиб ишини давом эттирарди. Ниҳоят, қудуқнинг устига бир қопқоқ каби ёпилган тошни топдио кўзлари ёшланди. Қўлларини кўтариб, Оллоҳга шукр қилди. Энди тушининг ҳақиқат эканлигига ва бу вазифа унга илоҳий йўлдан берилганига батамом ишонди.

Тепасига келиб-кетиб, ишини ажабсиниб томоша қилганлар, комил ишонч ила, беҳуда уринаяпсизлар, дея ўйлаганлар қудуқнинг топилганини кўришдию дарҳол чўкич ва белкуракларини қўлларига олиб етиб келишди.

Абдулмутталиб:

— Хўш, нега келдингизлар, тинчликми? — дея сўради.

— Қудуқни бирга қазиймиз.

— Бунақаси кетмайди.

— Аммо бу шарафга биз ҳам шерик бўлишни истаймиз. Чунки бу бобомиз Исмоил пайгамбарнинг қудуғидир.

— Бундай қилиб булмайди. Чунки бу вазифа фақат менга буюрилди.

Одамлар ўжарлик қилдилар:

— У ҳолда сенинг қазийнингга ҳам йўл қўймаймиз. Ё бирга қазиймиз, ёки сен ҳам қазимайсан.

— Унда шу пайтгача қаерда эдингизлар?

— Қудуқнинг жойи қаердалигини билмасдик-да.

— Мен ҳам билмасдим, аммо қудуқнинг ўрни фақат менга кўрсатилди.

— Биз ҳам энди бу ишга қўшилишни хоҳлаймиз.

— Мен эсам, бу шарафни сиз билан бўлишишни истайман.

Оди ибн Навфал Абдулмутталибга тегишди:

— Абдулмутталиб, сен ёлғиз бир кишисан. Биргина углингдан бошқа ёрдамчинг йўқ. Ўжарлик қилаверма, бизга қарши чиқма.

— Эй Оди, айнан сенинг шундай дейишинг инсофдан эмас. Ахир, отанг Навфал отам Ҳошимнинг ҳимояси остида бўлгани ёдингдан чиқдимми?

— Сен ҳам амакинг Мутталибнинг хонадонидан паноҳ топгунингга қадар тогаларинг Нажжор ўтиларининг ёнида булмаганмидинг?

— Эй Навфал угли, сен мени фарзандларимнинг озлиги билан айбламоқчимисан? Худо ҳаққи қасамлар булсинки, агар Оллоҳ менга ўнга ўгил берса, улардан бирини Каъбанинг ёнида қурбон қиламан.

Мунозара тобора қизир эди. Бу кетишда жанжалга айланиши ҳеч гап эмас эди. Бировлар Абдулмутталибни ҳақ деб

билса, бошқалар рақибларининг тарафида эдилар. Ахийри Абдулмутталиб:

— Бу муаммони ҳакам ҳал қилса, розиман. Кимга десангиз, ушанга борамиз. Унинг чиқарган ҳукмига сиз ҳам рози бўласиз, мен ҳам.

Бу таклиф мақбул деб топилди.

— Абдулмутталиб инсофлик қилди, — дедилар.

Натижада Шом аслзодаларидан Саъд ибн Ҳузайм қози сифатида таклиф этилди. Абдулмутталиб бунга рози булди.

Эртаси кун Абдулмутталиб қариндошларидан баъзи кишиларни олиб йўлга чиқди. Қарши томонда эса, қурайш қабилаларининг ҳар биттасидан бир кишидан бор эди. Биргаликда ишлар, биргаликда дам олиш учун тўхташар, сўнг яна биргаликда йўлларига давом этишар эди.

Кун қиздиргандан қиздирарди. Узоқ йўл юришларини инобатга олиб, ута эҳтиёткорлик билан иш тутсалар ҳам, Абдулмутталиб ва унинг ҳамроҳларининг сувлари тутади. Сувсизлик уларни ҳолдан тойдирди, тоқатларини тоқ қилди. Абдулмутталиб аҳволни тушунтириб, қарши томондагилардан сув сўради.

— Сизга берсак, биз ҳам сувсиз қоламиз.

Абдулмутталиб улардан бу жавобни кутмаган эди. Чунки ўзи ҳеч кимса ҳақида бундай ўйламас, ўз нонини ҳам бошқалар билан бўлишиб ер эди. Кура-била туриб бир инсонни сувсизликда ўлим чангалига ташлаб кетолмасди. Аммо улар шундай қилдилар.

Тиллари танглайига ёпишган, туя устида ўтиришга ҳам мажоллари қолмаган. Сувсизлик ва жазирама иссиқ таъсирида тўтри фикрлаш ҳам мумкин булмай қолди. Ораларида саросимага тушганлар ҳам булди.

— Мозоримизни шу ерга қазийлик, улимимизни кутайлик, — дейишди баъзилар.

Энг оқилона таклиф шу ерда бир оз дам олгач, яна йўлда давом этиш булди. Туяларидан тушдилар. Ҳаммалари бир қаторга тизилиб ўтиришди. Қарши томондагилар уларни кузатишар, натижа қандай бўлишини кутишар эди. Шу аҳволда бир оз ўтиришди. Умидсизлик билан бир-бирларига тикилишар, ким кўпроқ яшар экан, деб ўйлашар эди. Орамизда ўлмай, қутииб қоладиганлар булар, деб васиятлар қилишди.

Абдулмутталиб виждон ўтида ёнарди. Аммо бу фожеавий аҳволга тушишларига ўзи сабабчи булди. Чунки ёнида ўтириб ўлимини кутаётган бу инсонлар унинг даъвосини қўлаб-қувватлаш учун йўлга чиққан эдилар-да.

Абдулмутталиб қуруқшаган лаблар, тутанган дармонлар, чекилган изтиробларга ва бошларига тушган мусибатдан умидсизланган биродарларига тикилар, ҳар бирининг ўрнига қайта-қайта ўлишга ҳам рози ҳис этар эди узини. Йўлда давом этишга кучлари етмас, ён-атрофдан бирон ёрдам келиши ҳам эҳтимолдан йироқ эди.

— Ётиб ўлма, судралиб ўл!..

Нидо юрагининг тубидан келарди. Виждони азобланар

экан, бундай қўл қовуштириб ўтиришдан фойда йўқлигини хаёлидан уткарди.

Биродарларнинг умидсизларча боқишлари таъсирида бир амаллаб туясига минди. Туянинг устида утира олмайдиган даражада мажолсиз эди. Туя юра бошлаганда эса, ерга тушиб кетай деди, ҳайвоннинг устида ёнбошлаб қолди. Қаерга кетаётганини ўзи ҳам билмайди, балки сув топарман, деб ўйлайди.

Юз қадам ҳам юрмаган эдики, туянинг оёғи бирдан нимагадир ботди. Абдулмутталиб қаттиқ чайқалиб, йиқилиб тушай деди. Ўзини унглашга уринар экан, кўзлари йилтироқ бир нарсага тушди. Қайта-қайта тикилиб қаради. Йўқ, янглишмаган эди: туянинг оёғи ботган жойдан сув қайнаб чиқарди. Сув тобора тез оқа бошлади. Ўша пайтда бутун вужудини қамраб олган хурсандлик ҳиссини ҳеч қачон таърифлаб беролмас керак. Ўзини ерга отди. Бу орада туя ҳам оёғини ҳалиги жойдан чиқариб олди.

Энгашди. Юз-қўларини ювди, тўйиб-тўйиб сувдан ичди. Тусатдан ҳаётга янги келгандай бўлди, қалбини чулғаб олган умидсизлик ҳисси батамом барҳам топди. Ўрнидан турди, ҳамроҳларини бақариб қақирди.

— Ҳой биродарлар, бу ёққа келинглар. Оллоҳ бизга сув берди.

Қулоқлар бу овозга ишонишни истамади. Аммо ҳозир ҳазил пайти эмас эди. Қолаверса, Абдулмутталибнинг овози жонли, ишонч бағишловчи эди.

Умидсизликнинг чил-парчин бўлиши тиззаларга дармон киргизди. Турдилар, судрала-судрала, Абдулмутталиб кетган томонга илгарилар бошладилар. Дарҳақиқат, у ерда сув бор эди. Тинмай оқарди. Абдулмутталиб рақибларига ҳам юзланди, уларни ҳам таклиф этди.

Туяларга сув берилди, мешлар тўлдирилди. Қайта-қайта ичдилар. Энди йўлга чиқилса ҳам буларди. Оди ибн Навфал Абдулмутталибга ўтирилди:

— Худо ҳаққи, эй Абдулмутталиб, давъони сен ютдинг. Ҳукм бизга қарши чиқди. Энди сен билан Замзам масаласида бошқа тортишмаймиз. Чулнинг ўртасида бу сувни етказган Оллоҳ Замзамни ҳам сенга берганига энди шубҳамиз қолмади. Қани, энди соғ-омон Маккага қайтайлик, — деди.

— Яъни, энди қозига мурожаат қилишга ҳожат қолмадимиз?

— Ҳа. Маккага қайтамиз.

Маккага қайтдилар. Бу воқеа Абдулмутталибнинг обрўини янада оширди. Қаерда эканлигини ҳеч ким билмайдиган Замзам қудугининг ўрни кўрсатилиши, бешак ўлим кутилаётган дақиқаларда Оллоҳнинг лутфи ва карами ўлароқ сувнинг оқа бошлаши унинг маънан юксак бир одам эканлигидан далолат берарди.

Абдулмутталиб ўғли Ҳорис билан биргаликда яна Замзамни қазиб, тозалай бошлади.

Сафар чоғида содир бўлган бу воқеа оилаларда, йигинларда баҳс этилди.

Қазиш давомида даставвал Каъба хазинасига тегишли бўлган баъзи олтин ҳайкаллар, қиличлар ва зирҳлар топилди. Юқорида эслатилган Журҳум қабиласи Маккани тарк этаркан, Каъба хазинасидаги бу қимматбаҳо ашёларни ҳам Замзамга кўмиб кетган эдилар.

Бу бебаҳо буюмлар яна қурайшларнинг ҳасадини қўзғади. Қозига мурожаат қилмаганликларидан яна пушаймон бўлдилар.

— Эй Абдулмутталиб, бу ашёларга биз ҳам шерик бўлишимиз лозим.

Абдулмутталиб пешонасидан оқаётган терларни артди.

— Нега?

— Чунки бу қудуқ бизнинг буюк бобомизники. Бу ашёлар эса, хазинасидан қолган буюмлардир.

— Бу ерни мен қазадим. Демак, ашёлар ҳам меники бўлиши лозим. Модомики, сизлар бунга қарши экансизлар, муаммони қуръа ташлаб ҳал қилсак, дейман.

— Қанақасига?

— Икки қуръа Каъба учун, иккитасини мен учун ва иккитасини сиз учун ташлаймиз. Кимнинг ҳаққига нима чиқса, шуни олади. Ҳиссасига ҳеч нарса чиқмаган томон маҳрум бўлади.

— Бўпти, розимиз. Эй Абдулмутталиб, сенда инсоф бор экан.

Абдулмутталиб Каъба учун сариқ, ўзи учун қора ва қурайшлар учун оқ — иккитадан ўқ танлади. Машҳур Ҳубал бутининг ёнига бордилар. Бутининг хизматкорига ўқлар берилди. Ҳамма қаттиқ ҳаяжон ичида эди. Ўқлар бир халтага солинди. Даставвал, икки кийик учун икки ўқ олинди. Иккаласи ҳам сариқ эди. Булар Каъбанинг ҳаққи эканлиги тан олинди. Сўнгра қиличлар учун бир ўқ олинди. Қора эди. Абдулмутталиб «Бу менинг ҳаққим», деди. Зирҳ учун сўнги ўқ олинди керак эди. Сўнги ўқ олинганча, Абдулмутталиб енгил нафас олди, кулимсиради. Бу ҳам унинг ҳиссаси эди. Қурайшлар яна қуруқ қолдилар.

Кейинроқ Абдулмутталиб олтин кийик ҳайкаларини Каъбанинг эшигига урнатди. Узининг ҳиссасига тушган олтин буюмларни ҳам эритиб, ингичка толалар ҳолига келтирди ва Каъба эшигини ушбу олтин толалар билан қоплатди.

Узининг ҳиссасига шунча олтин тушгани ҳолда, уларни Каъбага сарфлагани Абдулмутталибнинг обрў-эътиборини яна оширди.

Бу пайтларда Маккада бир неча қудуқ бор эди. Одамлар ўша қудуқларнинг сувини истеъмол қилардилар. Замзам қудуги очилганча, бу муборак сувнинг ҳам Каъбага яқинлиги, ҳам бошқа қудуқларникидан мазалироқ бўлгани боис, ҳамма ўша сувдан ола бошлади. Аммо қанча кўп сув олинмасин, Замзам суви камаймас эди. Устига-устак, бу сув буюк боболари пайгамбар Исмоил алайҳиссаломнинг аъмоли бўлишдек алоҳида фазилатга эга эди. Қурайшлар буни бошқа араблар олдида устунроқ эканликларининг белгиси деб билардилар.



Дарҳақиқат, Замзам булоғи ҳаж мавсумида келган мингларча инсонларнинг хотираларига муҳрланиб қоларди, бошқа сувларнинг олдиди бу сувнинг эътибори қуллаер олдиди бир султоннинг эътибори каби булар эди. Қониб-қониб ичган киши яна ичгиси келар, ҳатто уни ичганда, сут ичгандек, тўқлик ҳис этар эди. Нағижода бутун умри Маккада ўтадиган, хоҳлаган пайтида бу муборак сувдан ича оладиган кишиларга ҳавас билан қарашарди.

Ҳаж ибодатларини бажо келтириб булган заҳоти тўғри Замзам томонга югуришар, тўйиб-тўйиб ичишар эди. Зотан, ёндирувчи қуёш тафти ҳам инсонни мажбуран уша томонга ундар, қайта-қайта ичишга мажбур қилар эди.

Абдулмутталиб ҳаж мавсумида ҳажга келган кишиларга утиллари билан биргаликда шахсан ўзи Замзам сувидан тарқатади. Уни ичганлар неча юз йиллардан бери оти бор-у, ўзи йўқ бу муборак қудуқни қайта кашф қилган, узларига ушбу тотли сувдан икром этган кишига ҳурмат, муҳаббат ва миннатдорлик тўйгулари билан қарашарди.

## Бир қурбон — юз қурбон

Орадан анча йиллар ўтди. Бу йиллар Абдулмутталибнинг сочидаги оқ толаларнинг сонини тобора кўпайтириб борди. Бунга сари унга булган ҳурмат ва муҳаббат тўйгулари ҳам ортар эди. Маккада ҳаммага сўзи ўтадиган, хотинми-эркакми, ёшми-қарими, ҳамма буюк инсон деб биладиган ягона одам у бўлиб қолди.

Шу йиллар давомида фарзандлари ҳам кўпайди. Унта ўгли бор эди: Ҳорис, Зубайр, Абдуллоҳ, Абу Толиб, Ҳожи, Дирор, Муқаввим, Абу Лаҳаб, Аббос, Ҳамза.

Бир куни Абдулмутталиб алам билан қўлини пешонасига урди, Замзам қудуғини қазиган кунларда қилган бир назрини эслашга мажбур бўлди. Оғир аҳволга тушиб қолганида берилган жоҳилона қарор энди уни виждон исканжасига олган эди. Нима қилишни, қандай йўл тутишни билмасди...

Ниҳоят, Абдулмутталиб қатъий қарорга келди: «Мард одам қилган назрини бажо келтиради!» деди ўзига. Болаларини атрофига тўплаб, қарорини билдирди. Ораларидан биттаси қурбон этилиши керак эди.

Қалбларни ҳаяжон тўлқини ларзага солди. Ҳеч бири отасининг бу қарорини табриклай олмасди. Эътироз билдиришнинг ҳам ўрни бўлмади. Жон савдоси эди бу. Бошини қиличга тутиб бериш, ҳаётининг айни илк баҳорида, била туриб ўзини ўлим чангалига топшириш чин кўнгилдан қабул этиладиган бир иш эмас эди.

Юраклар тез-тез ура бошлаган, кўзлар ер сузади. Бошини кўтариб, атрофидагиларнинг аҳволини кўришга ҳам журъат йўқ.

Кўп кутишдан фойда чиқмасди. Абдулмутталиб юришга

амр этди. Олдинда ўзи, ортида бўлажак қурбонликлар — болалари Каъба томон йўл олдилар. Уйда дод-фарёд кутариб оналар, кўз ёши тукиб опа-сингиллар қолдилар. Болаларга айтишга бирон оғиз сўз, тасалли топилмас эди. Тилақдан бошқа чора йўқ, «Сенга бу фожиадан паноҳ тилайман, жигарим», дейишдан бошқа осон тилак йўқ эди. Лекин қайси она бир ўглини кўтқариш эвазига бошқасини оловга ташлай олади?!

Ўлим йуловчилари учун бу сафар қанча давом этди? Узоқми ёки қисқами? Йўл давомида ким нималар ҳақида ўйлади? Ўлим қуръаси менга тушсин-да, ака-укаларим халос булсин, деган биронтаси бўлди...

Абдулмутталиб бир ордан сўнг газаб ва тушкунлик ҳолатида берилган жоҳилона қарорини амалга ошириши, назрини бажо келтирмоқ учун қўлини қонга белашни керак эди. Эгниларига гард юқтиришни ҳам истамайдиган утилларидан бирини бугизлаб қурбон қилиши керак эди. Аммо сочлари оқарган, ёши анчагина ўтиб қолган чоғда билагига бундай қувват келадими ёки йўқми, билмасди.

Ниҳоят, Каъбага етиб келдилар. Каъбанинг ичига ўрнатилган Ҳубал исмли бутнинг ёнига тизилиб турдилар. Уша ерга қўйилганидан бери бирон кимсанинг дардига дармон бўла олмаган бу тош парчаси уларнинг келганидан ҳам беҳабар эди. Тош маъбуднинг хизматчиси эса, муҳиш бир воқеа юз берганини сезди.

— Кунинг хайрли булсин, эй Абдулмутталиб, — деди.

— Қурбонлик қилмоқчиман.

— Нимага? Не мақсадда?

Абдулмутталиб қисқа қилиб аҳволни тушунтирди. Ҳалиги одам ўзини йўқотиб қўйди, сўнгра:

— Сен буни қилолмайсан, эй Абдулмутталиб, — деди.

— Нега қилолмас эканман?

— Чунки сендек мулоҳазали, сендек ақли расо, бошқаларга ўрнак буладиган бир инсон бундай жоҳилликка қандай қўл урсин?! Сен қурайшларнинг фаҳрисан, қурайш ўрнак олади сендан. Очларни тўйгазган, ҳатто қурт-қумурсқанинг ҳам ризқини ўйловчи бир инсонсан, уз фарзандингни қандай қурбон қиласан?!

— Мен бир пайтлар қасам ичганман. Мард одам қасамини бузмайди!

Шу гапларни айтгач, утиллари томон ўтирилди: «Беринг ўқларингизни», деди.

Бирин-кетин исмлари ёзилган ўқларни келтириб топширар эдилар. Ўқлар халтага солинди. Абдулмутталиб бут хизматчисининг юзига қаради:

— Қани, битта ўқни олгин-чи, — деди.

Хизматкор қўлини халтага тикди. Эндиликда юраклар бугизга тикилган, ҳаяжонлар сўнгги нуқтасига етган эди. Юзлар бутриқди, лаблар қақраб кетди. Халтанинг ичидан чиқадиган ўқ кесилажак бошни тайин этар, қолганларига ҳаёт бағишлар эди.

Ниҳоят, уқ чиқди, хизматкор пичирлаб исмини ўқиди: «Абдуллоҳ». Бугизларига тиқилган нафаслар сал енгиллашгандай бўлди. Ҳаёти қил устида турганларнинг суник кўзлари ярқ этиб очилди. Ким нима деса десин, бу бир жон бозори, жон савдоси эди, ҳеч кимнинг «Абдуллоҳнинг ўрнига мен қурбон бўлай», дейиши кутилмас эди.

Аммо Абдуллоҳ бундай аҳволда эмас. Бир оз аввалги ҳаяжон ўрнини даҳшатли қўрқув ва итоатгўйлик туйғуси эгаллади.

Абдулмутталибнинг болалари орасида энг суюкли, энг кўрками эди у. Бошқа ақа-укаларида бўлмаган аслзодалиқ, устиворлик унда борлигини ҳамма биларди. Шу боис, Абдулмутталиб уни бошқа болаларидан ҳам ортиқ кўрарди. Ора-сира:

— Абдулмутталиб, сенинг бу ўглингда алоҳида бир кўркемлик, алоҳида бир аслзодалиқ бор. У ҳамма фарзандларингдан ҳам ёқимлироқ, истараси иссиқ... — деганлар бўлган эди.

Шундай бўлса ҳам, Абдулмутталиб ўзи бошлаган ишнинг бунақа натижасига эътироз билдира олмасди. «Қайтадан қуръа ташлаймиз» ёхуд: «Кел, эй Абу Лаҳаб, Абдуллоҳнинг ўрнига сени қурбон қилайлик», дея олмасди.

Абдуллоҳнинг қулидан тутди. Қурбонлик сўйиладиган жой бўлмиш Сафо тепалиги томон йўл олдилар.

Бу ақл бовар қилмас иш ҳақида эшитган юзларча қурайшийлар Сафо тепалиги томон югуриб кела бошладилар. Аёлу эркак, болалару қариялар йиғлаган, қизиқиш, ҳаяжон, қўрқув ва афсус билан Абдуллоҳ ҳамда унинг отасига тикилиб турар эдилар. Сафо тепалигига боришгач, Абдулмутталиб Абдуллоҳни икки қўли билан даст кўтариб ерга ётқизди. Бир пайтлар меҳр билан, муҳаббат билан силаган сочлари қумга белади. Сунги нафасини олиш олдидан маҳзун бир чеҳра, маҳзун бир нигоҳ ила ён-атрофга қаради. Бу нигоҳлар умидсиз эди.

— Беринг ханжаримни...

— Йўқ, бермайдилар, эй Абдулмутталиб! Сен бундай қилмайсан!

Абдулмутталиб бошини кўтарди. Қаршисида «Доруннадва» («Маслаҳат кенгаши») аъзоларидан бир неча киши турарди. Ораларидан Муғийра ибн Абдуллоҳ исмлиси сўзларини такрорлади: — Қилолмайсан бу ишни сен, эй Абдулмутталиб!

— Нега энди қилолмас эканман?

— Чунки Абдулмутталиб бўла туриб сен бу ишни қилсанг, бошқалар нима қилади? Эртага бошқалар ҳам углини қурбон қилгиси келиб қолади. Ёмон от чиқарасан, лаънатларга гирифтор бўласан. Қолаверса, фарзанди қурбон қилинган оналар доим олдин сени қаргайдилар. Биз бу ваҳшиёна ишни узил-кесил тўхтатишга, унга тўсқинлик қилишга аҳд этдик.

— Аммо бу менинг қасамимдир, бажо келтирмасам бўлмайди, ахир...

— Қасам бўлса — булар, ҳар нарсанинг иложи бор. Аҳволингни енгиллатиш учун бирон чора топамиз.

— Қандай чора?

— Бизнинг бу борада тажрибамиз йўқ. Аммо ҳижозликлар бундай муаммоларни ҳал этишга уста. Шунинг учун сен дарҳол Ҳижоз коҳинининг ҳузурига бор. Аҳволни тушунтир. Агар қурбон қилишинг керак деса, қурбон қиларсан, бўлмаса, берган маслаҳатига қараб иш тутасан.

Абдулмутталиб бу таклифга норозилик билдирмади. Абдуллоҳни қўйиб юборди. Ақа-укалар ва шу ерга йиғилган аҳолининг юзларида мамнунлик ифодаси пайдо бўлди. Бир оздан сунг Абдулмутталибнинг уйида севинч кўз ёшлари билан бир-галикда зур байрам бошланди.

Шундан кейин Абдулмутталиб Абдуллоҳни олиб Ясрибга борди. Коҳиннинг Ҳайбарга кетганини эшитиб, у ерга ҳам борди. Бир ривоятга кўра, бу сафар Шомгача давом этди.

Абдулмутталиб коҳин аёлга дардини англади. Коҳин аёл унинг сўзларини тинглаб бўлгач, «Эртага келинг!» деди. Эрта-лаб ота-бола яна аёлнинг ҳузурига бордилар. Коҳин:

— Сизнинг юртингизда бир одамга тўланадиган товоннинг миқдори қанча ва у нима билан ўлчанади? — деб сўради.

— Ўн туяга тенг келади.

— У ҳолда дарҳол юртингизга қайтинг. Ўглингиз билан ўнта туяни бир ерга қўйиб, қуръа ташланг. Агар ўглингизга чиқса, туялар сонини кўпайтиринг ва такрор ташланг. Шу тариқа, қуръа то туяларга чиққунга қадар ташлашни давом эттиринг. Шояд, Роббингиз рози бўлса, қуръа албатта туяларга чиқажак.

Унинг ҳузуридан чиқиб, Маккага қайтдилар. Ўнта туя бир томонга қўйилди. Абдуллоҳ эса, иккинчи томонга. Абдулмутталиб Оллоҳга илтижо қилиб, ўглига ҳаёт бағишлашини сўради. Қуръа Абдуллоҳга чиқди.

Яна ўнта туя келтирилди. Қайтадан қуръа ташланди. Яна Абдуллоҳга чиқди.

Туялар сони ўттизта бўлди.

Абдуллоҳ қора терга ботган, Абдулмутталиб тинмай дуо қиларди.

Туялар сони қирқтага етди, эликта бўлди. Ҳар сафар халтадан Абдуллоҳнинг ўқи чиқарди. Шу йўсинда тўққиз марта қуръа ташланди, аммо натижа узгармади. Бу бир тасодиф эмасди. Ҳар нарсага ҳоким ва қодир бўлган буюк Мавлонинг иродаси шундай бўлгани аён эди. Ниҳоят, туялар сони юзтага етказилди ва яна қуръа ташланди. Шу он қуръа ташлаётган одамнинг қувноқ қичқириви эшитилди. Бу қутулишининг аломати эди. Абдулмутталиб кузларидан оққан ёшларни артди, углини бағрига босди. Амр этди. Туялар Сафо тепалигига олиб бориб сўйилди. Гуштлари шундайгина қолдирилди. Камбағаллар олди, ҳайвонлар еди, мусофир ва гарибларга зиёфатлар берилди.

Бу воқеа содир бўлганда Абдуллоҳ неча ёшда эди?.. Бир қориндан талашиб тушган Абу Толибдан катта эдими ёки кичик? Бу воқеа юз берган кунларда оиланинг энг кичик фар-

зандлари бўлган Аббос ва Ҳамза тугилганмидилар ёки йўқми?.. Бу саволларга аниқ жавоб беришдан ожизмиз.

Агар улар тугилган бўлсалар, Ҳамза энди тугилган чақалоқ ёки ҳали бир ёшга ҳам тулмаган гўдак, Абдуллоҳ эса, айни уйланадиган ёшдаги успирин бўлгани ҳақиқатта яқинроқдир. Чунки Абдуллоҳнинг ўгли булмиш Пайгамбаримиз билан аммакилари Ҳамза уртасидаги фарқ атиги икки йил эди, холос.

Эҳтимол, Абдулмутталиб назрини бажо келтириш учун утил фарзандларининг сони унга етишини кутмагандир. Чунки унинг олти нафар қизи ҳам бор эди. Ёки бу воқеа Ҳамза тугилганидан кўп ўтмай содир бўлган ва қурбонликдан қутулган Абдуллоҳ вақт ўтказилмай уйлантирилган эди. Бундай оғир синовдан кейин суюкли ўглини қурбонликдан сақлаб қолган Абдулмутталиб энди хотиржам эди. Ҳаётида осойишта кунлар бошланди.

Абдуллоҳ етук ва комил инсон эди. Юзига бир қараган киши яна қарагиси келадиган даражада ҳуснали ва ёқимли эди. Бой бир хотиннинг унга «Агар мени хотинликка олишга рози бўлсанг, сенга юзта туя ҳада ятаман», дегани фикримизнинг ёрқин далилидир. Абдуллоҳнинг бундай таклифни рад этиши эса, мол-дунё ва бойликка у қадар аҳамият бермаслиги, осойишта бир оилга кўпроқ муҳтож бўлган комил инсон эканлиги белгисидир.

Мустаҳкам бир оила қурса, бахтиёр яшаса, дея орзу қилган Абдулмутталиб суюкли фарзандини ёнига олиб, Макканинг асладо оилаларидан ва Қурайшнинг йигирма бешта киборлар уругидан бири бўлган Зуҳра қабиласига борди. Азалдан яхши танийдиган дўсти Ваҳбни топди ва қизи Оминани ўгли Абдуллоҳга суради. Унинг бу таклифи мамнуният билан қаршиланди ва икки ёш никоҳландилар.

Абдуллоҳ қурайшларнинг одатига кўра, уч кунгача қайно тасининг уйида қолди. Сўнгра суюкли хотинини олиб, узининг қадрдон гўшасига қайтди.

Омина оилада ёлғиз фарзанд эди. Бу унинг илк ва сўнгги турмуши бўлиб, қисқа вақтдан кейин бева қолишини ҳамда оламларга раҳмат бўлиб келаётган буюк пайгамбаримизга оналик қилиш шарафига муяссар бўлишини ҳали у билмасди.

Янгигина турмуш қурган икки ёш жуда қисқа муддат бирга бўлдилар. Никоҳдан кейин ҳали икки ой ҳам ўтмай, Абдуллоҳ Шомга йўл олган карвонга қўшилиб сафарга чиқди. Қайтишда бир дарга чалинди. Ниҳоят, Ясриб шаҳрига келгач, ортиқ йўл юра олмаслигини англади. Ҳамроҳларига бувиси Салмо томонидан тоғалари бўлмиш Нажжор уғиллариникида қолажани билдирди ва отасига саломини етказишларини суради.

Биродарлари уни шу ерда қолдириб, йўлларида давом этдилар. Абдулмутталибни топиб аҳволни тушунтирдилар. Абдулмутталиб дарҳол катта ўгли Ҳорисни Ясрибга жўнатди. Кечани кеча, кундузни кундуз демай йўл юрган Ҳорис Ясрибга борганида, анча кеч қолганини англади. Чунки Абдуллоҳ ҳаёт

дан кўз юмган ва Набига исми бир қариндошининг боғига кумилган эди.

У ҳам оламлар сарвари пайгамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламнинг отаси булаётганидан беҳабар ҳолда дунёдан ўтган эди.

## Азим дароҳнинг қулаши

### Учинчи ўқислик

Абдулмутталиб қуруқшаган лабларини ҳўлашни истарди. Роса ўтмиш кунларнинг хотираларига берилган эди.

- Сафийя!
- Лаббай, отажон!
- Сув бер...

Сафийя Берзам сувидан келтирди. Абдулмутталиб бир неча ҳўплам ютди.

- Муҳаммадим қани?
- Ҳозир келади, отажон, қарайин-чи.
- Ёнимда ўтирсин. Усиз яшашнинг қизиги ҳам қолмади.

Сафийя Муҳаммадни чақириш учун чиқиб кетди.

Касал қургани келган бир қўшнига рўбару келди. Ичкарига кириб, хабар берди. У одам кирди.

- Қалайсан, ё Шайбатул ҳамд? Аҳволинг дурустми?
- Раҳмат, саломат бул. Тузукман.
- Қандай сезяпсан ўзингни?
- Мана, куриб турибсан. Дақиқа сайин ўлим яқинлашмоқ-

да.

- Ундай дема, ё Абдулмутталиб.
- Нера?

— Сен ҳали кўп яшайсан. Бизга бош бўлиб туришинг керак. Сендан булак, Макка халқининг бошини бириктириб, бир байроқ остида тўплайдиган ҳеч ким йўқ.

Абдулмутталиб бу сўзларга жавоб бермади. Кейин ўтган кетгандан гаплашиб ўтирдилар.

— Бобожон, мени чорлабсиз.

Бобонинг беҳол юзида ҳазин бир кулимсираш пайдо бўлди.

— Сенсиз туrolмай қолдим, ўглим, ёнимга кел.

Ётоқнинг ёнига ўтирди. Абдулмутталиб қўлини узатди, неварасининг қўлларини ушлаб, лабларига олиб борди. Қайта-қайта упиб, ҳидлади.

— Бу гўдак ёнимда ўтирмаса, яшагим келмай қолди. Отаси ҳам жуда ёқимтой йигит эди, — деди Абдулмутталиб ва оғир хўрсинди. Кейин қисқа хотирага берилди: — Ҳа, ҳақиқатан ҳам ёқимтой эди. Бошқа болаларимдан ҳам ортиқ қурардим уни. Аммо бу меҳрнинг оқибати яхши бўлмади, ўзинг биласан. Бироқ бу неварам Абдуллоҳимни унуттирди. Ўзим ҳам бола

булиб қолдим, Муҳаммадим бўлмаса, ақлдан озишим ҳеч гап эмас.

— Дарҳақиқат, Ҳошим уғиллари орасида бу болага ўхшаши ҳам, тенги ҳам йўқ.

Абдулмутталиб эътироз билдирди:

— Ҳошим уғиллари, дема. Маккада тенги йўқ, де. Ҳатто бутун дунёда, бутун инсонлар ичида тенги йўқ жигаргушамнинг. Ҳаёт бўлсанг, ҳали кўрасан, менинг бу неварам жуда буюк бир инсон бўлади. Менинг номим унинг бобоси булганим учун унутилмайди, қалбларда мангу яшайди.

Бир оздан сўнг қушни чиқиб кетди. Абдулмутталиб қизларини чақирди. Ҳаммаси келиб ёнига ўтиришди. Уларга бирмабир тикилди.

— Умрим поёнига етиб қолганга ўхшайди. Узоғи билан яна бир неча кун яшасам керак. Ҳозир сизларни ҳузуримга чорлаганимнинг боиси — мен улгач, қайси бирингиз қандай марсиялар куйлашингиз, нималар деб йиглашингизни кўзим тирикликда эшитмоқчиман, — деди.

Сафийя отасининг гапини бўлди:

— Отажон, нега бундай дейсиз? Сиз ҳали кўп яшайсиз. Худо хоҳласа, тузалиб кетасиз.

Абдулмутталибнинг мажолсиз лабларида бир кулимсираш пайдо бўлди.

— Қизим, энди тақдирга тан беришларинг керак. Биз энди қаридик. Бир оёғимиз ерда бўлса, иккинчиси гўрда. Қолаверса, бундан кейин яшашнинг қизиги ҳам йўқ. Фақат...

Абдулмутталиб сўзларини давом эттира олмади. Кўзлари ёшланди. Касаллик овозини ҳам заифлаштирган эди. Бу дафъа ич-ичидан хуруж қилиб чиққан ҳасрат кўзларида намоён бўлган, бугзига тикилган эди. Қизлари Абдулмутталибдек улуг бир зотнинг кўзларида ёш кўришга одатланмаган эдилар. Пулатдек мустаҳкам иродаси билан танилган эди у. Виқорини йўқотмаган, ҳеч ким рақиблик қилолмайдиган бир мақомга эришган, халқига сидқидилдан хизмат кўрсатган эди. Ҳайратланиб қараб қолдилар. Абдулмутталиб неварасининг бошини силади. Сўнгра давом этди:

— Аммо бу гўдакнинг тенгсиз бир инсон бўлажак кунларини кўриш учун яшашга рози бўлардим.

Сўнгра, қизларига ўтирилди:

— Мен улгандан кейин ўқийдиган марсияларингизни ўз қулогим билан эшитсам, дейман.

Бу гапдан сўнг опа-сингиллар бир-бирларига қараб қолдилар. Оталари талаб қилаётган иш ҳаётда илгари ҳеч кўрилмаган бир иш эди. Аммо оталари шуни истарди.

Дастлаб Сафийя бошлади:

— Ярим тунда йўл ўртасида туриб бир ўлим хабарини жар солаётган одамнинг овози кўзларимдан ёш оқизди. Шу замон кўзларимдан оқаяётган ёшлар инжу доналари каби ёноқларимга думалаб туша бошлади. Бу нола асло ожизлик ва кучсизлик нималигини билмаган, ҳаммага инкор этиб бўлмайдиган дара-

жада фақат ва фақат яхшилик қилган улуг бир зот учун; ҳар томонга эзгулик улашган, катта обрў-эътибор ва шарафнинг меросхури, «Шайбатул хайр» деб ном олган Абдулмутталиб учундир?

Одамохун, мард, диёнатли бир кишики, унга етадигани оламда йўқ! Басавлат, кенг елкали, суяги бузуқ, қавми орасида ҳурматта сазовор бир киши! Уйи мусофирлар учун доимо очиқ, кенг ва ёруғ уйдир. Қаҳатчилик кезлари огир аҳволга тушганлар учун баракали бир ёмғир каби эди. Бениҳоя жўмард, сахий: қуллар ҳам, қул эгалари ҳам унга муҳтож бўлмай иложи йўқ. Агар шон-шараф туфайли киши абадий яшаса, бу киши Абдулмутталибдан бошқаси булолмас эди. Аммо дунёда ҳеч ким абадий яшамайди...

Абдулмутталиб Сафийянинг айтивдини диққат билан тинглади.

— Шундай деб йиглайсанми, Сафийя?

— Отажон, тилим бормайди, нега бизни бунча қийнайсиз?

— Йўқ, йўқ, ахир ўзинг ҳам айтяпсан-ку, дунёда абадий қолиш йўқ, деб.

Шундай кейин Баррага ўтирилди:

— Сен нималар дейсан, Барра?..

Барра кўзларидан оққан ёшларни артди, сўнгра марсиясини бошлади:

— Эй кўзларим, асли-насли покиза, табиати хуш, сўралганда зиқналик қилмаган бир шараф эгаси учун кўп-кўп инжулар сочиб, менга ёрдамчи бўлинг. У доимо уйида мусофир учун учоқ ёқилган, мусофирини очиқ чеҳра билан кутиб олган мартабаси улуг бир киши, яъни, Шайбатул ҳамд Абдулмутталибдир. У карам соҳиби, иззат, шараф, чин фазилат эгаси, юмшоқтабиат, мусибатлар кўпайганда сахийлиги, эҳсони ортадиган зотдир. Қавми орасида ой каби чарақлаган бир фазилат соҳиби булганидан муноқашасиз тан олинган кишидир. Унга ўлим уттан йиллар ва тақдир абгор қилмаган ҳолда, соппа-соғломлигида келиб ёпишди...

Барра марсиясини тугатди. Абдулмутталиб Отикага ўтирилди:

— Сен нималар дейсан, қизим?

Отика марсиясини бошлади:

— Кўзларим, ёрдамчи бўлинг менга. Сира-сира зиқналик қилмангки, ҳамма уйқуга толгандан кейин тўйиб-тўйиб йиглайин...

Кейин Умму Ҳаким Байзо, Умайма ва Арво марсия айтдилар. Абдулмутталиб уларнинг марсияларини диққат билан тинглади. Уларга чин дилдан самимий миннатдорлигини билдирди.

Кечқурун овқатланганларидан кейин болаларининг ҳаммаси Абдулмутталибнинг қошига келиб ўтирдилар.

Қуруқшаган лабларини бир-икки қулгум Замзам суви билан ҳуллагандан кейин уларни фахрланса арзигудек қилиб вояга етказганига шукрона билдириб, дилидагиларни тилига чиқарди:

— Энг катта ташвишим кўзимнинг нури, суюкли набирамни... — шундай дер экан, Муҳаммадга қаради, — ким боқади, қандай боқади? Қани, гапиринг, ким уни ўз паноҳига олади?

Энг катта угли Ҳорис жавоб берди:

— Ҳар биримиз унга ўз фарзандимиздек қараймиз. Уйимизда юрганидан фақат хурсанд буламиз, отажон.

Абдулмутталиб бу сўзлардан мамнун бўлган эди.

Ўғилларидан Зубайр, Абу Толиб ва Абдуллоҳнинг оналари бир бўлиб, Бани Маҳзум қабиласидан Фотима бинти Айз эди.

Абдулмутталиб Муҳаммадини мана шу икки амакисига топшириб кетишни мақсадга мувофиқ деб биларди. Бошқа болаларидан ҳам унга нисбатан фақат яхшилиқни кутса-да, буларни афзал кўришининг боиси Абдуллоҳ билан оналарининг бир эканлиги эди.

— Мен ҳаммангиздан хурсандман. Ичингиздан қайси бирингизга буюрсам ҳам, уни ўз паноҳига бажонидил олишларингизга аминман. Фақат Абу Толиб билан Зубайр Абдуллоҳга тутишган қардош бўлганлари учун қуръа уларга ташланиши керак, деб ўйлайман.

Шундан кейин ёнида жимгина турган неварасига ўтирилди:

— Сен қайси амакингни танлайсан, ўғлим?

Муҳаммад бу саволга жавоб бермади, дарров ўрнидан турди ва бориб Абу Толибнинг кучогига отилди. Бу орада ташланган қуръа ҳам Абу Толибга чиқиб, масала узил-кесил ҳал бўлди.

Абу Толиб анчадан бери орзу қилиб келган ниятига етган кишидек жуда хурсанд бўлди. Хайрлашаркан, Абдулмутталибнинг рухсати билан жиянини етаклаб уйига олиб кетди. Шу шарт биланки, ҳар куни бобосининг олдига келиб туради.

— Фотима!

— Тинчликми, ё Абу Толиб?

— Қара, кимни олиб келдим...

Фотима уйдан чиқди, хўжасининг ёнида Муҳаммад турарди. Эгилди, ёноқларидан ўпди.

— Хуш келдинг, болам, — деди.

— Хушвақт булинг, янгажон.

— Фотима, энди Муҳаммад биз билан туради. Бизнинг ўғлимиз бўлади.

— Нақадар яхши хабар келтирдингиз-а, ё Абу Толиб.

Шундан кейин яна эгилди, қайта кучоқлаб ўпди.

— Хонадонимизга хуш келдинг, ўғлим, энди мен сенга оналик қиламан. Сен мен учун ўз ўғилларимдан ҳам севимлироқ, қадрлироқ, азизроқ бўласан, жигарим.

Бу сўзлар самимият тула бир қалбнинг ифодаси эди. Том маънода севги, меҳр-шафқат ва марҳаматга тўлиқ эди бу юрак. Муҳаммадни тутилган кунидан бошлаб яхши куриб қолган эди Фотима. Уни кўрган, таниган одам борки, ёқтириб қолиши турган гап эди.

Ҳали шу ёшга кириб ота юзини кўрмаган, онадан барвақт

етим қолган, ammo тимсоли йўқ бир кўрк, мукамал бир одоб ва тарбия эгаси бўлган бу гудакка шу кунга қадар доим шафқат ва марҳамат назари билан боққан, бу шафқат ва марҳамат вақт утиши билан таъриф этиб бўлмайдиган бир меҳр-муҳаббатга айланган, ўз онаси каби севиб қолган, ўз онаси каби кўнгли хуш бўлган эди. Ҳошим ўғиллари орасида яшнаб очилган, сўлмайдиган бир гул эди у.

Абу Толиб уйига барака ва саодат келгани ҳақида Фотима билан ҳамфикр эди. Ўша кеча отасининг касали оғирлашганидан тилка-пора бўлган юраги, айна пайтда, бошига саодат тожи кийдирилгани тўғрисидаги ишончга ҳам тўлиқ эди. Ётоғига кирганида ҳам, кўнгли дам отасида бўлар, гам чекар; дам суюкли жияни ҳақида ўйлар, унинг қошига келиб ҳузур-ҳаловат топар эди.

Кўп ўтмай Абдулмутталиб вафот этди. Маккани мотам чулғаб олди. Халқ том маънода қаттиқ қайғуга чўмган эди. Чунки Абдулмутталиб кучга, зўравонликка, қудратга эмас, адолат, эзгулик ва саховатга таяниб иш кўрарди. Бутун ҳаёти давомида фақат жиноятта ва жиноятчига, фақат ёмонга ва ёмонликка қарши курашди, доимо олижаноб кишилар, одоб ва фазилат соҳиблари бўлганлар сафида, энг олдинда турди. Доимо эзилганларнинг ёрдамчиси бўлди, етимлар, бевалар уни ўзларининг пушти-паноҳлари деб билдилар. У фақат Ҳошим ўғилларининг эмас, балки бутун қурайшларнинг ҳам бошлиғи ҳисобланарди. Унга қарши мартаба талашиб чиққанлар ҳам, зўравонлик қаршисида эмас, балки қаердан келгани номаълум бўлган қандайдир маънавий кучларнинг Абдулмутталибга ёрдам бераётганини куриб, ортиқ баҳслашишга журъат қилолмасдилар. Масалалар доимо Абдулмутталибнинг фойдасига ҳал бўлар, бу эса бориб-бориб уни Макканинг ҳокими, қурайшларнинг бошлиғи булишдек юксак мартабага кўтарган эди.

Ҳошим ўғилларининг уйдан фарёд кўтарилди. Бу фарёд саксон йил типпа-тик турган, тобора яшаб-яшнаган, илдиэлари халқнинг кўнглидан чуқур жой олган азамат бир дарахтнинг қулаганини билдирарди. Бу азамат дарахт қанчадан-қанча йўловчиларга узининг соясида ором берган, қанчадан-қанча мусофирлар бу дарахт остида марҳамат кўрган, қанчадан-қанча бева-бечора, етим-есирлар ушбу дарахтнинг меваси билан озиқланганлар.

Йиги-сиги тезда Ҳошим ўғилларининг хонадонидан ошиб, Умайя, Маҳзум, Оди, Зуҳра... ўғиллари деб аталувчи бошқа хонадонларга ҳам кўчди. Қисқа вақт ичида улардан ҳам ўтиб, яшин тезлигида бутун Маккага тарқалди.

Абдулмутталиб ўлди... Абдулмутталиб ўлди...

Икки жумладан иборат бу қисқа, ammo ўта машғум хабар ҳар кирган қулоқни қоматта келтирди, ҳар эшитган кўнглини ларзага солди. Кекса ҳам йиғлади, ёш ҳам; хотин ҳам йиғла-

ди, эркак ҳам; Макка шаҳрини гам-андух булутлари қолаб олди.

Абдулмутталибнинг жасади сидр дарахтининг япроқлари билан ювилди. Бу унга булган ҳурмат туйғусининг бир ифодаси эди. Шу кунга қадар Маккада ҳеч бир шахснинг жанозаси учун бундай иш қилинмаган эди. Шаҳар ичида очик булган биронта ҳам тижорат жойи йўқ эди, ҳаммаси ёпилди. Бундан кейин дуқонлар, бозорлар бир неча кунгача ёпиқлигича қолди.

Энг нафис яман матолари билан ўралган жасад тобути билан биргаликда кутарилди. Қулма-қул олиниб, уйдан олиб чиқиб кетилди. Ортидан сон-саноксиз одамлар эргашиб, Ҳожун қабристонига йўл олдилар.

Йиглаб кетаётган одамлар орасида юраги ўртанган бир гул юзли гўдак ҳам бор эди. Кўзларидан гам-андух ичида нурли ёшлар томчилаётган бу бола унинг учун йиглашга ҳаммадан кўра муносиброқ эди. Чунки унинг энг кўп севган кишиси мана шу бобоси эди. У шундай бир қария эдики, неварасининг оламларга раҳмат булгани ҳақида хушхабар келган кунларни кўрмади, аммо унинг ана шундай олий мақомга лойиқ бўлишига ишонди, севилиши ибодат ҳисобланган бу зотни гўдаклик чогидаёқ кашф этиб, телбаларча яхши кўрди. Бутун инсониятга, дунё ва охират саодатининг раҳбари булажак пайгамбаримизга ота-онасиз қолишнинг аламини унуттирди, ёлғизлик, етимликнинг ҳасратларини тиндирди. Буюк Оллоҳ унга мана шундай муқаддас вазифани берган эди.

Умму Айман ҳаммани доғу ҳасратда ташлаб кетаётган ҳужайинининг ортидан ёшли кўзлари билан тикилиб қоларкан, кўпчиликнинг орасида яна бир жуфт ёшли кўзни кўрди. Бу икки йил олдин Абвода онасининг жанозасидан қон йиглаб олиб келган, бағрига босиб илк бор тасалли бергани Муҳаммад эди.

«Қани углим? Мен усиз овқат емайман», дея очликдан қийналса ҳам, Муҳаммад келмагунча овқатини емайдиган қариянинг ортидан Умму Айман ҳам ҳунграб-ҳунграб йигларди... У бир етимга булган бу меҳр-шафқати ва марҳамати боис дунёда юз йиллар давомида унутилмас бир шафарғи қолдириб кетаётган эди. Дунёнинг ҳеч бир бурчагида тенги йўқ муборак бир сувни қайта кашф этиб, чидаб булмас жазирамада қоврилаётган халққа ҳада этиши ҳам унинг мартабасини янада оширган эди.

Бир пайтлар туяда амакиси Мутталибнинг орқасига мингашиб Ясрибдан келган кичкина бир бола ва «Бу ким?», деб сўраганларга ҳазил аралаш: «Абди» (қулимдир) жавоби берилгани учун Абдулмутталиб (Мутталибнинг қули) лақабини олган, асли исми Шайба булган мана шу қария, эндиликда ҳам шаҳарларининг елкасида дунёни тарк этаётган эди. Гарчи халқ берган бу исмнинг маъноси «Мутталибнинг қули» дегани бўлса-да, худди, «Макканинг ва Қурайшнинг ҳомийси» каби янгарди.

Эҳтимол, унинг асл исми унутилмасин деганлар қуруқ

«Шайба» дейишни муносиб кўрмай, «Шайбатул хайр», «Шайбатул ҳамд» деган булсалар ажаб эмас.

Сўнгги вазифасини адо этиш орзуи билан ортидан борганлар унинг буюк бобоси Қусай кўмилган жойга — Ҳожун қабристонига элтдилар. Мотам сўзлари, йиги-сиги остида уни шу ерга дафн эдилар.

Дунёда севилиши ибодат ҳисобланган, башариятнинг ҳузур-ҳаловат ва саодат раҳбари булган пайгамбарлар сарварини чексиз бир муҳаббат билан яхши кўрган, унга беқиёс меҳр-шафқат ва марҳамат билан қучоғини очган бу кекса охиратда қандай шарафга муяссар булажак, қандай кутиб олинажак?

Сарвари оламнинг даъволарига чек қўйиш учун бор куч-қудратини ишга солган Абу Жаҳл, Абу Лаҳаблар каби у ҳам жаҳаннамга борадими? Ёки Ҳабиби Адибига қилган беминнат хизмати, кўрсатган меҳр-шафқати учун ҳар нарсага қодир Оллоҳнинг раҳматига сазовор буладими?..

Шу сатрларни ёзар эканмиз, бу қарияга салому саловотларимизни йўллаймиз.

Оллоҳ чексиз марҳамат, битмас-туганмас меҳр-шафқат соҳибидир.

VI

## Абу Толиб хонадониди

Абу Толиб Ҳожун қабристонидан қайтганида кўзлари тинимсиз оққан ёшлардан қип-қизариб кетган эди. Ўз отасини, қолаверса, Абдулмутталибдек тенги йўқ бир отани қора тупроққа топшириш осонми, ахир?! Ўзи ҳам уй-жойли, камолатга етган бир киши, оила бошлиги эди, лекин ушбу аччиқ дамларда ўзини ҳимоясиз қолган, етим бир боладек ҳис этди. Бу ҳол узоқ давом этмади. Узоқ давом этиши мумкин ҳам эмас эди. Чунки унинг ўзики ҳимояга муҳтож бўлса, ҳимояси остидагиларнинг, том маънодаги етим-есирларнинг ҳоли не кечади?

Ўша куни кечқурун Абдулмутталибнинг уйида булган катта оилавий йигинда бир овоздан Абу Толиб оила бошлиги этиб тайинланди. Энди у Ҳошим угиллари хонадонининг раҳбарига айланди. Бу деган сўз, энди у отасининг ўрнини эгаллаган эди. Фарқи Абдулмутталиб қурайшнинг барча уруғлари томонидан сайланган, юксак ҳурмат кўрсатилган бир мавқе соҳиби эди. Абдулмутталибнинг угли ва Ҳошим угилларининг раиси ўлароқ Абу Толиб ҳам отасидек обрў-эътибор, шон-шарафга сазовор бўлиши учун ҳали вақт керак, отасининг йулидан шаҳдам одимлар билан юриши даркор эди.

Шу ҳафтада унинг уйига кўчиб ўтган суюкли жиянига том

маънода чуқур меҳр-муҳаббат ҳиссини туярди. Бу меҳр-муҳаббатнинг уч сабаби бор эди:

ҳаётининг аини баҳор чогида бегона юрда хазон бўлган сеvimли укасининг ўгли эканлиги;

унинг бошқа болаларникига ўхшамаган мукамал бир одоб ва тарбияга эгаллиги;

буларга қўшимча тарзда, буюк Оллоҳнинг уни ўзига хос бир муҳаббат билан севдириши.

Абу Толиб бир куни шу хусусда хотини Фотимаи Асадийга гапирди.

— Отам шу болани деб девона булар, усиз туrolмас эди. Энди бу ҳолат менга ўттанга ўхшайди. Менингча, унинг тақдирини ўзига хос бўлиши керак. Биз бу тақдирнинг хизматчиларимиз, — деди.

Фотима ҳам унинг фикрини тасдиқлади:

— Тугри гапиряпсиз, Абу Толиб. Мен ҳам шундай ҳолатни бошдан кечирмоқдаман. Ҳатто ўз болаларимдан ҳам ортиқ кўраман шу Муҳаммадни. Баъзан ўйлаб қоламан ва ўзимдан сўрайман: «Ажабо, туққан онаси Омина ҳам бу гўдакни мен севганчалик яхши кўрармиди?» Бу ҳақда сизнинг фикрингизга тамомила қўшиламан. Дарҳақиқат, унинг учун тайин этилган алоҳида тақдир бўлса керак. Биз ушбу тақдирнинг хизматчилари, аммо шарафли хизматчиларимиз. Умрим бўйи шу гўдакка хизмат қилсам ҳам, асло огринмайман.

Фотима хоним кунлар ўтгани сайин ўз фикрининг нақадар тугри эканлигига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қиларди. Чунончи, бу гўдак ухлайдиган ётоқ, у утирган хона, кийган кўйлаги мушку анбарлар сингари хушбўй ҳид таратарди. Ўз болалари ўрнидан қовоги солинган, кўзлари шапақланган ва, кўпинча, тажанг бўлиб турганлари ҳолда, Муҳаммад уйқудан турганида кўзлари топ-тоза, юзи гул суви билан чайилгандай тиниқ бўларди. Ўз болалари оч қурт-қумурсқалардай дастурхонга ҳужум қиладилар, у эса, ҳамманинг дастурхон атрофига ўтиришини, овқатга аввал катталар қўл узатишини кутади, овқатни шошиб-пишиб, талашиб эмас, ҳатто катталарга ўрнак буладиган даражада одоб ва камтарлик билан ейди.

Қизи Умму Хонийнинг, ўгли Оқил ва бошқа болаларининг ҳам унга ўхшашини нақадар исташини билсангиз эди. Ҳаммадан қизиги, бу гўдакнинг шу қадар гўзал ахлоқ ва одоб, тарбия ва камтарликни кимдан, қаердан ўргангани эди. Чунки шу кунгача худди кўчманчилардек ҳаёт кечирди. Эндигина саккиз ёшга тулган бўлишига қарамай, учта бошқа-бошқа оилада тарбия топди. Аввало, Саъд ибн Бакр қабиасида Ҳалималарнинг, сўнгра онасининг ва, ниҳоят, бобосининг қарамоғида бўлди. Учта бошқа-бошқа оилада тарбияланишнинг ижобий эмас, одатда салбий таъсири бўлиши керак эди. Шундай муҳитда

усишига қарамай, ҳамма қатори бир бола бўлишининг ўзи ҳам катта гап эди.

Сўнги икки йил давомида, бобосининг қарамоғидалиги чоғида бир сузи икки бўлмади. Етим бир боланинг бундай шароитда тантиқ, инжиқ ва ўжар бўлиб кетиши турган гап эди. Шунга қарамай, катталарнинг ҳавасини келтирадиган даражада бир одобга эга бўлганини эътироф этиш сира ҳам муболага эмас.

Бир кеча эр-хотин орасида шундай суҳбат бўлиб ўтди:

— Бир нарсани сезяпсизми, эй Абу Толиб?

— Хуш, нима экан, эй амакимнинг қизи?

— Уйимизга кун сайин барака кирмоқда. Муҳаммад уйимизга келган кундан бери дастурхонга тортилган овқат, кам бўлса ҳам, ҳаммага етмоқда.

— Ҳа, гапинг тугри, хотин. Бу ўзгаришни мен ҳам анчадан бери сезиб юрибман. Очигини айтсам, Муҳаммадни бу ерга олиб келаётганимда, уйимизнинг торлиги мени ўйлатиб қўйган, икки лўқма кам овқат еймиз энди, деган эдим. Аммо, аксинча, дастурхон атрофидан олдингидан ҳам кўра туйиброқ турмоқдамиз, шундай эмасми?..

— Мен шунга аминманки, Муҳаммад уйимизга ўзи билан бирга барака ҳам олиб келди. Кеча уни Зубайр уйига олиб кетганида, дастурхонга ҳар кунгидай овқат қўйдим, болалар тўймадилар. Ўзим ҳам ярим оч қолдим.

Абу Толиб хотинининг сўзларини тасдиқлади:

— Уйимизга бараканинг кириши бевосита жияним билан боғлиқ эканлигига энди шак-шубҳа йўқ.

Шу кундан кейин дастурхон атрофига ўтирган болаларнинг овқат келиши билан шошиб-пишиб қўл узатишларига чек қўйилади. Абу Толиб бу масалада ўз болаларига сира ҳам мурувват қилмас, «Шошилманг, олдин Муҳаммад келиб утирсин», дер, овқат ейишни олдин унга бошлатиб, сўнгра болаларининг дастурхонга қўл узатишига рухсат берар эди.

Бир куни Фотима хоним дастурхонга бир киши зўрга туяйдиган миқдорда озгина сут қўйди. Сут ичиб бўлингач, овқат тортилиши керак эди. Ҳар доимгидек, аввал нур юзли Муҳаммад ичди. Аммо сут ҳали-вери туйайдиганга ўхшамасди. Дастурхондан ҳамма туйиб тургандан кейин ҳам яна бир кишига етадиган миқдордаги сут ҳеч қўл теккизилмагандек турарди.

Нигоҳлар бир-бирлари билан тўқнашди, маъноли қарашлар билан бир-бирларини англадилар.

Умму Айман унинг овқатга бўлган қизиқиши ҳақида шундай деган эди: «Болалигида бирон марта очликдан ёки чанқоқликдан шикоят қилганини эшитган эмасман. Эрталаб бир қултум Замзам сувидан ичарди, унга овқат бериш учун чиққанимизда, «Егим келмаяпти, қорним тўқ», деб жавоб берарди».

Абу Толиб жонидан ортиқ суйган жиянининг оилага моддий кулфат келтирмаслигига, аксинча, моддий ёрдам келтирганига қатъий ишонч ҳосил қилди. Баъзан ўзи учун солинган ўринга суюкли жиянининг келиб ётганини кўради, бу ҳолни

кулимсираб қаршилайди. Баъзан ўзи ҳам унинг ёнига чўзилади, Муҳаммаднинг ёқимли ҳидига маст бўлиб уйқуга кетади.

Абу Толиб меҳр-муҳаббати зиёдалиги билан ҳам отасининг ўрнини эгаллай бошлади. Кун сайин жиянига бўлган меҳрининг ортиб бораётганини оддий сўз билан таърифлаб бўлмайди. Эртанги куннинг энг буюк кишини ёлғиз қолдиришни истамаган буюк Оллоҳ Абдулмутталибдан сўнг бу дафъа Абу Толибнинг кўнглини унга боғлаган, меҳр оташини унинг юрагида ёндирган эди. Жияни бўлмаса, ўз фарзандлари билан овуна олмас, юраги сиқилиб кетар эди.

«Оёғига бирон тикан кирса-я», ёки «Бошидан офтоб утиб, гул юзини куйдирса-чи» ёхуд «Болаларимдан биронтаси қўпол муомала қилса-я» ёки «Маҳалланинг беодоб болалари уни хафа қилишса-чи...» каби миясидан утган минг хил фикрлар ичини кемирар, кўз олдига бўлмаса, безовталанаверар, ҳеч хотир-жам бўлолмас эди.

Қисқа муддат ёнида бўлмаса, кўнгли ҳам у билан кетар, у қошига келгач, енгил нафас олар ва қалби осойиш топар эди.

Хоҳ Абдулмутталибнинг, хоҳ Абу Толибнинг бўлсин, унга нисбатан меҳр-шафқат ва марҳамат туйғуси бир отанинг ўз фарзандига бўладиган меҳр-муҳаббатидан ҳам ортиқ эди.

Абдулмутталибнинг ўғиллари ичида салобати ва тадбиркорлиги жиҳатидан энг кўп ўхшаши Абу Толиб эди. У ака-укаларининг энг каттаси эмас эди. Энг камбағали эди, десак ҳам, хато бўлмас. Мол-мулки йўқ эди. Бир нечтагина туяси бор эди. Ана шу туяларнинг сутини истеъмол қилиб, кун кечирардилар. Тижорат иши билан камдан-кам шугулланар, рўзгор учун зарур миқдордагина маблағ топиб келар эди. Аммо юраги кенг, кўнгли бой эди. Ҳеч кимга ҳасад қилмасди. Кўп кишилар ортиқ даражада ружу қўйган ичкиликнинг томчисини ҳам оғзига олган эмас, зино билан ҳеч иши бўлмаган эди. Бу жиҳатдан ҳам отаси билан айни бир фикрда эди. Сузлари эътиборга лойиқ, бемаъни гап ва беҳуда ишдан қочар, ожизларга ёрдам берар, мазлумларни ҳимоя қилар, эзилганларга ҳамдард бўлар, гарибларга йўл кўрсатар, ҳеч кимнинг дилини беҳуда оғритмас эди.

Мана шу сабаблар туфайли ундан бойроқ, ёш жиҳатидан каттароқ бўлган акалари у ёқда қолиб, Ҳошим ўғиллари унинг атрофига тулланишни маъқул кўрдилар, уни ўзларига оила бошлиги этиб сайладилар.

У, албатта, айнан Абдулмутталибнинг ўзгинаси эмас эди. Аммо аста-секин отасининг изидан эргашиб бораётган эди. Бу кетишда бутун Макка халқи ҳурмат қиладиган бир ҳоким бўлиши ҳам турган гап эди. Мансаб ва мартаба уни қизиқтирмасди. Зотан, уни ота йулидан бошлаётган сабаб ҳам шу эди.

Энг камида Ҳошим ўғилларининг бошлиги ва етакчиси бўлган Абу Толиб жиянига туйган бекиёс меҳр-муҳаббати боис бўлага айланар, уни хурсанд қилиш учун ҳар қандай фидокорликка тайёр эди.

Шу маънода Фотима хоним ҳам хужаси Абу Толибдан си-

ра қолишмасди. Бу шунчаки бир мусофирга кўрсатиладиган иззат-икром ёки бир етимга таскинлик бериш эмас ёнки назокатлиликнинг намоёиши эмас эди. Ишқ-оташ даражасидаги зўр бир муҳаббат эди. Юрагида она ўз фарзандига нисбатан туйадиган покиза туйғулар жўшарди унинг.

Фотима хоним ўз болаларидан олдин уни ювинтирар, сочларини тарар, ўрнини солиб берар эди. Ҳар доим унга сидқи-дидан меҳр билан хизмат кўрсатарди. Чунки у келган кунидан бери ўз болаларига ўхшаб, йиққанини тўзитиб ташламади, айтилан гапга қулоқ солди, берилган саволга ҳозиржавоб бўлди, буюриланган ишни сўзсиз бажарди. Жанжал-туполон қилмади, шовқин солиб ўйни бошига кўтармади. Фаришталардек ружу пок, юзи нурли, кийимлари озода.

Ўз болалари эрталаб кийиб чиқиб кетган кийимларини кечкурун чанг-тупроққа белаб, кир-чир қилиб келар эканлар, унинг топ-тоза, гуддай очилиб келишига нима деса бўларди? Чақирилмаса ҳам, янгасига ёрдам бериш учун югуриб келиши, олдидан худди панд-насиҳат қилингандек ақлга, мантиққа уйғун равишда иш тутиши уни севдирмай кимни севдирсин?

Яна, айни маҳалда, Буюк Яратувчининг Фотиманинг қалби-га ҳам ҳоким бўлганлигини унутмаслик лозим!

Абу Толиб қаерга борса, жиянини ҳам бирга олиб кетар, доим ёнида бўлишини истар эди. Эрталаб уйгонгани заҳоти унинг уйқудан турган-турмаганини текширади, уйғонадиган пайтини сабрсизлик билан кутади...

## Булутларга қилинган ишора

Бир ёз мавсуми бу дёнларга қурғоқчиликни келтирди. Одамлар ҳар кун эрталабдан осмонга тикилишар, бир парча булут кўриниб қолармикан, деб умид қилишар эди. Оқшом тушиб, қош қорайганда яна булутсиз — ёмғирсиз утган кун учун ғам-андух... Каъбанинг атрофини ўраб турган сон-саноксиз бутлар энди бирон ишга ярамайди, деган тушунча тобора кўпроқ кишиларнинг онгини эгаллай бошлади.

Кунлардан бир кун бойлардан бирининг эшиги очилиб, ундан бир қул чиқди. Қўлида бир товоқ тўла қаймоқ бор эди. Каъба томонга тўғри йўл олди. Юзида акс этаётган ифодани тушуниш қийин эди. Юраги сиқилган, истаган нарчасига эришолмаган бир кишига ўхшар эди.

Каъбагача келди. Бир тўда бутларнинг орасидан ўтди. Хужайини исмини айтган бутнинг қошига борди, товоқни унинг олдига қўйди ва орқасига қайрилди.

Бу қаймоқ хужайини томонидан, ёмғир ёғишига шафоатчи бўлар, деган умидда бу бутта берилган бир порадек гап эди. Эҳтимол, бу қаймоқнинг ҳурмати учун еру кўкнинг эгаси бўлган Юксак Мавлога ёлворар, ёмғир ёғдириш изнини олар.

Қул қул-қуруқ жонсиз тошнинг олдига истар-истамас қолдирган қаймоқдан ҳеч кўзини узолмасди. Шу тариқа, ўн беш



қадамча орқага юрди, утирди; жуда гамгин эди. Бу биринчи марта келишни эмасди. Шу кунгача қанча-қанча тансиқ ноз-неъматлардан олиб келган, бу жонсиз тошнинг олдига юраги ачиша-ачиша қолдириб кетган.

Умри буйи жон-дили билан хизмат қилган бу уйда уша тош-чалик қадри, ҳурмати йўқ эди унинг. Шу товоқда келтирган қаймоқдан на бирон марта татиб курган ва на татиб куриш учун таклиф этилган. Қаймоқ ўрнига еган калтақларининг эса, сон-саногои йўқ. Елкасида еган калтақларининг қатор-қатор излари бор. Доимо беминнат хизмат қилган, хизмати эвазига хўрланган, камситилган, уриб-дуппосланган. Ҳолбуки, бу жонсиз тошнинг у оилага берган ҳеч қандай фойдаси йўқ. Аммо дунёқараши тор бўлган хужайини ҳар сафар фурсати келганда, энг тансиқ ноз-неъматларни унга жўнатишдан тийилмас эди.

Мабодо эшитиб қолсалар, қамчилар остида ўлдириб юбор-масликларига иймони комил бўлса, утириб шу қаймоқни маза қилиб ейишга рози эди у. Аммо юрак-юрагигача сингиб кетган кўрқув ҳисси бунга йўл қўймади.

Утириб, гам-андух ва ҳасрат билан қаймоққа қарай бошлади. Кўп утмай, югуриб келган бир кучук қаймоқни тўйиб, зўр иштаҳа билан паққос туширди. Салдан кейин оёғини кўтарди ва бутнинг устини булаб, яна югуриб кетди.

Қулнинг бутун вужуди титраб кетди, юрагига муздай сув сепилгандек бўлди. Ичи ёнди. Чунки оғзининг суви оқа-оқа, ҳидлаб-ҳидлаб келтирган, аммо бир луқма олиб ейишга ҳам журъат қилолмаган қаймоқ бир кучукнинг нафсига ем бўлган эди. Аммо шундан кейин итнинг тап тортмай, бутни ҳўллаб кетиши унга берилган жазо, ундан олинган ўчдай таъсир қилган эди.

Турли бемаъни одатларга бой бу шаҳарда қанчадан-қанча озик-овқат, совға-саломлар бутларга ҳаёя этилар, аммо ноз-неъматларнинг ҳузурини дайди мушуклау итлар кўрар эди.

Эрта тонгдан бошлаб куни буйи, баъзан кечалари ҳам қошларига келиб, сажда қилиб, ёмғир сўраганлар етарли даражада ёлворганликларига, лозим бўлган даражада илтижо этганликларига ишонгач, у ердан кетишар, аммо келганларида қанчалик лоқайд ва сокин бўлсалар, кетганларидан кейин ҳам шунчалик ҳиссиз қолган бутларнинг устларини ҳўллаб кетадиган итларни қувиб юборишга ҳам ожиз бўлган тош парчалари эканликларига ё ақллари етмас, ё парво қилмас эдилар.

Берилган ҳаёялар, қилинган назру ниёзлар, ҳамма-ҳаммаси бекор кетди. Кўкда ҳамон на бир парча булут, на ёмғирдан дарак бор эди. Ер яна сувга чанқоқлигича ҳасрат ичида қолди. Ҳайвонлар очликдан азобланиб, сувсизликдан қийналиб қолавердилар.

Қаерда бир суҳбат ёки йигин бўлса, ягона муаммо кургоқчилик эди. Қўлдан келган барча чоралар синаб кўрилгани, аммо ҳеч қандай натижага эришилмагани баҳс этилар, илоҳларнинг кунгилларини ололмаганликларидан сўзлашар эди. Бу орада икки йилча олдин Абдулмутталибнинг Абу Қубайсда ўқиган ёмғир

дуосини эсладилар. Ҳозир орамизда булса эди, яна ёмғир дуосига чиқишни таклиф этардик, деганлар бўлди. Ахийри Ҳошим утилларининг йўлбошчиси Абу Толибга илтимос қилишга қарор берилди. Нима бўлганда ҳам Абу Толиб Абдулмутталибнинг угли эди. Унинг қони жуш урарди юрагига.

Абу Толиб уйига келган бир қанча қурайш қарияларини илтифот билан ичкарига таклиф этди. Саломлашдилар. Келганлардан бири:

— Сенинг ҳузурингга бош уриб келишимизнинг асл сабаби, эй Абу Толиб, ёмғир дуосига чиқишингни сўрашдир. Ўзинг ҳам куриб турганингдек, сувсизликдан қирилаётирмиз. Ҳайвонларимиз ҳолдан тойди. Биз учун ёмғир дуосига чиқсанг, қандай буларкан-а?!

Абу Толиб бу таклифни уринли деб топди:

— Бажонидил розиман. Аммо бизнинг кучимиз дуодан бошқасига етмайди.

Салдан кейин уйдан чиқди. Ёнига суюкли жиянини олиб, йўлга тушди. Каъбага келди, Каъбанинг деворига суянди. Бошини кўтарди ва дуо қила бошлади. Халқ унга қушилиб такрор-такрор «Омин» деб турди.

Ҳар доимгидек, бу кун ҳам осмон булутсиз эди. Дуо қабул бўлган тақдирда икки-уч кун ичида ёмғир ёғиши мумкин эди. Абу Толиб бутларга эмас, Жаноби Ҳаққа илтижо қиларди. Зотан, улар Жаноби Ҳақнинг борлигини тан олишар, бутларни эса, Оллоҳ Таоло билан одамлар уртасидаги воситачи, ҳомий деб билар эдилар.

Шу аснода Абу Толибнинг ёнидаги маъсум гўдакнинг ҳам қўлларини кўтариб, бармоқлари билан кўкка ишора қилгани маълум бўлди. Бу ишора билан кўкда кўринган бир нарсани курсатардими ёки Буюк Яратувчи томонидан кўтарилган эдими у қўлчалар? Бу ҳақда ҳеч ким билмайди. Аммо яхшилаб қараганларида, Муҳаммад бармоғи билан курсатган томонда бир булутнинг уфқдан ошиб ўтгани ва шамол тезлигида илағрилаб келаётгани кўринди. Орқасидан такрор ва такрор пайдо бўлган булутлар уни таъқиб эта бошладилар. Кўп ўтмай, Макканинг устини қора булутлар қоплади. Абу Толиб ҳали дуосини тамомлаб ҳам улгурмаган эди. Пастга тушган бир неча ёмғир томчиси шодлик қичқириқларига сабаб бўлди. Баланд овозда янграётган «Омин» сўзлари бу сафар севинчга тула эди. Ёмғир дуоси учун тупланганларни ёмғир тарқаб кетишга мажбур этди. Юзлардан оқётган томчилар ёмғир суви эдими ёки шодиена кўз ёшларими, бунини фарқлаш қийин. Гарчи дуони Абу Толиб ўқиган бўлса-да, Қодир Эгамиз ёмғирни кимнинг ҳурмати учун берди?!

Абу Толиб бу саволнинг жавобини жуда яхши биларди.

Уша кеча кўпгина оилаларда Абу Толибнинг дуога чиққани тўғрисида баҳс юритилди. Зотан, дуони бошидан-охиригача ўз

қулоқлари билан эшитганлар бор эди. Улар Абу Толибнинг қайта-қайта:

— Оллоҳим, ушбу маъсумнинг ҳурматиға, Оллоҳим, бу етим ҳурматиға... — дея, ёнидаги нурли гўдакни шафоатчи қилганидан хабардор эдилар.

Улардан бири:

— Нима бўлса ҳам, у бола бармоқлари билан кукка ишора қилгач, бўлди. Гуё кукдан булутларни бу ёққа чорлагандек куринди менга, — дерди.

Бошқаси:

— Бу болада бир гап бор. Икки йил олдин Абдулмутталибнинг дуосини эшитган эдим. У ҳам «Бу етим ҳурматиға...» деб дуо қилган эди, — деди.

Аёллардан бири:

— Хўш, бутларимиз-чи? Бутларимиз нима қилди? — деб сўради.

— Нима қилардилар, ҳеч нарса, — деди унинг эри.

Бошқа бири янада очикроқ қилиб айтди:

— Яъни, тош қотиб туравердилар.

Ташқарида ёмгир ҳамон селдек қуярди.

...

Бир куни Маккага машҳур башоратчи келди. Кишининг юзидаги, қўларидаги йўлларга қараб унинг келажаги ҳақида маълумот берарди. Ҳар ким боласини унинг ҳузурига олиб кела бошлади. Унга кўрсатишди, гапларини жон қулоқлари билан тинглашди. Абу Толиб ҳам жияни билан биргаликда келган эди. Бу ерда уларнинг ҳам келиши тасодиф эдими ёки Абу Толиб жиянида зоҳир бўлган ва кун сайин ойдинлашаётган устивор хислатлар ҳақида гапириб бу одамнинг қандай маълумот беришига қизиққанмиди? Бу нарса бизга қоронгу.

Башоратчининг атрофи худди ари уясига ўхшарди. У Ҳошим ўғилларининг етакчиси Абу Толибнинг ҳам ёнида бир бола билан келганини кўрди. Дарҳол ишини йигиштириб, уларга ўтирилди. Ўгирилди, аммо атрофдагилар уни ўз ҳолига қўядиган эмасдилар. Ҳар тарафдан бақириб-чақириб, уларга қарашни сўрай бошладилар.

— Абу Толиб олиб келган болани ўтқазиб юборинг менинг ёнимга.

— Онанг қоқиндиқ, болам. Абу Толибнинг навбати ҳали келганича йўқ, менинг неварамни куриб қўй.

— Ахир, унинг ёнидаги болада гаройиб хислатларни кўряман.

— Тушунарли, лекин бизнинг ишимизни ҳам эртага қолдирма.

Абу Толиб башоратчининг тўсатдан жиянига ўтирилгани ва бошқа болаларни куришдан қўл силтаганини кўргач, «Яна бирон зарари тегмасин», дея жиянига қайрилди:

— Қани, ўғлим, сен уйга боравергин-чи, — деди.

У одам ҳар икки гапнинг бирида «Абу Толиб қаерда?» деб сўрарди. Бирдан уни кўриб қолди:

— Қаердасан, эй Абу Толиб?

— Кўриб турганингдек, шу ердаман.

— Енингдаги бола қани?

— Уйга жунатдим.

Башоратчи ўрнидан турди. Абу Толибнинг қўлидан тутиб, бир неча одим четга олиб ўтди ва:

— У болага диққат билан қара, шуни яхши билгинки, у оддий бир бола эмас. Вояга етганда ҳам оддий инсон бўлмайди, — деди пичирлаб.

Сунгра Абу Толибга қаттиқ тикилди:

— Қасам ичаман, қайта-қайта қасам ичиб айтаманки, сўзларим тўғри чиқади! — деди.

## Шом сафари

### Роҳиб Бухайра

Фил ҳодисаси содир булганидан бери ўн икки йил ўтган эди.

Ҳар йили ёз мавсумида Шом, қишда эса Яман томонларга сафарлар уюштирилар, карвонлар жунатиладар, шу тариқа, савдосотиқ, тижорат ишлари юритилар эди. Аммо йўл ҳеч вақт хавфхатарсиз бўлмасди. Ҳаром ойларида ташқари (ҳаром ойлари — зулқаъда, зулҳижжа, муҳаррам ва ражаб) қилинган сафарларда куннинг барча — йигирма тўрт соати ичида ҳам қароқчилар ҳужумига учраш ҳеч гап эмас. Шунинг учун доим бундай ҳужумга тайёр туриш лозим эди. Бундан ташқари, карвоннинг бутун сафар давомида батартиб йўл юришини ташкил этиш ва таъминлаш, тўхташ ва йўлга чиқиш пайтларини белгилаб олиш, йўлда учрайдиган қабилалар билан учрашиб уларнинг кўмагидан фойдаланиш учун бир йўлбошчига эҳтиёж бор эди.

Шу муносабат билан қурайшларга сузи ўтадиган, ҳурмат ва эътиборга лойиқ бир киши карвонга бошиқ этиб тайинланарди, ёнига эса, етарли даражада қуролланган аскарлар олинарди.

Бу йил карвонбошилиқ масъулияти Абу Толибнинг зиммасига тушди. Абу Толиб кучли ҳаяжон ичида эди. Чунки савдосотиқ билан шугулланадиган қурайший борки, унинг карвонда озми-кўпми ҳиссаси бўлади. Маккадан чиқилгандан кейин нари-бериси билан бирор икки ой давом этадиган бу сафар пайтида карвонга етадиган ҳар қандай зиён-заҳмат учун у жавобгар бўлиши лозим. Бундан ташқари, мана, тўрт йилдирки, бирон кун ҳам ажралмаган суюкли жиянидан узоқда бўлишини уйларди.

Дастлаб Муҳаммадни ўзи билан олиб кетмоқчи бўлди. Аммо шу кунгача биронта ҳам карвон турли таҳликаларга, босқинларга учрамасдан йўл босганини ҳеч ким билмайди.

Йиртқич ҳайвонларнинг ҳужумига ҳам дуч келиш мумкин эди. Шулар ҳақида уйлар экан, уни олиб кетиш билатуриб хавфга қўйиш билан баробарлигини ҳис этди. Иккинчи томондан, жиянининг ёлборгувчи нигоҳларидан унинг сафарга чиқиш орзуида эканлигини билди. Муҳаммаднинг юзига қаради дегунча, маъсум нигоҳларига дош беролмас, аммо сафарнинг огир бўлиши мумкинлигини, йўл қийинчиликларини ўйлаб, уни ташлаб кетишни афзал ҳисоблар эди.

Абу Толиб то кетадиган кунларигача тараддулланиб юрди.

Карвон йўлга чиқадаган кун. Эндигина тонг отган эди. Ака-укалар Абу Толибни кузатгани келдилар. Неча кундан бери уни иккиланишга мажбур этган жияни бир бурчакда қимтиниб турарди. Унинг ҳам бориши ёки шу ерда қолиши ҳақида шу чоққача бирон огиз гап айтилмаган. Ҳамма нарса тайёр булгач, Абу Толиб ака-укалари, опа-сингиллари билан хайрлашди. Болаларининг, ниҳоят, нури жиянининг ёноқларидан ўпди.

— Сизларни худога топширдим... — дея туясига минди.

Шу пайт Муҳаммад туяга яқинлашди ва унинг жиловидан тортиди. Маъсум нигоҳларини амакисига қадади:

— Мени ҳам ёнингизга олинг, амакижон. Мени ташлаб қаяққа кетяпсиз? Кимга ташлаб кетяпсиз мени?

Ўзини зўрга тутиб турган Абу Толиб ортиқ дош беролмади.

— Қани, мин туяга, кўрайлик, сени ҳам олиб кетаман.

Қариндошлари бунга рози бўладиганга ухшамасди.

— Бундай бир кичкина гудак йўл азобига қаңдай чидайдй? Қолаверса, сафар чоғида дуч келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни ўзинг ҳам жуда яхши биласан-ку!

— Аммо мен унга йўқ дея олмайман.

— Болани била туриб оловга ташлай олмайсан.

Абу Толиб жиянига утирилди:

— Қара, амакиларинг, аммаларинг нима демоқдалар, — деди.

Муҳаммад туянинг жиловидан маҳкам ушлаб олган, кўзлари намли, истагида қатъий эди. Абу Толиб яна қариндошларига қаради:

— Олиб кетаман, — деди.

— Бумайди, эй Абу Толиб, асло рози эмасмиз.

— Худо ҳаққи, қарорим қатъий. Энди ундан ҳеч ҳам ажра-лолмайман!

Шундан кейин қўлини узатди, севинч билан узатилган кичкина қўллардан ушлаб туясига мингаширди ва кутиб утирмай, юришга фармон берди. Карвон секин-аста йўлга тушди, орқада қўллар силкинар эди.

— Муҳаммадга яхшилаб қара, эй Абу Толиб.

— Ой бориб, омон қайтинглар.

— Рашидун мадҳия... — каби овозлар бир-бирига қўшилиб кетди.

Кун тиккага келганида, бир неча водийни орқада қолдирган карвонга илк бор тухташ амри берилди. Жазирама иссиқ тафтидан қайтгунча шу ерда дам олиниб, сунгра яна йўлга чиқиладиган бўлди.

— Қалай, углим, йўл ёқдимиз?

— Сиз билан бирга эканман, нега ёқмасин, амаки?

Ўтирдилар, бир неча дона хурмо едилар. Абу Толиб жиянининг устига чойшаб ёпди.

— Қани, энди бир оз мизгиб олгин-чи, жигарим, — деди.

— Сиз-чи, амакижон?

— Мен карвонни кўздан кечириб чиқаман, сўнг ётаман.

Шундан кейин унга ором тилаб, карвонни текширгани ўр-нидан кўзгалди.

Туялар чуқкан, ҳамма бир тарафга тизилиб утирар эди. Абу Толиб соқчи тайинлашни лозим кўрмади. Чунки ҳозир ҳаром ойлари эди. Бу мавсумда қароқчилар ҳужум қилмасдилар. Айланиб келди. Чуқкан туяга суяниб ўтирди ва шу ҳолда ухлаб қолди.

— Ухлаяпсизми, амакижон?

Абу Толиб жиянининг ёқимли овозидан уйғониб кетди. Атрофига назар ташлади. Ҳамма ўрнидан турган, уни пойлаб турар эдилар. Дарҳол у ҳам турди, туясига минди, жиянини орқасига утиргизди:

— Юрамиз... — деди.

Юриш бошланди. Қуёшнинг тафти қайтган эди. Нафас о-са бўладиган даражада иссиқ... Бир оздан сўнг латиф бир ша-бада эса бошлади.

Кун ботгач, юриш янада завқли бўлди. Йуловчилар чарчо-гини ёйиш учун хурсандчилик қилишни исташарди. Шеърлар, шарқийлар ўқилди, қўшиқлар куйланди. Туялар ҳам ўз навба-тида шеър оҳангига мос равишда шаҳдам одимлаб юрдилар. Зотан, тонг саҳарда ва кечки пайтларда йўл юриш анча осон эди.

Сафар давомида йуловчилар у ёқ-бу ёқдан гаплашиб бо-ришди, ўтмишда бўлиб ўтган ачиқ-чучук воқеаларни эслашар эди. Абу Толиб елкасига бош қўйиб уйқута кетган жиянини тўйиб ором олсин, дея карвонни тўхтатди. Соқчилар қўйилди. Карвон аҳли ҳордиқ чиқара бошлади. Абу Толиб ҳам кўзлари-га келган уйқунни енголмай, жиянининг ёнига чўзилди.

Эрта тонгда юклар туяларнинг устига ортилди. Яна юриш бошланди. Шеърлар қўшиқларга уланди. Кун тиккага келгунча анча йўл босиб ўтилди.

Мусиқадан жуда хушланадиган, тили билан гапиролмаса-лар ҳам, қўшиқнинг оҳангига кўра огир-огир ёки тез-тез, ҳатто югуриш даражасида одимлаб кетаётган туялар қумларга бота-бота йўл босар, устларидаги йуловчилар чайқалиб-чайқалиб бо-рар эдилар. Узоқда бир тепалик кўринади, тезда ундан ошиб ўтишади, иккинчи, учинчи тепаликлар шу тариқа ортда қола-веради. Тўрт тараф ҳам қум, чанг-тузон, тупроқ. Дақиқа сайин тобора кучлироқ қиздираётган қуёш қуш учса қаноти, одам ўтса оёғи куядиган бундай саҳрода бирон кишини йиқитиши.

сувсизликдан телбага айлантириши ҳеч гап эмас эди. Ёлғиз Оллоҳ билади, юз йиллардан бери бу кумлар неча минг марта-лаб қуёшнинг аёвсиз ҳарорати туфайли олов-оташга айланган, қанчадан-қанча йўловчининг қонини миясига урадиган даражада қиздирган, салдан кейин эса — кеч тушиб ҳаво салқинлаш-гач, устида ётганларни совуқ қоттирган экан...

Йўлда давом этиларкан, сайёҳларнинг юз-кўзлари чангга бот-ди. Ташналикни босиб учун мешлардаги сувдан оз-оз ичилди.

— Сафаримиз яхшилик билан тугамаса керак, — деди ту-сатдан йўловчилардан бири.

Бошқаси унинг юзига тикилди.

— Нега бундай деяпсан, тинчликми ўзи?

— Бут олиш эсдан чиқибди-ку?!

— Ҳа-я, тухта-чи, балки бирон киши олгандир.

— Сафар ташвиши билан бўлиб ёдимиздан кутарилибди, наҳот икки кун деганда эсимизга келса!..

— Ҳадеб куюнаверма, бордир биронта бут олган киши.

Оқшом пайти тухташга амр берилгач, Абу Толиб жиянини ҳам олиб, юз кишидан кам бўлмаган карвонни кўздан кечириб чиқмоқчи бўлди.

Мусофирлар уч-беш кишилик гуруҳларга бўлиниб ўтири-шарди. Емишлари хурмо, ичмишлари сут эди. Бир неча киши туяни соғиш билан овора. Аммо ўртада сут соғиладиган идиш йўқ, сут тўғридан-тўғри кумнинг устига соғилмоқда эди.

— Булар нима қилишяпти, амакижон?

— Қани, кўрайлик-чи.

Абу Толиб вазиятни тушунгандек бўлди.

— Санам олиб келган ҳеч киши йўқми? — деб сўради.

Ораларидан биттаси бошини кутармай жавоб берди:

— Ҳеч кимда йўқ.

Етарли миқдорда сут соғилгач, ердаги қум-тупроқдан лой ҳосил бўлди. Эҳтиёткорлик билан олинди, сўнгра шакл ясала бошланди. Озми-кўпми бутга ўхшаган бир нарса ҳосил бўлди. Ўртага қўйилди, кейин одамлар унинг атрофида бошларини ерга қўйиб, сигина бошлади.

Бут ясалгани ҳақидаги хабар бутун карвон бўйлаб тарқал-ди. Сал наридагилар ҳам келишди. Ўттиз-қирқ кишилик бир оломон тупланди. Ҳаммалари мана шу лой санамнинг қарши-сида бошларини ерга қўйиб, сажда қилишар, кафтларини очиб унга ёлвориб, атрофида гир айланишар эди.

Ҳар бири ақли жойида, қилган ишини биладиган одамлар эди. Бу аянчли аҳволга ачинмасдан илож йўқ эди. Бу нотавон одамлар уйин уйнамаётган эдилар. Аммо ёш болалар ҳам бундай ҳолга асло рози бўлмайдиган бир иш билан машғул эдилар.

Тоат-ибодат бирмунча вақт давом этди. Шундан кейин би-рин-сирин тарқалдилар. Биров ерга чойшаб тушади, яна биров туясига суянди, шу тариқа қаттиқ уйқуга кетдилар. У ердан жил-ган икки киши орасидаги мана бу суҳбатни эшитганлар бўлди:

— Яхшики, бундай бир чора топилди. Узиям роса соғинган эдим бутимни.

— Яхшиси, ўзимнинг бутимни олиб юраман энди. Усиз қилинган ибодат руҳимни енгиллашгирмади менинг.

— Аслида шундай-ку-я, аммо нима қиласан. Сафар деб қўйибдилар буни. Бутларимиз шуни ҳисобга олиб бизни маъ-зур тугтасалар, ажаб эмас.

Карвон аҳлининг кўпчилиги шу фикрда яқдил эди.

Маза қилиб ухлашни маъқул кўрган бир йигит билан бутга сигиниб келган биродари орасида эса, шундай ҳангома бўлиб ўтди:

— Борганинда яхши бўларди. Одамнинг руҳи енгил торта-ди.

— Мен енгил тортмас эдим.

— Нимага?

— Ахир, ўзинг уйлаб кўр, туяни соғдилар, сути билан қор-ган лойдан вақтинчалик бут ясадилар. Сигиниб бўлишгач, бир бурчакка отдилар. Шундай эмасми?

— Ҳа, шундай.

— Мен бундай бутга сигинишни истамайман.

— Нималар деяпсан ўзи?

— Нимани эшитган бўлсанг, шуни.

— Аммо бундай дейишинг тўғри эмас. Сафарда булсақ, бошқа иложимиз йўқ-да, ахир. Йўлимиз хавф-хатарга тўла. Бо-шимизга бирон фалокат тушмайди, деб ҳеч ким кафолат бе-ролмайдди.

— Шу лой санамга сизингиз, келадиган бало даф бўладими?

— Барибир, сенинг фикринг нотўғри. Маккада сизингизла-римиз ҳам тош ёки ёғоч парчаси эмасми?

— Шундайликка шундай-ку-я, аммо улар ота-боболаримиз-дан қолган илоҳлар. Уларнинг қаршисида бундай нарсалар эс-га келмайди. Улар ҳақиқий илоҳ бўлмасалар, ота-боболаримиз уларга сизинишармиди?

— Эртага бизнинг фарзаңларимиз ҳам шундай дейдилар.

— Шундай дерлар ҳам, аммо сизлар бу ишга енгил-елпи қараяпсизлар. Шунчаки қўлбола ясаб олган лой-бутни илоҳ демоқдасизлар. Эртага уйга қайтганимизда, бизнинг бу иши-миздан хабардор булган Ҳубал не дейди, Лот, Уззо, Манот, Исоф, Ноила каби илоҳларимиз нима деркан? Йўқ, азизим, масала сизлар уйлаганчалик кўнгилахушлик масаласи эмас ас-ло. Ё бутни ёнингизда олиб юр, ё бундай сохта ибодатга чек қўй.

— Агар масалага чуқур ёндашсак, бутни бу ерга олиб кели-шимиз ҳам унга булган ҳурматсизлик эмасми? Оламиз, кўя-миз, яна олиб юраемиз. Сўнгра, қошида бош эгиб сизинамиз, ундан ёрдам сўраймиз...

Суҳбат шу ерда бўлинди. Чунки ақл билан уйлаб кўрганда, бу масала тобора боши берк кучага кириб қолаётган эди. Илоҳлар ҳақида билиб-билмай мунозара қилиб, бошга бало орттиргандан кўра, суҳбатни шу ерда тугатиш афзал кўрилди.

Туртинчи кун...

Туш пайти тўхташга амр берилгач, йуловчилар унгу сўлга ёйилдилар. Биров эҳтиёж юзасидан хилватроқ жой қидирар, биров юкларни туширар, биров эса, тўрвасидан чиқарган хурмони ер эди. Туялар уз ҳолига ташлаб қўйилган, деярли ҳеч кимнинг иши йўқ.

Йулга чиқилгандан бери ҳали туясига бир қултум сув, бир қафт ем бермаганлар ҳам бор эди. Чунки бу жонивор ейиш, ичиш масаласида энг сабрли, нима берилса, шунга қаноат қиладиган, ун кунгача емай-ичмай йўл юра оладиган беозор бир ҳайвон эди. Шу боис бирон кимса ҳам туясининг оч ёки ташналиги ҳақида уйламасди.

Шу аснода атрофга тарқалганлардан бири қўлида чиройли бир шакли тош кўтариб келди. Курганлар роса суюндилар. Энди кечқурун туя соғиб, лой қориб бут ясашга ҳожат қолмаган эди. Чунки бутнинг ўрнини босадиган яхшироқ бир восита топилади. Ҳар ҳолда, бир одамнинг қорнини тўйдирадиган сут беҳудага сарф бўлмайдиган бўлди.

— Балки, ҳақиқатан ҳам бир илоҳдир бу...

Бу гапни тошнинг устидаги чанглари артаётган бириси айтган эди. Бошқа бири унинг эҳтимолини тасдиқлади:

— Балки...

— Бизга бутун сафар давомида сизинишимизга бемалол етади бу бут.

Тозаланган тош ҳурмат билан юкларнинг орасига жойлаштирилди. Кечқурун дам олиш учун тўхтаганларида, у ўз вази-фасини бажариши керак бўларди.

Бир неча соат давом этган қайлула уйқусидан сўнг юклар туяларнинг устига ортилади, яна юриш бошланди. Яна қатор-қатор тепаликлардан ошиб ўтилади.

Қуёш тепалар орқасига беркина бошлаган эди. Энг олдинда кетаётган туя чўктирилди. Устидан сакраб тушган одам бир неча қадам олдинда қум устида ётган чироқли бир тошга қараб югурди.

— Мана, ҳақиқий санам, мана ҳақиқий илоҳ... — деб қичқирди.

Яна туясига минди. Сал орқароқда келаётган биродари унга етиб олди:

— Курсат қани, оғайни, — деди.

Қаради. Ҳақиқатан ҳам чиройли бир тош эди. Ранги ҳам ўзгача эди. Ҳамма томони сип-силлиқ, худди мукамал ишлов берилганга ухшарди.

Бояги йигит қўлини юкларининг орасига тикди. У ердан чиқарган тошга бирпас қараб тургач, отиб юборди. Бу тош тушки дам олиш пайтида топилган ва бутун сафар давомида бут деб тан олинган тош эди. Ким билади, балки бир бошқа

йуловчи ҳам уни топар, тангри деб уз қабиласига олиб кетар ёки сафар тутагач, итқитиб юборар.

Сафар яна бир неча кун давом этди. Ниҳоят, бир куни қоқ тушда тўхташ амри берилди. Соясидан паноҳ топиш мумкин бўлган бир неча дарахт қошига етиб келинган эди. Олдинда бир бино кўринди. Бундан аввал ҳам шу ердан утган йуловчилар бу ерда ҳеч ким билан юз кўришмайдиган бир роҳиб яшабини билардилар.

— Яна бу қовоги солиқ одамнинг гушаси олдида дам олишга тўхтадик, — деганлар эски тажрибаларига суяниб шундай фикр билдирдилар.

Буҳайра донишманд диндор киши эди. Кичик ёшидан бошлаб шу маслакнинг этагидан тутган, ўз ишига содиқ бир одам эди. Неча йиллардан бери шу ибодатхонада узлатда яшайди, келган-кетганларга панд-насиҳат қилади, ўзи кирган йулга даъват этади.

Буҳайранинг ибодатхонаси Макка — Шом йули орасида қад кўтаргани боис, айниқса, ёз ойларида бу ерга куплаб қарвонлар қўниб утарди.

Буҳайра ибодатхонанинг шундайгина ёнидаги дарахтзорда тўхтаб дам олишни одат қилган қарвонларнинг олдида борар, улар билан суҳбатлашар, аммо улар роҳибнинг сўзларини бепарволик билан тинглашар, бутларга сизинишнинг бемаънилигини гапирганда эса, қовоқларини солиб олишар эди. Ҳадеб шундай бўлавергач, Буҳайра улардан юз ўгириб, йуловчи қарвонларга энди бепарво бўлиб қолган эди.

Орадан бир неча йил ўтди, роҳибнинг бир пайтлар қарвон ҳузурига пешвоз чиқиб панд-насиҳатлар қилишлари унутилди. Шу боис одамлар у ҳақда «одамови бир киши» деб ўйлайдиган бўлишди.

Йиллар шу йўсинда утар, на келганлар Буҳайра билан кўришишни орзу қилар, на Буҳайра уларнинг қаршисига пешвоз чиқар эди. Фақат, дарахтзорда дам олиш учун тўхтаганлар ибодатхонанинг ёнидаги қудуқдан сув олишар, сўнгра яна йўларида давом этишар эди.

Ибодатхонада Инжил уқиш билан банд бўлган Буҳайра узоқдан келаётган бир қарвонни кўриб қолди. Курди, аммо бу қарвон билан боғлиқ бўлган бир гаройиб сир-синоатта ҳам кўзи тушди. Чунки кўринар-кўринмас бир булут парчаси ҳам қарвон билан биргаликда келаётган эди.

Кўзларини ишқалади, яна қаради, янглишмаётгани аниқ эди. Бир оздан сўнг қарвон келиб дарахтзорда тўхтаганида, булут ҳам уларнинг устида муаллақ туриб қолди.

Ҳеч ҳам ҳазили йўқ гаройиб ҳодиса эди бу. Бир булут ёки

булутга ўхшаган маънавий шамсия эди бу. Роҳиб карвонда ҳурмати баланд, буюк бир зот борлигига ортиқ шубҳа қилмас эди.

Дарҳол ўрнидан турди. Хизматкорларига овқат тайёрлаб, дастурхон ёйишни буюрди. Бир одам жунатиб, бутун карвон аҳлини зиёфатга таклиф этди.

Йуловчилар бу таклифнинг маъносини тушуна олмадилар. Чунки бундай меҳмондустликни сира ҳам кутмаган эдилар. Келган одам бутун карвон аҳлини зиёфатга таклиф қилганида, гумонсирай бошладилар:

— Яна нотўғри эшитган бўлмагин, биродар?

— Ҳар ҳолда, хужайининг, дарҳол бу ердан кетишсин, деган бўлса кераг-ов.

— Яхшиси, яна бир сўра, аниқла...

Чопар Бухайранинг нима буюрганини жуда яхши биларди.

— Гапим рост. Ҳатто сизлар учун овқат пиширишни ҳам буюрди.

Абу Толиб унинг сўзларини бўлди:

— Сен яна орқанга қайт, нима деганини яхшилаб бил. Биз у ерга борганда, хужайининг ҳайдаб юбормаслигига ишончимиз комил эмас.

Бухайранинг одами туш кўрмаётган эди. Аммо у ҳам устозининг неча йиллардан бери келган-кетганлар билан сира ҳам қизиқмаганини, сира бундай иш қилмаганини биларди.

Шу орада ибодатхонанинг эшиги олдида кўринган Бухайра қўл силтай бошлади, «Марҳамат, бизнинг гушамизга хуш келибсиз», деяётгандек буларди. Энди ҳақиқат рўй-рост англашилган эди.

Чопар Бухайранинг буйругини такрорлади:

— Карвондаги ҳамма киши таклиф этилди. Ҳеч ким орқада қолмасин.

Абу Толиб ҳамманинг бу таклифга ҳозирланишини буюрди. Фақат суюкли жиянини қолдириб, юкларнинг олдида туриб туришни тайинлади. Карвон аҳли катта бир жамоа бўлиб ибодатхона сари йўл олди.

— Наҳотки шу рост бўлса, эй Бухайра, бундай сахийлигининг боиси недир?

— Сендан бундай таклифни сира кутмаган эдик, эй Бухайра.

Аслида Бухайра ҳам уларни таклиф этмоқчи эмасди.

— Гапларингиз тўғри. Аммо бугун кайфиятим ўзгача. Шундай, ўзим бир утириб, сизлар билан суҳбатлашай, дедим...

Суҳбат шу йўсинда бошланди. Бухайра зиёфат чоғида йуловчиларни бирма-бир кўздан кечирди. Кўзи тушган заҳоти қалби ҳузурга тўладиган бир чехрани қидиради уларнинг орасидан. Қайта-қайта қаради, кутган одами буларнинг орасида йўқ эди. Янглишганини англади. Демак, бу сафар кўзлари уни алдабди-да.

Уларнинг ёнидан кетди, деразадан карвон турган жойга яна бир бор қаради. Маънавий шамсиянинг ҳамон уша ерда турганини кўрди. Дарҳол меҳмонларнинг ёнига қайтди.

— Карвон аҳлидан ким қолди у ерда?

— Ҳа, кичкина бир бола бор эди, уни пойлоқчи қилиб қўйиб келдик.

— Уни ҳам олиб келинглар.

— Аммо у кичкина бир бола.

— Майли, бола бўлса ҳам, илтимосимни қайтарманглар...

Абу Толиб роҳибнинг илтимосига рози бўлди. Бир кишини юборди. У шу ерда жимгина утирган нурли болани еталаб олиб келди. Қизиқиши устун келиб ташқарига чиққан Бухайра бутун диққат-эътиборини кўзларига тўплаган эди.

Бир оздан сўнг у шамсия-булутнинг ҳам ҳаракатга тушганини ва шу томонга келаётганини кўриб, ҳайратдан донг қотди. Юраги тўхтаб қолишидан чўчиди. Умрида бунчалик ҳаяжонланганини ҳеч эслай олмасди. Бир қўлини кўкрагига қўяр экан, Оллоҳнинг суюкли бир бандаси билан рубару бўлаётганига ортиқ шубҳа қилмас эди.

— Ё Оллоҳим...

Бу сўзлар Бухайранинг тез-тез ураётган юрагидан чиқаётган самимий туйғулар эди. Юзма-юз келган нурли гўдак уни ушбу туйғуларга чуллаган эди. Шу онда шамсия-булут ҳам уларнинг тепасига келиб тўхтади. Бунинг булут эмаслигига қасам ичишга тайёр эди у. Ҳеч кўрмаган гаройиб бир соя эди. Булут эмаслиги аён, чунки булут бўлса, сояси ҳам бўларди.

Зиёфат тугагунча ундан кўзини узмади. Китобларда ўқиган белгиларни ундан қидирарди. Гўдак қора қош, қора кўзли эди. Боши каттагина бўлиб, гул рангини ёдга соладиган тиниқ бир чехрали эди. Бармоқлари этли, суяклари йўтон, нигоҳлари жонли, доим кулимсираб турарди.

Бухайра Абу Толибга утирилди:

— Бу боланинг исми нима? — деб сўради.

— Муҳаммад.

— Ижозат берсангиз, ундан баъзи нарсаларни сўрамоқчи эдим.

— Марҳамат, сўрайверинг.

Абу Толиб жиянига утирилди:

— Ўғлим, бу амакингнинг саволларига жавоб бер, хўпми?

Дастурхон атрофида утирганлар овқатларини еб бўлишгач, энди бу қария билан Муҳаммад ибн Абдуллоҳ орасида ўтаётган савол-жавобни кузатиб, қулоқ сола бошладилар.

— Сендан баъзи нарсаларни сўрамоқчиман. Лот билан Уззога бўлган муҳаббатинг ҳаққи, тўғри жавоб бер.

Бу сўзлар кулимсираб турган боланинг қовоғи уюлишига сабаб бўлди.

— Лот билан Уззонинг номидан қасам ичтириб мендан ҳеч нарса сўрама. Оллоҳ ҳаққи, менинг уларга нисбатан бўлган нафратимни сўз билан ифодалашим қийин.

Бухайра бу саволни бериш билан кутилган илк жавобни олган эди. Арабларнинг суҳбатларини тинглар экан, «Лот билан Уззога бўлган меҳр-муҳаббатим ҳаққи», дея бир-бирларига қасам ичишларидан у воқиф эди. Аммо у ўқиган диний китоб-

ларда ёзилган маълумотларга кўра, бу бола Лот билан Уззо сингари бутларга фақат нафрат ҳиссини туйиши керак эди.

Ҳеч ким кутмаган бу тасодифий жавоб карвондаги баъзи кишиларнинг норозилигига сабаб бўлди. Чунки Муҳаммад нафратланадиган бутларни ўзлари билан олиб келмаганликларидан қаттиқ афсусланган кишилар шулар эди.

— У ҳолда сендан сўрайдиган саволларимга, Оллоҳга бўлган муҳаббатинг ҳаққи, тўғри жавоб бер.

— Бажонидил, қулогим сенда.

— Қандай ухлайсан?

Гаройиб бир савол эди бу. Бемаъни савол сифатида қабул қилдилар. Анча кексайиб қолган Бухайра нодонлик қилаётганга ухшарди. Инсон ухлаётганда қанақасига ўз уйқуси ҳақида хабардор бўлсин? Унинг қандай ухлашини бошқа бировдан сўраш даркор эди. Нигоҳлар Абу Толибга қадалди. Абу Толиб:

— Ширингина ухлайди...

Уйқусида ҳам уйғоқ пайтидаги сингари бениҳоя ёқимтой, демоқчи эди. Аммо кутилмаган жавоб Абу Толибнинг бу сўзларига ўрин қолдирмади:

— Кўзларим ухлайди, аммо руҳим, қалбим доимо уйғоқ.

Одамлар бир-бирига қарашди. Гаройиб бир жавоб, деб уйлаганлар бўлди. Абу Толиб ҳам ажабланиб қолди. Бухайра бу дафъа ёнидагиларга ўтирилди:

— Бу боланинг кўзларидаги қизиллик ҳақида нима дейсизлар? Йул азобининг таъсирими ёки касаллик асоратими? Ёки тугилганидан бери шунақами?

— Унинг кўзлари ҳамини шунақа бўлган ва ҳозир ҳам шундай.

Бу жавобни бир неча киши бирданига айтди. Сўнгги сўз яна Абу Толибники бўлиши керак эди. У биродарларининг гапини тасдиқлади:

— Дарҳақиқат, унинг кўзлари тугилганидан бери шунақа.

Шундан кейин Бухайра боладан куйлагини кутаришни буюрди. Баданига диққат билан разм солди. Икки курак суягининг орасида каттагина, холга ўхшаш белги бор эди. Бироқ ҳол эмас эди. Ёхуд у ерга туклар йиғилган, ёхуд гушт парчаси қотиб қолганга ухшарди. Аммо бундай ҳол ҳали инсон зотида кузатилмаган эди. Шу боис уни таърифлаш ҳам гоят мушкул. Шу белгини кўргач, куйлагини туширтирди.

Тарихларда тафсилоти келтирилмаган яна бир неча савол берилди, кутилган жавоблар олинди. Сўнгра Бухайра:

— Орангизда бу болага энг яқин киши ким?— деб сўради.

— Менман.

— Хўп, у сенга ким бўлади?

— Уғлим бўлади.

Бухайра «йўқ» деган маънода бош чайқади. Абу Толиб унинг мақсадини тушунди:

— Хўш, нега отаси бўлолмас эканман?

— Чунки бу боланинг отаси ўлган, етим бўлиши керак.

— Қаёқдан биласан?

— Қаёқдан билишимни салдан кейин гапириб бераман. Ҳозир эса, сен тўғриси айт, ҳақиқатан ҳам бу боланинг отасимисан?

— Йўқ, амакисиман. Аммо отасидан ҳам кўпроқ яхши кўраман уни.

— У ҳолда, эй Абу Толиб, сен дарҳол бу жиянингни ўз юртига жунат. Яҳудийлар унга бирон зарар етказишидан эҳтиёт бўл. Чунки улар мен бу болада кўрган фазилатлардан воқиф бўсалар, унга бир бало қилишга уринишлари бешакдир. Жиянинг келгусида буюк мартабага сазовор бўлиши тайин.

Шундан кейин ун икки ёшлар чамасидаги энг буюк инсоннинг қўлларидан тутди:

— Одамларнинг хўжайини мана шу боладир. У одамларнинг Робби бўлган Оллоҳнинг расулидир. Оллоҳнинг одамларга раҳмат улароқ жунатадиган пайгамбари мана шу!— деди.

Абу Толиб бирданига кўз ўнгига мартабаси ошган қариядан сўради:

— Хўш, айт-чи, сен буларни қаердан биласан?

— Олдимизда турган мана шу муқаддас китобдан. Бу китоб Оллоҳнинг сўнгги пайгамбари Макка шаҳрида, яқин замонда юзага чиқиши ҳақида маълумот беради. Ушбу пайгамбарнинг узига хос хусусиятлари ҳам мазкур китобда келтирилган.

Абу Толиб келиб-кетган шунча карвонларга қайрилиб ҳам боқмагани ҳолда, уларни чин кўнгилдан меҳмон қилган қариянинг асл мақсадини тушуна бошлади.

Энди йўлга чиқиш пайти ҳам етиб қолган эди. Хайрлашилади ва юриш бошланди. Уларнинг орқасидан анча пайтгача қараб қолган Бухайра ёнидаги хизматкорига ўтирилди:

— Қурыпсанми?

— Нимани?

— Ҳалиги боланинг тепасидаги нарсани?

Хизматкорлар бир-бирларига маъноли қараб қўйишди.

— Ҳа, ҳа, кўрыпмиз.

Бир оздан кейин бири иккинчисига: «Энди тоза қарибди бу чол», деди.

Бухайранинг кўрганини ҳамма ҳам куришга қодир эмасди.

Бухайра карвон орқасидан то улар кўринмай, карвон кўтарган чанг-тўзон етгунча қараб турди. Ибодатхонага қайтаркан, «Минг афсуски, умримнинг куз фасли тугамоқда», деб мингирлади.

Вақти-соати етиб, ун икки-ун, уч ёшларда бўлган бу бола вояга етиб, унга набийлик ва рисолат берилганда, бу қариянинг устига тортилган қора тупроқ, ким билади, неча марта оёқ ости қилиниб, шамоллар унинг хокларини қай тарафларга учуриб кетаркан?

Бухайра бу хаёллардан намланган кўзларини қафтлари билан артди ва осмонга тикилиб:

— Оллоҳим, нақадар гузал бу бола, нақадар гузал бу бола, Оллоҳим... — дерди.

## Сунқасд қилишмоқчи!

Карвон Бусрага етиб боргач, Абу Толиб ортиқ юришга истаги йўқлигини билдирди. Роҳиб Бухайранинг сўзларига бепарво қараб бўлмасди. Юрагини бир қўрқув эгаллаб, вужуд-вужудигача сингиб кетган безовталиқдан қутулиш мушкул бўлиб қолди. Ора-сира кўз олдида роҳиб Бухайранинг сиймоси гавдаланар, олдига келиб Муҳаммаднинг қулидан тутар ва: «Олампаларнинг хужайини мана», деяётгандек бўлар эди.

Абу Толиб жонидан ортиқ кўрган жиянининг ростдан ҳам ана шундай мартабага сазовор бўлишини жуда-жуда хоҳларди.

Абу Толибнинг Бусрадан уйга қайтиш ҳақидаги буйругига карвон аҳли сира ҳам афсусланмасдан рози бўлди. Чунки улар қўлларига кутилганидан ҳам кўпроқ даромадни киритган эдилар. Бунинг устига, ҳам яна давом этадиган йўл азобидан қутулишган, ҳам мақсадларига ортиги билан етишган эдилар.

Бу орада уч бегона киши Бусрага келган карвонга, яна ҳам тўғрироғи, ундаги кўркам бир болага қизиқиб қолган эди. Бу уч маслақдош узаро қисқа, аммо узил-кесил қарорга келинадиган бир мажлис ўтказди.

— Нима дейсан, ё Зубайр?

— Менингча, бу уша бола. Аммо ишончим қатъий эмас. Сенинг фикринг-чи?

— Мен ҳам сенинг фикрингга қушиламман. Мабодо шундай бўлса, энди яҳудийларнинг салтанати битди, деявер.

Таммом амалий йўл тутишни афзал кўрарди:

— Энг яхшиси, бу болани бир хилватроқ жойга олиб бориб, ундан керакли нарсаларни сўраб билиш, узил-кесил ишонч ҳосил қилинган тақдирда, дарҳол саранжомлаб қўя қолиш керак.

— Тўғри гапни айтдинг, эй Таммом.

Секин болага яқинлашдилар. Аммо унинг ёнида узун бўйли, басавлат, елкадор бир киши турар, ора-сира карвонга фармон берар эди. Уч маслақдош яҳудийни кўрган заҳоти сенин қўлини қиличининг дастасига олиб борди ва фитначиларнинг кўзига тик қаради. Ҳалиги уч ҳамфикр лом-мим демай кўздан йўқолди.

Лекин иш шу билан битмади. Боланинг ёлғиз қолиш эҳтимоли бор эди. Узоқдан карвонни таъқиб эта бошладилар. Бироқ амакиси гуё ундан бир сонияга ҳам ажралмасликка қасам ичганга ўхшарди.

Карвон ҳар доимгидан ҳам қисқа вақт ичида савдо-сотик ишларини битириб, Бусрани тарк этди.

Маслақдошларнинг ичини ит таталай бошлади. Бу ишни қилмаслик улар учун жиноятдек гап эди. Агар ҳақиқатан ҳам бу уша бўлса, яҳудийлар давру даврон сурган замон битган ҳисоб эди.

Дарисо биродарларини бир чеккага бошлади:

— Менга қаранглар, агар бу бола уша бўлмаса, маъсум, бегуноҳ бир боланинг уволига қоламиз. Энг яхшиси, ҳозироқ орқаларидан йўлга чиқайлик-да, роҳиб Бухайрани топиб, унинг фикрини ҳам эшитайлик. Эҳтимол, келаётганларида у билан учрашишгандир. Еки қайтишларида кўришишар. Нима қилишни роҳиб Бухайра билан кўришгандан кейин келишиб оламиз.

Бу тadbир шерикларга маъқул бўлди. Чунки ўта эҳтиёткорона бир тadbир эди.

— Тўғри уйлабсан, эй Дарисо, — деди шериклари.

Уч туяга минган бу уч киши Бусрани тарк этган карвонни изма-из таъқиб этиб, йўлга чиқди. Улар қаерга боришади, нима иш қилишмоқчи — ҳеч ким билмасди.

Бухайра кутилмаган меҳмонларни — бу уч маслақдошни ибодатхонага таклиф этди. Ҳар бири билан алоҳида-алоҳида саломлашиб чиқди. Олдиларига дастурхон солди. Қоринлари тўйгач, Зубайр:

— Сен билан бир яширин иш ҳақида маслаҳатлашишга келдик, эй Бухайра, — деди.

— Жуда яхши, маслаҳатлашамиз.

— Яхшиси, чиқиб, ҳеч ким эшитмайдиган жойда гаплашсак.

Ибодатхонадан чиқдилар, бир дарахтнинг соясига утирдилар.

— Бу ерда гаплашилган гапларни фақат шу дарахтлар эшитиши мумкин, холос. Уларнинг ҳам сир сақлашларига шубҳа йўқ, — деди Бухайра.

Зубайр гап бошлади:

— Бир неча кун олдин Бусрага Ҳижоз томонлардан карвон келди... — дея у воқеани сўзлаб берди ва сўзларини шундай давом эттирди: — Энди сенинг фикрингни билсак, девдик, эй Бухайра, қани, айтгин-чи, бу карвон ва гаройиб болани кўрдингми?

— Кўрдим ва гаплашдим.

— Хуш, нималарни гаплашдинг?

Бухайра утирган жойларига ишора қилди:

— Худди мана шу ерда тўхтадилар. Узоқдан келаётганларидаёқ тепаларида булут каби бир нарсанинг ҳаракат қилаётганини кўриб, карвонга қизиқиб қолдим...

Бухайра бўлган воқеани тафсилотлари билан сўзлаб бергач, суради:

— Демак, у карвон Бусрани тарк этди, шундайми?

— Ҳа, биздан олдин бу ердан ўтган бўлишлари керак.

Бухайра қўлларини тиззасига урди:

— Аттанг, зўр фурсатни бой берибман, — деди.

Таммом:

— Мана, биз ана шундай фурсатни бой бермаслик учун шошмоқдамиз.

— Тушунмадим.



— Уша болани ўлдираимиз.

Буҳайра титраб кетди:

— Қилолмайсиз бу ишни! Қилишингиз керак ҳам эмас!!!

— Нега?

— Агар бу бола ростдан ҳам уша бўлса — дарвоқе, мен бунга юз фоиз кафиман — бу ишга кучингиз етмайди. Чунки буюк Оллоҳ уни паноҳида асрайди. Сизларнинг шум ниятингиз амалга ошишига асло йўл қўймайди. Бекорга жувонмарг бўлиб кетасизлар, аммо унга зарар етказо олмайсизлар. Бутун дунё одамлари бирлашса ҳам, унинг пайгамбар бўлишига ва юксаклардан берилган вазифани адо этишига тўсқинлик қилолмайди. Аммо бу бола бўлажак пайгамбар бўлмаса, у ҳолда бир маъсумнинг уволога қоласизлар. Менга деса, сизлар бу шум ниятингизни шу ерда қолдиринглар-да, орқага, юртларингизга қайтинглар.

Буҳайра тўғри гапни айтган эди. Китобларда ёзилган маълумотлар азалий тақдирдан баҳс этарди. Бу тақдирни ўзгартириш, унга тўсқинлик қилиш ҳеч кимсанинг қўлидан келмас. Тўсқинлик қилишга уринганларнинг ҳолига вой, фақат Оллоҳнинг ҳукми бажо булар, Оллоҳнинг иродаси доим устун, доим голиб келар эди.

Зубайр эътироф этди:

— Ишнинг бу томонини биз уйламаган эканмиз, эй Буҳайра, бизни тўғри йўлга солдинг,— деди.

Шундан кейин хайрлашдилар ва Бусрага қайтдилар.

Абу Толиб ва карвон аҳли бу можародан беҳабар эдилар.

## Яна бутлар қошида

Абу Толиб жиянининг бутларга нисбатан бефарқ эканлигини биларди, аммо роҳиб Буҳайранинг ҳузурини айтганидек, уларга қарши чексиз нафрат ҳиссини туйишидан беҳабар эди. Сафардан қайтгач, йўл таассуротларини гапириб бераркан, Буҳайранинг гушасида бўлиб утган воқеани ҳам бутун тафсилотлари билан сўзлади,

— Ҳақиқатан ҳам, уни бутларнинг қошига ҳеч олиб боролмадик,— дедилар.

...

Ҳар йили маккаликлар Бувона бутининг ёнида тупланишар, уша куни махсус маросимлар ўтказилар, соч-соқоллар олинар, жанжаллашганлар ярашар, қурбонликлар сўйилар эди. Кун ботгунга қадар бу маросимлар давом этарди.

Амакилар ва аммалар бу йил ўн икки ёшга тўлган жиянларини ҳам ушбу диний маросимга олиб боришга қатъий аҳд қилишди. Абу Толиб:

— Муҳаммад, бу йил сен ҳам Бувонанинг қошига борасан,— деди.

Аммо олган жавоби кўнглига ўтиришмади. Жияни у ерга боришни сира ҳам истамади. Абу Толиб бошлиқ амакиларию аммалари Муҳаммаддек итоатли боланинг бирданига «Бормайман» деб қатъий қаршилиқ кўрсатишини ва ушарлик қилишини сира кутишмаган эди.

— Ундай дема, ўғлим, илоҳлар газабланадилар. Бунинг оқибати яхши бўлмайди. Сунгра бошингга фалокат ёғдирадилар...

Бу сўзларнинг заррача ҳам фойдаси бўлмади.

Ахийри ялиниб-ёлвориб, кўндирдилар. Бундай бир маъсум гўдак қалбининг илоҳларга қарши тушуниб бўлмас даражада кин ва нафрат ҳиссига тўлиқ эканлигини ҳеч жиҳатдан изоҳлай олмадилар.

Бутнинг қошига келдилар. Ҳар бир киши унинг қошида эгилар, дуо қилар, истакларини баён этар эди. Абу Толиб ҳам борди, у ҳам бошқаларнинг ишини такрорлади. Сунгра амакилар, аммалари худди уша амалларни адо этишди.

Шунчаки тош парчаси эди Бувона. Абу Толибдек ақли расо, ҳурмати жойида, виқор ва салобат эгаси бўлган бир кишининг тошга, жонсиз борлиққа сифиниши ҳам кулгили, ҳам аянчли эди.

Улкан бир хонадон — Ҳошим уғилларининг етакчиси Абу Толиб...

Бошқаларга ақл ургатадиган, яхшиликка бошлайдиган, ақли еа тадбирига ҳамма ишонадиган, сўзига ҳамма қулоқ соладиган Абу Толиб...

Ҳа, уша Абу Толиб тош парчаси қаршисида нақадар эгилмоқда! Қандай қилиб шундай одам тошларга илоҳ деб қараркан?

Бошқа амакилари ҳам севилган, ҳурмати жойида бўлган кишилар эди. Нурли Муҳаммад Абу Толиб бошлиқ амакиларию, аммаларини ҳам яхши кўрар, ҳурмат қилар эди. Аммо уларнинг бу бемаъни хатти-ҳаракатларига, инсон қадрини настига урадиган бу турфа қилиқларига ҳеч тушуна олмади.

— Қани, Муҳаммад, сен ҳам тиз чўк буюк Бувонанинг қошида.

Бу «Сен ҳам биз каби бул. Тош-тахталарнинг қули бўлганингни тан ол», дейиш билан баробар эди.

Йўқ, у асло бундай қилолмайди. Хоҳлагани тақдирда ҳам, уни эртанинг буюк пайгамбари улароқ етиштираётган Оллоҳ бунга изн бермас, йўл қўймас эди.

Муҳаммад қотиб турарди. Гўё бу таклифни ҳеч ким эшитмагандек эди. Иккинчи бор мурожаат этилди:

— Қани, Муҳаммад, кўп куттирма!

Келиши мумкин бўлган балоларнинг олдини олиш учун қариндошлари Бувонага ёлворишар, бола бўлгани, егимлиги боис, унинг бу иллатини кечиритини утинар эдилар.

Бу орада Муҳаммад юзи сарғайиб, тиззалари қалтирай бошлади. Баҳайбат бир махлуқ яқинлашаётганидан даҳшатта тушгандек, қўрқув излари бор эди юзида. Аммаси дарҳол уни қучогига олди. Муҳаммад ҳушидан кетди.

Илоҳ Бувона даргазаб бўлди, деб тушунишди. Ёшгина боланинг Бувона каби машҳур бутга қарши оёққа туриши ақл бовар қилмайдиган жасорат намунаси эди.

— Ташқарига чиққим келяпти...

Оломон орасидан олиб чиқиб, хилватроқ жойга бордилар.

— Нима бўлди, жигарим?

— Ёнимга оппоқ қўйлакли, узун бўйли бир одам келди. «Эй Муҳаммад, зинҳор бу бутга қўл теккизма», деди. Қўриб кетдим.

Яна бутлар бошга бало келтирмасин, деб у ердан узоқлашдилар.

Уйга келганларидан кейин ҳам Муҳаммаднинг юз ифодасида ҳамон руй берган воқеанинг таъсири бор эди.

Уни уйда қолдириб, яна бутнинг қошига кетдилар. Чала қолган амални охирига етказиш керак эди. Кечқурун қайтганларида, қурбонлик гушгидан ҳам келтирдилар.

— Қара, Муҳаммад, сенга қурбонлик гуштидан олиб келдик.

Муҳаммад заррача ҳам хурсанд бўлмади. Аксинча:

— Мен уни емайман. Бир парчасини ҳам оғзимга омайман! — деди.

Яна бирор кор-хол юз бермасин, деб уни бу сафар зўрламадилар.

Шундан кейин Муҳаммадни бирор марта ҳам бутларга сизинишга даъват қилмадилар.

...

Саъд номи берилган бут, оддий қоятош парчасидан иборат эди. Аммо Кинона қабиласи унга алоҳида бир ҳурмат билан қарарди. Олиб келинган қурбонликлар шу ернинг ўзида сўйилар, қони эса, ушбу қоянинг устига оқизилар эди.

Халқ уйимизга барака кирсин деб келар, қўлларини қонга сураб, молларини ҳам касал бўлмасин деб шу ерга олиб келар эдилар.

Бир куни туяларини оддига солиб ҳайдаб келтирган бир одам шу ерда маълум муддат қолиб дуо ўқимоқчи. барака сўрамоқчи бўлди. Бироқ юзларча ҳайвоннинг қони билан ир-кит ҳолга келган бу бут-қояни кўрган туялар ҳуркиб, ён-теваракка тарқалиб кетдилар. Эгаси уларни тўхтатиш учун беҳуда уринарди. Жиловидан тугилган туялар ҳам тек турмасдилар, қайтага, уни ҳам қум устида судраб кетардилар. Қора терга ботган бу одам бир амаллаб ўрнидан турганида, ён-теварагида битта ҳам туя қолмаганини кўрди. Қўлига тушган тошни бор кучи билан Саъдга қарата отаркан:

— Оллоҳнинг қаҳрига учрагур, туяларимни қочириб юбординг!.. — деб бақирди.

Кейин туяларини қидириб кетди. Амаллаб, ҳаммасини бир жойга тўплади. «Энди бу ерни елкамнинг чуқури кўрсин», дея орқасига қайтиб кетар экан, шундай байтларни ўқирди:

«Биз Саъднинг қошига келдик, ишимизга барака берсин деб. Ҳолбуки, у бизнинг ишимизни бузди. Энди биз Саъднинг қўллари эмасмиз. Зотан, у бошқа қоялар каби бир парча тош эмасми? На адашганга йўл кўрсатар, на ёрдам».

...

Отаси бир босқин пайтида ўлдирилган Имрон ул-Қайс исми бир шоир интиқом ўтида ёниб юрарди. Бу борада бутларнинг фикрини билмоқчи бўлди. Ҳубал бутининг ёнига келиб фол очди. Уч марта ҳам «Уч олма» деган ёзув чиққач, ўқини бутга қарата отди ва:

— Разил экансан! — дея ҳайқирди. — Ўлдирилган сенинг отанг бўлсайди, сира ҳам бундай демасдинг!

Сунгра асабий ҳолатда шаҳдам юриб кетди.

...

Абу Толиб даромади унча кўп бўлмаган киши эди. Шу йили ун иккидан ўтиб ун уч ёшга қадам қўйган нурли Муҳаммад унинг бу аҳволини яхши билар, унга ёрдамчи бўлишни жуда-жуда хоҳар эди. Бундан ташқари, бекорчилик уни зектирарди.

Бир куни амакисига қўйларни ўзи боқиб келмоқчи эканлигини билдирди. Амакисининг, бу уйдагилар сен иш қилмасанг ҳам хафа бўлмайдилар, деганига қарамай, илтимос этаверди. Ниҳоят, унинг истагига рози бўлди.

Абу Толибнинг сурувиға қўшиллардан ҳам қўйларини қўшганлар бўлди. Шу йўсинда у ўзига иш топган, ўзи яшаётган оилага озгина бўлса-да фойдаси тегишидан бениҳоя хурсанд эди. Ҳар битта қўй учун қўшимча бир қиротдан ҳақ ҳам оларди.

Макка аслзодалари учун қўй боқиш уятли касб эмасди. Пешона тери тўкиб пул ишлаш ҳам айб саналмасди.

Қўй боқиб юрганида кабос деган ўсимликнинг етилган меваларидан танлаб-танлаб егани, узоқ пайтгача уша кунларни ширин хотира сифатида эслаб юргани ҳам маълум. Орадан қирқ беш йилча кейин уша ерлардан ўтаркан, биродарларига кабоснинг қоралари яхши етилган ва мазали бўлишини, қўй боқиб юрган кунларида буни тоғиб билганини сўзлаб берган эди.

...

Маккада баъзи кечалари кўнгилочар базмлар уюштириларди. Бундай базмлар «самар» ёки «мусамара» деб аталарди.

Бу базмлар кўришга арзийдиган, кўнгилочар маросим эканлиги нурли Муҳаммаднинг ҳам қўлоғига чалинган эди. Бир куни кечқурун чўпон ўртоғидан сурувиға ҳам қараб туришни илтимос қилди. Бориб «самар» базмини кўрмоқчили-

гини айтди. Уртоғи рози булгач, йўлга тушди. Маккага келди. Уйлардан бирида хурсандчилик қилинаётганини кўрди.

Одамлар роса йигилган. Узоқ-яқиндан келганлар кириб, томоша қилмоқда.

Сураса, тўй бўлаётган экан. У ҳам кирди. Бир дарахтнинг остига ўтирди. У ердан ҳамма ёқ кўриниб турарди. Аммо утирар-утирмас уйқу босиб, кўзларини юмишга мажбур қилди. Ва у эрталабгача шу ерда қолиб кетди.

Хурсандчилик тун ярмигача давом этиб, меҳмонлар уй-уйларига тарқалишар экан, дарахт тагида ухлаб қолган йигитчани кўрдилар, бироқ уни безовта қилмадилар.

Эрталаб юзига тушган қуёш нурлари уни уйготди. Атрофига қаради. Ҳеч ким йўқ эди. Урнидан туриб, қўйларининг олдига кетди. Уртоғи нималарни кўрганини сураган эди, кеча нима бўлганини ўзи ҳам билмаслигини, ухлаб қолганини айтди.

Орадан бирмунча вақт ўтди. Яна уртоғидан қўйларига қараб туришни илтимос қилди. Яна Маккага келди. Базм бўлаётган бир жойга кирди. Аммо у яна ўз ҳолига қўйилмади, азалий тақдир голиб чиқди. Яна базмни кўрмай, эрталабгача роҳатбахш уйқу огушида бўлди.

Бу унинг базмни кўриш мақсадидаги сўнгги уриниши бўлди. Бундан кейин ҳеч қачон тунги базмни томоша қилишга қизиқмади.

## Арслон боласи

Фил ҳодисасидан буён ун тўрт йил ўтди.

Бани Маҳзум қабиласининг обрўли оилаларидан бирида, бир аёл тўлғоқ азобларидан қийналаётир...

Атрофида ёрдам бериш учун чақирилган доя хотинлар бор.

Ой-куни тўлган Хонтама Маҳзум қабиласининг аслзодаларидан Ҳошимнинг қизи ва ҳурмати баланд оиладан бўлмиш Хаттобнинг умр йўлдоши эди.

Хотинининг ой-куни яқинлашган сари Хаттоб: «Албатта уғил бўлиши керак, тушундингми?» деб қайта-қайта тайинларди. Қиз боланинг отаси бўлишга асло рози эмас эди у. Буни ўйлади дегунча, пешонасида пайдо бўлган терларни жаҳл билан сидириб ташлар, тишларини гижирлатиб, кескин овоз билан:

— Хаттобдек бир одамнинг фарзанди албатта уғил бўлиши керак! — дея пунгиллаб, қўлларини мушт қилиб тугар эди.

Хаттоб сингари тажанг, сержаҳл, бақувват, жасур ва довуорақ, устига-устак, ўта шафқатсиз одам халқ орасида қиз боланинг отаси сифатида танилмаслиги керак эди. Хаттоб уғил куриши керак! Фақат шундагина кўксини кериб, ҳеч кимдан қимтинмай юра олади.

Туғиш пайти яқинлашган сари Хаттобнинг ичини кемир-

ган безовталик, қўрқув уни баттар тажанг қилиб қўйди. Доим айтгани айтган, дегани деган булган Хаттоб тушган ерини ёндирадиган чўгга айланган эди. Уйга гурс-гурс қадамлар билан кириб келиши ҳаммани қалтиратар, тинчини бузар эди.

Бир куни эрталаб Хонтама тўлғоқ бошланганини билдирди. Шунда Хаттоб:

— Зинҳор менга қиз туққанинг ҳақида хабар берма. Оқибатини ўзинг ҳам яхши биласан! — дея уйдан чиқиб кетди.

Кўзларида чакнаган ут «Оқибатини ўзинг биласан» сўзларининг тагида мудҳиш бир таҳдид борлигини билдирарди.

Доя хотинлар Хонтаманинг кўзлари ичида милдираб турган, маҳзун ҳислар ифодаси бўлмиш аччиқ-аччиқ ёшларни кўриб, унга минг хил тасалли беришга урина бошладилар. Хонтама қўрқувдан тўлғоқ азобини ҳам унутгандай бўлди.

Кекса, тажрибали бир аёл:

— Қизим, хафа бўлма. Нима эксанг, шуни ўрасан. Хаттоб шуни ҳам билмайдиган даражада жоҳил эмас. Мен буни Хаттобнинг юзига айтишдан ҳам тоймайман, — деди.

Шунга қарамай, қўрқув, безовталик, изтироб ҳислари тобора ортди ва, ниҳоят, янги тугилган чақалоқнинг чинқириги янгради. Шу чоқ:

— Хушxabар, Хаттобга хушxabарни етказинглар, уғили бўлди! — деган қичқириқ ҳам эшитилди.

Хаттоб Каъбада дўстлари билан бирга утирар экан:

— Ё Бушра! Ё Бушра!.. — деб ҳайқирган бир чопарнинг югуриб келаётганини кўриб, кўнгли тинчиди.

Унга шундай хушxabар келтирилиши керак эди ва, албатта, уғили бўлиши даркор эди. Чунки ҳеч кимса, ҳа, ҳа, Макка бўйича ҳеч ким Хаттобнинг олдига чиқиб: «Хушxabар, қизлик бўлдинг», дейишга журъат қилолмасди.

Югуриб келган бола Хаттобнинг қошига келиб тухтади:

— Суюнчи бер, уғиллик бўлдинг, — деди.

Хаттоб неча кунларан бери ўпқасини тўлдириб нафас ололмаган эди. Кўзларида ёнаётган учкунлар севинч ёшларига айланди, юзига табассум югурди. Боланинг бошини силаркан:

— Сурувнинг ичига киргин-да, хоҳлаган қўйларингдан иккитасини ол, — деди.

Бола хурсанд бўлиб кетди.

Хаттоб шу кунгача ҳам марҳамат ва меҳр-муҳаббатдан мутлақо маҳрум киши эмасди. Фақат, кейинги пайтларда унинг овозига жаҳл, тажанглик ошино бўлган, кўпчиликни чўчитиб қўйган эди.

Хаттоб жуда бахтли эди шу онларда. Умрида неча марта бу даражада севинганини эсламоқчи бўлди, аммо табриклаётган биродарларининг овози унинг хаёлини бўлиб юборди. Яна ҳам тўғрироғи, Хаттоб дўстлари билан утирганини энди эслади:

— Уғлингнинг отини нима деб қўясан, эй Хаттоб?!

Хаттоб ўйлаб ўтирмай жавоб берди:

— Умар, углимнинг исми Умар бўлади!

— Инжиқ бола бўлмаса эди...

Хаттобнинг нигоҳлари унинг сузларини бўлиб қўйди. Бу қарашда қатъий бир ҳақиқатдан баҳс этувчи матонат бор эди. «Хаттобнинг ўгли асло инжиқ бўлмайди», дейишни истарди. Кечқурун уйига келганда тутқазилган чақалоққа қарар экан, боланинг кутилганидан ҳам довюрак, жасур ва мард бир йигит бўлишини сезган эди. Бола эмас, худди арслоннинг ўзи-я!

— Умар, бу ўғлимнинг оти Умар бўлади,— деди. Хотинига ўгирилди: — Соғлигинг қалай, Хонтама, дурустмисан? Уйлаганимдан ҳам гўзал бир бола туғибсан. Энди қиз туғсанг ҳам, минг марта розиман,— деди.

Хаттоб жуда хурсанд эди. Ҳатто қўшни аёлниг:

— Ўғлим, инсон нима экса, шуни ўради. Бу нимаси, хотинингта шунчалик дуқ-пўписа қилганинг? Бир аёл қорнидаги бола қиз бўлса, уни қандай қилиб ўғил болага айлантиради?...— деб берган танбеҳига:

— Ҳақлисиз, холажон,— деди.

Йўрғақда, ҳеч нарсадан хабарсиз, ширингина ухлаётган гўдак эртанинг Умар ибн Хаттоби бўлажаги, фақат Макка аҳли эмас, бутун Арабистон, бутун дунё, ҳатто қиёмат кунигача туғиладиган барча инсонлар уни Исломнинг буюк халифаси, беқиёс адолат сарвари Умар ибн Хаттоб сифатида танишлари ҳозир ҳеч кимга маълум эмас, аммо шундай бўлиши бегумон эди.

...

Фил воқеасининг ун еттинчи йили...

Бани Маҳзум қабиласининг бир жойда турмайдиган, шўх, жанжалкаш, қилигидан шайтон ҳам қочадиган бир ўспирини бор эди. Амр ибн Ҳишом ибн Муғийра...

Кучли, бақувват йигит эди. Шу билан бирга, ақлли ҳам эди. Аммо у, бу ақлини дуруст инсонларга ярашадиган тарзда ишлатмас, жанжал кўтариш, одамлар устидан тазйиқ ўтказиш воситаси ўлароқ ишлатишни афзал кўрар эди. Бой-бадавлат, сўзи кўпчиликка ўтадиган оиланинг фарзанди эди у.

Бойлик, куч-қудрат ва ақл жамулжам эди унда. Аммо уларни оқилона бир йўлга соладиган инсон йўқ эди ўртада. Шунинг учун ҳам Амр ибн Ҳишом том маънода тангиқ ўспирин бўлиб ўсди. Фурсат тоқди дегунча, атрофдагилар билан жанжаллашар, ҳар сафар ёнидаги ҳамтовоқларининг ҳам аралашуви билан устун ва голиб чиқар эди.

Бир куни Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг уйида берилган зиёфатда ҳошимийлардан Абу Толибнинг жияни Муҳаммад ибн Абдуллоҳ билан ёнма-ён ўтириб қолди. Зиёфатга келганлар анчагина эди. Амр ибн Ҳишом ўзи бемалолроқ ўтиришни баҳона қилиб, ёнидан Муҳаммад ибн Абдуллоҳни турғизиб юбориш пайига тушди. Асл мақсади бемалол ўтириш ҳам эмас, жанжал чиқариш эди. Жанжал кўтармаса беҳаловат буладиган кўнгли унга тинчлик бермас, ёнидагилар билан уришишни хоҳлар эди.

Иккаласи ҳам ёш жиҳатидан теппа-тенг эдилар. Амр ибн

Ҳишом Муҳаммад ибн Абдуллоҳни секин-секин турта бошлади. Бир, икки, уч марта туртгач:

— Нима қиялпсан? — деди Муҳаммад.

Амр ибн Ҳишом қуполлик билан жавоб берди:

— Бошқа жойга бориб утир, безовта бўляпман.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ҳаммани уялтириб қўядиган даражада одоб ва тарбия эгаси эди, аммо сурбет Амр ибн Ҳишомнинг бу ҳақоратига индамай кетолмасди. Амрнинг безбетлиги ҳаддидан ошгач, иккаласи бир-бирига ёпишиб кетдилар. Амр бу жанжалда ҳам енгиб чиқишига ишонарди. Шу кунгача ҳеч кимдан енгилмаган, қолаверса, рақибидан бир оз гавдалироқ ҳам эди. Бироқ олишиш давомида тобора Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг қули баланд кела бошлади. Бир пайт Муҳаммад Амрни қаттиқ итариб юборган эди, у ерга йиқилиб, юмалаб кетди, оёғидан қон оқа бошлади. Орага тушганлар уларни ажратдилар.

Ислом тарихида асл исми унутулиб, Абу Жаҳл сифатида таниладиган Амр ибн Ҳишомнинг оёғида бу яра изи то ўлгунича қолди.

Бировларнинг олдида паст тушишни билмаган Амр қурайшлардан купчиликнинг олдида шарманда бўлди. Бу воқеа Амр ибн Ҳишомнинг кўксига учмас бир қасос утини алангалаб кетди.

## Филкор уруши

Йигирманчи йил...

Ҳиро ҳукмдори Нуъмон ибн Мунзир ҳар йилгидек бу йил ҳам катта бир карвон туплаган эди. Карвон савдо-сотик молларини таширди. Араблар орасида машҳур булган Уккоз, Манжанна, Зулмажоз каби бозорларда айланиб, савдо-сотик қилар, мол айрибошлар эди.

Бироқ араб қабилалари орасида тургун мурса-тартиб бўлмаганлиги туфайли ҳар дақиқа бирон тўданинг ҳужумига учраб, карвоннинг моллари талон-тарож этилиш хавфи бор эди. Шу боис сафар чоғида қабилалар танийдиган, ҳурмат қиладиган, қолаверса, ишончли бир киши карвонга бошчилик қилиши зарур эди.

Эҳсонлари тилларда дoston булган Ҳиро ҳукмдори Нуъмон ибн Мунзирнинг саройи совға-салом ундириш умидида келган кўпдан-кўп арабларни кўрган. Бугун ҳам Барроз ибн Қайс ва Урва ибн Утба ҳукмдорнинг қошида утирардилар.

Нуъмон йўлга ҳозирланган карвонни эсон-омон араб қабилалари орасида олиб ўтиб манзилга етказадиган бир одамни ахтараётганлигини билдирди.

Барроз:

— Киноналиклардан муҳофаза этишни мен зиммамга оламан,— деди.

Нуъмон:

— Мен айниқса нажид ва тихомаликлардан қуриқлай оладиган одамни қидирияман,— деди.

Бу дафта Урва сўзга қўшилди:

— Мен сен қидираётган одамман.

— Киноналиклардан ҳам қуриқлай оласанми?— деди Барроз:

— Албатта, ҳатто бутун инсоният қарши турса ҳам, муҳофаза эта оламан.

— Қулингдан келмайди,— дея эътироз билдирди Барроз.— Мен бўлмасам, карвонни Кинона қабиласидан утказа олайман.

— Сен ўзинг кимсан? Киноналиклар сени ахлоқсизлигинг туфайли қабиладан ҳайдаб юбормадиларми?

Баррознинг жаҳли чиқди. Бир онда кўнглида пайдо бўлган кин ва душманлик ҳиссини оддий сўз билан таърифлаш қийин эди. Кўнглидан шундай фикр ўтди: «Ҳали қараб тур, сендан аламимни олмай қўймайман».

Нуъмон бу вазифани Урвага топширди, карвон йўлга чиқди. Барроз ҳам карвонга қўшилди.

Фадақ деган манзилга етганларида, тўхташ амри берилди. Шу пайтгача ҳеч қандай қор-қол юз бермаган эди. Фадақда тўхтаганларида, Урва Баррозни қўлида фол ўқларини айлантараётган ҳолда кўриб:

— Нима қиляпсан, эй Барроз? — деб сўради.

— Сени ўлдиришга рухсат борми-йўқми деб фол кўряпман.

Урва гапни ҳазилга бурди:

— Куч-қудратинг етармикан бу ишга?!

Зотан, Барроз ҳам ҳазил тариқасида айтган эди. Ўлдирмоқчи бўлса, бунчалик очиқ гапирмасди.

Салдан кейин Урва кўнгилхушликка берилди. Ичди, сархуш бўлди, қушиқ айтиб, рақсга тушди. Натижада беҳуш ҳолда чодирга элтдилар.

Тун ярмидан оққан, ҳамма қаттиқ уйқуда эди. Аммо бу пайтнинг келишини сабрсизлик ва ҳаяжон билан кутаётган бир киши уйғоқ. У оёқ учида юриб, секин-аста Урванинг чодир томон йўл олди.

Чодирнинг пардаси секин йиртилди. Сўнгра ичкарига бир кўланка кирди. Эҳтиётлик билан иш тутарди у. Қўлида қилич... Урва вужудига секингина кирган тиг огригидан чўчиб уйғонди ва тепасида қилич ялангочлаб турган кишини кўриб, сархушлигидан асар ҳам қолмади. Узига келиб, бу одамнинг Барроз эканлигини билди. Уни ҳали ўлдириб юбормагани учун пушаймон бўлди, бироқ энди вақт ўтган эди.

— Оллоҳга бўлган муҳаббатинг ҳаққи, мени ўлдирма, Барроз. Тўғри, тан оламан, мен сени қаттиқ ранжитдим.

Бироқ ҳозир Барроз гап ўқадиган ҳолатда эмасди. Нуъмон ибн Муنزирнинг ҳузурда бўлиб ўтган воқеадан бери қулай фурсат келишини пойлади. Қолаверса, ҳозир уни ўлдирмаса, эртага ўзининг омон қолиши гумон эди. Қўлидаги қилич юқорига кўтарилди, сўнгра зарб билан пастга тушди. Шундан кейин бўғиқ инграш эшитилди ва типирчилаш юз берди. Барроз

шу билан тинчимади, оёғи остида типирчилаб ётган душманига яна бир бор қилич уриб тамомила ерга қапиштириб қўйди. Бир-икки сониядан сўнг Урванинг вужуди бутунлай тинчиб қолди.

Барроз ўчини олгач, енгил тортиб, чодирни тарк этди. Бу маҳал Урванинг юраги уришдан тўхтаган эди. Ҳолбуки, унга бир неча дақиқа олдин ҳам, ичган шаробининг таъсирида, дунё гузал кўринар, юзларча туядан иборат карвон ва карвон олиб кетаётган беҳисоб бойликнинг бошида турганидан фахр туяр эди.

Барроз Урвани ўлдиргандан кейин карвонни Ҳайбар томонларга бошлаб борди, кучи етганича молларнинг бир қисмини ўзлаштириб ҳам олди. Ҳайбарга бориб, энди ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолди, деб уйлаган эди. Ваҳоланки, унинг Урва билан бирга йўлга чиққани маълум, аммо Урванинг қаёққа гойиб бўлгани номаълум эди.

\*\*\*

— Нима мақсадда бу ерга келдингиз?

— Урвани қидириямиз, унда ишимиз бор.

Барроз ёнидаги буюмларни кўрсатди:

— Биттангиз мана бу нарсаларга қараб туринг, иккинчингиз мен билан юринг.

Биттаси шу ерда қолди. Шериги эса, Баррознинг орқасидан эргашди. Озроқ юриб, бир вайронанинг ичига кирдилар. Ичкаридан фарёд кўтарилди, қандайдир тўс-тўполон бўлди. Кейин Барроз у ердан ёлғиз ўзи чиқди. Нарсаларни қоровуллаб қолган йигитнинг ёнига келди.

— Урва ўртоғинг билан бирга сени ана у ерда кутиб турибди,— деди.

Бирга юрдилар. Ичкарига кирдилар. Йигит ҳамон Урва билан дўстини қўришдан умидвор эди. Очиқ турган эшиқдан олдин Барроз, сўнгра йигит кирди. Аммо қирар-қирмас, шеригининг қонга беланиб ётган жасадига кўзи тушиб, дарҳол қуролга ёпишди. Бироқ кеч қолди — Барроз чаққонлик билан унинг кўксига ханжар қадади. Шунда ҳам сўнг бор кучини йиғиб, Баррозга ёпишди. Уч-беш сониялик олишув бўлди. Ниҳоят, йигитнинг қўллари бушашди, кузлари олайди, кулча бўлиб, ерга йиқилди. Барроз ханжарини суғуриб олиб уликнинг кўйлагига артди. Кейин уни ўз ҳолига қўйиб, ҳеч нарса билмаган кишидек, совуққонлик билан вайронани тарк этди.

Бир неча дақиқа типирчилаб, кейин тинчиб қолган жасадларга вайронанинг деворларигина гувоҳ бўлди.

Ким эди бу одамлар? Урвада нима ишлари бор эди? Унинг ўлганини эшитиб, қотилдан ўч олиш ниятида йўлга тушдиларми? Ёки бошқа сабаб билан қидираётган эдиларми?

Бу каби саволларнинг жавоби шу кунгача ҳам номаълумдир.

Барроз Кинона, Урва эса, Қайс қабиласидан эдилар. Узоқ йиллардан бери анъана тусига кирган удумга кўра, Урванинг қасоси албатта олиниши шарт эди. Вақти-соати келиб бу жиноят очилажак, Қайс қабиласига мансуб бўлган ҳавозин уруги Кинонанинг устига юриш қилиши бегумон эди. Қурайш эса, Кинонанинг бир уруги эди.

Бир қабиладан аёл ёки эркак, катта ёки кичик, яхши ёки ёмон одам ўлдирилса бўлди, улган кишининг қабиласи оёққа турар, қотилани топиб ўлдирилар эди. Ҳеч бўлмаса, қотилнинг қариндошлари ёки қабиласи нишонга олинар, улардан бир ёки бир неча одам ўлдириллар эди. Бу эса, иккинчи томонда қасос олиш ниятини туғдирилар, қон даъвоси катталашар, баъзан икки қабиланинг ҳам бирорта аъзоси қолмагунча уруш давом этаверар эди. Улган кишининг ким эканлиги муҳим эмас эди. Икки қабиладош узаро ашаддий душман бўлса ҳам, агар улардан бири бошқа қабила аъзоси томонидан ўлдирилса унинг ўчини олиш учун бор ғайрати, имкониятини ишга солиш ҳар бир қабила аъзосининг, ҳатто ашаддий душманининг ҳам бурчи эди. Бундан сал олдинроқ юз берган келишмовчилик, жанжал, адоват унутилар, кечаги кунгача ҳам нафратланиб, душман деб билиб келган одамнинг ўчини олиш учун қиличлар қинларидан чиқарилиб, йўлга тушилар эди.

Қотилнинг томонидагиларда ҳам айни уша одат ҳукмрон эди. Қабиланинг ҳар бир аъзоси бу жиноят учун жавобгар ҳисобланар, қўлга тушган замон қотил деб қабул қилинар, шунга кўра жазо берилар эди.

Барроз одобсиз, ахлоқи бузуқ кимса эди. Шу сабабли қабиласидан ҳам қувиб юборилган. Бу воқеа барча қабилалар орасида кенг эълон қилинган, ҳаммага маълум эди. Бироқ ба-рибир унинг бу жинояти Кинонага ва Кинонадан тарқалган уруғларнинг зиммасига тушар, бир неча уруг бунинг учун жавобгар бўлар эди.

Буни яхши билган Барроз, бутун ахлоқсизликларига қарамай, бир мактуб ёзиб, аҳволни баён этиб, урушга тайёр туршиларини билдиришни ўйлади. Қурайшнинг оқсоқолларидан Ҳарб ибн Умайяга жўнатган мактубида Урвани ўлдирганини маълум қилди.

Ҳарб ибн Умайя мактубни олган заҳоти саросимага тушди, газабга миңди, узини йўқотиб қўйди. Дарҳол кекса, тажрибали қабиладошларини бир жойга туплади.

Мажлисдагиларнинг ҳаммасини бирданига ҳаяжон ҳисси қамраб олди. Ҳамманинг илк бор қилган хулосаси Ҳарб ибн Умайя ҳали улар келмасдан олдин ўйлаган фикр эди: «Қайс-и Айлон қабиласи энди биздан ўч олмай қўймайди!»

— Буни мен ҳам биламан, кўз юмиб кетишларига сира ҳам ишонмайман. Аммо бу муаммони қандай ҳал қилсак бўлади?

— Ахлоқсиз, аблаҳ бошимизга битган бало бўлди.

— Дунёда ундан одобсизи йўқ. Сурбетликда тенги йўқ бир нодон у.

Ҳарб уларнинг сўзини бўлди:

— Баррозни қаргашдан, сўкишдан ҳеч қандай фойда йўқ. Агар фойдаси бўлса, орқасидан роса қаргаб, пустагини қоқардик. Шу пайтда ёнимизда бўлса ҳам, оёқ-қулини боғлаб: «Мана Урванинг қотили, хоҳлаганингизни қилинг», дердик. Икки кундан кейин бу машғум хабар уларнинг ҳам қулоғига етиб боради. Ана унда олдини олиб бўлмайдиган ёмон ишлар юз беради. Мен сизларни уни қаргаш учун эмас, кутилмаган муаммони ҳал қилиш чораси тўғрисида биргалашиб бош қотирайлик, деган мақсадда чақирдим. Ҳўш, нима қиламиз?

Бир киши уртага шундай фикр ташлади:

— Энг яхшиси, улар ҳужум учун оёққа турмасларидан олдин бориб узр сўраш ва, керак бўлса, Урванинг товонини тўлаш.

Бу таклифни ўринсиз деган киши бўлмади. Бирон кимса эътироз билдирмади. Дарҳол тайёргарлик кўрилди ва йўлга чиқилди.

Урванинг амакиваччаси Абу Баро Амир ибн Малик уларни иззат-икром билан кутиб олди. Ширинсуханлик қилди, яхшилаб зиёфат берди. Унинг меҳмондўстлигига жавобан: «Урвани бизнинг қабиладошимиз Барроз ўлдирибди», дейишга тиллари бормади. Натижада:

— Нажид билан Тихома орасида қандайдир ишлар бўлибди, аммо масала ҳамон ойдинлашмади... — дея гап бошладилар.

Аммо Абу Баро косанинг тагидаги ним косани тушунмади. «Нима бўлди?» деб сўрамади. Улар ҳам ортиқ гапира олмай қолдилар. Сўнгра хайрлашиб, йўлга тушдилар.

Улар кетиб, орадан бир-икки соатлар ўтгач, бир чопар келиб, Абу Барога машғум хабарни етказди. Абу Баро ларзага тушди. Демак, қурайшлик меҳмонлар бекорга келишмаган экан-да? Бирдан газабланиб кетди:

— Ҳарб ибн Умайя мени мазах қилиб, алдаб кетди. Зотан, қурайшларнинг қулидан ҳийладан бошқа нима келарди?! Худо номи билан қасам ичиб айтаманки, энди биронта ҳам киноналик Уккоз бозорига оёқ босолмайди! — деди.

Масала бирданига шиддатли тус олди. Узи салгина олдин самимият билан кузатган қурайшликларга қарши Баронинг қалби кин ва адоват ҳиссига тўлиб-тошди. Қўлларига тушса, бурда-бурда қилиб ташлашга тайёр эди уларни. Қисқа вақт ичида тезлик билан йўлга ҳозирлашган бир кичик ҳарбий гуруҳ Ҳарб ибн Умайя билан унинг биродарлари изига тушди.

Кўёш ботай деб қолган эди. Қурайшликлар белгиланган ишнинг уддасидан чиқолмаганликларидан безовта бўлиб орқага қайтмоқда эдилар. Бири очиқчасига воқеани сўзлаб бермаганликларидан пушаймон бўлса, бошқаси «Очиқчасига гапирсак, бундан ҳам баттар аҳволга тушардик», дерди. Шу пайт кимдир орқасига қараб, чанг-тўзон кўтариб келаётган гуруҳни кўрди ва:

— Энди ҳолимизга вой! — деб бақириб юборди.

Ҳамма орқага қаради. Қўллар беихтиёр қиличларнинг дас-

тасига борди. Муқаррар бир тўқнашув бўлиши аён эди. Ҳар ҳолда, улар Қайс-и Айлондан бўлишлари керак эди.

— Тез бу ердан йўқолишимиз керак. Улар етиб олгунларигача, Ҳарам ҳудудига кириб олсак, бўлди. Агар Қайс-и Айлондан бўлсалар, омон қолганимиз шу. У қабиладан бўлмасалар ҳам, ҳеч нарса йўқотмаймиз.

Бу гапни қайси бири айтди, номаълум. Бундан бошқа чорани уйлаб утиришга ҳам фурсат йўқ эди. Таклиф эътирозсиз қабул этилди.

Туялар орқаларига урилган қамчиларнинг зарби билан Макка томон лўкиллаб чопиб кетдилар.

Қувлашмачоқ бошланди.

Одиндагиларнинг шошилмай йўлларида давом этиб туриб, бирданига тезликни оширганлари орқадан келаётганларнинг гайратига гайрат қўшди. Қамчилар зарб билан урилгач, туялар жон аччиғида югурар, орадаги масофа эса, тобора қисқариб борар эди.

Ниҳоят, орқадагилар етай деб қолди. Орада ўқ отса етадиган масофа бор эди, холос.

— Тўхтанглар, қурайшнинг олчоқлари. Урванинг қони ерда қолмас!

— Тўхтанг, қочманг қотиллар!

— Уч оламиз!

— Мард бўлсангиз, қочманг!

Ҳарб ибн Умайя қулогининг шундайгина ёнидан визиллаб учиб ўтган ўқнинг бориб қумга қадалиб қолганини кўрди. Даҳшатга тушди. Қочишнинг ортиқ фойдаси йўқ эди. Бироқ Ҳарам ҳудудига киришларига ҳам жуда оз масофа қолган эди.

— Биз ҳам уларга ўқ ёғдирамиз.

Бу гапни Ҳарб айтдими ёки бошқасими, фарқига бориб бўлмади. Қўллар дарҳол ўқ-ёйга узатилди. Бир томондан, қочиб борардилар, иккинчи томондан, орқадагиларга ўқ ёғдираддилар.

— Тўхтанглар, яккама-якка олишайлик!

— Қочиш — қўрқоқнинг иши...

Аммо қурайшликлар бу каби сўзларга қулоқ солмадилар. Бир неча баробар кўп кучга қарши урушга чиқиш ўзларини била туриб ўлим чангалига топшириш, демек эди.

Ўқ ёғдира-ёғдира давом этаётган қувлашмачоқ ниҳоят орқадагиларнинг суръатини пасайтирди. Хоҳлаганларидек таъқиб эта олмай қолдилар. Қуёш тепаликларнинг ортига ўтиб беркинганида, қочоқлар енгил нафас олдилар: улар Ҳарам ҳудудига кириб улгурган эдилар. Орқадан қувиб келганлар ночор тўхтадилар. Чунки бу ҳудуд ичида урушиш, қон тукиш гуноҳ ва ҳаром эди. Қон даъвоси учун қўлга қурол олганлар бошқа бир ҳаром ишга қўл ура олмасдилар.

— Эй қурайшликлар, бу дафъа қутулиб қолдингиз. Аммо Урванинг қони ерда қолмайди. Сиз билан Уккозда учрашгунча ажралишамиз. Учрашув жойи Уккоздир, — дедилар таъқибчилар.

Ҳарб ибн Умайя илк таҳликадан осон қутулганликларини

нинг хурсандчилиги ва яқин келажақда бошларига тушажак кўргиликнинг даҳшати натижасида туғилган қарама-қарши ҳис-туйғулар оғушида Баррознинг етти пуштини бўралаб сукди. Шу пайтда қўлига тушса, уни туғилганига минг пушаймон егизишга, бисотидаги барча қийнаш усулларини шафқатсизларча қўллашга тайёр эди.

Аммо, миғд афсуски, Барроз бу пайтда ўзи қўлга киритган мол-мулкни сарфлаб кайфу сафо сурар, қурайшларнинг, хусусан, Ҳарб ва унинг биродарларининг аҳволлари қандайлигини билмас, бу ҳақда уйламас ҳам эди.

Ҳарбнинг биродарлари ҳам Баррозни гойибона тинмай сукардилар. Зотан, шу дақиқаларда Баррозни лаънатлашдан бўлак бирор ишни қойилмақом ўйлаб адо этолмасдилар ҳам.

То кўнгиллари бўшагунча қаргаб-қаргаб, кейин йўлларида давом этдилар.

Энди бепарво бўлиш душманга таслим бўлиш билан тенг эди. Иккала томон ҳам гайрат билан урушга тайёргарлик кўра бошлади. Келиб-кетувчилар ҳар икки қабиланинг тайёргарлиги хусусида бирдан иккинчисига хабар етказиб туради.

Ниҳоят, Қайс-и Айлон қабиласи орқаларидан ҳавозиннинг бошқа уруг ва элатларини ҳам эргаштириб Шамта деган жойгача келди. Байроқларини Абу Баро кўтариб олган, урушни у бошқармоқчи эди. Қурайш ва Кинонанинг бош қўмондонлигини эса, Ҳарб ибн Умайя ўз зиммасига олди.

Бу уруш ҳаром ойларида тўғри келди. Шу сабабли урушга ҳеч кимнинг ҳуши-хоҳиши йўқ эди. Бироқ қабиланинг мудофааси ҳам гоят зарур. Ҳеч ким ҳавозинликларга таслим бўлиб, «Марҳамат, бизни нима қилсангиз, ихтиёрингиз», дея олмас эди. Урушиш учун эмас, мудофаа учун бу жангга рози бўлдилар.

Йилнинг тўрт ойи — кетма-кет келадиган зул-қаъда, зул-ҳижжа, муҳаррам ва ражаб ойлари ҳисобланарди. Бу ойларида жанжал-тўполон бўлмас, босқинчилик қилинмас, мол-мулк талон-тарож этилмас, одам уддирилмас, йўл тўсилмас эди. Ҳар ким бу ойларида келди дегунча, хавф-хатардан узоқ бўлиш саодатига эришар, хоҳлаган ерга, бозорларга борар, жонига қасд қилишларидан ёки мол-мулк талон-тарож бўлишидан хавфсирамас эди.

Бироқ безорилик қилмаса туролмайдиган ёки қулай фурсатни бой беришни истамаган кимсалар, масалан, бой карвонни тузоққа туширишни истаган кучли қабила шу ойларида ниятига эришиб қоларди. Ҳаром ойларида бундай фалокатта дучор бўлишлари мумкинлигини сира ҳам уйламаган бечоралар:

— Ахир, ҳозир ҳаром ойлари эмасми, нега босқин қилаётирсизлар? — дея ажабланиб қараганларга, босқинчилар:

— Бу ойнинг ҳаромлиги бошқа ойга кучирилди. — деб шум мақсадларини амалга ошираверардилар.

Шу йусин — ҳаром ойини ҳам узгартириб, хавфсирاماёй йўлга чиққанларни тузоққа тушириш тadbири «Насиъ» деб аталарди. Кўпгина бегуноҳ кишилар шу тариқа қароқчиларнинг қўлида ўлиб кетар, моллари талон-тарож этилар эди.

Умуман, кўпчиликнинг бу ойларга нисбатан ҳурмати баланд эди. Мабода мазкур ойларда уруш бўлиб қолса, бундай урушлар Оллоҳга қарши кутарилган исён деб қаралгани учун «Ҳарбул-фижор», яъни, «Гуноҳ қилинадиган уруш» деб аталарди.

...

Абу Толиб фижор уруши тўғрисидаги қарашларини Ҳошим уғилларига билдирди:

— Ҳаром ойлари ичидамиз. Бу урушга қатнашишни тўғри деб билмайман.

Бошқа ака-укалар ҳам шу фикрда эдилар. Бироқ бундай қалтис пайтда фақат кўнгилга қарабгина иш тутиб бўлмасди. Қурайшга келган хавф-хатарни қайтаришда уларнинг иштироки лозим эканлиги уқтирилди. Ниҳоят, Зубайр бошчилигида урушга қатнашдилар. Абу Толиб ҳам ора-сира, ёнида суюкли жияни билан келиб, жангда иштирок этарди. Аммо Муҳаммад бу урушда шахсан қатнашмас, қарши томондан отилган ўқларни йигиб, амакиларига олиб бориб берар эди.

Қачон Абу Толиб жияни билан жангда қатнашса, ўша куни қурайшларнинг қули баланд бўларди.

— Эй қурт-қумурсқаю қушларга ҳам меҳрибон бўлган, ҳожиларга сув улашган буюк зотнинг ўгли, сен келганинг ҳамон бизнинг қўлимиз баланд бўлади. Нима қиларди бизнинг ёнимиздан кетмасанг? — дердилар. Буни Абу Толибга боғлашарди, унинг ёнидаги Буюкларнинг Буюги ҳурматига шундай бўлгани хаёлларига ҳам келмасди.

Абу Толиб жавобан:

— Сизлар зулмдан, ҳақсизликдан, қариндошлик ипларини узишдан воз кечинглар, шунда мен ҳам сизлардан айрилмайман, — дерди.

Араблар ўртасидаги урушлар дастлаб ҳар икки томондан биттадан аскарнинг чиқиб яккама-якка олишув билан бошланарди. Голиб аскар ўлдирилган жангчининг қуроллари ва кўйлагини олиб жанг майдонидан чекинар ёхуд иккинчи бир йигитни ўзи билан олишувга чақирар эди.

Жанг баъзан то қуёш қиздиргунча шу зайлда, яккама-якка олишувлар ҳолида давом этар, баъзан эса, икки киши олишиб бўлгани ҳамон ҳамма бараварига ҳужумга ўтар, икки томоннинг аскарлари аралаш-қуралаш бўлиб кетар эди. Ким кимга дуч келса, шу билан урушар, кун қаттиқ қиздира бошлагандан кейингина жанг тўхтар эди. Пешиндан кейин ёки эртаси куни жанг яна шу тарзда бошланарди.

Урушнинг сўнгги куни. Эрта тонгда бошланган жанг қайс-и айлонликларнинг фойдасига ҳал бўлаётган, киноналик ва қурайшликлар мағлубиятга учраётган, кўп одамлар ўлдирилган эди. Бироқ пешиндан кейин киноналиклар жанг қилиш усулини ўзгартирдилар ва қайс-и айлонликларни қиличдан ўткази бошладилар. Тенгма-тенг жанг борар, иккала томон ҳам бутун узул-кесил галабага эришишни хоҳлар эди.

Бу кетишда Қайс-и Айлоннинг куни битиши ҳеч гап эмасди. Умидсизларча уришар эдилар. Урва ҳам, Барроз ҳам унутилган, ҳамма ўз жонини сақлаб қолиш ташвишида.

Айни шундай қалтис дақиқаларда баҳайбат туяга минган ёвқур бир киши икки томоннинг ўртасига отилиб чиқди ва бор овозда:

— Эй Мудор ўгиллари!.. Эй Мудор ўгиллари!.. — деб ҳайқира бошлади.

Мудор кинона ва ҳавозинликларнинг катта боболари эди. Бу икки қабила мудорда бирлашарди. Ҳалиги одам «Мудор ўгиллари» дер экан, бирдангина ҳар иккала томонга ҳам мурожаат қилган эди. Ниҳоят, жанг тўхтади.

— Нима истайсан биздан? — дедилар.

— Сизларни бу ишдан яхшироқ, хайрлироқ бир ишга давват этаман.

— Ҳуш, нима иш экан у?

— Сулҳдир. Сизларни сулҳ тузишга чақираман.

— Қанақа сулҳ?

— Сизлардан улганларнинг товонини тўлаймиз, биздан улганларнинг қонини Худо йўлига бағишлаймиз.

— Ким буйнига олади бу ишни? Товонни ким тўлай олар экан?

— Мен, мен тўлайман.

— Кимсан сен?

— Қурайшлардан Утба ибн Робиа.

Миннатдорлик туйғуларига тўлиқ нигоҳлар Утбага қадалди. Қиличлар қинларига солинди. Икки томон уликларни битта-битта йигиб ола бошлади. Уликлар санаб чиқилганда, қайс-и айлонликлардан йигирма киши жангда ўлгани маълум бўлди.

Утба ибн Робиа ваъдасини такрорлади:

— Бу йигирма кишининг товонини тўлаш масъулиятини зиммамга оламан.

Неча кунлардан бери давом этаётган, бу кетишда иккала қабила ҳам қирилиб кетиши аён бўлган уруш бу зайлда ниҳоясига етди.

Бундай шартни бажариш осон эмасди. Берилиши ваъда қилинган товон одам бошига юз туя ҳисоби билан жами икки минг туя демак эди.

Бу бир улкан бойлик бўлиб, катта-катта йигирма сурув дегани эди. Ақлга сигмайдиган бу улкан товоннинг қандай тўланиши ҳаммани қизиқтирарди.

— Ҳуш, қандай қилиб тўлайсан?

— Гаров сифатида сизларга одамларимизни берамиз. Товонни тўлаб бўлганимиз ҳамона уларни қайтариб юборасизлар.

Қирқ кишилик бир гуруҳ қайс-и айлонликларга гаровга топширилди. Улар орасида Ҳарб ибн Умайянинг ўгли Абу Суфён ва қурайшларнинг аслзода хонадонига мансуб Ҳаким ибн Ҳизом ҳам бўлган.

Йигирма ёшга тўлган, Буюклар Буюги бўлмиш қирчиллама



ўспиринда том маънода жоҳиллик сабабли келиб чиққан бу урушдан ана шундай таассуротлар қолди.

### VIII

## Шарафли аҳдлашув

### Хилфул-фузул

Макка ҳамманинг эҳтиромига сазовор табаррук шаҳар эди. Чунки инсонларнинг Оллоҳга ибодат қилишлари учун илк бор бино этилган муқаддас даргоҳ ҳисобланмиш Байт («Оллоҳнинг уйи») шу ерда эди. Бу Байтнинг, яъни, Каъбанинг қурилиш урнини тайин этган, қуришни буюрган Оллоҳ Таоло бўлса, уни қурганлар Иброҳим ва Исмоил пайгамбарлар эди. Шу боис, Макка шаҳрининг муборак шаҳар эканлигига ҳеч шубҳа йўқ эди. У ерда Оллоҳга ибодат қилинар, у ерда Ҳақ соҳибига сизинилар, бу ерга келганлар ҳар қандай тажовуз ва адолатсизликдан эмин бўлар эдилар.

Бироқ вақтлар ўтиши билан Макка халқи уз манфаатлари йўлида муқаддас бир заминда яшаётганликларини унутмадилар. Ҳақсизлик, тажовузкорлик эвазига эса-да, манфаат ҳамма нарсадан устун бўла бошлади. Маккага келган ҳожиларга совуқ муомала қилиш, тужжорларнинг молларини ҳақини тўламасдан олиш одат тусига кирди. Ор-номус оёқости бўлди.

Бир куни Забид деган жойдан келган бир савдогар молларини кўтарасига яхшигина нархга Ос ибн Воилга сотди. Савдогар омади чопганидан жуда мамнун бўлди. Ос ибн Воил бошқа харидорлар сингари, унинг молини камситмади, баҳосини ҳам туширмади. «Аслзода оиланинг фарзанди, яхши тарбия қурган одам экан», деб ўйлади савдогар. Тарбиясиз бир одам бўлса, ё молини камситар, ё арзимаган пулга сотиб олиш учун ҳамма чорани қўлаб кўрар эди.

— Қани, энди буларни уйгача олиб бориш керак, азизим, — деди Ос.

Савдогар бажонидил рози бўлди. Моллар уйга олиб борилиб, жойлаштирилди. Савдогар юзидан оққан терларни артар экан, ҳақли равишда, пулининг дарҳол берилишини кутарди. Аммо бундай бўлмади. Ос ибн Воил:

— Асрдан кейин кел, ҳақингни берайин, — деди.

Бу гап савдогарга унча ёқмади. Дарҳол ҳақини олиб орқага, Забидга йул олмоқчи эди. Чунки энди Маккада туришнинг ортиқ ҳожати қолмаган эди.

Аммо Оснинг ишонтирувчи кўриниши савдогарни бир оз хотиржам қилди. У ёқ-бу ёқни айланиб юрди. Зам-зам сувидан ичди. Каъбани тавоф этди. Асрдан сўнг келди. Ос уйда йўқ экан. Эшигининг тагида анча пойлаб турди. Оқшом пайти Ос келди, аммо савдогарни танимасликка олиб, уйга кириб кетмоқчи бўлди.

— Огажон, бир дақиқа тўхта.

Ос тўхтади.

— Нима истайсан?

— Пулимни...

— Қанақа пул?

— Ҳали эрталаб мендан мол сотиб олган эдинг.

— Ҳа, ҳа, энди эсладим, эртага кел.

— Аммо, бутун асрдан сўнг бераман, деган эдинг...

Ос унинг сўзини бўлди:

— Эртага, дедим-ку, эртага. Ҳозир мени тинч қуй.

— Аммо менинг иложим йўқ-да.

— Тушундим, эртага кел, дедим-ку.

Забидлик одам ёрут дунёси қоронгу бўлиб, қайтиб кетди. Ичини ит тирнарди. Эрталаб тарбияли одам сингари мол харид қилган, ҳақ-ҳўқуқдан гапирган, оладиган молини камситиш ахлоқсиз эканлигини сўзлаган Ос энди бутунлай ўзгариб қолган эди. Балки, қарзини инкор этиши ҳам энди ҳеч гап эмасдир. Узини танимасликка солгани шундан далолат беради.

Савдогарнинг қўлидан ҳеч нарса келмасди. Осниқидан жуда хафа бўлиб қайтди. Кечани Каъбада ўтказди. Эрта тонгда Оснинг эшигини қоқди. Ичкаридан «Эртага келсин», деб юбордилар. Яна эшикни қоқди, ҳаққини талаб қилди. Аммо Ос баланддан келди.

— Ахир, мен уз ҳаққимни талаб қилмоқдаман.

— Эртага дедик-ку.

— Мен эртагача кута олмайман.

— Мен ҳам бутун бера олмайман.

— У ҳолда молимни қайтариб бер.

— Тушунмадим.

— Молимни қайтариб бер, деяпман.

— Ҳазиллашяпсанми?

— Нега ҳазиллашарканман?

— Савдолашиб, менга сотдинг-ку ўзинг?

— Ҳа, сотдим.

— У ҳолда мол энди сеники эмас, меники бўлди.

— Аммо менинг ҳаққим-чи?

— Ҳаққинг қочиб кетмайди, берамиз.

— Қани, бер, бўлмаса...

— Эртага дедим-ку...

— Кеча келдим, бутун бераман, деганидинг.

— Хуш, кеча нима деган эканман?

— Эртага бераман, дединг.

— Жуда соз. Бўпти, гапим гап, эртага бераман.

— Мен ҳаққимни олмасдан ҳеч қаяққа кетмайман.

— Тўғри тушунган бўлсам, сенинг таъзиригини бериб қўйиш керакка ўхшаб қолди.

Шундан кейин Ос ичкарига қараб:

— Ҳой, ким бор, бу ёққа кел! — дея чақирди. Сўнг савдогарга ўгирилди: — Яхшиликча кетасанми ёки бошлаб адабингни беришсинми?

Забидлик калтак ейишни хоҳламасди.

— Хуп. Демак, эртага келайми?

— Йўқ.

— Ё алҳазар, қачон бўлмаса?

— Энди келмайсан!

— Ахир, бу ўта адолатсизлик, зулм эмасми?

— Қани, йўқол-чи бу ердан, ҳой аҳмоқ! Адолатни келиб-келиб энди сендан ўрганамизми? Даф бўл!

Савдогар бекордан-бекорга калтак эмаслик учун у ердан кетди. Каъбага борди, бутларга сигинаётганлар билан гаплашди, қабила бошлиқларини кўрди. Абдуъддор, Маҳзум, Жумок, Сахм, Одий ўгилларининг хонадонларида бўлди. Дардини уларга гапириб берди. Бироқ ҳеч қандай фойда топмади, умидсизлиги кучайди.

— Ос ибн Воил сингари улуг бир зотда қарзи бор инсон шарафли бир инсон деган гап,— дедилар.

— Шараф инсоннинг қорнини тўйгазмайди. Менга пулимни ёки молимни ундириб беринглар.

— Сен нималар деяпсан ўзи! Ос каби улуг мартаба эгасини бундай арзимас бир иш учун безовта қилиш айб эмасми?

— Ос шунақа улуг зот, шарафли кишими?

— Албатта, сен нима деб уйлаяпсан?

— Шарафли инсон қарзини ўз вақтида беради.

— Қани, йўқол-чи бу ердан.

Забидлик савдогар қабила бошлиқларининг баъзиларидан мана шундай совуқ муомала кўрди, баъзилари гапиргани ҳам қўйишмади, баъзилари эса: «Мен бу ишга аралашмайман», деди, яна бошқаси: «Менинг Оса бас қиладиган кучим йўқ», деб жўнади.

Кимга учраса, ҳамма уни қуруқ қайтарди. Барча эшиклар унинг юзига ёпилди. Аён бўлдики, забидлик савдогарнинг додини тинглаб, мушқулини осон қиладиган одам Маккада йўқ эди.

...

Эрталаб тонг саҳарда Каъбанинг ёнида ҳақсизликка учраганидан, Оснинг адолатсизлик қилганидан дод солиб сочларини юлаётган, кўйлақларини йиртиб, арзига қулоқ соладиган одам қидириб юрган бир мусофирни кўрдилар.

Бу сунгги чораси зое кетмади. Масжиди Ҳаромда суҳбатлашиб ўтирганлар унга қулоқ тутдилар. Ниҳоят арзини тинглайдиган ва уни ҳақли деб ҳисоблайдиган бир неча кишини топганидан, забидлик савдогар гоят хурсанд эди.

Илк бор оёққа Зубайр қалқди.

— Адолатсизлик-ку бу! Зулм ва ҳақсизликка қарши кураш ҳар бир номусли одамнинг вазифаси. Мард киши зулмга нисбатан бепарво қололмайди! — деб бақирди.

— Абдумутталибнинг ўгли тўтри гапирмоқда.

— Гарибларга ёрдам бериш ҳам шараф, ҳам фарздор!

Ниҳоят, Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг уйида учрашиш ва ушбу масала юзасидан мунозарани давом эттиришга келишдилар.

Макканинг ёш ва обрў-эътиборли улугларидан бири бўлган Абдуллоҳ ибн Жудъон меҳмонларни қучоқ очиб кутиб олди. Мажлисда Ҳошим, Мутталиб, Зуҳра, Ҳорис ва Тайм ўгилларидан ушбу қабилаларнинг вакили бўлиб келганлар бор эди. Ораларида энг ёши, амакилари билан келган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ эди. У эндигина йигирма ёшдан ошган эди. Бироқ ҳеч ким унинг катталарнинг орасида ўтирганидан огринмади. Чунки у ёши билан бўлмаса ҳам, ақли ва дунёқароши, тарбияси ва хулқи, катталарга ярашадиган нутқи билан улугвор эди. Улуғлар ҳам ҳавас қиладиган даражада буюк эди. Шу боис ҳеч ким «Бу ўспирин бизнинг орамизда нима қилиб ўтирибди», деб ҳам уйламасди.

Меҳмонлар дастурхон атрофига ўтиришди. Еб, ичдилар. Шундан кейин муаммо ўртага ташланди.

— Агар зўравонларга қарши лом-мим демасак, бундан бартар ҳақсизликлар рўй бермаслигига ким ҳам кафолат бера олади,— деди бири.

— Ос бу ишни биринчи марта қиладиган бўлса ҳам майли эди...

— Бундай ҳақсизликка йўл қўйган фақат Ос эмас. Ос улардан биридир, холос.

— Ҳозир индамасак, вақти келиб, ҳозирги кунларни ҳам қумсаб қоламиз. Гапимга ишонаверинглар.

— Бу кетишда қурайшларнинг обрўи бир чақага арзимай қолади.

— Маккага келган мусофирлар, ҳатто ҳожилар ҳам тобора биздан қўл силтаб кетмоқдалар...

Қисқаси, улардан ҳеч бири бу ишнинг шундайлигича қолишини истамасди. Бундан ташқари, ўзлари ҳам борган жойларида ана шундай муомалага дуч келишлари мумкин эди. Бу ерда ҳақ-ҳуқуқи топталган одам имкон топди дегунча, бошқа бир қурайшлиқдан бўлса-да, ҳаққини ундириб оларди. «Маккаликлар хоҳлаган зулмини қилаверсин, аммо борган жойларида иззат-икром, эътибор кўрсин», деб ҳеч қаерда ёзиб қўйилмаган эди.

Ҳаж мавсуми яқинлашган, бинобарин, бу масалада қатъий қарорга келиш ҳар қачонгидан ҳам зарур эди. Ҳозир Зулқаъда ойи. Атиги бир ойдан сўнг ҳаж мавсуми бошланади. Зиёратчиларни яхши кутиб олиш, уларнинг осойишталигини таъминлаш, бу билан уларнинг яна ва яна келишларига замин ҳозирлаш даркор эди. Чунки Маккага келувчи мусофир ва ҳожилар қанча кўпайса, Макканинг обрўи ҳам шунча ортар, тижорати равнақи топар эди.

Ниҳоят, Абу Толибнинг синглиси Байда (ёхуд Отика) ўртага бир идишда мушқу анбар келтирди. Меҳмонларнинг ҳаммаси унга бирма-бир бармоқларини ботирдилар.

Бу арабларнинг узига хос қасамёд маросими эди. Баъзан шундай хушбўй ҳидли нарсага, баъзан қон ва шунга ухшаш

нарсаларга бармоқларини ботириб, қасамёд этардилар. Қасамдан қайтмасликларини билдирувчи бир далил ҳисобланарди бу.

Шундан кейин илк қасамёд сўзлари янгради:

«Токи денгизда биргина соч толасини ҳўллашга етадиган сув бор экан, Сабр ва Ҳиро тоғлари қад кўтариб турар экан, доимо мазлумнинг ёнида, унга ёрдамчи бўлишга, зolimдан ҳаққини олгунча қўлаб-қувватлашга, фақирларга саховат кўрсатишга Оллоҳ номи билан қасамёд қиламан».

Бу қасамёд айни тарзда бир неча бор такрорланди.

Бу қасамёд «Хилфул-фузул» (яъни, «Фазилатли кишиларнинг фазилатли иш тутиш учун қилган қасамёди») номи билан аталди.

Бу ном неча юз йиллар олдин ҳам араблар орасида худди шу маънода бир битим тузган уч кишининг номлари билан алоқадор эди. Улар Фазл ибн Фазола, Фазл ибн Ваддоа, Фазл ибн Ҳорис исми уч ўртоқ эдилар. Мардонавор бир битим тузишган, мазлумнинг ёнини олиб, зolimга қарши, ҳақсизликка қарши курашган, шу тариқа, неча асрларгача араблар орасида яхши ном қоддиришган эди улар. Уша бошланган йўлни бу сафар Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг уйида йигилганлар давом эттирмакчи эдилар.

...

— Ос!.. О-о-ос!.. Ташқарига чиқ!

Ос ташқарига чиқди. Бир тўда одамларга рўбарў келди.

— Нима гап, нималар бўляпти?

— Сендан забидлик шахснинг ҳаққини ундиришга келдик.

Ос тарадудланиб қолди. Ишнинг бундай тус олишини мутлақо кутмаган эди. Ўзича, у масалани батамом ҳал қилдим, деб ўйлаган эди. Савдогар бир-икки жойда нолиб, арзи ҳол қилади-да, даф бўлиб кетади, деб кутган эди. Аммо шу онда турли қабилалардан вакиллари бўлган бир гуруҳ одам қарши-сида лол турарди.

— Забидлик билан нима ишингиз бор? — деб сўради улардан.

Зубайр уларнинг номидан жавоб берди:

— Қасамёд қилдикки, бутундан бошлаб ҳақсизликка учраган ҳар қандай киши бизнинг ҳимоямиз остида бўлади. Маккалик бўлсин, мусофир бўлсин, ҳеч кимга нисбатан зулм қилинишига йўл қўймаймиз.

— Бермасам-чи?

Абдуллоҳ ибн Жудъон гапга аралашди:

— Кўзингни оч, Ос! Бизни сўнгги чорани қўллашга мажбур этма!

Зубайр қўшимча қилди:

— Дарҳол савдогардан қарзингни олиб чиқ. Чунки уни олмасдан кетмаймиз.

Ос вазият қалтис эканлигини англади. Ичкарига кирди.

Бир оздан сўнг пулни олиб чиқиб, Абдуллоҳ ибн Жудъонга узатди.

Забидликни топиб, ҳақини бердилар.

— Ҳақинг шунчамиди?

Савдогар йигламсираб «Ҳа» ишорасини берди ва:

— Сизлар бўлмасаларингиз, ҳаққимни ололмасдим, — деди миннатдорона.

— Мана энди уйингга хурсанд бўлиб қайтишинг мумкин. Маккада такрор ҳақсизликка учрасанг, бизга мурожаат эт, унутма.

Савдогар жуда хурсанд бўлиб, хайрлашди.

«Хилфул-фузул»нинг аъзолари анча енгил тортдилар. Юзларида табассум пайдо бўлди. Ахир, Маккадек муборак шаҳарда яшовчиларга муносиб бир ишнинг уддасидан чиққан эдилар. Бундан буён амалга оширилдиган хайрли ишларнинг муқаддимаси эди бу.

Мажлиснинг йигирма ёшли аъзоси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ бу битимдан қалбида пайдо бўлган ҳузур-ҳаловат туйғусини, кўнгил роҳатини ўттиз йил ўтгач ҳам унутмади. Бир куни биродарларига шундай ҳикоя қилиб берди: «Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг уйида бўлган бир аҳдлашувда иштирок этдим. Бундай шарафдан воз кечиш эвазига дунёнинг энг гўзал неъматларини берсалар ҳам, асло рози бўлмасдим. Исломи дини вужудга келганидан кейин ҳам мана шундай аҳдлашувга таклиф этсалар, сира иккиланиб утирмасдан борардим».

Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг уйидаги аҳдлашув натижаси ўлароқ бир жамоанинг Ос ибн Воил уйига бориб, уни тиз чуқтиргани воқеаси тезда бутун Маккага маълум бўлди.

Кўп ўтмай Хосъом қабиласидан бир киши Маккага ҳаж ёки умра нияти билан келди. Ёнида Қотул исми бир қизи ҳам бор. Қиз жуда гўзал эди.

Нубайҳ ибн Ҳажжож бу қизга бир кўришда ошиқи беқарор бўлиб қолиб, зўравонлик билан олиб қочди.

Қизнинг отаси бу зўравонликдан телба бўлаёзди. Ҳар томонлама югуриб дод солди. Кўрганлар унга «Хилфул-фузул» аъзоларига учрашишни тавсия этдилар. Бу одам Каъбага келди:

— Эй «Хилфул-фузул» аъзолари!.. Эй «Хилфул-фузул» аъзолари!.. — деб бақира бошлади.

Унинг бақирини эшитган «Хилфул-фузул»чилар ҳар томондан келиб, атрофини ўраб олишди.

— Нима дейсан?

— Нубайҳ ибн Ҳажжож қизим Қотулни зурлаб олиб қочиб кетди.

— У ҳолда биз билан бирга юр.

Катта бир жамоа Нубайҳ ибн Ҳажжожнинг уйига борди.

Нубайҳ эшигининг олдига келган бир тўда одамни кўриб хушёр тортди. Уларнинг нима мақсадда келганликларини сизди. Олиб қочган қизини унга никоҳлаб, «Қўша қаринглар», дейиш учун келмаганликлари аён эди. Келганлар ҳўмрайиб турардилар.

- Нима иш қилдинг сен, ё Нубайх!
- Нима қилибман?
- Бу одамнинг қизини зўравонлик қилиб, олиб қочибсан.
- Аммо мен уни қаттиқ севиб қолдим. Ундан ажралсам,

уламан.

— Уни севиб қолган бўлсанг, отасининг розилигини олишинг керак эди.

— У ҳолда Қотулнинг отасидан сўрайман.

Қизнинг отасидан сурадилар:

— Қизингни Нубайхга берасанми?

— Йўқ.

Нубайх ёлворди:

— Нима хоҳласа, шуни бераман.

Ота узил-кесил жавоб қилди:

— Қизимни қайтариб берсин, бошқа ҳеч нарса истамайман.

Бу сафар Нубайхга шундай амр берилди:

— Ҳозироқ қизни шу ерга олиб чиқасан. Акс ҳолда, узингдан кўр.

— Ҳеч бўлмаса, бир кеча у билан кўнгилхушлик қилай.

— Асло бўлмайди. Бир туянинг соғими қадар муддат ҳам кутмаймиз. Дарҳол олиб чиқ.

Нубайх мағлуб бўлди. Бундай катта жамоага бас келиш қийин эди.

Индамай уйига кириб кетди. Қизни олиб чиқиб, отасига топширди.

...

«Хилфул-фузул»нинг шарафли аъзоси Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг ҳар жиҳатдан етук йигит эканлигини ҳамма тан оларди. Бирон кимса бармоғи билан кўрсатадиган қусури йўқ эди, унинг. Қўпол, бемаъни гап гапирмасди, бирор айбли иш қилмаган. Жисми ҳам, руҳи ҳам пок ва гўзал эди. Кўпчиликнинг ишончини қозонган, обрў-эътиборга сазовор бўлган эди.

Энди кўпинча унга Муҳаммад ибн Абдуллоҳ деб эмас, «ал-Амин», дея мурожаат этардилар. Бирон кимса унинг «ишончли одам» эканига шубҳа қила олмасди.

Унга «Амин» исмини берганлар, нақадар ҳақли эканликларига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қила бошлаган эдилар.

Нодир ҲАСАН ва Наргиза РАҲМАТ таржималари

Давоми келгуси сонда.



*Ойдин Хожиева*

## БУГУН СОҒИНЧЛАРДАН КЎЗЛАРИМ ҲАЙРОН

*Ғиждувоннинг сокин бир гушасида  
Шеърпараст маҳзун синглим яшайди.  
«Тийилмагин туси яхшидан», дерлар,  
Кўнглу ҳам кўнглумга жуда ухшайди.*

*Мана, қор бўралаб йуллари кўмди,  
Қадим Шош боғлари фаромуш хаёл.  
Дарахтлар булдуруқ-тўрларга чумди,  
Қайдасан, Гулчеҳрам — яноқлари ол?*

*Кумуш қор тагида жилдирар чашма,  
Ернинг бахмал ҳусни, шаффоф баҳори.  
Хаёл кўзгусида турасан яшнаб —  
Самимий ихлоснинг инжа иқрори.*

*Елиб-югурганим, тун-кун чопганим,  
Пой-пиёда чеккан заҳматим — бекор.  
Сенигдай фаришта сингил топганим —  
Ғойибдан хазина келганича бор!*

\*\*\*

*Кайвони куз сочқисидан тиллолар,  
Сайёҳ шамол чилдирмаси соз ўтди.  
Қани тилда кечаги ишқ, яллолар,  
Маҳзун одам, наҳотки, парвоз ўтди?*

*Қилдаккина ариқ гамгин жилдирар,  
Дарё ҳам тинч, шиддату овоз ўтди.  
Қури тугаб қолган учоқ мисли дил,  
Ҳар учқуни кундай эҳтирос ўтди.*

*Онда-сонда кечки гулдай товланар,  
Юрагимнинг гулзорида битта шеър.  
Машоқ терган болакайдаи овора  
Югураман, бош-оёғим жиққа тер.*

Битта тўқис бошоқ топсам, кунгул тўқ,  
Тополмасам, ҳаловат йўқ, ором йўқ.  
Лангар чўпсиз дунёи дарбоз ўтди,  
Минг турланиб мисли меҳтарбоз ўтди...

\* \* \*

Неча фасл гайратим йўқ, тобим йўқ,  
Чархпалақдай айлансам, шитобим йўқ,  
Ўз-ўзимга фармоним, итобим йўқ,  
Уйқуларим учирган азобим йўқ.

Офтоб кулиб пешонамни силайди,  
Елкам узра шафтолулар гуллайди,  
Мусичалар шавқия «ку-ку»лайди,  
Алангам йўқ, ҳайратим-хитобим йўқ.

Хайригулнинг мўғжасида сир дунё,  
Булутларнинг ўрқачида нур дунё,  
Билқиллаган тупроқларда ҳур дунё,  
Нохун урсам, юракда рубобим йўқ.

Ёғ ичинда яйрамаган буйрақдай,  
Том бошида учолмаган варрақдай,  
Шамолини йуқотган бозбарақдай,  
Сонда борман, санокда ҳисобим йўқ.

Аё, пирлар, шууримни босди шўр,  
Шер келбатмас, мўрча каби бўлдим гўр,  
Кузим очиқ туриб, кўнглум бўлди кўр,  
Аё, раббим, ўзга бир меҳробим йўқ.

Аё, шиддат, гули печон бўлиб кел,  
Аё, қудрат, гули дармон бўлиб кел,  
Ғофилнинг Ҳақдин фармон бўлиб кел,  
Итоатдин ўзга бир жавобим йўқ.

\* \* \*

Сизни «гулим, гулим» қилдим,  
Ўзгинамга зулм қилдим.  
Сиз ўтган тош кўчаларни  
Мен «Шаҳри Арзирум» қилдим.

Ҳавзи Қулзум қайлардадир —  
Дашти сим-сим жойлардадир.  
Менинг зорим ёрсиз кечган  
Йиллардадир, ойлардадир.

Тулпор ёлин ўрган шамол,  
Беҳишларни кўрган шамол.  
Сиз солланиб юрган йўлдан  
Марваридлар терган шамол.

Кўксимдаги яроларда  
Тилла кавуш излари бор.  
Ҳар ярода бозиллаган  
Қайғуларнинг кўзлари бор.

Қизил юзинг соясига  
Қизил гул ҳамсоя тушди.  
Юрагимнинг уясига  
Ишқ деган бир қуя тушди.

Менигдай мубталоларга  
Қул оч хайру дуоларга:  
Ўздан чиққан балоларга,  
Қайга борай даволарга?

\* \* \*

Бешовлон қиз эдик, бешгина бийрон,  
Беш йўлга отланган беш бола жайрон,  
Бугун соғинчлардан кўзларим ҳайрон,  
Бошинга тушганни кўрдинг-а, кўзим?!

Йунгичқазорларда пари ҳаёлим,  
Уриқзор боғларда қолди шамолим,  
Ёмғирдай ёғилди минг бир саволим,  
Чувалган жумбоқлар жавоби узим.

Ўн тўрт кунлик ойдай фаришта пайтим,  
Ширин тушларимни сувларга айтдим,  
Ҳай, бўз болалигим, қалаңдар пайтим,  
Қуралай кўзларда чақнаган нозим.

Ёри жон, ёқангни гули ким бўлди,  
Юрсанг, сенга жаннат йўли ким бўлди,  
Етти маҳаллангнинг эли ким бўлди,  
Изингдан изма-из ёнди юлдузим.

Икки опам учди-кетди, қуш бўлиб,  
Қолдим икки қитъам мангу бўш бўлиб,  
Гарчи тўрт томоним элу-хеш тулиб...  
Тўққиз дунё билан тўлмас бу озим.

Аларни соғинсам, тоб-бардошим йўқ,  
Икки бармоғимда ақиқ тошим йўқ,  
Кўксимда сикланиб ёндирадир чўғ,  
Ғамгин садоларга ёнашди созим.

Сукут даштларига тўзонлар кирди,  
Қаҳрабо суворий ҳазонлар кирди,  
Армон қўнғироқли қарвонлар кирди...  
Кузнинг қўлларида ғарқ бўлди ёзим...

\* \* \*

Тошлоқ йўллар бировга  
Тахтиравон кўринди.  
Қумлоқ йўллар ким учун  
Озорижон кўринди.

Қизил гуллар қай кўзга  
Чақир тикон кўринди.  
Эшак шўра кимларга  
Гули алвон кўринди.

Ўз бандасин ишига  
Оллоҳ хайрон кўринди.  
Рух қасримда жон қуши  
Банди зиндон кўринди.

Жаннат дедим ерни гоҳ,  
Дузах — ёлгон кўринди.  
Икки дунё бир тараф,  
Мен бир томон кўринди...

— Бизнинг саволларимиз дафтарингизда қолиб кетади, — таъна қилади Ойгул Суннатова.

Этикни демаса,  
Ясан-тусан зур,  
Пардоз ҳам жойида,  
Чечансан, Ойгул.  
Далаларнинг дилбар, бугnoch гулисан,  
Қалдиргоч тилисан.  
Суйлайсан,  
Юракдан зардоб тукилар,  
Ичинг куйдирувчи азоб тукилар...  
Ойгулой, кеч тушди,  
Кираётир шом,  
Қайсар суроқларинг бўлмайди тамом.  
Ўзига эн бўла олмаган опанг,  
Сенга буй бўлай деб туради дилтанг.  
Гулим, бу саволни, сен, ўзингга бер,  
Жавдираган юлдуздай кузларингга, айт.  
«Чумичи — мой дейсан», тунлари бедор —  
Дили санчиқ тула раисингга, айт.  
Пилла бердим дейсан, ётар омборда,  
Пахта тердим дейсан, ёмгирда-қорда.  
Уқувсиз раҳбару хазинадорлар —  
Сув юқтирмасларда бир қамчи бор-да!..  
Энди, ип-игнадан оддий михгача,  
Ўз кунини ўзи кўрмаса ўзбек,  
Нонинг туя қилиб бергувчи қанча,  
Оғзингга тикилган суқатой кўздек.  
Тезроқ учирма қил қалдиргочларинг,  
Ҳар бири қирқ ҳунар бошини тутсин.  
Вафодор кетмонинг, сих-омочларинг  
Музейларнинг молу мулкига ўтсин...  
Гулим, ўзинг созла замон зайлига,  
Жондан кеч, дилингни айла-да шудгор,  
Ҳосилдор заминдай қалбга, майлига,  
Янги эпкиларни келтирсин баҳор.  
Ахир — сең онасан, куксингда — Ватан,  
Кунгунда келажак улғайр шух-шаън.  
Савол дон эмаски, тупроққа сочсанг,  
Ҳосилингни ўрсанг, хирмон кутарсанг.  
Майли, оёқяланг, бошяланг, бетин  
Меҳробга шошгандек қилайлик тавоб:  
Кузларимга қайтган эркинлик утин...  
Барча саволингга битта шу — жавоб!

## Чархпалак

Елкаларим — обкаш, йил буйи бедор,  
Тинмай сув ташидим унут боғларга.  
Там-там ҳосил йиғиб кузда бахтиёр,  
Ташаккур айтдилар қорли тоғларга...



Наби Жалолиддин

## ЎЛИМНИНГ РАНГИ

### Қисса

Сизларнинг энг яхшиларингиз — қилган гуноҳларингизга ўз вақтида тавба қилувчиларингиздир.

Ҳадисдан.

Кўз билан кўрган эшитгандан афзалдир.

Абурайҳон Беруний.

Сиздан ўлимнинг рангини сурамоқчиман. Биламан, хаёлингизга дарров қора ранг келади. Қора дейишга шошилманг. Аслида, бу фақат сизнинггина фикрингиз эмас, кўпчилик шундай уйлайди. Ўлим билан бир бор юзма-юз келганлар эса... Мен ҳали сизга ўлиб-тирилганлар ҳақида лом-мим деганим йўқ. Улар қора рангини сиз ўйлаганчалик қорага бўяшмайди. Ахир, инсоннинг кўзи ҳам, айниқса, севган кишинингизнинг кўзи ва тун ҳам қора бўлади-ку. Ўлимни кўрганлар эса қон-қора кўзларни, ҳаловат тўла тунларни жуда-жуда яхши кўришади...

Ўлим шафақ рангида бўлади. Асло тонги шафақни хаёлингизга келтирманг. Ёз пайти кўшнинг ботишини кузатганмисиз? Ўлим ана ўша рангга — шафақ рангида. Мен ўлим ҳақида гапиряпман-у, сиз кудасиз-а! Ёки ичингизда турган титроқни билингирмаслик учун шундай қиялисизми?..

Ўлаётган одамнинг кўзларини кўрганмисиз? Ҳа, айтгандай, ўлимнинг рангини билмайсиз-у, ўлаётган одамни қаёқдан кўрадингиз... Ўлаётган одамнинг кўзлари аввалига шунақаям чақнайдики, бундайин қувватли нурни бошқа ҳеч қаерда кўрмагансиз. Ана шу чақнаш одам танасидаги ҳаётнинг борки қувватини олиб чиқиб кетади. Кейин унинг

Ўрунги кўралиларини шунинг оғир келаркан. Ўйиб бу билан ўзимдан ҳаётимда қадраганим исомоқим эмасман, бопқала кўринишга ҳам давом йўқ. Фақат... Ҳамма қаноғи ефкансан-ларкансан, одамларга кўриниб нобавофаркансан-у, барибир тиллаёт қана, ўзининг шунинг мажбур қилаётганга ҳаётини бағиркансан. Юзинг кўради-ю, кўзидо — йўқиб қилан зам. Ишотмасангиз, Африқода бўлганларини кўзларига боқини...

Африқа ўрун ҳақида кўри айммоқда ва ҳали эна кўри айммоқ. Метини муфотим эа мажбур ўрун шифоисидати тикланажак ҳақикатга айинга бўлса-да урун кўринишдик, ҳалос. Қолгани сизга ҳавола! Фақат мажбур қиссаватим воқеалар, айла олдин — ҳали одамларнинг «таъдотига ақлли» бўлиб қолмасларидан илларни софиф бўлигини урунмасангиз бас...

МУАЛЛИМ(И)

нигоҳи Улим, яъни шафақ рангига тўлиб боради, қорачиглари куз коса-сининг туб-тубига чука бошлайди. Чукаверади-чукаверади, нигоҳи шафақ рангига тулаверади-тулаверади, сунг...

Улаётган одамнинг кўзлари жудаям чуқур бўлади...

Сизга ана уша шафақ рангига тўлган кўзлар ҳақида гапирмоқчиман.

1

Рўпарадаги қир ва тоғларнинг туси тун қоронгусига қоришиб кетган, фақатгина осмоннинг бир оз очроқ қора аралаш кўкиш рангалиги уша адир ва тоғларнинг шакллари ажратишга имкон беради. Афғон даштларининг кўҳна ва мунтазам эсиб тургувчи шамоллари қулоқлар остида гувиллаб ўтиб кетади. Даштнинг алақачон қовжиратган, лекин ҳозир шаклу шамойилани билиб бўлмас ўт-ўланлари шамолларга нима-ларнидир шивирлашади. Мискин-мискин инграшади. Сон-саноксиз оёқлар зарбини қўйинг-у, ерни тешиб юборгудай зил-замбил техникаларнинг гилдираклаи, ҳатто уларнинг инграшларини ҳам шовқинлар остида эзгилашмоқда.

Абдуқодир рўпарасидаги қир устида гумбази ва замбараги қорайиб турган танкни мўлжаллаб, тахминан қадам ташлаб бормоқда. Баъзида оёғи ернинг чуқурроқ жойига тушиб, мувозанатини йўқотади-да, довдираб кетади. Гоҳида бир муддат кўзларини юмиб ҳам олади, ҳаммаёқ зимистон булгандан кейин фарқи нима, деб ўйлайди ўзича. Лекин манзилига етгач, ҳузур қилиб ичажак муздаккна бир курижжа сув хаёли уни олдинга етаклайди. Мана, ертўланинг тўртбурчак томи ҳам кўринди, демак, яқин қолди. Шу пайт юқоридан ингичка овоз эшитилди:

— Тўхта! Ким у келаётган?

Абдуқодир овоз эгасини таниди — Сергей. У кайфнинг кучидан сархуш бўлдики ёки ўзи атайлаб «зелёнка» (яъни келган аскар)га китмирик қилмоқчимиди, негадир таҳдидли саволга жавоб бермади. Сергей ҳалиги гапини яна қайтарди:

— Тўхта! Ким у келаётган?.. — Энди унинг овози юмшоқроқ чиқди. Афтидан, у Абдуқодирни таниган эди. Аслида, соқчи икки мартаба берган сўроғига жавоб қилмаган одамни отиб ташлаши мумкин. Кейинчалик Абдуқодир «зелёнка»нинг унинг каби «оқсоқол»лардан кўп азият чекканига қасд қилиб, отиб ташлаши ҳам мумкин эканлигини ўйлаб, юраги орқага тортиб кетганди. Ҳар қалай, уруш кетаётган бўлса... Лекин ҳозир у, бу ҳақда ўйламай, бир оз энкайганча индамай тепага кўтарилди. Ва ниҳоят Сергейнинг қорасини у ҳам кўрди.

— Қодир!.. Сенмисан? — дея сўради Сергей мулоимлик билан.

Абдуқодир Сергейнинг олдига етиб келиб, унинг қўлидаги автоматни бир уриб ёнбошига буриб юборди-да, тўнгиллади:

— Нега отмадинг, манқа?

Сергей довдираб қолди.

— Сени танидим-ку, Қодир!

— Шунақами?... Ҳай, бобонгни қўриққа (охраняй дедушку)! — дея, у ертўлага кириб кетди.

Ертўла ичини аккумуляторга уланган чироқ хира ёритиб турарди. Хонанинг (агар шундай аташ жоиз бўлса) икки ёнбошига қўйилган кўш қаватли каравотнинг тепасида автоматчи йигит ётарди, пастда эса экипаж командири молдавдан Валера билан тошкентлик Олим гаплашиб ўтиришибди.

— Ҳа, жа кеч қоб кетдиз? — дея сўради Олим, кирибоқ бурчақдаги сув идинга ёпишган Абдуқодирдан.

Абдуқодир туйиб сув симиргач, энтика-энтика гўлдиради:

— Болларман ўтириб қолдик. Кетаман десам, Акбар қўймади. Ош қилишган экан... — У шундай дея довдираб келиб буш каравотнинг бир чеккасига ёнбошлади. — Комбат келмадимми?

— Йўқ, — дея жавоб берди Валера ўзбекчалаб. Бу ердагиларнинг кўпчилиги ўзбекчаи булганлигидан бошқалар ҳам ўзбекчани оз-моз тушуниб қолишганди. Қолаверса, Абдуқодирнинг мастаигида шериклари иложи борича мулоим гапиришга ҳаракат қилишар, чунки уларнинг орасида Абдуқодир «оқсоқол» ҳисобланарди. Олим билан Валера ундан олти ой кейин хизматта чақирилган. Сергейнинг эса «союз»дан келганига эндигина бир ойдан ошганди.

«Чарс»нинг кайфи сувдан кейин яна ҳам кучаяди. Ётган бўлса ҳам Абдуқодирнинг боши айлана бошлади. У кўзлари юмилган кўйи пичирлашдан сал баландроқ овоз билан сўради:

— Валера, сен командирмисан?

— Ҳа, нимамайди?

— Нимага соқчимиз ёмон қўриқлаяпти?

Валера Абдуқодирнинг бирор қўнгилсиз иш қилмоқчи эканлигини сезди. Шунинг учун ҳадиксираброқ сўради:

— Ҳа, нима қилди?

Абдуқодир кўзини очиб, унга ўқрайди.

— Бор, чақир, ўзи айтиб беради!

Командир ўтирган жойида ўшқирди:

— Соқчи, бу ёққа кел!

Бир оздан сўнг Абдуқодирнинг рўпарасида кўзлари ола-кула бўлиб, Сергей турарди.

— Огайни, нега хизматни ёмон бажаряпсиз? — пичинг билан сўради Абдуқодир ётган жойидан туриб ўтираркан.

— Тушунмадим...

— Шунақами? — У урнидан туриб, Сергейнинг қўлидан автоматни тортиб олди-да, мурватини суриб ўқлади. — Нега мени отмадинг?

— Ахир, сени танидим-да!.. — Энди ёш аскар қўрқувдан безовтала-на бошлади. Кайфияти бузилган «афғон оқсоқоли» билан тил топишиш анча мушкул эди.

— Менинг урнимда душман булганда нима қилардинг?

Сергей нима дейишини билмай, ерга қаради.

— Сен отмасанг, мана, мен отаман! — Абдуқодир автоматни Сергейнинг пешонасига қадади. Унинг вазожати ҳозир жуда қўрқинчли эди, кўзлари ёввойи тусга кирган, чамаси, нима қилаётганини ўзи ҳам яхши англамасди. Тепкини босди, тамом...

Бошқалар бир-бирларига хавотирли қараб қўйишарди-ю, лекин юрак ютиб, бир нима дейишолмасди. Олим каравотнинг панжараси орасидан Абдуқодирнинг кўзларига қараб ҳадиксираб пичирлади:

— Абдуқодир, отиб қўйманг!.. Отиб қўйманг!..

Сергейнинг эса ранги бутунлай оқариб, қўллари шалвираб, осилиб қолган, жон талвасасида дир-дир титрарди.

— Отайми?! — Автоматни силкиди Абдуқодир.

Сергей гапирмоқчи бўлиб лабларини қимтиди, лекин овози чиқмади.

«Оқсоқол» бутунлай бегона овоз билан пичирлади:

— Онанг борми?!

— Ҳа!.. — Сергейнинг кўзларидан дув ёш оқди.

Абдуқодир автоматни унинг пешонасидан олди-да, яна бояги овоз билан гўё ўзига гапирётгандай шивирлади:

— Онангга қийин-да!.. — У қуролини Сергейга иргитди. — Бор, жойингга чиқ!

Сергей кўзларини қўли билан артганча ташқарига чиқиб кетди. Нигоҳи галаги олайиб қолган Абдуқодир бушашиб каравотта ўтирди, бошини тиззалари қадар энгаштириб, пичирлади:

— Менинг эса онам йўқ!.. — Ҳазин ёстиққа юзтубан ташлади. Бир

оздан сўнг елкаси титраб-титраб силкина бошлади, ammo овози чиқмасди...

Олим эса Сергейнинг олдига — ташқарига чиқиб кетди...

Аслида, бунақа соқчилик нуқталарида кечалари бирорта аскар уламаслиги керак. Ҳаммалари ташқарида — экилаж танқада, автоматчилар эса чуқурда тонг оттиришлари лозим. Лекин ҳаётлари ўзлари учун санил булган бу йигитлар ҳар лаҳзада хуруж қилиши мумкин булган хавфни ҳам назар-писанд қилмай, қисматларини яратганга топширишиб, донг қотиб ухланади. Уруш пайти учун мангиксиз ва шунингдек, кулгили булган яна бир нарса шуки, — булар душман ҳужумидан эмас, навбатчи зобитнинг ёки баталён командирининг текшириб келиб қолишидан кўпроқ кўрқинади, ҳадиксирашади...

...

Абдуқодир қуёш тиккага келганда уйғонди. Бошини аранг кўтариб, гандираклар ертўладан чиқди. Чикаверишда унгадаги чуқурликда Олим, Валера ва автоматчи йигит карта уйнаб утиришарди. Сергей эса танкнинг ёнбошида автоматчини қўлтиқлаганча мударайди. Абдуқодир бирпас қуёшга дош беролмаган кўзларини уқалаб турди. Кейин энгидан кителени ечиб, маза қилиб кериди. Ўзбек барибир ўзбек-да, ёнбошлаволиб карта уйнаётган Олим ундан ҳол сўраган бўлди:

— Ҳа, уйқичи, қалай, калла пишдимми?

Абдуқодир билинар-билинмас жилмайди:

— Роса ухламану-а?..

У рўпарадаги бочкадан чойнакка сув олиб, юз-қўлини ювди. Оҳори тўкилиб, қотиб кетган сочиққа бўйнию елкаларини қизартиб кетгунча артади.

— Серёжа, чой борми?

— Бор-бор... Ҳозир... — Сергей автоматчини танкка суяб, югуриб ертўлага кириб кетди. Бир оздан сўнг пиша банкада чой, қоғозда нон ва оққанда кўтариб чиқди. — Қаерга қўяй?

— Ҳов анови ерга олиб бор, — деди Абдуқодир йигитлар ўтирган чуқурни кўрсатиб.

Абдуқодир ювоншгина бўлиб, хизмат қилаётган Сергейнинг орқасидан қараб қоларкан, кечқурунги воқеани эслади. Ҳа, у маст бўлса ҳам кўп нарсани эслаб қолганди. Нима дегани ёдида бўлмаса-да, Сергейнинг пешонасига автомат тирагани эсида. У ўзини ёмон кўриб кетди: «Кучинг шу «зелёнка»га етдимми, Қодир! Яшавор-ей!..» У картабозларнинг ёнига ўтираркан, Сергейни беозор туртди:

— Серёжа, кечқурунги ишга хафа бўлмагин, кайфим ошиб қолган экан... Кечир!.. — деди зўраки ялиниб.

«Оқсоқол»дан бунақа узрнома гап эшитиш ҳар қандай ёш аскарга ҳам насиб этавермасди. Сергей ҳам Абдуқодирнинг мулозимлик билан сўраган узридан эриб кетди:

— Эй-й, майли, аллақачон унутганман, — деди у қўлини силкиб.

— Кунглини кўтариб яхши қилдиз, — деди Олим ўзбекчалаб. — Бечора роса кўрқиб кетган экан. Сиз ётгач, чиқсам, халиям қалтираб утирибди денг. У-ку майли, ишонсангиз менам кўрқиб кетдим...

Қисм лагери томонда тушлик тарқатадиган «Урал» машинаси кўринди.

— Комбат бўлиши мумкин, — дея Валера ўрнидан туриб, пляжга келган дам олувчилардек ярим-яланғоч қўйи офтобга тобланиб ётган шеркларини ҳам туришга ундади. Бунақа ҳодисага урганиб кетишган бўлсалар-да, сержантнинг гапидан сўнг ҳаммалари ўринларидан туришиб, ертўла ва танк атрофини тартибга келтира бошлади.

— Серёжа, автоматни олиб, анави жойга тур! — деди сержант соқчилик жойини кўрсатиб.

Ҳадемай машина улар турган дунгликка кўтарилиб, ертўланинг ёнига келиб тўхтади. Валера адашмаган экан — машина кабинасида комбат ўтирарди. У машинадан тушиши билан сержант унинг қаршиси-га югурди, қўлини чеккасига қўйиб, ҳарбийчасига ҳисобот берди.

Юмалоқдан келган, пакана, елкаси қунушгандай қисилган, лўпши юзида қизил томирлар отган, кўнгиз мўйловли комбат машинадан оврақат олишга шайланган аскарларга қараркан, ёқимсиз жилмайди:

— Ҳа, Ислом лашкари, бекор ётиб ҳам қорин очдимми? — деди бир четда турган Абдуқодирда нигоҳини тўхтатиб.

Қисмда ўзбеклар ва умуман, мусулмон миллатига мансуб аскарлар кўп бўлганидан баъзи зобитлар «Ислом лашкари» деган жумлани ҳақоротомуз айтишни яхши кўришарди. Айниқса, манови комбат — подполковник Бундюков алоҳида ургу билан айтарди. Ҳозир ҳам нигоҳидан гурур аралаш нафрат ёғилиб турган Абдуқодирга бир оз тикилиб қолди.

— Собиров, дам олиб чарчамадингизми? — деди яна боягидек жилмайиб.

— Ҳозирча йўқ, — кесатди Абдуқодир ҳам.

Бундюковни нафақат Абдуқодир, бошқа кўпчилик жангчилар ҳам ёмон кўришарди. Чунки унинг ҳарбийча қаттиққўлликка ўхшаб кўриган барча ҳаракатлари аскарларни ҳақоратлаб роҳатланишдан иборат эди.

Сергей билан Олим тушлик овқатни уз идишларига олиб бўлишгач, комбат сержантга буюрди:

— Жангчиларни сафлантир! — Ўзи эса чуқурда турган танкнинг атрофини бир айланиб, кўздан кечириб чиқди. Танкнинг орқа томонига ўтгач, энгашиб остига қаради. У ерда ётган аскарларнинг қопчигига кўзи тушиб, Валерадан сўради:

— Анави нима?

Валера унинг нималигини билса ҳам талмовсиради:

— Билмадим...

Комбат Серёжага буюрди:

— Қопчиқни ол бўёққа!

Зобит шунчалик бўлгани билан «оқсоқол» аскарларга иш буюришга ҳайқарди. Ҳозир ҳам атайлаб Сергейни таллади. Сергей буйруқни бажаришга тараддулланаркан, ҳадиксираб Абдуқодирга қаради. Абдуқодир нима қилсанг қилавер, дегандай юзини четга бурди.

Танканинг остига кириш ноқулай бўлганидан Сергей қопчиқни жуда қийналиб олиб чиқди. Уни олиб келиб комбатга тутган эди, у дўк уради:

— Оч!..

Қопчиқда иккита амриқоча «жинси» шим бор эди. Буни кўриб комбатнинг кўзлари чақнаб кетди.

— Оббо-о чайқовчилар-ей, ҳали бу ерда дўконимиз ҳам бор, денглар. — У ўзининг ҳазилидан яйраб кулди.

— Уйга обкетиш учун олгандик, ахир биттадан мумкин-ку! — дея тўнгиллади Абдуқодир «жинси»дан ажралганига кўзи етиб турса ҳам.

Кўпинча зобитлар мана шунақа кузатув нуқталарида турган жангчиларнинг ертўла ва танкларигача титкилашиб, уларнинг асраган нарсаларини — арақ, кийим-кечак, магнитофон ва бошқа нарсаларини тортиб олишарди.

— Сизларга умуман мумкин эмас, — комбат шундай дея Сергейга ўтрилди, — ма, машинанинг кабинасига ташлаб қўй... Ҳа, айтгандай, — у энди Валерага қаради. — Эртага эрталаб ҳамма нарса кўчишга тахт қилиб қўйилсин. Уринларингизга бошқа ротанинг экипажи келади, сизлар қисмга қайтасизлар. Тушунарадимми?..

Кўнгиз мўйлов комбат машинага ўтирди-ю, жўнаб кетди.

— Ҳе, онангни!.. — дея Абдуқодир алам билан сўкинди. Сўкинади-да, ахир ҳадемай уйга кетиши керак. Уйда киярмиз, деб Акбар иккови



шу иккита «жинси»ни аранг топишганди. Энди Акбарга нима дейди? Ватанида уша «жинси»нинг нархи фалон пул булган бу йигитлар учун ҳатто урушдан ҳам «модабоб» матоҳ олиб кетиш ширин орзу эди.

## 2.

Эртасига тушга яқин қушни ротанинг бир экипажи уларнинг урнига келди. Кеча кечгача ва бугун ҳам алмаштирувчилар келгунча парсаларини йигиштириш билан овора булган Абдуқодир унинг шериклари кайфиятида галати бир тушқунлик, норозиликка ўхшаш ҳолат пайдо булганди. Негаки, уч ойдан бери ҳарбий тартиб-интизомнинг купидан холи, ўзларига хон бўлиб яшаётган бу йигитлар учун қисм лагерига қайтиб, аскарча режимга тушиш оғир туюларди. Эрталаб эрта тур, фалон пайтда овқатта бор, чодирингни тозала, э қўйинг-чи, тревога деганлари ҳам борки. ҳар қандай одамнинг жонига тегади. Ана шуларни уйлаб, бу йигитларнинг тумшуклари осилиб кетганди.

Улар тушдан кейин қисм лагерига қайтишди. Танкни белгиланган жойга қўйишиб, ҳамма қатори аскарга айланишди. Тартиб-интизомлар Абдуқодирни норози қилса-да, бироқ дўсти Акбарали билан яна бирга бўлишини уйлаб, хурсанд ҳам эди...

Кечки овқатдан сўнг икки-уч улфат чодирнинг бир бурчагида тупланишди. Абдуқодир Акбардан ташқари самарқандлик Жамолиддин ва яна Сурхондарёдан Расул деган йигитлар ҳам бор эди.

— Акбар, ура энди, — деди Абдуқодир тамаки тутатаркан.

Акбар чўнтагидан қоғозга уроглик «чарс»ни чиқарди ва ёнидаги йигитга узатиб, деди:

— Жамол уста урашга.

Ҳақиқатан ҳам Жамол «чарс»нинг нўхатдагини бирпасда майдалаб, сигаретнинг тамакисига аралаштирди, ҳатто лаб тегиб эгилмасин учун қаттиқ қоғоздан қўлбола филтър ҳам тайёрлаб ташлади.

— Қани, ким тутатади? — суради Жамол иш битгач, Акбарга утирилади.

— Қодирга бер... Ол, тутат, Абдуқодир.

Абдуқодир гўгуртни қақиб, юзи бужмайиб тутун тортаркан, қаттиқроқ тортиб юборди шекилли, ўқчиб йўтала бошлади.

— Ҳе онангни-я... — дея нафасини бир оз ростлаб олгач, яна учтўрт марта тортиб, Акбарга узатади.

Узлари «тўппонча» деб номлашган «чарс» уралган сигарет ўртани айлана бошлади. Абдуқодир иккинчисини ўтказиб, қизариб сузилган кўзларини Акбарга қарата деди:

— «Жинси»ни урадирвордим, Акбар!

Акбар парвосига ҳам олмади. У дўстининг хижолат чекиб гашираётганини сезганди. Агар индамаса Абдуқодир хафа бўлишини уйлаб, секингина:

— Кимга? — деди.

— Комбат обқўйди.

— Майли, хафа булма, яна топамиз-да.

— Онангни эмгурга буюрмасин!..

Уфатлар «тўппонча»ни «отиб» бўлишгач, чодирда биринчи взвод — Абдуқодирларнинг командири — катта лейтенант Степанов пайдо булди. Урта буй, оқ-сарик юзида кулгичи бор зобит кирибоқ хира чирок шуъласида сузиб юрган тутунларга қаради.

— Роса тутатибсизилару-а? — Унинг овозидан «чарс» чекувчиларни топиш, жазолаш нияти йўқ эканлиги сезилиб турарди. Чунки аскарларнинг бунақа «касали» борлиги кўпчилик зобитлар учун ҳам сир эмас эди. — Бунақада душман босганини ҳам билмайсан-ку, — деди у ҳазиллашгандай, сўнг у ёқ-бу ёққа алангаб: — Собиров қани? — дея суради.

Бир четда утирган Абдуқодир «Мен шу ердан», дея урнидан кўзголди.

— Тонгда эски танкларни алмаштиргани «Союз»га жўнаймиз. Биздан Соҳибов (Жамол), сен, — у яна бир неча кишининг номини айтди, — борасизлар. Тайёргарлик курунглар...

— Экипаж биланми?

— Йўқ, фақат узинглар борасизлар. Бошқа взводлардан ҳам учтўртгаси бор.

Абдуқодирнинг ҳафсаласи пир булди.

— Тагин ажралишарканмиз-да, Акбар! — деди тушқун оҳангда.

— Майли, би-ир маза қилиб уйнаб келасан. Ҳаммасидан ҳам қизларни кўрасан, ошна...

— Шунақа-ю... Менга қара, оғайни, мен йўгимда узингни эҳтиёт қилгин. Уруш экан, деб югуриб кетавермагин, бўптим! — дея у дўстига меҳрибончилик қилди.

— Бўпти-бўпти... Сахар кетсанг, ётайлик энди...

...

Афгон ёзининг туни ҳам анча салқин бўлади, айниқса, тонгга яқин киши тузуккина совқотиши мумкин. «Союз»га борувчиларга бошлиқ қилиб тайинланган катта лейтенант Степанов уйғотган аскарлар танкчиларнинг қора пахталикларига ураниб, уйқуга тўймаганлиқдан ва Абдуқодир каби кеча яхшигина «тўппонча» отган йигитлар эса бошлари говалаганидан гандираклаб, тикони симлар билан ўралган техникаларнинг қўналгасига йўл олишди. Қомандир олиб кетилиши керак булган эски танкларни барчага тақсимлагач, пёдалар ротасидан чиққан учтўртта аскарга ҳам узларининг «БТР»ларини шатакка тайёрлашаркани буюрди. Хуллас, туртга танкка туртга шалоги чиққан «БТР» шатакланди. Жами унга танк булганидан Абдуқодир ўзига ортиқча юк — шатак тегаманлигига хурсанд ҳам булди. Негаки, ҳали кўҳна Ҳирот шаҳрини кесиб ўтиб, узокдан-узок довонни ошишлари керак.

Бунақа сафарга бежиз эрта тонгдан отланишмасди, зеро афгон халқининг ҳасратлари каби қат-қат бўлиб, улкан қабрлар янглиғ дўшмайиб ётган тоғ ва қирлар оралигидан илон изи сингари юксалган довон йўлини босиб ўтиш жуда мушкул эди. Довондан сўнг ҳам қанча қишлоғу даштларни ортада қолдириб чегарага етиб борилади. Унғача ҳали йўл азоби, қияликларнинг ҳавфли манзараларидан ташқари душман ҳужумию қонли отишмаларнинг бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Йўл бошида сафланган машиналар чанг-тўзон кўтариб, ваҳимали гуруллайди. Хира чироқларнинг ёрутида у ёқдан-бу ёққа югураётган Степанов ҳайдовчиларнинг уриналарини белгилайди, яна нималарнидир аскарларга бақириб тўшунтиради. Сафнинг бошида пёдаларнинг прапоршчиги утирган «Урал» машина, ундан кейин командирининг танки, охирида эса Абдуқодир минган «пулат фил» йўлга қиқишди. Бу танкларда на экипаж аъзолари, на снаряду пулемёт бор эди, ҳатто механиклар автомат ҳам олишмади. Тагин бу машиналарнинг жуда кўп мурватлари йўқ бўлиб, носозликлари бисёр эди. Абдуқодир минган танкнинг олдинги катта чироғи ёнмас, сўнгги — бешинчи тезликка тушмас экан. Яхшики, орқада юрадиган бўлди, ҳар ҳолда олдинда кетаётганларнинг чирогини мўлжаллаб бориши мумкин.

Абдуқодир ҳамisha навбатдаги «рейд (жанг)»га чиқиб кетаётганда ёҳуд мана шунақа сафарлар олдида «Бисмиллоҳ»ни айтиб, «Ихлос» сурасини уч мартаба қироат қилиб, Худодан паҳоҳ тиларди. Дин таққиқанган Ватанларида этиқодига содиқ қолиб, бир неча сураю калималарни ёд олдирган опоқдадасидан баъзида миннатдор булар, у киши-

<sup>1</sup> «БТР» — жанговар машина.

ни эслаб, юраги орзиқиб кетарди. Ҳозир ҳам шлемафон кийиб олганидан қўлоғи танкнинг шовқинидан бошқа нарсани эшитмай (аслида, бу эски араваларда алоқа дастгоҳлари ҳам носоз эди), баланд овоз билан «Кулҳуллоҳ»ни уч марта ўқиб, Оллоҳдан паноҳ сўрай кетди. Бу кўздан уйқуну қувар ҳамда кишини сергаклантирарди.

Шундай қилиб сафар бошланди...

...

Тонг ёришганда шаҳар бўсағасига етиб боришди. Степанов жангчиларни тўплаб, шаҳар ичидан бошларини чиқармай, жанговар ҳолатда ўтишларини, тўхтамасликни, машиналар оралигини бир хил масофада сақлашни ўқитди. Шундоқ ҳам жангчилар бунақа ишларга «пишиб» кетишганди, лекин нима қилса ҳам командир командир-да, бу қора кўзларнинг жонини омон сақлаш ушанинг зиммасида.

Шаҳар осуда эди. Йул четида уймалашаётган битта-иккита кишиларни ҳисобга олмаганда шаҳарнинг ҳаёти ҳали бошланмаганди. Абдуқодирга эса шаҳар дўконларининг очилгани яхши эди. Кеча дўстлари унга бир неча табиғий афғон пули ва ёнғоқдан каттароқ «чарс» топиб беришганди. Пулга ҳорижча кўйлакми ёки бирор матоҳ олса, «Союз»да нон ҳам, «дўст» ҳам топиш осон бўлади. Ҳар тулуи афғонда «сухой паёк» еявериб, иякларни тортилган бу аскарларнинг орзуси — жонлироқ овқатдан тотиш эди. «Жонлироқ» овқатни бекорга беришмайди, янаки ватандошлари боягидек нарсаларга ўч эканликларини улар яхши билишарди, қолаверса, арақ-парақ деганларидай...

Ҳиротликларнинг осуда тоғини ваҳшат шовқинига чулғаб ниҳоят, шаҳарни кесиб ўтишди. Шаҳардан чиқишгач, теналикка ўрлай бошладди. Худди мана шу ердан довон бошланарди. Бу ерда бешта кузатув нуқтаси бўлиб, ҳар бирида биттадан пидедалар взводи соқчилар қиларди. Довондан ошиб ўтаётиб мушкул аҳволга тушган «шўравий»ларга тезроқ ёрдамга етиб бориш учун ана шундай қилинганди. Қолаверса, кеч қолганлар ўша нуқталарда тунаб қолишлари ҳам мумкин. Биринчи кузатув нуқтаси шаҳардан чиқаверишдаги қир устида бўлиб, сунгги — бешинчи нуқта довоннинг энг юқори қисмида жойлашган эди. Шатакчилар биринчи нуқтада нонушта қилиш учун тўхтади.

Кузатув нуқтаси тоғнинг бошланганига жойлашганди. Битта ертўла, битта тоғ тошларидан қўрилган қўлбола «штаб», яъни зотиблар хонаси, бир томонда овқат пишириладиган ҳарбийча идишлар, овқатланишга мослаштирилган ўриндиқлар кўзга ташланади. Икки томонга атрофи кум тўлдирилган қоплар билан ўралган соқчилар шийпончаси қўрилган. Худди шундай шийпонча тоғнинг тепароғида ҳам кўринади, бу юқоридан бўладиган ҳавфнинг олдини олиш учун бўлса керак, қолаверса, атроф юқоридан яхшироқ кўринади. Бундан ташқари, олгита «БТР» иккита-иккитадан турли томонга қаратиб териб қўйилган. Хуллас, зобиту аскар бўлиб олганиш чоғли одам жойлашган бу «хонадон» ҳаётга тўла эди.

Жангчиларнинг кўпчилиги эндигина уйқудан туришиб, юз-кўлини ювишди, баъзилари елкасида автомат билан нонушта тараддуида гамирлашади. Зобитлар кўринмас, чамаси, туни билан ухлашмаган-у, тонг отгач, хавф-хатардан холи дам олишарди. Степанов билан пидедалар прапоршчиғи зобитлар хонасига кириб кетишди. Икки-учтадан бўлишиб тамадди қилишга тугинишган аскарлар «сухпай»ларини олишиб, киройи овқатларининг темир «қаср»ларини бузишга тушишди. (Аскарларга «сухой паёк» қилиб, бугдой, гуручдан тайёрланган кашалар, тушёнка ва қотирилган нонлар бериларди).

Кузатув нуқтасидагиларнинг ҳам кўпчилиги ўзбеклар эди. Ўзбек ўз емишидан бировга илнамаса қорни тўрғимди, нонушта тайёрлаётганлардан бир-иккитаси, йўлдагиларни астойдил чойга таклиф қилишди:

— Бу ёққа келинглр, иссиқ овқат бор.

Йўловчи меҳмонлар қўлбола ошхонага жойлашишди. Мезбонлар баҳоли қудрат дастурхон тузаб, иссиқ овқат ва чой қўйишди. Гурунги устида мезбонлар туни билан довонда, яъни улардан юқорироқда шовқин-сурон, бақир-чақир бўлгани, балки душман уларни кўрқитишга урингани, хуллас, улар нимагадир тайёргарлик кўришганини айтишди.

— Автомат ҳам олабмиз-а! — деди зураки жилмайиб Абдуқодир.

— Қўрқманглр, биз кузатиб кўямиз. Командирлар ҳам барибир шунга келишишса керак, — дея далда берди мезбонлардан бири.

Бу орада Степанов билан прапоршчик чиқиб, аскарлар билан овқатланишди. Довонда бирпас ҳазил-хузул гаплар бўлиб, чой ичилгач, кетишга отланишди. Бояғи йигитлар айтишганидай зобитлар иккита «БТР» экипажини қўшиб беришга келишишибди. Оқибат сафбоши бўлган «Урал»дан кейин битта «БТР», сафнинг охирида яна биттаси борадиган бўлди. Степанов ўз танкини орқа томонга олиб ўтди. Жангчилар хушёрликка чорлангач, оғир машиналар карвони ўрнидан жилди.

Йолн изига ўхшаган бетон йўл аста судрала бошлади. Унг томон тик тоғ, аниқроғи, турт-беш газ пичоқда кесилгандай тикка бўлиб, у ёғи қиялаб кетган азим тоғлар. Ҳар бир тоғнинг шакллари, ўйдим-чуқури бу қадим юртнинг кўз ёшларидан, юрак қонаридан ҳосил бўлгандай мағрур, аммо мунглик кўринади. Бу совуқ мағрураиғу мунгликк жабрдиёда заминни топтаётган аскарларнинг юрагига қўрқув, гул-гула солади. Гуё ҳар бир қоя уларнинг устига қўлағудек қовоқ унди. Чап томон жар, у баъзида тик келса, баъзан қияроқ, қияликлардан саргайган ўт-ўланлар, дардлари кун сайин ортиб бораётган афғон халқининг ҳасратларини сўзлаётгандек. Бу нолалар ана шу қадамлари ноҳолис йигитларни ютиб, кумиб юборадигандай. Зеро, ўшал ҳасратларнинг домига тушган инсоннинг соғ-омон қолиши ҳам гумон эди. Ҳа, бу замин азалий мана шундай мағрур ва энгилмас бўлган.

Карвонда бораётганларнинг хаёлига бу гаплар келмаса-да, юракларини қўрқув кемираётгани аниқ эди, улар улкан «қовоқлар»нинг тена-сига ҳадиқсираб қараб боришарди. Беш чақиримча юришгач, қўққисдан отилган минамёт ўқи гувиллаб жарнинг оғзига келиб тушди. Душман мўлжални ҳато олганди чоғи. Сунг кетма-кет турли милтиқлардан якка-якка ўқ отила бошлади. Карвон ўзини қоя остига олиб тўхтаб қолди, чунки «Урал»дагиларга талофат етганди. Бу орада «БТР»дагилар замбаракларини юқорига қаратиб, ўт очишди, автомати борлар ҳам тенага қараб ўқ ёғдира бошладди. Аммо душман кўринмас, отган ўқларининг визилаганигина эшитиларди, холос.

Отишларнинг бошланишидаёқ «Урал»нинг ҳайдовчиси шикастанганди, ўлганнинг устига тепгандек прапоршчик кабинага куйган бир қўти автомат ўқига душман ўқи тегиб портаганди. Прапоршчик кабинадан ўзини олиб қочишга улгурган бўлса ҳам ҳайдовчининг кийим-боши титилиб, йўлнинг четида базур типирчилаб, ёнарди. Отишма узоққа чўзилмади, лекин тоғларнинг акс-садоси ила ҳаммаёқ ваҳимага чулганди. Улар шунақа туйқусдан ҳужум қилишарди-да, дарров ғойиб бўлишарди.

Жангчилар отишма тутаса ҳам анчагача қоя остидан чиқишмади. Душманининг кетганига иппонч ҳосил қилишгач, бирин-кетин «Урал» томон югуришди. Куйиб қоп-қорайиб кетган ҳайдовчи алақачон «тинчиб» қолганди. Унинг кийимларию танаси тутаб, қўланса ҳид тарқаларди. Аскарларнинг баъзилари ўқчиб, уларини четга олишди.

— Кетиш керак! — дея бақирди кўзлари ёшга тўлган Степанов. — Жасадини машинага ортинглр... Ҳамма машиналарга!..

Прапоршчик билан Абдуқодир ва яна бир аскар ҳайдовчининг жасадини аёғлага ўраб, «Урал»нинг аравасига ортишди. Машинага прапоршчик ўтириб, уни йўлга тўғрилагач, карвон ўрнидан жилди. Энди жангчиларнинг кўнглини қўрқувдан ҳам кўра аянч, ачиниш ва ўксик бир туйғу эғаллади. Улар ёшсиз, овозсиз, барчаси ўзларича йиғлашар-

ди, юраклари йиғларди. Жангчилар бунақа воқеага биринчи бор руна-ра келишмаган бўлсалар-да, ҳар бир янги йўқотиш, ўлим уларни ана шундай ларзага соларди. Илло, ҳали улар ёш — йигирмага ҳам тўлмаган эдилар.

3

Улар узоқ ва заҳматли йўлни босиб ўтишарди. Довоннинг дам юқорига, дам пастга урлайдиган йўли хизматини ўтаб бўлган «қахрамон» танкларнинг роса тинкасини қуритди. Айниқса, танқда бетон йўлдан пастга қараб тушиш қийин бўлади, балки ричаг урнида машина-накига ўхшаган рул бўлса осонроқ юрилармиди. Ҳар қалай жарга қула-маслик учун танкнинг ричагини асталик билан тортиб, доимо тормозни босиб юришга тўғри келади. Натижادا унинг тормоз мурватлари тутаб, ҳатто ёниб кетиши ҳам мумкин.

...

Жангчиларнинг бўлиб ўтган фожиадан кейинги тушкун кайфияти-ни, кета-кетгунча онда-сонда кўзга ташланадиган турли ҳарбий машиналарнинг «жасади» баттар ваҳимага солиб, эзади. Киши гўё тунда гүрристон оралаб ўтаётгандай, юракка гулгула тушади.

Абдуқодир аскарларга текинга бериладиган «Охотничий» дея шоирона ном билан аталувчи тамакисини тутатиб, босиб-босиб тортаркан, хаёлини чалғитмоққа уринади. Бунақа йўлда хаёл чалғиши хавфли бўлса-да, ўксик кўнглининг ширин ҳиссиётларга чанқоқлиги устун келиб, тоғу дарёлар оша она-Ватанига учгиси келади. Ёна-ён бораётган хавф кўнглининг майлини писанд қилмаса ҳам неча ойлardan буён ричагларга ошно бўлган қўллар ўз бурчини беихтиёр хатосиз ўтайди...

Наргиза ҳозир нима қилаётганикин? Ҳар доимгидай ариқда идиш юваётганмикин? Абдуқодирнинг «ҳар доимгидай» дея ўйлаши бежиз эмас, негадир унинг хаёлида Наргизанинг идиш юваётгандаги ўша ҳолати муҳралиб қолган. Қиз унг елкасини бир оз ёнбошлайтиб, чиннида ариқдан сув олар, пешонасидаги сочининг бир тутами кўзларига тушса, лабининг чеккасида беозор пуфлаб, бошини аста силкиб қўярди. Тиззаларини ийманибгина букиб, кўйлагининг этагини ҳар замон-ҳар замонда тортиб кўйишлари Абдуқодирнинг юрагини орзиқтириб юборарди. Қизнинг юзи ёнбошдан узгача кўринар, тим қора қошлари остидаги усик кичриклари гўё хушторининг нигоҳини сезгандай учиб-учиб қўярди. Айниқса, унинг қараб турганини билгач, бошини хиёл буриб, бир қошини озгина кўтариб, сузилиб қиё боқишлари йигитнинг унга бўлган муҳаббатини юз чандон оширар, тилини дол қилиб, додиратарди.

— Наргиза, бугун чиқинг-а! — дерди у овози титраб, биров чиқмаяптимикин дея қизнинг дарвозасига олазарак қараркан.

Аслида бу қизга ёқарди, аммо у узини қўполроқ курсатишга уриниб, дарвозаси томонга ҳадик билан қараб қўярди.

— Бўпти-бўпти... Кетинг энди!.. — юзини тириштириб дерди у.

— Ростдан чиқасизми?..

— Ҳа!.. Дадам!.. — деб дарвоза томонга кўзларини олайтириб имо қилар, қўчиб кетган Абдуқодир қадамини тезлайтиб жўнаб қоларди. Қиз эса унинг орқасидан пиқиллаб кулар, йигитни бошлаб «алдагани»дан болалардай қўнраб кетарди.

Абдуқодирнинг қулоғида севгилисининг «Ҳа!» деган сўзи жаранглаб борарди. «Чиқади» дерди узига-узи таскин бериб. Уларнинг аниқ манзилни, вақтини айтмай учрашув белгилашлари бежиз эмасди, чунки

ҳар доимги висол жойлари аниқ эди: маҳалладан чиқаверишда катта анҳор кесиб ўтади. Ана ўша анҳорнинг бўйида қари тол бўлиб, унинг орқасидаги одамни йўлдан ўтганлар кўрмас, сувнинг шилдираши эса шивирлашларини босиб кетарди. Қари тол уларнинг «паккаси», муҳаббатларининг тилсиз паноҳи эди.

Яқинда Наргизадан хат олди. Ўлим билан юзма-юз, диллари шикаста эркаклар орасида яшаб, дағаллашган, қалби зиндон каби зулумотта тўлган йигитнинг жону жаҳони гул исларига, муаттар бўйли саболарга йўнрилгандай бўлди. Севгилиси қизларга хос ҳаёси ила ҳола-аҳвол сўрагач, хатининг сўнгида «Ўзингизни эҳтиёт қилинг», деб ёзибди. Унинг кутгани шу бир оғиз сўз эди. Шу сўз замирига яширинган маънолар уни юксак орзу-умидларга, шодликларга чулғади. Уни ҳам кимдир кутмоқда, боришига интизор. Уни икки дунёга ҳам ишонмагувчи онаизори бўлмагач, қайтишини ким кутиши мумкин эди? Демакки, ёлғиз севгилисигина бу умидбахш, юракни орзиқтирувчи вазифага қодир экан.

«Ўзингизни эҳтиёт қилинг!..»

Туйқўсдан олдиндаги танк четроққа чиқиб тўхтади. Ўзининг ширин хаёллари билан банд бўлган Абдуқодир унга бориб урилишига сал қолди, яхшики тормозни босишга улгурди. Ҳамма нима гаплагини билиш учун олдинга югурди. Сафнинг бошроғидаги бир танк тепага чиқиб кетаётганда орқасидаги шатаги оғирлик қилганми, тормозни ишламай, йўлнинг чеккасига келиб қолганди. Шатақдаги «БТР» эса жар томонга осилиб, қийшайиб ётарди. Степанов қийшайиб турган танкнинг ҳайдовчисига тормозни маҳкам босиб туришни буюрди, ўзи орқадаги танкка ўтириб, ярим осилиб турган «БТР»нинг тумшугига зарб билан урди. Танк бир силкиниб, қирқ тонналик юкнинг зарбига чиқолмаган сим арқон узилди, «БТР» шарақлаб жарга қулади. Степанов танқдан тушаркан:

— Битта камроқ, — деб қўйди кулиб.

Улар қоронги тушгандан бешинчи нуқтага етиб боришди. Степанов шу жойда тунашларини айтди, «Урал» билан олдиндаги иккита шатакли танк бешинчи нуқтадан ўтиб, анча илгарилаб кетганди. Ўша бақувватроқ танкларнинг бирида Жамол борарди. Лооқа йўқайгидан Степанов Абдуқодирни чақирди, олдиндаги танкларга етиб, эрталаб қолганларга ёрдамга қайтиб келишларини айтишини тайинлади. Абдуқодир шалоги чиққан «эски аравасида» уларнинг орқасидан тушди. Катта чирокнинг йўқлиги, бешинчи тезликнинг ишламаслиги унинг йўлини озайтирарди. У олдинда бораётган машиналарнинг гилдираклари остидан чиқаётган учқунларни элас-элас кўриб, етиб олишга умидвор эди.

Мана, доvon ҳам тутаб, текис дашт оралаб бормоқда. Абдуқодир энди ўз шерикларига чегарадагина ета олишига ишонди. Аммо танки бир-икки «пор-пор» қилади-ю, учиб қолди. Афтидан, ёнилги келмасди, у ҳайдовчининг ёнбошига жойлаштирилган ёнига ўтказувчи мосламани қимирлата бошлади. Афсуски, машина ўт олмади. Энди машинанинг орқасини очиш, «ичак-чавақ»ларини кўздан кечириш лозим эди. Бунинг учун эса чироқ керак, зимистонда нима ҳам қила оларди?..

Абдуқодир танқдан чиқиб, гумбазнинг бир четига ўтирди, тамаки тутатиб, атрофга назар солди. Сал орқароқда қишлоқ бўлиб, итларнинг хуригани, одамларнинг бақир-чақирлари эшитиларди. Унинг юраги орқага тортиб кетди, бир пана жой излагандай чап тарафга назар ташлади. Бу ён тепароқ бўлиб, дўнмайган қабрлар, афғон қабристонларида куп учрайдиган яши байроқларнинг шабадада қимирлагани юдузларнинг хира нурида ятираб кўринади. Абдуқодир ростмана қўрқиб кетди. «Мана, Қодир, ва ниҳоят манзилингга етиб келдинг, гуристон ҳам тайёр!..» Юраги дуқираб атрофга олазарак қараркан, автомат олмага-ни алам қилди. Бунақда на узини ҳимоя қила олади, на бирор ёққа жилади. Ановчи қишлоқдагилар сезиб қолишса борми, тунда тагин мана бунақа овлоқда ёлғиз қолган «шўравий» ҳар бир узини билган афғон учун тайёр «гўшт»-да. Хоҳласа кабоб қилади, истаса бурдалаб итларга

ташлайди. Абдуқодир нима қилишини билмай яна танкка кирди. Ёни-ги ҳайдашга уриниб кўрди, бўлмади. У ёқдан-бу ёққа аланглаб, танкнинг ичини кўздан кечираркан, ёнбошидаги қутида ётган гранатага кўзи тушди, ҳар ҳолда кишига анча далда бўлади. Танкнинг юқоридаги туйнуқларини ичкаридан беркитди, уз туйнуғини ҳам ёпиб, бош томонидаги чироқчани ёқиб қўйди. Хуллас, тонг оптунча тақдирга тан бериб, Оллоҳнинг ёзигини кутишга аҳд қилди.

Озгина ўтиб элас-элас қадам товуши эшитила бошлади, Абдуқодир сергакланиб, гранатанинг ҳалқасини тортиди-да, маҳкам сиқиб олди. Унинг мақсади мабодо душман ўраб олса, ўзини портлатиш эди, биттагина граната шундан бошқа нимага ҳам яради, нима бўлганда ҳам қийналмай ўлади-ю. Бу орада қадам товуши яқинлашиб, танкнинг атрофини айлана бошлади, қўрқувдан бутун вужуди қулоққа айланган Абдуқодир уни аниқ эшитиб турарди. У қўлидаги гранатани қаттиқроқ қисди.

— Ё Худой!..

Ана, қадамлар танкнинг устидан эшитила бошлади, ҳатто юқоридаги туйнуқларни тортиб ҳам кўрди. Чамаси, у ёлғиз эди, эҳтимол вазиятни ўргангани келган душман ҳуфийсидир. Абдуқодир ҳам танкнинг ичи дим бўлганидан, ҳам қўрқувдан терлаб сув бўлиб оқарди... У ёғи эсида йўқ, ё қўрқувдан хуши оғган, ё қаттиқ энтиқишдан боши айланиб ухлаб қолган. Бир пайт машинанинг гуриллаганию одамларнинг овози эшитила бошлади. Абдуқодир аввалага нима бўлганини тушуна олмади. Одамларнинг овозига қулоқ солди, улар ўрнеча гаплашишарди.

— Узимизникилар!.. — дея пичирлади у энтикиб.

Кимдир танкни темир уриб, тақилата бошлади. Қўлида граната борлиги Абдуқодирнинг ёдида йўқ эди, уни бармоқлари билан беихтиёр қисганча қотиб қолганди. У туйнуқни очиб, бошини чиқарди, рўпарадаги «Урал»нинг чироғида туйнуқ олдида турган Жамолни аниқ таниди.

— Жамол!..

Жамол танк ичидан чиқишга урипаётган Абдуқодирнинг қўлидаги маҳкам қисилган ҳалқасиз гранатани кўриб, капалаги учди.

— Ҳей, ҳей, Қодир, эҳтиёт бўл! Сенга нима бўлди?!

Абдуқодирнинг кўзлари бежо боқарди. Жамол унинг қўлига ёпишди. — Қўйиб юборма! — деди пичирлагандай. У дўстининг бармоқларини қийинчилик билан ёйиб гранатани эҳтиётлик билан олди ва узоқроққа иритди. Граната анча нарида гумбураб портлади.

— Ма, манавини чеквол, — деди Жамол Абдуқодирга тамаки узатиб. — Ҳозир аравагнни юргизаман...

4

Эрталаб иккита танк бешинчи нуқтага йўл олди. Бу аввало командирнинг буйруғи бўлса, йигитларнинг ўзлари ҳам дўстларига ёрдам бермасдан туришолмасди. Шериклари кетгач, Абдуқодир чегара ёнида турган горнизондаги ўзбек йигитлари билан гаплашиб, яқинроқдаги қишлоқдан иккита эркакларнинг ҳорижча кўйлагини олиб келди.

Чошгоҳда карвон яна жамул-жам бўлгач, командир бошлиқ аскарлар уз машиналарида чегарадан битта-битта ўта бошлашди. Чегарачилар ҳар бир машинани синчиклаб текширишарди, ҳатто итларини ҳам ишга солишди. Ҳар бир зобиту аскар ҳужжатларини кўрсатар, қуроли борлар рўйхатдан ўтказилиб, ўша ерда қўролларини қолдиришарди. Минг синчков бўлишгани билан Абдуқодирнинг яширган нарсаларини чегарачилар топишолмади.

Чегарадан ўтаверишда йўлнинг ўнг томонида бетон кўрсаткичда СССРнинг герби туширилиб, пастига улкан ҳарфлар билан «СССР» деб ёзиб қўйилганди. Йигитлар кўҳна Амударёдан ўтишаркан, она-Ватанла-

рига кираётганларидан юраклари орзиқиб кетарди, кўнгли юмшоқроқларнинг кўзларига ёпи ҳам келди. Бу ҳолни ҳамма ҳис қилиши мушкул, зеро, бир неча вақт уруш олови ичида юриб, бегона заминнинг чангини ютганларгина англай олиши мумкин.

Улар ўз машиналарини оғир техникаларни поездга юклаш учун мослаштирилган темир йўл қўналмачига қўйишди. Степанов аскарларга бутун шу ерда тунашларини айтиб, прапорщик билан бирга тезда гойиб бўлди. Афғидан, улар ҳарбийлар меҳмонхонасига тезроқ ювениб-тараниб, кўзи қонга тўлган «афғон бўрилари»ни кутаётган илтифотли олимчалар билан кайфу сафо қилишга ошиқишарди. Шўринг қургур оддий аскарлар эса ана шу шалоги чиққан эски араваларида тунаши керак.

Абдуқодир билан Жамол танк устида «сухпай»ларини очиб энди тамадди қилишмоқчи бўлганди, рўпараларида беш-барзанги аскар пайдо бўлди. Башараларидан улар кавказлик эдилар, юзлари қизил, оппоқ ёқаларининг акси тушиб, янаям яшинаб пранинишарди. Улар гуё хизматдаги аскарлар эмас, боқувдаги буқаларга ўхшашарди. Ўзларини тутишларидан ҳозир қиладиган ишларини аввал ҳам бажаришиб келишгандай эдилар.

Икковдан бирор кўнгилсизлик бўлишини сезишди, дилларида бироз ҳадик ҳам уйғонди.

— Қани, бобойлар, бизга нима обеклдинлар? — деди улардан бири тиржайиб.

«Афғонилар» уларнинг мақсадлари ҳорижча латта-путтаю «чарс» олиш эканлигини тушунишди.

— Ҳеч нарса йўқ бизда! — деди Абдуқодир қўпол қилиб.

— Шунақа дегин!.. — дея уларнинг иккитаси иргиб танкнинг устига чиқди. Бири дарров танк ичига кириб, тимирилана бошлади. Жамол шундоққина оёғи остидаги асбоб-ускуналар турадиган қутини очиб, битта граната олди, шартга ҳалқасини сугурди, уни боши узра кўтарди. Бу пайтда Абдуқодир ҳам лом билан қўроланган эди.

— Қани, бўёққа чиқ-чи, — деди Жамол танк ичидаги йигитга гранатани кўрсатиб. — Ё ўлгинг келяптими?!

Танк ичидаги аскар қўрқанидан тили калимага келмай, «Эй-эй», дея ташқарига чиқиб, пастга тушмоқчи бўлди. Абдуқодир унинг орқасига тепганди, думалаб кетди. Жамол қўлини силкиб, кўзлари ола-кула бўлган кавказликларга бақирди:

— Йўқолларинг бу ердан!

Чақирилмаган «меҳмонлар» Жамолнинг ҳазиллашмаётганини тушуниб, бир-бирларини тўрткилашиб қочиб кетишди.

— Гранатани қайёқдан олдинг? — сўради Абдуқодир дўстининг ишидан ҳайрон қолгандай бошини силкиб.

— Манави қутига ташлаб қўювдим, нима бало, чегарадагилар ҳам танкнинг ичи билан овора бўлиб ташқарисига қарашмаганим? Бирдан эсимга тушиб кетди-да... — деди Жамол тамаки тутатаркан жилмайиб.

...

То эски танкларни топширишиб, янгиларини олишгунча икки кун ўша ерда тунашди. Мойи артилмаган танкларни қабул қилиб олишгач, янги тулпорларини миниб, дарёнинг нариги қирғоғидаги «Яшил маскан» деб ном олган ерга ўтиб жойлашишди. Бу масканнинг атрофи сув бўлиб, кичик оролчага ўхшарди. Ҳаммаёқ дов-дарахт, ям-яшил ўт-ўланлардан иборат эди. Дарё саз ё булганидан уни танкларда кечиб ўтишди. Ун битта танкни ҳар ким ўзига ёққан ерга жойлаштирди. Атрофда дам олгани чиққан ноҳарбий эркагу аёллар яланғоч бўлишволиб, баъзилари сувда, баъзилари майсалар устида ағанаб ётишибди. Улар танкларга

билан дарёни кечиб ўтган «афғони ёввойилар»га ҳайратланиб қарашарди, нигоҳларидан ҳатто бу йигитлардан ўзларича ҳадиксирашарди ҳам.

Янги нарса янги-да, улар ўз танкларига завқланиб боқишар, афғонда чанг-тузонга ўрганиб қолишганидан бу мусоффо ҳавони тўйиб-тўйиб симиришарди. Ўз танкларининг ичига кириб-чиқишиб яп-янги снарядларни, пулемёт ўқларини кўздан кечиришар, ҳар турли асбоб-ускуналарни саранжомлашарди. Дам олувчиларга ўхшаб ялонғоч бўлишиб олиб, ҳумордан чиққунча маза қилиб чўмилишди. Кечга томон ўтган икки кун давомида савдо-сотиқларидан толган пулларидан тўлашиб, икки кишини озиқ-овқат учун масалиқ ва арақ олиб келишга дарёнинг нариги қирғоғига жунатишди. Қолганлари қозон-товоғу дам олиш учун жой тайёрлаш билан овора бўлишди. Абдуқодир бу йигитларнинг жўра-бошисига айланиб қолди. Бошқаларга у айтган иш ёки маслаҳат кўпроқ маъқул бўлар, барчаси ўз-ўзидан бир жону бир тан бўлишиб қимирлашиб қолишарди. Ҳозир ҳам у кечқурун «қўрғон» атрофининг икки ерига биттадан соқчи қўйиш кераклигини айтганди, барча рози бўлди.

Қоронги тушгач, ҳаммаси бўлиб ўн тўрт киши дастурхон атрофига тўпланишиб, роса маишат қилишди, беш-олти шиша арақни бўшатишди. Урушда диққинафас бўлиб, ростмана ҳазил-ҳузулни ҳам унуттишган йигитлар ширакайф ҳолда роса аския қилишиб, бақириб-чақиринди. Маишат тутаб, барча ўзининг дил яқин кишиси билан «қўрғон»нинг турли жойларига тарқалишди. Абдуқодир билан Жамол дарё бўйидаги майсага ёнбошлашиб, ўз она-Ватанларини, қишлоқларини, ёру биродарларини эслашиб, гурунглаша бошлашди...

5

Тонга яқин қисмини шовқин-сурон босиб кетди: афсонавий аждаҳонинг наъраси каби гувиллаган тревога овози, аскарларнинг бақир-чақирларико сал ўтмай гуриллаб бошлаган ҳар турли машиналарнинг «ялла»лари четдан қараган одамга жуда ваҳимали эди. Шу биргина овоз ҳамма нарсани англаатар, барча қайси томонга югуришинию нима қилишини жуда яхши биларди.

Тревога қаердадир нимадир булганини билдирар, жангчиларни навбатдаги рейд — урушга чорларди. Жангчилар машиналардаги ўз жойларини эгаллаб бошлашди, алоқа мурватлари ишга тушди. Акбар танкини ўт олдириб, алоқа орқали буладиган буйруқни кута бошлади. Танк командири Женя (Евгений) Безруб алоқанинг соз-носозлигини текшириб, зобитлар билан тиллашарди. Танк отувчи Слава билан ўқловчи Расул ўзларининг зарур асбоб-ускуналарини текшириб, буйруқни шайлаанишмоқда. Мана, қисм бошлиқларидан тортиб ҳар бир машина командирларигача бўлган алоқа асбоблари кўздан кечирилгач, қўналгадан бири-кетин чиқишга буйруқ бўлди. Барча машиналар сафга тизилиб, экипаж командирлари ва механик-ҳайдовчиларни зобитлар чорлаб, тезда тушунтириш бердилар. Кўп ҳайдовчилар «Союз»га кетганлиги сабаб биринчи бор рейдга чиқаётган иккита ёш механикка алоҳида маслаҳат ва оғоҳлантиришлар берилди. Уларнинг бири жуссаси кичкинагина чуваш йигити бўлиб, унинг танки Акбарнинг ортига қўйилган эди.

Сафар Эрон чегараси томонга эди. Сафнинг бошида қисм катталари, улардан сўнг разведка взводи, кейин сапёрлар, танкчилар ва пиёдалар бўлган карвон йўлга тушди. Акбар тамаки тутатаркан алоқа орқали ўз командирига гап қотди:

— Женя, қалайсан?

— Зур! — деди Женя ҳам ҳазилга мойил оҳангда. — Фақат тепа совуқроқ-да.

— Гапириб тур, исиб кетасан. Мениям уйқу оляпти.

— Латифа айтиб берайми?

— Айтавер, — деди Акбар эрмак топилганидан хурсанд бўлиб.

— Омма-лекин кўзингга қараб юр... Бир сенга ухшаган ўзбек десантчиар қисмига хизматга тушибди. Кунларнинг бирида кечаси туш қурибди. Тушида онаси:

— Эртага самолётдан сакрамагин, парашютинг очилмай қолади, — дебди.

Ростдан ҳам эртасига парашютдан сакрашадиган бўлишибди. Ҳамма сакрамидиш-у, боғти ўзбек жойида утирганмиш. Зобит сабабини сўраса, тушида онаси қилган башоратни айтибди. Зобитнинг жаҳли чиқиб, «Ма, менинг парашютимни олақол» дея, ўз парашютини унга берибди. Ўзбек сакрабди, парашюти очилбди ҳам, қўшиқ айтиб тушиб келаётса, тепадан бир нарса визиллаганча кулаётганмиш. Қараса, ҳалиги зобит экан. У қўлаб бораркан, қичқирибди:

— Онангни ушлаб олсам!..

Акбар маза қилиб куларкан, Женяга:

— Уша зобит хахол эмасаканми? — деди-ю тагин шарақлаб кулиб юборди.

Акбарнинг камтарона лутфи командирини ранжитмади, чунки Женя украиналик эди. Уларнинг бир-бирларига қилаётган бунақа ҳазиллари на биринчиси, на охиригиси эмасди.

Ўфқ оқара бошлади. Йўлнинг икки четидаги басавлат дарахтларнинг япроқлари қўшининг илк нуралини ҳис қилгандай, тонгги шабадада тебрана-тебрана ялтирайди. Осмон ҳам гўё табассум этгандай лабининг икки чети қайрилиб, очилиб боради. Мана шу осуда, алланечук гамгин гўзаллик оғушида уруш кетаётганига сираям ишонмайсан киши.

Бир оздан сўнг зериқди шекилли Женянинг овози эшитилди:

— Латифа ёқдими, Акбар?

— Жуда! — деди Акбар овози жаранглаб.

— Агар урмай қайтсак, латифа учун битта палов қилиб берасан, буптими?

— Бупти...

Бу сафарги сим орқали суҳбат узоққа чўзилмади. Карвон Ҳирот шаҳрига кириб қолганди. Энди барчанинг вужуди қулоққа айланади. Ҳар тугул душманда ҳам ҳуфьялар бор бўлса, ҳайрон қоларди жойи йўқ, улар яширин маълумотлар олиб турсалар сираям гайриоддий ҳол бўлиб туюлмаслиги керак. Уларнинг шундай катта карвондан беҳабар қолишлари асло мумкин эмас. Хужум қилишга ҳаддилари сигадами-йўқми — энди бу бошқа масала.

Карвон шаҳарнинг ўртагойдан чапга бурилди. Бу йўлни Акбар яхши биларди, ҳадемай Қандаҳор деган бозор келади. Кучанинг икки бети кичкина-кичкина дўкончалардан, турли ҳунармандчилик расталаридан иборат. Бозорнинг рўпарасида каттагина майдон ҳам бор. У ерга Акбар кўп борган. Албатта ҳали дўконларнинг аксари очилмаган, очилганларининг ҳам эгалари теварак-атрофни супуриб-сидириш билан овора. Сотувчилар даҳшат солиб ўтиб бораётган ҳарбий карвонга ҳадиксираб қарашади, «кофир шўравийлар»нинг даб-дурустан отиб қолишларидан қўрқишади. Бозордан озгина юрилгач, қишлоқ бошланади. Аслида-ку кўҳна Ҳиротнинг ҳам биз қуриб ўрганган шаҳарларга нисбатан олганда шаҳар дегулик аҳволи йўқ эди. Қишлоқлари эса... Паҳсадан қурилган пастак уйлар, баъзиларининг болаҳонаси ҳам бор. Бу пастак уйларга кирган одамнинг адашиб қолиши ҳеч гапмас. Уларнинг эшиклари жуда кичкина бўлиб, баъзан ер ости ҳужрасига олиб тушса, баъзан томнинг тепасига олиб чиқарди, шунақа «серзшик» ва «серимкон» афғоний уйлар. (Ҳозиргача одамлар орасида юрган ва ҳайратта солган гаплар — шўролар афғонларнинг бир қишлоғини самолёту тўпалардан роса ўққа туттишганидан сўнг қарашса, биронта ҳам улик чиқмабди, деган каби шов-шувлар ҳам асосли бўлиб, унинг сабабчилари афғонларнинг ўша «серимкон» уйларидир).

Бир қанча қишлоқларни ортада қолдириб, ниҳоят карвон дашт ора-  
лаб утадиган йўлга чиқиб олди. Бу йўл торроқ бўлишига қарамай бето-  
ндан эди. Йўлнинг бир ёни пастак-пастак дўнгликлардан, баъзан-баъзан  
учраб тургувчи икки дўнғ ўртасидаги чуқур ўпқонлардан иборат эди.  
Чап томон эса текислик, бир қақиримча нарида қатор уйлар, дараклар  
кўришни турар, бу ён кета-кетунча қишлоқ ва яна қишлоқ. Йўлнинг  
ҳар икки томонини ҳам қуёшнинг беаёв тафтида, туннинг илиқ шамол-  
ларда саргайган даштнинг қаттиқ ўт-ўланлари босганди. Иккала тараф  
ҳам очикдайк, душманнинг яқинлашиши мушкул бўлганлиги сабабли  
танк ва «БТР»ларнинг командиру ҳайдовчилари «паходний» ҳолатда  
боришарди. Бу дегани — командирлар ўз «туйнук»ларидан чиқишиб,  
танк гумбаз устига ўтириб олишади, ҳайдовчилар эса ўриндикларини  
кўтариб, бошларини чиқарган ҳолатда машинани бошқаришади. Ҳар  
қалай, жангчиларга «жанговар» ҳолатда димқиқ кетгандан кўра дашт  
шамолига ошно «паходний» деганлари авлороқ эди.

Карвон бошидаги гилдиракли машиналар қўққисдан тўхташди ше-  
килла, орқадаги танклар бир-бирларини «сузиб» юборишларига сал  
қолди. Акбар ҳам ўз машинасини зўрга тўхтатди. Лекин шу пайт бир  
нарсга ваҳимали тарақлади-ю, Акбарнинг танки одинга силкинди кетди.  
У туйнугининг четига зарб билан урилди. Аввалига эсанкираб, оғзию  
бурнидан оқаётган қонни қўли билан арта-арта танкдан чиқиб, ортига  
қаради. Не кўз билан курсинки, ортидаги Чувашнинг танки унинг тан-  
ки устида тарозининг посангисидек лангиллаб турарди. Чуваш ўз маши-  
насининг ўнг ёнбоши билан одиндаги танкнинг чап қаноти устига уни  
эгиб, синдириб чиқиб кетганди. Бунақа «акробатик усул»ни атайлаб  
ҳам қилиб бўлмасди. Аммо Акбар ҳали энг даҳшатли манзарани сезма-  
ганди. Атрофидаги кўзлари ола-кула бўлган одамларнинг ваҳимали чин-  
қиришини эшитиб, ўз танкнинг гумбазига қаради. Гумбаз қип-қизил  
қон эди. Командирнинг туйнугидан битта қўл чиқиб турар, у ҳам қонга  
буялганди. Акбар саросима ичида туйнукка мўралади, у ердаги Жени-  
нинг бошсиз танасини кўриб, чинқириб юборди. Бу орада зобиту ас-  
карларнинг бир қисми ёрдамга етиб келишди...

Ҳали ҳеч ким тузукроқ англаб етмаган бу ҳодиса шундай бўлганди:  
Акбар ўз танкини аранг тўхтатиб қолган бир пайтда, ҳали «пишиган»  
Чувашнинг машинаси орқасига келиб урилган ва тепасига чиқиб кет-  
ган. Тепасига чиқиш асносида гумбаз устида ўтирган Женининг боши-  
га танк замбараги тегиб, чўрт узиб юборган. Шўрлик Женининг калла-  
си учиб бориб, одиндаги танкнинг устига тушган. Иккала танк ҳам  
қип-қизил қонга буялган. Биз узоқ тасвирлаб берган бу воқеа жуда  
тезликда содир бўлди. Кўпчиликнинг бу мудҳиш манзарадан кўнгли  
беҳузурланди, танк устида тиззалаб қолган Акбар ҳам ийги аралаш  
ўқчирди. Узларини тутиб олган бир-икки жангчи ва санитарлар Жени-  
нинг танасига бошини қўшиб ўрашди-да, аскарлар «таблетка» деб  
атайдиган пастак тиббиёт машинасига жойлашди. Латталар билан танк-  
ларнинг устини артишди, табоботчилар Акбар ва Чувашнинг жароҳат-  
ларига дори-дармон қилишди.

Булиб ўтган ҳодиса жуда даҳшатли эди, у жангчиларга, айниқса,  
Акбарнинг руҳиятига таъсир қилмай қолмади. Унинг бутун вужуди  
титрар, боши айлиниб, кўнгли айнирди. Худди томоғига бир нарсга  
тиқилиб қолгандай қайта-қайта ўқчирди. У қўлидаги шлемафонга ҳали  
эътибор бермаганди, ўз жойига ўтираркан, шлемафонни кияётиб унга  
сачраган қон юқларини кўриб, баттар кўнгли нохуш бўлди. Алоқа воси-  
тасисиз машинани бошқариб бўлмаганидан, галати олайиб қолган кўз-  
ларини қаттиқ қимтиб, ҳарибийча бош кийимни кийди.

Уларнинг экипажи бир кишига камайди, Женининг ўрнига танк  
отувчиси Слава ўтирди, чунки командирсиз машинани бошқариш муш-  
кул эди. Агар отишга тўғри келса, бу ишни ҳам Славанинг ўзи бажара-  
диган бўлди. Энди Акбарнинг танки гўё думи юлинган қушга ўхшаб  
қолганди. Чувашнинг «муруввати» туфайли Акбар шўрлик ўз машина-

сининг чап занжирдан отилган лойу тупроққа беланадиган бўлди.  
Танкнинг чап қаноти тузуккина пачоқланганидан занжирдан отилган  
лойларни тўсиб қолаолмасди. Иккита тишидан айрилган, бир йигитнинг  
ўлимига сабабчи бўлган, кўзи тўла ёш, оғзи-бурни қон Чувашнинг ўр-  
нига взвод командири ўтирди. Бечора Чуваш қўрқув ва зарбдан узини  
бутунлай йўқотиб қўйганди.

Тахминан саксон-тўқсон қақиримча йўл юришгач, пешинда манзил-  
га етиб боришди шекилли, карвон тўхтади. Атрофи турли сабзавотлар  
экиган шудгор бўлган катта қишлоқни оғир машиналар билан ураб  
олишди. Разведкачилар ва пиёдаалар ўз машиналарида қишлоққа яқин-  
лашиб, баъзилари қишлоқ ичига кириб, берилган топшириқни бажар-  
иш билан овора бўлишди. Акбар буюрилган нуқтага танки ҳайдаб  
бораркан, пайҳон бўлаётган, танк занжирлари остида мажақланаётган  
экинларни кўриб, юраги ачишиб кетди. бу манзара Женининг ўлими-  
дан сўнг бутунлай аянчаи аҳволга тушиб қолган Акбарнинг бағрини  
баттар тилка-пора қилиб, ўз хонадонини, болалигини ёдга солди. Кўз  
пайтлари бутун қишлоқ ўзининг мол-қўйларини ҳосили терилиб, қоп-  
қорайган гўза ичига қўйиб юборарди. Шундай кезларда баъзан Акбар-  
ларнинг ҳўвласига чавра'нинг очик жойидан бир-иккита мол кириб  
олар, ҳали етилмаган сабзиларни эзиб-мажақлаб ея бошларди. Гоҳо  
отаси, гоҳо ўзи молларни жигибйронлари чиқиб, сўкинчишиб, калтак-  
лашиб ҳайдашар, пайҳону ерпарчин бўлган сабзиларга ачинишиб қоли-  
шарди. Ҳозир ўша молларнинг ўрнида ўзини кургандай бўлди, аммо  
уни, уларни ҳайдагувчилар кўринмасди. Йўқ, у зига қарши жанг қи-  
лаётган одамларни ватанпарварлар деб эмас, душман деб биларди, ҳа-  
қиқатни англагунича ҳали анча йиллар ўтади (унга эслатишади). Ҳозир  
у урушнинг офатини, даҳшатини, жароҳатларини ҳис қилаётгандай  
туюлар, бу туйғу анови экинларга жони ачишда кўринаётгандай эди.

Шудгор оралаб бораркан, сув оқиб турган катта ўқарикдан ўтаё-  
тиб танки ботиб қолди. Танкнинг бир-икки силкиншидаёқ лойга  
айланган ер анча юмшоқ эди. Акбар билан Слава танкдан тушишиб,  
атрофини кўздан кечиришди, осонликча чиқариш мушкул эди, ёрдам  
келмасга бўлмасди. Слава алоқа орқали кўмак сурамоқчи бўлиб тургани-  
да рўпарада комбатнинг танки кўринди. У етиб келиб, ўзининг ёқимсиз  
тиржайиши билан Акбарга қаради.

— Ҳа, Ислом лашкари, нима бўлди? — дея сўради масҳара қилган  
дай.

Акбарнинг гаши келди, улганининг кунидан тишини-тишига қўйди.

— Ботиб қолдик, — деди, «Кўриб турибсан-у» деган оҳангда.

— Кўзинг қайқда эди?..

— Атайлаб қилганимиз йўғ-у, ўртоқ подполковник!

— Шунақами?.. — Комбат шундай деркан одати буйича лабини  
қимтиганди, кичкинагина қўнғиз мўйлови баттар баракасини йўқотди.  
— Унда, қаңдай ботган бўлсаларинг, шундай чиқарасизлар энди! —  
деди-ю, танкига ўтириб жўнаворди.

Акбарнинг танк мўрисида чикқан тутун, лой ва чанг қоришиб,  
қорайган озгин юзи аламдан тиришиб кетди.

— Ҳе онангни!.. — деди-да, четта туфлади, Славага ўтирилиб, —  
тамакидан ол, — дея, танкнинг ёнбошига чўккалади.

Экипажнинг учала аъзоси ҳеч нарсга ҳафсалалари бўлмай, хомуш  
тамаки тугатишаркан, ҳар замон-ҳар замонда газаб билан хўрсиниб  
қўйишарди. Ҳадемай улардан элик қадамча нарига бир тапк келиб  
тўхтади, замбарагини тушириб, қишлоққа тўтрилаб қўйди. Чамаси, ком-  
бат душман ҳужум қилиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, алоқа орқали  
уларга «қуриқчи танк» йўллаганди. Йигитларнинг баттар жаҳди чиқди,  
ичиқоралик ҳам шунчалар бўладими, ахир уруш кетаётганини билади-

<sup>1</sup> Чавра — шох-шаббалардан қилинган тусиқ, девор.

ку уша хунаса. Бир кунгиллари қисм командирга комбатнинг қилигини хабар қилишмоқчи бўлишди, бироқ ҳарбийда чақимчилик йигитчиликдан эмаслигини уйлашиб, фикрларидан қайтишди. Агар хабар беришса, подполковник Бундюковнинг номига чакана ган бўлмасди. Унинг ёш боладай қилган иши уруш ҳолатининг ҳеч қандай қонунойдасига тўғри келмасди.

Экипаж тамакини чекиб бўлгач, белкуррак ва бошқа керакли буюмларни олиб, танкни ўқариқдан чиқаришга киришди...

Кечгача ҳеч қандай ҳодиса рўй бермади, отишма ҳам бўлмади. Акбарлар лойдан чиқишгач, буюрилган нуқтага бориб туришди, кечгача дам олишди, тамадди қилиш билан овора бўлишди. Шом пайти отишма бошланди. Ҳаммаёқ шовқин-сурон бўлиб кетгач, танкчиларга ҳам қишлоққа киришга буйруқ бўлди. Улар замбарак ва пулемётларидан ўт очишиб, қишлоққа ёриб кира бошлашди. Акбарлар қишлоқнинг дастлабки деворига яқинлашганда, уларга қишлоқни ўнг томондан айланиб ўтиб, душманнинг орқасидан зарба бериш ва чекинганларини йўқ қилиш топширилди. Тун қоронгусида, улкан машиналарнинг кучишларида кўтарилган қуюқ чанг остида танкни «жанговар» ҳолатда бошқариш жуда мушкул эди. Аввало, бурун ва оғизга тўлган чанг нафасни бўтса, зим-зиё қоронгулик одамнинг юрагини ҳам тоғ янглиғ эзиб, сиқарди. Акбар шу аҳволда танкни ҳайдаб бораркан, қишлоқ четидаги тупроқ йўл тутаб, саёз, аммо энига кенгроқ бўлган анҳорга रुपара келди. Анҳор чеккасида бир оз тўхтади. Слава танк замбарагини орқага буриб олгач (ерга тегиб қолмаслиги учун), сувни кечиб ўтиб, чапга бурилди. Йўлнинг ўнг тарафидан биз аввалроқ тасвирлаган дўнгликлар, яъни адирларнинг бошланиши бўлиб, шерикларидан ажраб ёлғиз бораётган танк экипажининг юрагига гулгула солар даражада, совуқ нигоҳ каби хўмрайиб турарди. Туйқусдан танк бир неча бор «пиқ-пиқ» қилди-ю, ўчиб қолди. Акбар жон ҳолатда ёқилги ҳайдовчи насосни қимирлата бошлади. Славанинг ҳарчанд шоширишига қарамай, бу ҳол ун дақиқадан зиёда давом этди-ю, охири Акбар машинанинг орқасини очиб кераклигини айтгач, қўл чироқни олишиб, ташқарига чиқинди. Қишлоқ тарафда ҳамон тинимсиз отишма борар, ҳатто булар-томонга ҳам дайди ўқлар учиб турарди. Уқловчи Расул автоматини ҳозирлаб, атрофни кузата бошлади, машинанинг «ичак-чаваги»ни ковалаётган Акбарга чироқ тутиб турган Слава қўққисдан тиззасига шанатиллаб, сўхиди:

— Командирга хабар қилмабмизу!.. — деди Акбарга қарата.

Ҳақиқатан ҳар бир ҳодиса ҳақида аввало тезлик билан взвод ёки рота командирга хабар қилиш керак эдики, шу бутун командир бўлиб қолган Слава бунақа нарсаларга ҳали кўникмаганди.

Слава ўзларининг аҳволи ҳақида эндигина командирга хабар бераётганда Расул ўзбекчалаб бақирганча автоматини ҳам ташлаб, орқа томонга қоча бошлади:

— Акбар, қочинглар! Босмачилар! — деди у икки-уч бор қичқириб.

Акбар нишон бўлиб қолмаслик учун дарров қўл чироғини ўчириб, ёрудан хиралашган кўзларини атрофга тўқди. Ҳақиқатан дўн томонда тўрт-бешта одам шарпаси кўринди.

— Слава, танкни ташлаб кетолмаймиз!.. Автоматни ол! — деди Акбар, уқловчи ташлаб кетган автоматни ўзи олиб, мурватини босаркан.

Душман томондан кетма-кет ўқ узилди, қочиб бораётган Расул бир чинқирди-ю, қулади. Акбар билан Слава танқдан ириб тушишиб, унинг панасига ўтишди, автоматларидан қаторасига ўқ қўйинди. Шу пайт орқадаги девор устидан ошиб ўтган икки одам уларга ташланди. Уларга биринчи бўлиб кўзи тушган Акбар бақирди:

— Слава, орқада!..

Аммо Слава угирлашга улгурмади, сақасига тушган милтиқнинг қўндоғи зарбидан хушсиз бўлиб ерга йиқилди. Акбар уларнинг бирига автомат тўғрилади, аммо юзига урилган мушдан орқага гандираклаб

кетди, қўлидан автомати учди. Яна ҳамлага шайланган рақибининг зарбага чап бериб, унинг кўкрагига тепди. Рақиб ерга қўлаган ҳамано ўзи ҳам буйни аралаш урилган оғир зарбдан ҳушини йўқотди, кўзлари тиниб, ҳатто овоз чиқаришга ҳам мажоли етмади. Бу пайт дўнглик томондаги шарналар этиб келишиб, шерикларига кумаклаша бошлаганди. Боя Акбар бурилган муюлишда икки танк кўринган маҳал улар иккала «шўравий»ни кўтарволишиб, югуришганча дўнгликка ўрлашарди...

Акбар кўзини очиб, нима бўлганини, қаерда эканлигини эслолмади, тушунолмади. Ердан бошини кўтармоқчи бўлувди, буйнию елкалари зирқираб, боши яна ерга қайтиб тушди. Узидан қўланса ҳид келаётганини сезди. Ҳиддан бир оз бўлса-да узоқлашиш ниятида чалқанча ётмоқчи бўлиб, қўл-оёғи маҳкам боғланганини фаҳмлади. Ана шунда юраги орқага тортиб, қўрқувга тушди, ҳатто йиғлаб юборай деди.

— Ё Худо-о!.. — дея пичирлади. Шунда унинг нигоҳи ташқаридан туйнук орқали тушган оловнинг тўлғонаётган ёрутини илғади. У ердан одамларнинг овози ҳам келар, чамаси, олов ёқволди, намоз ўқишарди. Чунки у ҳар замонда эшитилиб қолган «Оллоху акбар» деган жумлани тушунди, холос. Наҳотки асирга тушган бўлсам?! Наҳотки кўним биттан?! Унинг кўзлари ёшга тўлди, овоз чиқармаслик учун лабларини кўзларини қаттиқ қимтиди:

— Эй, Худо-о!..

У буйнининг огришига қарамай, атрофга аланглай бошлади, орқасида қўл-оёғи боғлиқ ҳолда чўзилиб ётган Славага кўзи тушди-ю, дарров таниди. Ёнида шериги борлигидан ҳатто аввалига хурсанд бўлди, аммо тутқунлик даҳшати барибир устун келиб, ўзининг тушкун ҳолатига яна қайтди. Слава томонга чўзилиб, секин шивирлади:

— Слава!.. Эй, Слава!..

Слава индамади, у ҳамон ҳушсиз ётарди. Бу Акбарни баттар эзиб, улангининг устига тепган бўлди...

Улар шу кўйи узоқ ётишди. Тонг ёришганда Слава ҳам ўзига келди. Иккови бир-бирини сўроққа тутушиб, бўлиб ўтган воқеани эслашга ҳаракат қилишар, ўзларини бу мудҳиш урушга йўллаганларни тинмай лаънатлашарди. Юраклари безовта ураб, бизларни нима қилишаркин, деган таҳликали савол ортидан умид ўчқунларини излашарди. Ҳа, улар «Бизларни нима қилишаркин?» дея бир-бирларидан тез-тез сўраб қўйишар, лекин саволлари доимо жавобсиз қоларди. Жон ширин эканлигини кўпчилик яхши билади ва оғир аҳволда қолганда бу фикрни эътироф этишдан уялмайдиғанлар ҳам қанчалаб топилади. Иккала йигитнинг келажаги ноён бўлган тақдирлари уларга худди ана уша биз юқорида айтиб ўтган фикрни баралла, овозларининг борича эътироф этишга моънелик қиларди. «Балки ўлмасмиз!» деган умид уларнинг онгларида ҳар замон бир ўчқунланиб, нафас олишни ҳам унуттаёзган бўғизларидан оз бўлса-да, ҳаво ўтказиб турарди. Ичларидан таърифсиз бир нидоми, нолами отилиб келар, кўзларига ёш тўлиб, бутун вужудлари тўлғониб, «Мен яшашни истайман!» дея наъра тортиларди келар, аммо боғи «йилт» этиб қўйгувчи учқун бу наърани бўғиздан қайтариб юборар ва улар қийнаа-қийнала ютинишиб қўйишарди.

Қўёш анча кўтарилганда уларни эслашди. Қимирламай ётаверишганидан зах ва совуқдан қалтирай бошлашганди, устига-устак сиқиб боғланган оёқ ва айниқса, қўллари увишиб қолган, қон ўтмаганидан таналари зирқираб огрирди. Эшиқдан энгашиб кириб келган одам жуда савлатли бўлиб, қуюқ қора соқол-мўйловли, қошлари ҳам шунга мутаносиб қопқора ва усиқ эди. Туйнукдан тушиб турган ёруққа тескари



турганлиги учун унинг афти баттар қорайиб, янада даҳшати тусга кирганди. У камзули устидан энлик камар боғлаб, ўнг биқинига тўпшонча, чапига каттақон пичоқ осиб олганди.

У кира солиб, тирикми-йўқми, дегандай иккала аскарнинг қорнига теңди. Улар ихраб бошларини кўтаргач:

— Ҳа, шўравий... — деди-ю, ўз тилида нимадир деб сўқди. Сўнг ёнидан пичоғини чиқариб, икковининг ҳам оёғидоғи арқонини қирқиб ташлади. Аввал Акбарни оёғи билан туртиб, «тур» дегандай ишора қилди. Акбар ҳам ҳолсизликдан, ҳам қўли боғланганлигидан арағи кўзголиб ўтирди, лекин оёқларини қимирлатолмади. Қора соқол Акбарнинг ўнг қўлигидан олиб, бир силтаб ўрнидан турғизди. Аммо Акбар гандирақлаб, оёқлари букилиб, деворга суянганча тиз чўкиб қолди. Шунда у оёқларидан қон юра бошлаганини аниқ ҳис қилди. Қора соқол эса тинмай нималариндир жаврар, чамаси, уларни буралайтиб сўқарди, шу орада Славани ҳам оёғи билан турткилаб туришга ундарди. Акбар бирпас нафасини ростлаб олгач, елкаси билан деворга тираниб, ўрнидан турди. Кетма-кет оёқларини силкиб, увишганини ёзган бўлди, кейин бориб Славага елкасини тутиб, унинг ҳам туришига ёрдам берди.

Қора соқол уларни турта-турта ташқарига олиб чиқди. Рўпарадаги дарахтнинг тағига ўтқизди-да, ўзи эса нарироқда чилим тортиб ўтирган уч шеригининг олдига кетди.

Акбар билан Славага жон киргандай бўлди. Улар ўтирган жойга қуёш нурлари баралла тушар, ер ҳам офтоб тафтида анча олиб қолган, бунинг устига энди уларнинг оёқлари ечилганлиги учун бемалол уза-тиб, роҳатланишлари мумкин эди. Акбар офтоб тегиб, юз ва буйинлари, умуман, бутун бадани жимирлай бошлаганини аниқ ҳис этар, тана-сида гуллар очилаётгандай туюларди. У қуёшнинг ёруғига дош беролмай, ҳиёлигина очилган кўзлари билан атрофни кўзата бошлади. Улар турган жой кимнингдир ташқи ҳовлиси эди, атроф паҳса девор билан ўралган, ўртадаги турли меваю экинлар шундан дарақ берарди. Улар чиққан молхонанинг чап тарафида уч хонали пастак уй бўлиб, кичкинагина болахонаси ҳам бор эди. Ана уша уйнинг олдига ҳалиги одамлар бири ёнбошлаб, бири ўтирволиб, чилим тортишарди. Қуролларини ҳам ёнбошларига қўйиб олишганди. Қолганлари «шўравийлар» билан уруш қилаётган бўлишса керак, манави туртови эса ҳойнаҳой асирларни қуриқлаш учун қолишган. Улардан бир оз наридаги қўш тавақали ёғоч дарвоза ичкаридан тамбаланганди.

Икковлон пешингача шу алфозда ўтиришди, унганча улар билан ҳеч кимнинг иши бўлмади, бояги туртови улар томонга баъзан-баъзан қараб қўйишса ҳам олдиларига яқинлашишмади. Акбарнинг кўзи илиниб, пича мизғиб ҳам олади, илло, тунги қўрқув ва ҳадиклар ҳартугул бир оз бўлса-да сусайганди. Эҳтимол бу ҳолатнинг пайдо бўлиши ановларнинг ҳозирча беозорликларидан, булар билан ишлари бўлмаётганлигидандир...

Пешинда бу заминнинг эгалари овқатта уннай бошлашди, ҳовлининг Акбарларга орқа бўлган тарафидан битта товуқ олиб келишиб, сўйишди, патларини тозалашди, сўнг қозонга босишди. Овқатлари тайёр бўлгач, туртовларни намоз ўқишди. Намоздан кейин улардан бири — озингрокдан келган, истарали, бошига энгил оқ қалпоқ кийиб олгани асирларга яқинлашди. У Акбарга бирпас тикилиб турди. Акбар эса ҳадиксираб, кўзини олиб қочди.

— Мусулмонмисан? — дея сўради у афғончалаб.

Аввалига Акбар чўчиброқ «ҳа» дегандай бошини силкиди, кейин бир нарса эсига тушгандай:

— Алҳамдулиллоҳ!.. — деди паст овозда.

Бояги одам унга галати қараш қилди.

— Қаерликсан?

— Ўзбекистонлик, — дея жавоб берди Акбар бирор нарсани уқиб олиш учун унинг кўзларига тикиларкан.

— Ўзбекмисан?

— Ҳа.

У соф ўзбекчалаб:

— Ўзбекистонлик эмас, туркистонликман, дегин, — деркан, бир қовоқ уйиб қўйиб нари кетди.

Акбар суҳбатдошининг ўзбек эканлигидан хурсанд бўлиб, юрагига бир оз ёруғлик тушди. Лекин унинг охириги гапини тушунолмади, нега энди туркистонликман дейиши керак, ахир у Ўзбекистондан-ку. Акбарнинг бу гапларни тушунмаслиги табиий эди, чунки у оддийгина урта мактабни битирган, қишлоқнинг оддийгина боласи эди-да. Турк, Туркистон деган сўзларни умуман билмасди...

Овқатнинг қозондан кўтарилаётган иштаҳани қитиқловчи ёқимли ҳиди қоринлари оч бандиларнинг ичини қақшатиб, оғизларига сўлак тўлдирди. Акбар ганимларининг овқат беришидан умидвор бўлмаса-да, беихтиёр қозон томонга қайта-қайта қараб қўярди. Балки «умидвор эмас» дея хато айтгандирмиз, аслида бояги миллатдошининг албатта яхшилик қилишига, ҳеч бўлмаса овқат-повқат беришига негадир ишонарди ҳам. Уни умидсиз қилган нарса эса бошқа воқеа эди: ўшанда Акбар ва унинг тенгқурлари яқиндагина «Союз»дан келишган эдилар. Бир куни қисм навбатдаги рейддан қайтди, аскарлар кир-чир, қорайиб кетилган, машиналарга эса умуман қараб бўлмасди. Бир маҳал тиббий машиналардан кетма-кет аллақанча ўликларни тушира бошлашди. Уликлар жуда аянчли аҳволда эди — бирининг қорни ёрилиб, ичак-чавоғи чиқиб ётган бўлса, баъзиларининг бирор аъзоси узилиб кетган ёхуд буткул қонга беланганлари ҳам бор. Зобиту жангчиларнинг кўзида ёш, лекин ҳали бунақа нарсаларни кўриб улгурмаган ёш аскарлар бўлса йигидан ҳам кўра қўрқувдан қалт-қалт титрашарди.

Маълум бўлишича, шаҳид йигитлар пистирмага тушиб қолишибди. Катта талафот қурган «шўравийлар» пистирмагагиларнинг ўн нафарини қўлга олишга ҳам муваффақ бўлишбди. Ун нафар асир қўллари боғланиб, штабнинг девори тағига ўтқазилди, афғидан, улар роса калтакланганди. Уларнинг атрофини ўн бир сафдошдан айрилиб, кўзлари қонга тулган шўро аскарлари ураб туришар, яхшики, асирларга иккита қуроли соқчи қоровулик қилар ва айниқса, қўлига тўпшонча ушлаган айиқмондан бир майор ҳар дафъа тутқунларни мажақлаб ташлаши мумкин бўлган оломонни дўқ билан тўхтайтиб турарди. Ўшанда нима бўлди-ю, майорни кимдир чақирди ва у бирпасгагина қаёққадир кетди. Оломон соқчиларни ҳам писанд қилмай, асирларга ташланди, бақир-чақир билан уларни тенкилаб ташлади. Жайдари қасос узоққа чўзилмади, майор тўпшончасидан осмонга бир неча бор ўқ отиб, югурганча келиб қолгани ҳамоно аскарлар тарқалишди. Лекин сўқир оломон ўзи ишини қилиб улгурганди, бандиларнинг иккитаси ўлган, қолганлари ҳам бир аҳволда — баъзиларининг кўзлари ўйилган, боши ёрилган қўйи чала ўлик ҳолга келишганди...

Акбар шуларни ўйларкан, овқатдан бутунлай умидини узмоқчи бўлиб, юзини бошқа ёққа бурди. Аммо ичида очлик ўз ҳукмини ўтказар, ичаклари гулдайраб, қорни ачишганга ўхшарди. У шу қўйи ўтириб, ҳалиги ўзбекининг қўлида коса билан рўпарасига келганини ҳам сезмади. У косани ерга қўйиб, Акбар билан Славанинг қўлини ечишга тутинди. Косада бир парча гўшт ва бир турғам нон бор эди. Акбар қўли ечилгач, билмакларини уқалаб, қон юргизди, миллатдошига миннатдор жавдирарди. Миллатдоши ҳамон қовоқлари уйилиб «ол» дея косага имо қилди. Балки Акбарнинг ўрнида бошқа биров бўлганида қўлини ҳам ювмай, овқатни ермиди, лекин танкнинг мойи, чанг ҳамда бояги молхонанинг балчиғига беланиб, қоп-қорайиб, ҳидланиб кетган қўллари билан овқат ейишга кўнгли бўлмади-да, саҳий мужоҳидга гуё қўл юваётгандай ишора қилди. У эса қиёфасини ўзгартирмай, нарироқда турган обдастани кўрсатиб, имлади. Узини овқатнинг устига ташлашга тайёр турган Слава ҳам ноилоҳ Акбарга эргашди, иккала си юз-қўлларини



бир нави ювган бўлишиб, овқатни баҳам қуришди. Овқат оз бўлса-да, ҳартугал, нафслари ҳаловат топди.

Одамзот қизиқ-да ўзи кўрмаган, эшитмаган нарсалари унга сирли туюлаверади ва у ўша нарсадан ҳадиксирайди, гоҳо қўрқади ҳам. Энди Акбар ва Славанинг вужудини қамраган тунги қўрқув бутунлай тарк этган, тамадди қилишгач, қўлларини тагин боғлаб қўйишган бўлишса-да, уларнинг анча бардам тутишар, пастроқ овозда у ёқ-бу ёқдан гаплашишарди ҳам. Тўғри, бу икки йигит кўнглининг алақаерида уруш тутқунларига хос ҳадик ҳам йўқ эмасди. Хуллас, яқиндагина даҳрий бўлган иккала «шуравий» художўйга айланишиб, Оллоҳдан паноҳ тилашарди...

6

Шомга яқин узоқдан ўқ овозлари эшитила бошлади. Асирлар ўз ватандошларининг яқинда эканликларидан бир қувонишса, душманларининг устунликларидан аламзада бўлган анави афгонлар ўддиришмасмикин, дея бир юракларига гулгула тушарди. Оқ қалпоқли ўзбек Акбарнинг олдига келиб ўтирди.

— Исминг нима? — дея сўради у.

— Акбарали, — деди Акбар бир кўзголиб олиб.

— Ўзбекистоннинг қаеридансан?

— Андижондан.

Оқ қалпоқлининг кўзлари галати чақнаб, Акбарга бирпәс тикилиб қолди. Чамаси, унинг кўзларида ёш ҳам айлангандай бўлди, лекин Акбарнинг юраги ҳадиқа, ҳаёлида жон қайгуси бўлганлиги учун буни сезмади ёки эътибор бермади.

— Андижондан бўлсанг, Заврақ деган жойни биласанми? — сўради у энди бутунлай бошқача, балки мулоимроқ овозда.

Акбар пича эслаган бўлиб, билмаслигини айтди.

— Отам раҳмати! Завроқни шундоққина Андижон шаҳрининг юқорирогиде дерди. — Оқ қалпоқли билинар-билимас хурсинди. — Менинг ота-боболарим ҳам ўша томонлардан қочиб... Отам олти йил бурун Андижонни соғина-соғина қазо қилди...

У жим қолди. Бу пайтда Акбарнинг ўй-фикри омон қолиш-қолмаслигини суҳбатдошидан тезроқ билиш эди, холос. Оқ қалпоқли гуё унинг фикрини уққандай, деди:

— Мен сени қўтқараман. Агар Ватанимизга (ҳа, у айнан шундай деди) эсон-омон етиб борсанг, Заврақни топиб, ўша ернинг қабристониде менинг отам мулла Муҳаммад Ҳомиднинг ҳаққига бир бор тиловат қилгин! Шуни бажарсанг бас...

Акбарнинг ичида бир нарса портлагандай бўлди, ҳатто қичқириб юборишига оз қоли. У ҳалитдан бери икки ватандошнинг суҳбатидан ниманидир умид қилиб, тикилиб турган Слагага имо қилиб, «у-чи?» дея сўради.

— Унингни қўйиб юборишмайди... У — кофир!.. — деди оқ қалпоқли қовоқ уйиб.

Шу пайт кимдир дарвозани тақиллатиб овоз берди. Нариде ўтирган Қора соқол бориб дарвозани очди. Қучадан қуролланган уч мужоҳид шоша-пиша кириб келди. Улар даврага яқинлашишаркан, тинмай нималарнидир сўзлашар, ўшқиритиб бир нималарни тушунтиришарди. Афтидан, улар қанақадир фалокатта йулиқишганди. Мужоҳидлар ҳамон жаврашаркан, бояги Қора соқол даврадан чиқиб, Славанинг олдига келди-да, унинг қўлларини ечиб, силтаб ўрнидан тургазди. Тургазди-ю, қорнига зарб билан мушт солди. Славанинг нафаси ичига тушиб, букчайиб қолди. Қора соқол энди унинг тўғри келган жойига тепа бошлади. Слава додлар, тинмай ўз тилида онасини қақирарди. Оғзи-бурнидан оққан қон бирпәсада бутун танасини қоплади.

Оқ қалпоқли ҳам нари кетди. У шериклари билан ниманидир гаплашиб яна Акбарнинг ёнига келди. Унинг қўлларини ечиб, ўрнидан тургазди. Шу пайт анча нарига думалай-думалай бориб, тепкилар зарбидан сулайиб қолган Славанинг бошини кўтарайтган Қора соқолнинг қўлида каттақон пичоқ ялтираб кетди. Оқ қалпоқли ўзбек унга афгончалаб нимадир деб бақирди, унинг овозидан сергаklangан бошқа шериклари югуриб боришиб, Қора соқол Славанинг бутзига пичоқ тортаётганида ушлаб қолишди.

Оқ қалпоқли эса Акбарга юзланиб деди:

— Ҳозир дарвозадан чиқиб, чапга юрасан. Рўпарадаги қир орқасидаги қишлоқда «шуравийлар»нинг туришиги. Оллоҳ насиб этиб, етиб олгин. Агар етоамасанг ҳам ўзингдан. Мен Оллоҳ олдидаги бурчимни бажардим. Юр! — У Акбарни дарвоза томон етақлади. Дарвозага озгина қолганда рўпараларида Қора соқол пайдо бўлди.

— Шумо мусулмон аст? — дея сўради у ҳунук тиржайаркан.

Акбар нима қилишини билмай, ёнидаги ватандошига термулди. Оқ қалпоқли афгончалаб Қора соқолга нимадир деганди, у бир қўл силтади-ю, Акбарнинг қорнига зарб билан мушт солди. Акбар инграб букчайиб қолганди, тиззаси билан оғзига урди. Унинг оғзи-бурни қипқизил қонга бўялди. Оқ қалпоқли барзангини нарига суриб, Акбарни ўрнидан тургазди.

— Хафга бўлма!.. Жуна энди!.. — деди у тўғри овозда.

Акбар омон қолишига ишонқирамай, дарвозанинг олдига борди-ю, бирпәс туриб қолди, сўнг ўгирилиб, ёшли кўзлари билан Слава томонга қаради, Слава ҳамон ерда инқилаб ётарди. Икки ўт орасида қолган Акбар йиги аралаш ўрисчалаб ҳайқирди:

— Кечир мени, Слава!..

Слава базўр бошини кўтариб, бўғиқ овозда ёлворди:

— Мени ташлаб кетма, Акбар!..

— Кечир мени, Слава!.. Кечир!.. — Акбар ўгирилиб, дарвозадан чиқди, чапга бурилиб, қоронгулик қаърига сингиб кетди.

Ҳа, аллақачон зимистон бўлиб, ҳаёти қайтиб берилаган мусофирни ваҳимага олгулик важоҳат билан оламга тун ҳукмронлик қила бошлаганди. Акбар оёғи остидаги оқариб турган тупроқ йўлни илгарди, холос. Балки уни ҳам кўрса-да, шуури билан ҳис этмас, оёқларини тахминан ташлаб югуриб борарди. У йиғлар, йиғлаганда ҳам икки дунёсини унутиб телбаларча йиғларди. Миясида қоришиб кетган ота-онасию уйининг, тутқунликда қолган ва қисмати нима билан туташа номаълум бўлган Славаю ўлган ва ўлмаган биродарларининг ҳаёти, ўлим ваҳми уни шу аҳволга солганди. У йиғларди, машғум кўргиликларни, қўрқув кўланкасини, балки узини ҳам бутунлай унуттиш учун фикрати идрок этмаган ҳолда ўкириб-ўкириб йиғларди. Тупроқли тор кўчадан анча югуриб борди-ю, баланд деворга рўпара келди, йўл икки томонга айрилганди. У инграб юборди, ичидаги борки алам билан титраб, «эй Худо!..» деди-ю унга қайрилади. Оёқлари узига буйсунмасди, тили эса икки-учтагина сўзни тинмай қайтарарди:

— Худо!.. Буви!.. Бувижон!..

Қишлоқ жим-жит эди. Бир-икки ерда миалтираган чироқларни ҳисобга олмаганда ёруғдан нишон ҳам йўқ. Одамларнинг кўпчилиги урушдан узоқроққа кетиб қолишган, қолганлари ҳам жонларини ҳовучлаб уйларида ўтиришарди. Акбарнинг энг қўрққан нарсаси ҳам ана шу бирорта одамга рўпара келиш эди, чунки ҳар бир афгон учун ёлғиз «шуравий» тайёр ўлжа эканлигини у яхши биларди.

Ниҳоят ҳаёл каби узоқ чўзилган йўл ҳам тугаб, қоп-қорайиб турган кенгликка чиқиб қолди. Бу қорайиб турган нарса экинзор эди. Акбар оёғи остидаги ариқчага сезмасдан қадам ташлади-ю, ағдарилиб тушди.

Буви — она

Яхшики, суви оз экан, лекин биқинига урилган қаттиқ нарса жонини сугуриб олай деди. Уст-боши лой ва сувга ботган кўйи бир неча дақиқа инграб ётди, яна бор кучини йигиб, урнидан базур турди-да, овқларига муздек урилаётган, ҳозир нима эканлигини англаб бўлмас, экинларни эгзилаб, гандираклаганча югура кетди. Энди рўпарадаги адирнинг шақли қорайганча аниқ кўриниб турар, унинг ортидан келаётган турли қуроллардан отилаётган ўқ овозлари ҳам баралла эшитиларди. Уша қирдан ошиб олса бас, у ёғи гўё кунглидаги буюк умиднинг қўргони эди...

Адир устидан «шүравийлар» турган қишлоқни бемалол кузатиш мумкин эди. Ҳозир жанг бормас, шүро аскарлари қишлоқ ичида тунашга аҳд қилишгану барча техникаларни бир жойга тўшлашиб, айлана қўрғон ҳосил этишган, уйғоқ соқчилари тинмай турли қуроллардан ҳар тарафга ўқ ёғдиришарди. Шүравийлар ўзи шунақа — ўқ-дори сероб бўлгани боис душманни кўрмас ҳам уни қўрқитиш учун тинмай отишаверарди. Отилаётган ўқларнинг кўни «ёнувчан» бўлгани учун Акбар ўз шериклари турган қароргоҳни аниқ кўрди. Уша манзилни мулжаллаб қирдан қишлоққа тушди. Энди у анча ўзини босиб олган, мияси ҳам тузуккина идрок қила бошлаган эди, зеро энди кўчадан бемалол югуриб эмас, деворларни паналаб, тўхтаб-тўхтаб, атрофни кузатганча бориши лозим. Ҳар ҳолда чор-атрофда душман, бирортасига рўпара келиб қолса...

Мана, шундоққина деворни ошса бўлди, у ёқда ўз шериклари. Акбарнинг юраги орзиқиб, девордан сакрашига бир баҳя қолди, шу лаҳза миясига урилган «Отиб қўйишса-чи?!» деган фикр уни шаштидан қайтарди. У шу ерда турганча овоз беришга аҳд қилиб, орқа томонни бирпас кузатиб турган, шериклари тарафга қарата урисчалаб бақирди:

— Йигитлар! Ҳов йигитлар!..

Аммо у устидан тинмай учаётган ўқлар отилаётган қуролларнинг даҳшатли овози қичқирингани босиб кетишини ўйламаганди. Худди шундай бўлди. Бироқ Акбар чақиринишдан чарчамади. Ва ниҳоят ўқлар овози тиниб, тўғрисида турган танкнинг улкан чироғи ёқилиб, унинг қўзларига тушди. У урнидан туриб, девордан ошди, қўлаарини кўтариб яна бақирди:

— Йигитлар! Бу мен — шүро аскариман! Шүро аскариман! — У тўхтамай ҳайқарар, чироқ нурлари остида, қоқилиб-суқилиб, олга интиди. Унинг негидир мадори қурий бошлади, қўзлари тиниб, боши айланди. Ана, кимдир бақирди:

— Ҳимизники экан! Ҳимизники!..

Акбарнинг тиззалари букилиб ерга қўлади, ҳеч нарсани англамаётган бўлса-да, қўрқиб қолган лаблари ихтиёрсиз қимирлади-ю, уларнинг ортидан ожиз бир овоз келди:

— Мен Шүро аскариман!..

7

Ёдингизда бўлса, Абдуқодир билан Жамол кайфу сафо қилишиб бўлгач, дарё буйидаги майсаларга ёнбошлашиб, тамаки тутатишарди. Тун салқин, дарёларни қоплаган салқин шабада юз-қўзларини сийпалайди. Тағларигаги майса ҳам муздеклигидан танларига эрка бир ҳузур бахш этарди. Арақнинг кучидан қизиган жисму жонларига биз санаб ўтган жаннатий ҳилқатлар хуш ёқар, фикратлари фақат ширин хаёллар сари талпинарди. Айниқса, Абдуқодирнинг девонавиш ўйлари она қишлоғию суюкли Наргизасининг оғушида маст-аласт эди. Ҳозир унинг жуда-жуда гапиргиси, гапирганда ҳам ўз ёри ҳақида хотирлагиси келди. Ётган кўйи бошини буриб, осмонга тикилиб, тутун бурқситаётган Жамолдан суради:

— Жамол, «қизинг» борми?

Жамол бирпас жим турди-ю, кулди:

— Эй-й, жуда кўпини яхши кўрганман. — деди.

— Нима, ростдан ҳам яхши кўрганинг йўқми?

— Билмадим... Хатлар ёзишганман-у, аммо бирортаси билан жа унақа ўлиб-қўйишмаганман. Билмадим, эҳтимол севишни билмасман...

Абдуқодир кўксини бўшатиб, чуқур хўрсинди:

— Бирор марта севиб кўрмагансан-да, севсанг-у... — Шундай деди-ю, у жим қолди. Хотирасининг ковак-ковакларигача титкилаб, Наргизасининг сиймосини бутун борича кўз унгида гавдалантироқчи бўлди. Ниётига етди шекили, яна хўрсинди-да, деди: — Меники эса хатида «Ўзингизни эҳтиёт қилинг», деб ёзибди, эшитаясанми?.. Яхши кўради-да, яхши кўради! Чиндан яхши кўрармикан-а, Жамол?

— Войбу-у, туша-тузук мажнун экансану-а... Қиз бола агар яхши кўрмас овора бўлиб хат ёзиб ўтирмайди, билдингми!.. — деди гўё насиҳат қилаётгандай сўзларини ҳижжалаб, сўнг қитмирилиги тутиб, хиринглади:

— Ўзи бирор марта кучоқлаганмисан ўшанингни?

Абдуқодир «ҳа сен-е» деб дустининг елкасига энгилгина мушт солди, кейин гўё ўзига-ўзи гапирётгандай:

— Чиндан яхши кўрсанг, унақа ишларни умуман ўйламас экансан!.. — деди паст овозда...

Шу билан у қаерда ўтиргани-ю, ёнидаги Жамолни ҳам унутди. Илк бора Наргизага яқинлашган, балки ёр бўсасига татигулик дамларини эслаб кетди. Ушанда Наргиза ҳар доимгидай кечки пайт уйдагиларга дугонасиникида имтиҳонларга тайёрланишини айтиб чиққанди. Анҳор буйидаги тол тағида эса Абдуқодир кутиб ўтирарди. Наргиза келиши билан шунақам хурсанд бўлдики, ёрини ўтқазिशга жой тополмай қолди. Наргиза бўлса, келибоқ зўраки шарт кўйди:

— Фақат ўн минут гаплашамиз, кейин ўртоғимникига кетаман.

— Хуп-хуп... — деди Абдуқодир севгилисини хафа қилиб қўйишдан чўчиб.

Ун дақиқа эса тезда, ҳатто ўн дақиқадан ҳам оз фурсатда ўтиб кетарди. Албатта улар буни сезишмасди. Аввалига гапиргулик гап топилмас, шундай пайтда Наргизанинг қақажонлиги иш берарди-ю, қизик-қизик воқеаларни сўзлай кетарди. Абдуқодирга шу керак холос, ёрининг ёнида узоқроқ ўтирса бас. Уша кўни Наргиза қўлидаги китобини қўққисдан сувга тушириб юборди. Шошиб қолган Абдуқодир сувга энгашиб уни олмоқчи бўлвди, ариққа мункиб кетди. Абдуқодир ўзини ўнглашга уринаркан, Наргиза бирортаси эшитмасин, дея оғзини берки-тиб, қотиб-қотиб қуларди. Ростдан ҳам Абдуқодирнинг аҳволи жуда кулгили эди. У ариқдан чиқиб, кийим-бошининг у ёқ-бу ёғини сиққан бўлди. Ҳали баҳорнинг охири бўлгани учун сув анча совуқ эди, йигит тезда қалтирай бошлади. Наргиза камзулининг чўнтагидан рўмолчасини чиқариб, Абдуқодирга яқинлашди.

— Келинг, юзиззи артиб қўяман, — деди ва рўмолчасини йигитнинг қўшлари узра теккизди.

Абдуқодирнинг титраши таққа тўхтади-ю, энди танаси қизий бошлади. Ёрининг қўллари юзини майин сийпалаар, ўзи эса унга жудаям яқин келиб қолганди. Унинг димоғига ёқимли ҳид урилиб, эти жимирлаб кетди, у шунақаям ширин эдики!.. У бошини бир оз эгиб, лабини қизининг юзига яқинлаштирди, лекин бу ҳаракатларини ўзи идрок этмас, нима қилаётганини англамасди, вужудига сингаётган авваллари ҳеч қачон йўлиқмаган бетакорр ҳузурдан эрий бошлаганди. Қиз юзини олиб қочмади, чан қўли билан унинг лабини охишта тўсди. Ана ушанда у хушбўй қўздан буса олишга мушарраф бўлди. Улар шу кўйи бирпас туриб қолишди, йигитнинг ўнг қўли ўз-ўзидан кўтарилиб, қизнинг ўша лабларига теккан чан қўлининг билагидан тутди.

— Наргиз!.. — У бошқа ҳеч нарса деёлмади, зеро буюк тит-

раш билан айтилган шу бир огиз суз барча маъноларни қамраб олган эди.

— Ҳм-м!.. — деди қиз юзини четта бураркан.

Абдуқодир қизни ўзига тортди, ана шунда уларнинг иккиси ҳам ширин хавлдан уйгонгандай бўлишди.

— Вой-вой, ана энди айнидингиз!.. — деди Наргиза йигитнинг оҳиста тутган қўлларидан қутулиб. — Энди кетаман, бунга, хайр, — шундай дея у ҳўл китобини қўлига олиб, юқорига кутарила бошлади.

— Наргиза!.. — уртанди йигит.

— Тезроқ уйга кириш, шамоллаб қоласиз!..

Аммо Абдуқодир эни совқатмасди...

Эртасига тушлиқдан сўнг кўпчилик йигитлар дарёнинг чуқурроқ жойига чўмилгани кетишди. Жамол эса Афғонга қайтгунча уйку режасини тўдирволай, деб ўз танкига ухлагани кириб кетди. Абдуқодир танки устидан нималар биландир овора эди. Орадан ҳеч қандак вақт ўтмай, «КАМАЗ» машинасида ўн чоғли кавказлик йигитлар «афғонлар»нинг қўргони четига келиб тўхташди. Афғонлардан уларнинг тузуқкина қайғлари бор эди шекилли, бақир-чақир билан танклар орасида тимирскилана бошлашди. Четроқдаги танк олдида турган тотор йигитга бир-икки мушт уришган эди, у Абдуқодир томонга қочди.

— Югур, бизникларни чақир! — деди унга Абдуқодир танкнинг ёнбошидан белкурак олиб, булғуси «жангга» ҳозирланаркан.

Чақирилмаган меҳмонларнинг иккитаси Жамол ётган танкнинг устига чиқиб, ичкарига муралашди.

Жамол тўйнуқдан эндигина бошини чиқарувди ҳамки, Семиз унинг озига мушт содди. Ҳақитдан буён уларнинг кўпчилик эканлигидан ҳайқиб, ўзини бошган Абдуқодир дўстини уришайганини кўриб, чидаб туролмади. Қўлида белкурак билан улар томонга югурди. Танк ёнбошида турган бирининг белига белкурак билан уриб, ағдарди. Эндигина юқорига чиқмоқчи бўлганда кавказликларнинг бари уни ўраб олишди.

— Битта-битта чиқ! — дея ҳайқирди Абдуқодир қўлидаги белкуракни асабий силтаркан.

Танк устида турган Семиз «Мана мен чиқаман», дея ирғиб паस्ता тушганда, дарё томондан турли нарсалар билан қуролланган «афғонлилар» етиб келишди. Уларнинг вазоҳатини кўрган кавказликлар чекинишга мажбур бўлишди. Абдуқодир улардан бирини шикастлашга улгурди. Шундай қилиб, ростмана жанг бошланди. Одам боласи шунчалар ваҳший бўлишини ҳамма ҳам тасаввур қилолмас керак. «Афғонлилар» қўлидаги қўроллари билан рақибларининг дуч келган ерига шафқатсизларча уришар, қўролсиз бўлган кавказликлар асосан ҳимоядан нарига ўтишолмасди. Чамаси, улар ювошигина ўзбеклардан бу қадар «жавоб» бўлишини кутмаганди. Акс ҳолда тайёргарликларини кўриб келишган бўлишарди. Ниҳоят, уларнинг кўпи шикаст еб тирқираб қоча бошлашди. Фақат бояги Семиз ҳамон ён бермасди. Қайқандир унинг қўлига болта тушиб қолди.

— Битта-битта чиқ! — дея бақирди у ўзини ўраб олган «афғонлилар»га.

— Мана мен чиқаман! — деди Абдуқодир қўлидаги белкурак билан ўртага чиқиб. Фалакнинг ҳазилини қарангки, жанг бошида орани очиб қилиб ололмаган саркорларни яна тўқаштирди.

Икки «гладиатор» бир-бирларига тикилганрича қўлаи фурсатни пойлаб айланиша бошлашди. Олдинроқ ҳамла қилишга улгурган Абдуқодир бир зарб билан рақибининг қўлидаги болта сопини синдириб

ташлади, болтаси учиб, қўлида бир қарич ёғоч қолди, холос. Нима бўлганда ҳам Семиз мард экан, қочмади, пайт пойлаб Абдуқодирга ташланди. Абдуқодир эпчилик билан чап бериб, унинг елкасига белкурак содди. Семиз ўзини тўтолмай ағдарилгач, қолганлар ҳам ура қочишди. Айниқса, боя шу Семизнинг муштидан озги-бурни қонаган Жамол уни беармон савалади. Семизнинг шериклари дарёнинг нариги бетига қочиб ўтиб кетишганди. Ҳайдовчи эса алақачон «КАМАЗ»ини ҳайдаб, жуфтакни ростлабди. «Афғонлилар» сулайиб қолган Семизни дарёнинг саёз ерига сударшиб бориб ташлашди-да, яна бир-икки дўпсослашди. Шурилик Семизнинг ҳаммаёғи қон, сувдан бошини нафас олиш учун базур кўтарарди-ю, узоқ ушлаб туролмай, тагин сувга кўмиларди. Кавказликларда гурур деганлари кучли бўлади. Ҳақиги қочоқларнинг иккитаси келиб, нарироқда туришганча «афғонлилар»дан Семизни беришларини илтимос қилишди.

— «Афғонлилар» билан қайтиб ҳазиллашманглар! — дея бақирди бояги тотор йигит.

— Ол қучқангни! — деди Абдуқодир тамаки тутатаркан Семизга ишора қилиб.

Иккала кавказлик Семизни кўтаришиб, дарёнинг нариги қирғоғига ўтиб кетишди.

Йигитлар бир-бирларига навбат беришмай ўзлари қандай қилиб уришиганини узоқ ҳикоя қилиб ўтиришди.

— Улар уч олмай қўйишмайди, Қодир, — деди Жамол анчадан сўнг.

— Мен ҳам шуни ўйлаяпман. Бу ерда кавказликлар кўп дейишади, кечкурун ҳужум қилишлариям мумкин... — Абдуқодир Жамолга қараб жилмайди. — Граната билан қувлаган ошналарининг танидингми?

— Ҳа, иккитасини танидим. Бутунги меҳмонларниям ўшалар бошлаб келишибди-да.

Кечга томон боргач, танкларни дарёнинг нарёғига тўғрилаб қўйишди.

— Ҳеч ким ухламайди. Агар кўпчилик бўлишса, пулемётлардан отамиз! — деди Абдуқодир маслаҳат пайтида. — Қўрқиб йўқ!..

Туни билан ҳеч ким ухламади. Дарёнинг нарёғидаги шовқин ҳам аламаҳалгача тинмади. Лекин кавказликлар ҳужум қилишга ботинишолмади...

Кун ботади, тонг отади, умр эса ўтиб бораверади. Одамзотнинг тошдан қаттиқ боши не-не деворларга урилмайди, аммо у пешонасига битилганини кўриб, ҳар мушқулотга мослаша олади, илло, унинг ҳаёти сарҳад танламас. Қисмат деганларининг этагини маҳкам тутиб, яшагани-яшаган. Одамнинг Азали шундай. Абади қандай бўлади — ёлғиз Оллоҳга аён...

Биз таниш бўлган йигитлар ўз тенгқурларидан фарқ қилишмайди, улар ҳам Шўро аталмиш қудратли давлатда ўсиб-улғайишган сўқир бандалардир.

Улар жуда ақали эмасдилар, бироқ уруш аталмиш мудҳиш қўланка уларни фикр юритишга мажбур қиларди. Баъзида бутун-бутун қишлоқларни ўқ ва бомбаларга кўмиб, тинч аҳолини ҳам аямаганларида, ҳар бир афғон уларни ёмон кўришини ўйлаганларида дилларининг алақайси бурчагида бир нималар жизиллар, ўзлари қилаётган ишларда қандайдир адолатсизлик борлигини ҳис қилишарди. Қалбларида уйгонган, ўзлари ҳали англаб етмаган ожиз исённи тилларига чиқаришга ботинишмас, бу ҳатто қўрқоқликдан ҳам эмас эдики, тўғрироғи, улар уша кўнгилларида кечган ҳисларни ифода этишолмасди. Шунинг учун бир-икки киши суҳбатлашиб қолганларида қаердадир кимгадир ачинишганию қайсидир отган ўқи хато кетганидан гуё қувониб билан кифояланишарди.

Болалигида ота-онасидан етим қолган Абдуқодир тоғасиникида умр ўтказган бўлса-да, табиатан анча мустақил, ўз фикри билан иш тутувчи

одам бўлиб улгайди. У ҳамиша содиқ бир одамга муштоқ бўлиб яшади, шунинг учун Наргизасининг эркалашларию дўсти Акбарнинг унга гам-хўрлик қилишлари унинг ўксик қалбига хуш ёқар, агар жоиз бўлса улар учун жонини қурбон қилишга ҳам тайёр эди. У фақат хиёнатдан қандайдир сабаб бўлиб ўз дўстидан ёки ёридан ажралиб қолишдан қўрқарди. Бошқалардан фарқли улароқ унинг учун дўстан айрилиш мислсиз бир фожиа эди. Албатта, у узидаги бу ҳолатларни биз тасвир этганимиздек чиройли ифода қилолмасди. У кимгадир чин дилдан кўнгли ёришни, унга суянишни ёки уни суяшни буюк бахт деб биларди. Шоирона таъбир этсак ёнса буруқсиб тутамай, баралла ёниш Абдуқодир феълига хос эди.

Кун ботади, тонг отади, умр эса утаверади. Инсон борки, аслида бировга ёмонлик қилмасликни ўйлайди, аммо ўша яшаб кетиш жараёнида кимларгадир ёмонлик қилади, ҳатто кимнингдир ҳаёт торини ҳам узиши мумкин. Абдуқодир кавказликлар билан бўлган воқеани ўйларкан, наҳотки бизнинг бир халқ эканлигимиз ёлгон бўлса, деган фикрга келарди. Кўпчилик зобитлар осибликларни, айниқса ўзбекларни ёмон кўришди, баъзилари буни айтишдан ҳам уялишмайди. Буюқда эса мана вил кавказликлар... Уруш оловида ўлмай қиқиб, ўз Ватанинда ҳеч бўлмаса бир неча кун дам олволай десанг-у, бир халқ дея аталган ватандошини сенга қўл кўтарса. Абдуқодир бу оламда нимадир чатоқ қурилганини англаб етгандай бўларди. Нимадир нобои қурилган...

Урушнинг кўзи кўр, қулоғи қар. У еб тўймас юҳо, фақат одам ейди. Урушда ҳамма ўлади, ҳатто тирик қолганлар ҳам. Уруш ҳеч қачон тугамайди, уруш унда бўлганларнинг дилу жонлариди, болаларида давом этади. Уруш кимнингдир жонини олса, бошқа бировнинг қалбини утирлайди, яна кимнингдир эса миясини олиб, унинг урнига ажадҳонинг асрий наърасини солиб қўяди. Не-не тақдирларга ана шундай ҳукмронлик қилади у. Урушда қон кўз ёшдан кўп бўлади. Кўз ёш қондан кўп бўлади урушда. Замон олимлари кашф этмишларки, ўз маълум биоқувватларни бир ерга жамласа, ўша жойда ижобий таъришлар рўй бериши мумкин эмиш. Агар шу гаплар рост бўлса, қанча қанча кўз ёшлар, оҳу нолалар, дод-фарёд ва наъралардан иборат ҳисоб-сиз биоқувват йиғилган Афғон юртининг осмони қулаб тушиши керак эди. Ҳа, уруш ана шундай қувватга эга.

8

«Союз»га кетганлар орадан ўн икки кун ўтиб, кечқурун қисмга кириб келишди. Барчанинг ҳавасини келтирган янги танкларни техникалар қўналғасига қўйишиб, чодирларига киришди. Ювиниб-таранишиб, «Союз»дан олиб келган арақ-парақлари билан дўстларини меҳмон қилишмоқчи бўлиб туришганда, Валера Акбарнинг бошига тушган кўргиликни айтиб берди.

— Танкни ўзимизга олиб келишдими? — дея сўради Абдуқодир Валера ҳикоясини тутагач.

— Ҳа, танкниям олиб келдик, ҳатто ўқловчи Расул ҳам тирик экан, унияма госпиталга жўнатдик. Яраси унча оғирмас дейишяпти.

— Акбар ҳозир қаерда? — сўради Жамол хавотирда.

— «МАС» (Марказий алоқа станцияси)да. Уша ерни қўриқлаётган взводга ўтказиб юборишди ҳозирча.

Бу гаплардан кейин икки дўстнинг томоғидан ҳеч нарса утмай қолди. Олиб келган нарсаларини шерикларига қолдиришиб, ўзлари жойларига ётишди.

Эртасига Абдуқодир билан Жамол Степановдан рухсат олишиб, қисмдан олти чақиримча нарида бўлган «МАС»га йўл олишди. Битта арақ билан тагин у-бу нарса олволишди. «МАС» деганлари кўчма алоқа

мосламалари урнатилган, муҳим аҳамиятга эга бўлган бир жой. Айтишларича, шу ердан туриб Москов билан гаплашишармиш... Ана ўша «МАС»ни туртта танк экипажи қўриқларди. Бу взводнинг командири яқиндагина «Союз»дан келган ёш лейтенант эди. Қошларигача малла бўлган лейтенант Орлушин жуда ёқимсиз зўриқарди, кулса ҳам кўзлари гезариб турарди.

Абдуқодир билан Жамол у ердаги барча йигитлар билан илиқ сўрашишди. Аммо Орлушин уларга, айниқса, Абдуқодирга ёқмади, шунинг учун у билан лабларини буриб қуришди. Афғонда зобитлар худди оддий аскарлар каби икки йил хизмат қилганликлари учун уларнинг ҳам «гўра» (зеленка) ва «оқсоқол»лари бўларди, ҳатто аскарлар ҳам «гўра» зобитларни сариқ чақага олишмасди.

Абдуқодир улардан Акбарни сўради.

— Пастда — ертўлада, — дейишди улар.

Орлушин гап ким қақида эканлигини тушунди чоғи:

— Ҳа, хоиннинг олдига келяпсанларми? — дея хунук тиржайди.

Абдуқодирнинг бир жаҳди келди-ю, агар у билан начақилашса Акбарга ёмон бўлишини ўйлаб, Жамол иккови индамай ертўлага тушиб кетишди.

Икки қаватли каравотнинг пастиди ёнбошлаб ётган Акбар таниш овозларни эшитиб ўрнидан турди. Кимдандир ёхуд нимадандир нажот кутаётгандай боқувчи мунгли кўзлари мўлтираб турган, Абдуқодир ва Жамолнинг рўпарасидаги бу йигит аввалги Акбар эмас эди. Ранги саргайиб, озиб-тўзиб кетган, елкалари ҳийла букчайиб қолган Акбар дўстларига тикилиб, лаблари титраб, шундоқ ҳам бир сиқим бўлиб қолган гавдаси шалавираб, маълум вақт сўзсиз қотди. Қовоқлари ичига ботиб кетган кўзлари ёшга тўлди.

— Қодир!.. — деди у овози чийиллаб.

Икки йил давомида бору йўтини баҳам кўрган дўстининг аҳволдан ларзага келган Абдуқодир ҳам кўзида ёш билан унинг кучоғига отилди.

— Акбар!..

Қалблари ёшларидан ҳам улургроқ ситамни ортқилаган икки дўст бир-бирларини маҳкам кучоқлаганча туришаркан, Акбар неча кунардан буён пинҳон сақлаган ҳасратларини яширолмай, хўнграб йиғлар, елкалари қаттиқ силкиниб, Абдуқодирга Жамолнинг ҳам кўз ёшларини тўхтатишларига йўл бермасди. Жамол ўзини тутиб туролмай, иккала дўстини бирварақай кучоқлаб, юзини Акбарнинг елкасига қўйди-да, унга таскин тилангандай елкасига қоқиб силади.

Улар ёшланган юз-кўзларини аргишиб, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашган бўлишди. Икки каравотга юзма-юз бўлишиб бирпас утиришгач, нимқоронгуликда юраклари сиқилди шекали ташқарига чиқишди. Аскарларнинг овқатланиши учун мослаштирилган қўлбола шийпонча остига ўтиришиб, тамаки тутатишди. Иккловлон дўстига нима дейишни, қандай қилиб кўнглини кўтаришни билишмай, чорасиз эдилар. Шу қўйи бирмунча вақт жимгина тутун бурқситиб ўтиришди.

— Эшиттандирсизлар? — деди ниҳоят Акбар секингина, лекин у негадир кўзини ердан узмасди.

— Ҳа... — дея бошини қимирлатди Абдуқодир ва бир оз жим тургач, дўстини юпатган бўлди: — нима қилти, ахир уруш шунақа бўлади-да, Акбар. Сен атайлаб қилганинг йўқ-ку, ахир!..

Орага жимлик чўқди.

— У ёқдан келиб бир неча кун тиббий бўлимда алаҳсиз ётдим. — Гап бошлади анчадан сўнг Акбар паст овозда. — Сал-пал ўзимга келгач, қисм штабига олиб чиқишди. Қисм командири, комбат, яна бошқа қатта зобитлар сўроқ қилавериб тинкамни қуритишди... «Сени нега қўйиб юборишди?» дейишди, «Билмадим, ўзим ҳам тушунмадим», деса, Акимов (Слава)ни суриштиришди. Унинг ўша ёқда қолганини, лекин тирик эканлигини айтсам, мени қўрқоқча, хоинга чиқаришди.

Уч кун шунақа қилиб азоблашди... Яхшиси, уша ёқда ўлиб кетаверсам буларкан-у, онам бечорага ачиндим-да!..

— Ҳе, ушаларни... Парво қилма, нима ўлмай қолиш ҳам айбми?! — деди Жамол асабийлашганча қўларини силкиб.

— Энди нима қилишаркан? — сўради Абдуқодир ўйчан.

— Биламдими. Акимовдан бирор дарак чиққунча шу ерда туриб туришимни кейин ҳарбий трибунага беришларини айтишди.

— ...ни ебди ушаларинг! — дея яна сукинди Жамол.

Улар жим қолишиб, тагин тутунга зўр беришди. Ҳар замонда сўзларни чўзиб, дудуқланадиган бўлиб қолган, бутунлай чўкиб кетган Акбар қўққисдан интрагандай чийиллаб, юзини қўллари билан тўсганча йиглаб юборди:

— Славани ҳеч эсимдан чиқаролмаяпман, Қоди-ирр!.. Шундоқ қўларини чўзганча ёлвориб қодди-я шўрлик! Мен қўрқоқман, қўрқоқ!..

...

— Ёрдам беринг, ўртоқ катта лейтенант! — дейишди лагерга қайтиб келишгач, Акбарнинг аҳволини Степановга тушунтириб.

— Биламдими... анча қийин иш бўлса керак, — деди Степанов ўйланиб.

— Дустимиз бадном бўлади ахир ўртоқ...

— Бу аниқ гап, — дея Абдуқодирнинг гапини бўлди Степанов. — Аммо бир йўли бўлса керак. Биласизлар-ку бизнинг давлат қозони яхши кўради. Хулаас, сизлар бундай қилинглр... — деб бир қимирлаб олди катта лейтенант. — Қисм командирга бутун рота номидан Акбарнинг гуноҳини сўраб хат ёзинглр. Дустимиз ўз айбини урушда ювди, денглр, тушунарлими? Лекин хатта бутун рота имзо қўйсин, хўпми!

Бу маслаҳат икки дустга ҳам маъқул келиб, шу кунгич хат ёзишиб, ротадаги барча жангчиларга имзо қўйдиришди. Урисча хатни битишда ўрис болалар кумаклашишди. Номашу кунгич штабга бориб етди.

Эртасига эргалаб батолёнда совуқ хабар тарқалди: эмишки, Орлушин Акбарни отиб қўйибди. Буни эшитган Абдуқодир билан Жамол узларини қўйгани жой тополмай қолишди. Ҳеч кимдан рухсат олмай «МАС»га йўл олишди. Нима воқеа руй берганини уша ердаги аскарлардан эшитишди.

Абдуқодирлар Акбарни кўргани борган кун, яъни кеча кечки пайтда Акбар бир хаёл билан (балки зобитга яхшилик қилмоқчи бўлган-дир) улар олиб борган ва бирга ичишларига имконият бўлмай, қолаверса, кўнгилларига сизмай, унга қолдиришиб кетган арақни Орлушинга берди. Зобит аввалга хурсанд бўлди, бир-икки истакон ҳалигидан «отгач», ичидидаги мағзаваси ағдарилди бошлайди:

— Сен хоин менга хушомад қилиб, арақ бердинг — дейди, ширакайф лейтенант. — Лекин мен сотилмайман, тушундингми!

— Огзингизга қараб гапиринг, ўртоқ лейтенант! — дея жавоб қилади жаҳли чиққан Акбар.

— Нима?! Ҳали сен менга гап қайтарасанми, манқа! — жазавага тушди зобит. — Бор, ташқаридаги соқчини алаштир!

— Ҳали менинг навбатим келгани йўқ.

— Барибир сен соқчилик қиласан! — дея энди Орлушин ўшқира бошлади.

— Қилмайман! — дейди, афғон «оқсоқол»нинг ҳам қайсарлиги тутиб.

— Шунақаи?! Унда сен хоинни отиб ўлдирман! — деб, Орлушин ёстиги остидан тўшпончасини олиб, ўқлайди.

— Бўлди-да энди, ўртоқ лейтенант! — дея Акбар кўнгилсизликнинг одадини олиш учун ташқарига чиқмоқчи бўлиб, этигини кийишга энгашганида ертўлани ўқ овози тутди...

Нима булганини тушунган ўзбек аскарлар Орлушинни анча калтаклашиб, қисмга хабар беришади.

Аслида Абдуқодир билан Жамол Орлушинни топиш учун ҳам «МАС»га келишганди. Лекин уни штабга олиб кетишибди, даргазоб жангчилардан яширмоқчи бўлишган-да аблаҳни. Иккаласи қисмга қайтишиб, Степановдан билишдики, Акбарнинг яраси унча оғир эмас экан, ўқ унинг орқасига тегиб, битта қовурғасини шикастабди, холос. Аммо ички аъзоларига зарар тегиб кетган эди. Уни Шиндондаги дивизия госпиталига жунатишибди, у ёққа бориш эса мушкул, орадаги масофа юз қақиримдан ортқч. Абдуқодир билан Жамол Степановдан шунча сўрашса ҳам Орлушиннинг қаердалигини айтмади. Аскарларнинг энг ёқтирган командирларидан бири булган Степанов ҳам ҳамкасбини аяди чоги...

9

Саҳарда яна жанговар сафарбарлик эълон қилинди. Капитан Баранов Абдуқодирни қоровулликдан чиқариб олишга мажбур бўлди, шундоғ сўнги талафотлардан кейин ротада механиклар етишмас, уларсиз эса ҳеч бир танк ўрнидан жимласди. Хулаас, Абдуқодир Барановни «анжанча» қилиб болаб «ўқиди»-ю, бошқалар қатори танкига югурди...

Ҳар доимгидек саф тортган жанговар карвон навбатдаги операцияга йўл олди. Бу галги сафар Ҳирот вилоятининг жануби-шарқда жойлашган чекка қишлоқлардан бири Зоранжи эди. Шаҳарга етмай бетон йўлдан чапга буриланган карвон тез орада узокдан-узок чўзилган шоліпоярларга рўпара келди. Тизза бўйи бўлиб қолган ям-яшил шолілар оғир техникалар остида ер билан яқсон бўла бошлади. Увол деган сўз бутунлай бегона булган ҳарбийларнинг машиналари учун Оллоҳнинг иродаси билан юриш анча қийинлашди. Нисбатан анчагина энгил булган «БТР»лар ҳам шоліпоярларда яхши юролмай, қуруроқ ерларни ахтара бошлашди. Маълумки, шолі фақат сув билан тирик, бу эса илзамбил булган техникаларни ярмигача лойга ботирди. Улар биринчи тезликда мурилари тутунга тўлиб, базур олға силжишарди. Ҳатто баъзан занжирлари турган жойида айланиб, узлари учун чоҳ қазий бошларди.

Абдуқодир сафарга чиққач билдики, уларнинг взводига вақтинча Орлушинни командир қилиб тайинлашибди. Ундан олдинда бораётган танкнинг командири уша Орлушин эди. Абдуқодир аввалига янги командирини бир «боламоқчи» ҳам бўлди, лекин кейин бунақа ишлар фақат қисмда ҳал қилиниши лозимлигини узича ўйлаб, шаштидан қайтди. Агар жангда у ишлан пачакилашса бу кўнгилсиз ҳодисанинг касри бошқаларга ҳам уришини тушуниб, ҳатто узининг пахташлашиб кетаётганидан ўқинди. У нохуш ўйларни миясидан қувиш учун тезлик тепкисини бир маромда босиб бораркан мана шунақа шоліпоярлар ичидан утган болалигини хотирлай бошлади. Уша пайтлар пахта озроқ экиларканми, негадир Абдуқодирларнинг томорқасию унинг этагидидаги катта шудгорга ҳам шолі экиларди. Турли ҳашаротларнинг кўпчилигини ҳисобга олмагандан шолізорлар жуда файзли бўларди, айниқса, шоліпоядан тараладиган галати ҳид кишига ёқимли эди. Абдуқодир кичикинагина болакай бўлса ҳам раҳматли дадасига шолі утоғида ёрдам берар, шундай пайтлар баъзан шолі бир ёқда қолиб, бақа қувиш билан овора бўлиб кетарди. Бу қилмиши учун албатта дадасидан дошном эшитиб, тагин утоққа киришарди. У шолі қалинроқ унган ердаги ниҳолларни сугуриб, дадаси ўргатганидек — сийрак унган ерларга иргитишни яхши кўрарди. Илдизда лойи билан чиққан шолі кўчатини ҳаволатиб иргитилса, сийрак жойга илдизи билан тушиб, кучга кириб кетаверарди. Бу машгулот унинг жуда-жуда завқини келтирарди.

Айниқса, у шоли урилиши арафасида шолипоярларда купайган сичқон ва каламушларни туттишга, кесак билан уриб ўддиришга жудаям ишқи-боз эди. Энди эса ўзга юртларда болалик қадрдон бўлган шолиларни пайҳон қилиб юрибди...

— Ув, Қодир, газни бос, газни! — алоқа мурватидан Валеранинг овози келди.

Ҳақиқатан Абдуқодир хаёл билан бўлиб, тезлик тепкисини бунроқ қўйиб юборган экан. Тепкиси қаттиқроқ босини билан кучаниб қолаган танк бир «буқирди»-ю, занжирлари ўрнида айланиб, чўка бошлади.

— Булди-булди, тўхтат! — деди Валера юқоридан. — Яхшиси, командирни ёрдамга қақирамиз.

— Уша козёлинга ялингунча узим тортиб чиқариб қўя қоламан! — ўшқирди Абдуқодир.

— Газ берган саринг баттар чўкаямиз, яхшиси, шатакка улай-миз,— дея юмшоқлик билан тушунтирди сержант.

Валера алоқа орқали олдинда бораётган Орлушиннинг танкини ёр-дамга қақирди. Шолипояда зўрга юриб бораётган танкининг орқага қайрилиши жуда мушкул эди. Шунинг учун Орлушин танкини орқаси билан юришга буюрди. Абдуқодирларнинг танкига яқинлашгач, Сергей тушиб, пулат арқонни улади. Шатакчилар ботиб қолган танкини қийин-чиликсиз юриш энгилроқ бўлган ергача судраб чиқаришди, Сергей пулат арқонни йигиштираётганда Абдуқодир ўз туйнугидан чиқиб ўти-раркан, тамаки тутатди. Тонгнинг гира-шира ёруги унга алланечук хуш ёқди-ю, тутун бурқситиб, осмонга тикилди. Бу ерда Орлушин ўз танки-дан тушиб, қуруқроқ жой билан хатлаб, Абдуқодирнинг ёнига ўтди.

— Тамакидан ол, — деди унга қўлини чўзиб.

Аскар унга еб қўйгудек қараб, битта сигарет узатди. Афтидан, Орлушин у билан яхши муомалада бўлоқчи эканлигини англамоқчи эди. Эҳтимол бунақа сафарларга ўрганмаган ёш зобит унинг наздида босмачилар авлодидан бўлган мусулмон-аскарнинг важоҳатидан, жанг пайтида отиб қўйиши мумкинлигини ўйлаб, чўчиганди.

— Раҳмат, — деди Орлушин сигаретни олиб, оргига қайриларкан тиржайиб. — Энди ботиб қолмагин.

Бу тиржайиб айтилган гап Абдуқодирга «Хоинни отиш — савоб», дегандек эшитилди. У юзини четта буриб, «Ҳе онангни...» дея пичирла-ди.

Тушга яқин қишлоққа кириб кетган пиёдалар ротаси бир нечта талафот билан тезда орқага қайтиб чиқди. Танкчилару тўпчилар қиш-лоқ бўсағасидаги шудгорда буйруққа шай туришарди. Душман яхши ўрнашиб олганда шекилли, қисқа отишмадан сўнг ротани чекинишга мажбур эди. Шундан кейин лейтенант Орлушиннинг взводи ва битта пиёдалар ротасига қишлоқнинг орқа томонига айлааниб ўтиш буюрилади. Катта бошлиқлар ёппасига ҳужумга ўтиб, душманни қишлоқдан қувиб чиқаришни ўйлашганди, чоги. Орқа томондагилар эса чекинганларни ер тишлатишни керак, балки асир олишга ҳам тўғри келар.

Қишлоқни айланиб ўтиб, бир ёни пахса девор, бир ёни тутқатор, тутқатордан сўнг эса экинзор бўлган йўлга чиқиб олишди. Орлушин танкларнинг орасидаги масофани белгилагач, замбаракларни қишлоққа тутрилаб қўйишни буюрди. Пиёда аскарлар тут ва девор паналаридан ўзларига қулай жой топишди. Шу кўйи қутиш анча чўзилди, ҳеч қандай отишма хавфи сезилвермагач, бирин-кетин ҳаракатга тушиб қолишди. Абдуқодир танкдан чиқиб, девор ортига бўйлади, у ер анжирзор ва узумзор эди. Бироқ ҳар лаҳза соя солиши мумкин бўлган ажални ўйлаб ниятидан қайтди-да, тамакига зўр берди. Бирпасдан сўнг Олим қилиб келди.

— Онангни эмгурлар қайси гурда писиб ётишибдийкин-а? — деди Абдуқодирнинг ёнига ўтираркан.

— Душманига фалониму оммо-лекин анови ерда анжир дегани роса пишиб ётибди-да,— тамшанди Абдуқодир қишлоқ томонни кўрсатиб.

— Эй-й, жоним ўзимга керак, ошна! — дея кулди Олим.

Бу орада Валера билан Сергей ҳам ташқарига чиқишди.

— Валера, узум емасанми? — деди энди Абдуқодир командирига.

— Қаердайкан?

— Ана, деворнинг орқасида.

— Орлушин қуриб қолса...

Бу пайт елкасига автомат осган Орлушин улар томонга келарди.

— Пишириб қўйибдимиз унга бу ерда? — дея гижиди Абдуқодир.

— Ким разведкага боради? — сўради Орлушин етиб келиб, йигит-ларга қараб тиржайаркан. — Бирйўла узумхўрлик ҳам қилиб қайта-миз.— Аслида унинг разведка қилишданам кўра узум егиси келганди.

Абдуқодир сен ҳам одамми дегандай юзини четта бурди. Барча жим туравергач, бу ноқулайликдан қутилиш учун Валера Сергейга буюрди:

— Серёжа, сен бирга бор!

Серёжа автоматини елкасига олиб, Орлушинга эргашди. Чамаси, ёш зобит тажрибаироқ аскарларнинг боришини кутганди, шунинг учун бир турқи ўзгарди-ю, орият кучи индамай кетаверди. Улар девор оғиб узумзорга ўтиб кетишгач, Абдуқодирнинг баттар анжир егиси келди. Яна Орлушинга рўпара бўлишини ўйлаб, у ёққа ўтишдан ўзини тийди. Ун беш-йигирма дақиқа ўтириб зерикди, шартта автоматини олди-ю танқдан иргиб тушди.

— Сизлар танқдан қимирламанглар, ҳозир келаман, — деди шерик-ларига девор томон бораркан.

У деворнинг пастроқ жойидан оғиб ўтиб, гарқ пишиб ётган сариқ ва қора анжирларнинг чангини ҳам артиб-артмай ея бошлади. Жони-ворларга афгон қуёши роса маза берган экан, ширинлигидан тилни ёрман дерди. Шу пайт қиз боланинг қийналиб чинқирганини эшитди. У автоматни уқлаб, овоз келган томонга юрди. Тезда анжирзор тугаб, узумзор бошланди. Афгонлар сўртокни пахсадан қилишаркан, ҳар уч-тўрт қадамда икки қулочча баландлиқда пахса кўтариб, тоқларни уша-нинг устига чиқаришаркан. Узум дегани пишиб саргайган, қўзни ола-ман дейди. Лекин ҳозир Абдуқодирнинг хаёли бошқа ёқда эди. У пахса-ларнинг яна икки-учтасидан ўтгач, икки пахса оралиғида бир қизни босволиб, ечинтиришга уринаётган Орлушинни кўрди. Қиз бечора лейтенантнинг қўллари остида базўр чинқираб, оқ қўйлагининг ёқаси-ни маҳкам ушлаб олганди. Сергей эса автоматни тутган кўйи худди соқчидек серрайиб турарди. Улардан анча нарида олди айвонлик уй бўлиб турли асбоб-анжомлар деворга суяб қўйилганди.

— Буни қаердан топди? — сўради Абдуқодир Сергейдан қизга ишора қилиб.

— Билмадим, ҳов анови уйнинг орқасидан судраб опкедди-ю...

Қиз ўн беш-ўн олти ёшларда эди. Қош-қўллари, қоп-қора сочлари ловиллаб, балоғат уфуриб турарди. Орлушин унинг қўйлагини йиртиб, энди қизил мағодан тикилган лозимини ечишга тутинди. У ҳозир йирт-қич қиёфасига кирганди. Қиз эса оёқларини гужанак қилиб, бор овози билан додланга тушди.

Аввалига Абдуқодир индамай қайтиб кетмоқчи будди, лекин Орлу-шин унга қарата:

— Оёгини ушлаб тур! — дея бақирганидан сўнг жаҳли чиқиб, мусулмонлиги ёдига тушди, гурури жунбушга келди. Бир кофирнинг пинжида номуси тонглаётган ўз-Нарғизасининг нолаеси қулоғи остида жаранглагандек туюлди. Ахир у мусулмон, дея ўйлади бирдан, ўйла-ди-ю, Орлушинга яқинлашди.

— Уртоқ лейтенант, унақа қилманг! — деди ялингандай.

Аммо Орлушин унга қулоқ соладиган даражада эмас эди.

— Буларни фақат «ўшанақа» қилиш керак! — деди у кучаниб.

Оёгини ушла!..

— Бас қилинг, ўртоқ лейтенант!

Абдуқодир энди ўзини идора қилолмай қолди, ичидан отилиб келган газабини тўхтатомай:

— Қуйвор қизни!.. — деди-ю командирнинг кўкраги аралаш буйнига зарб билан тегади.

Орлушин ёнбошига ағдарилди, зарбдан нафаси қайтиб, йўталиб қолди. Қиз ўрнидан жон талвасасида туриб, гаңдираклаганча ҳалиги уй тарафга югурди. Орлушин эса ўзини ўнглаб, Абдуқодирга автомат ўқтади.

— Ўлгинг келдими, аскар!

Аммо Абдуқодирнинг алақачон унга қаратилган автоматидан эсини йўқотди-ю, унинг нафратдан ёнган кўзларига тикилиб қолди.

Қиз югургилаб айвонга кўтарилади. У ерда деворга сўёғлиқ турган бешлик (паншаха)ни олиб, учини кўксига қадади, сопини эса деворга тираб, «Оллоҳ!» деди-ю, бир силтанди. Бешликнинг ингичка тиглари кўксига ботди. У бирпас тебраниб турди сўнг аста қийшайиб орқасига қулади. Оёқлари айвон четида, боши эса пастда қолди. Қип-қизил бўлган кўкси узра ботган бешлик тебраниб тураверди.

Жуда тезликда юз берган бу ҳодисадан уччала «шўравий» йигит карахт бўлиб қолишди. Шовқин солиб, уйнинг орқасидан ўтиб келаётган тўртта афгонни қуришгагина ўзларига келишди. Афгонларнинг иккитаси милтиқ, иккитаси таёқ билан қуролланишган эди. Улар ўз тилларида «Ана улар! Ана улар!» дейишиб, «шўравийлар» томонга югуришди. Ўзини ўнглаб олган Абдуқодир уларга қарата автоматдан бир сидра ўқ қўйди. Афгонларнинг иккитаси қулади. Абдуқодир билан Орлушин шериклари томонга чопишди, Сергей эса алақачон жуфтани ростлаб қолганди. Анжирзорни кесиб ўтишиб, жон ҳолатда деворга ёпишишганида Орлушиннинг ўнг болдирига ўқ тегди, чинқириб орқасига ағдарилди. Абдуқодир унинг қўлигидан олиб, девордан ошириб ташларкан, шерикларига қичқирди:

— Ерданга!.. Отинглар!..

Бир зумда ҳаммаёқни тасир-тусир босиб кетди, чунки пиёдалар ротаси қишлоққа ўқ ёғдира бошлаганди...

10

Абдуқодир Орлушинни уларни тутқаторда кутиб турган Сергейнинг кумагида ўз танкининг панасига олиб келиб ўтқазди. Лейтанант афтини буриштириб, яраланган оёғини силар, тинмай инқилларди. Сергей Валера узатган тиббий докани олиб, зобитнинг шимини тиззасигача шимарди, ярасини боғлашга тушди. Лейтенант эса ўзи нима аҳволдаю Абдуқодирга олайиб тўнгиллайди:

— Қараб тур, аскар!.. Мен сени ҳечам унутмайман!..

Абдуқодир нари кетаркан:

— Мен ҳам!.. — деди лабларини қимтиб.

У танкининг орқа томонига ўтиб, ерга утирди. Чунтагидан тамаки олиб тутаетганида чап юзининг ачишаётганини сезди. У юзининг ачишаётганига парво қилмай, ҳузурлиниб тутун тортиди. Шу пайт бояги афгон қиз, унинг кўксига санчилаб, тебраниб турган бешлик хаёлига келди. Кўксининг чап қисми бир санчиб қўйди. У ўзи ҳаминша ўйлаб юргувчи бу оламнинг нимасидир чатоқ қурилган, деган фикрини эслади. «Нима бўлаёпти ўзи? Ахир биз Шуро одамларимиз-ку! Бу ваҳшийликларимизни катта бошлиқлар ҳам билишармики?...» Чўзиб тамаки суриб, тутунини юқорига пуфлади. «Билишарми! Уша катта бошлиқларнинг биттаси Буңдюковми!.. Бу азоблар тезроқ тугай қолсайди!..»

Унинг хаёларини тирқаратиб ҳаммаёқни гумбуллаган овозлар тугиб кетди. Абдуқодир хаёлидан узилаб, овозга бир лаҳза қулоқ солди.

Қишлоқнинг нариги ёғидагилар танк ва тулардан ота бошлашганди. Ана энди қишлоқнинг кули кўкка созурилади.

Танк ёнбошидан Орлушиннинг овози келди:

— Сержант! — У Валерани қақираётганди.

— Эшитаман, уртоқ лейтенант!

— Алоқадан буйруқ бер, гўрттала танк ҳам қишлоққа қарата ўт очсин.

Валера командирнинг айтганини қилди. Куп ўтмай бу тарафдан ҳам ажал уруғлари сочила бошлади. Фақат оғир қуроллар ишлатилаётганидан кўпчилик қишлоқда тирик жон қолмагандир деб ўйлаганди. Лекин бу ҳам кам экан, орадан ҳеч қанча ўтмай, қишлоқ устида иккита вертолёт пайдо бўлди. Улар қишлоқ устида айланган бомба ёғдира бошлашди. Ана энди қиёмат қўпганди, ҳар бомба тушганда ер қаттиқ силкинар, портлашлар овози қулоқни тешиб юборғудай эди. Бир соатлар чамаси ҳеч ким гапирмади, фақат портлашларнинг ваҳимали овози атрофга ҳукморонак қилди.

Вертолётлар қайтиб кетиб, туپ ва танкларнинг уни учгач, пиёдаларга қишлоқ ичига киришга буйруқ бўлди. Улар варрак учираиб қувнаган болалардай қишлоққа ёпирилишди. Пиёдалар қувонишганича бор эди, илло, гўристонга айланган қишлоқдан улар қуруқ қайтишмас, турли латта-путта, магнитофон ва бошқа керакли буюмлар топиб олиб чиқишлари мумкин эди. Қолаверса, душманларнинг қолганларини асир олишиб, хоҳлаганларича дўшослаб, ҳузур билан хурлашиб, ташқарига ҳайдаб чиқишарди.

Биз сизга аввалги бобларимизда Афгон қишлоқларининг қиёфасини, улардаги одам беркинлиши учун қулай бўлган уйларнинг манзарасини тушунтириб берган эдик. Пиёдалар бу сафар ҳам ана шу уйларда жон сақлаб қолган бир талай одамларни ҳайдаб чиқишди. Уларнинг ҳаммалари ҳам жанг қилаётган одамлар эмасди, ораларида чоллар, ўспирин йигитчалар ҳам бор эди. Аммо шуни айтиш керакки, ҳар бир афгон учун «шўравийлар» душман эдилар на улар агар иккитани топсалар бирорта шўро аскарини ўлдириб, ўзларича савоб ишлондан ҳам тоймасдилар. Балки бу босқинчилардан дўст чиқмаслигининг ўзига хос исботидир.

Аскарлар асирларни бешафқатларча уриб, тепкилашиб, танк ва «БТР»ларнинг устига битта-иккитадан боғлай бошлашди. Абдуқодирларга ана шунақаларидан иккитаси тегди. Экипажнинг қолган уч аъзоси уларни роса калтаклашди. Уларнинг оғзи-бурни қонга тўлди. Сўнг асирларни танк устига иргитишиб, «гумбаз»нинг ёнбошига сим билан чирмаб боғлашди. Асирларнинг бири мўйлови сийрак ёшгина йигитча эди. Кейингиси эса ўрта яшар, қуюқ қора соқоли, юзи қорамтир, важоҳатлироқ кўринарди. Иккиси ҳам ганимларининг ҳар бир тепкисини ингираб ҳам қўйишмас, фақат кетма-кет «Оллоҳ» дейишарди. Боғлаб бўлишгач, Сергей уларга бирпас масхаромуз қараб турди-да, қора соқолининг башарасига зарб билан мушт туширди.

— Қалайсан, бабай?!.

Тикилиб турган Абдуқодирга унинг кўзи тушиб, бир туси ўзгарди, беихтиёр айтиб юборган гапидан кўрқиб кетди чоғи, тезда танкининг олд тарафига ўтиб кетди.

«Агар иложини топса шу муштини менга ҳам уради бу кофир», дея ўйлади Абдуқодир Сергейнинг ортидан. У оғзи-бурнидан қон оқаётган қора соқоли асирнинг сим сиқувидан қони қочган иккала қўлини бир оқ бўшатиб қўйди. Ёшироғининг қўлини бўшатаркан, афгончалаб сўради:

— Ўзбекчани биласанми?

Қўзлари ола-кула бўлган йигитча «йўқ» дея калласини қимирлатди. Абдуқодирнинг ҳаракатларини кузатиб турган Валера гина қилгандай:

— Эй-й, нима қиялсан, Қодир? — деб сўради.



Абдуқодир сержантнинг юзига қарамай тўнгиллади:

— Булар ҳам одам, ҳайвон эмас.

— Одаммас булар, душман-ку... — дея Валера нари кетди.

Қора соқоли Абдуқодирнинг ҳаракатларидан бирон нарсани тушунди шекилли, ўзбекчалаб, бироқ бузилган талаффузда сўради:

— Ўзбекмисиз?

Абдуқодир асирнинг юзига бир қараб қўйди-да:

— Хмм... — деди бошини силкиб. — Сиз-чи?

— Мен туркманман, — деди асир оғзидаги қонни туфлаб.

Абдуқодир ўзи англамаган аҳволга тушди. Негадир қаршисидаги асирдан уялди, унинг кўзларига қаролмай, нигоҳини олиб қочди. Аммо барибир узидаги бу ҳолатни тушунолмади, юраги яна қаттиқ санчиб қўйди.

Қора соқоли асир у ёқ-бу ёққа қараб олиб, жуда наст овозда Абдуқодирга ялинди:

— Мени қўйиб юборинг, болааларим бор!.. — У рупарасидаги «шуравий» ўзбекдан чинаямига умидланганди.

Абдуқодир яна кўзини олиб қочди.

— Иложим йўқ! Қулмадан келмайди... — деди багрини кимдир пичоқ билан уяётандек юзи тиришиб, бошини қимирлатаркан.

Ҳарбий қарвон сафга тизила бошлади.

— Кетдик, Қодир! — деди шлемафонини кияётган Валера.

Абдуқодир асирларга қайрилиб қаролмади, индамай ўз туйнуги томонга ўтиб кетди.

Валера асирлар ёнига келиб:

— Қалай, душманлар, ўтирибсизми? — дея иккисининг ҳам қорнига тешиб, ўз жойига ўтирди.

Қарвон йўлга тушди. Машиналарга сиғмаган бир қанча асирлар чанг-тўзон ичида чошиб боришар, танк ва «БТР»ларнинг устида ўтирган голиб аскарлар уларнинг оёқлари остига ўқ узишиб, тезроқ юришга ундашарди.

Орта шом қоронгулигига кўмилиб бораётган Зоранжи қишлоғи эса қабристон сукунатида қолди...

Яраланиб госпиталга кетишган Акбар, Степанов ва Орлушинлар ҳам бирин-кетин қисмга қайтиб келишди. «Оқсоқол» аскарлар учун жуда секинлик билан ўтгучи, аммо хурсандчиликка ошно кунлар бошланди.

Акбар баттар озиб-тўзиб кетган, елкалари чиқиб хунук букчайиб қолганди. Жамолнинг ҳалок бўлганини эшитиб, ҳасратта тўлган бағрида бир нарса портлаб, кўз ёшларини тутиб туролмади. Аслида Абдуқодир ҳам бу воқеадан кейин ўзини анча олдириб қўйган эди. Уша куни Жамол навбатдаги жангга кетар экан, Абдуқодир билан бошқача хайрланган эди. Қандайдир юзида хавотирлик аломати сезилар, кўзлари мунгли боқар эди. Агар Жамолнинг ҳалок бўлишини билганида шу кунги жангга Абдуқодирнинг ўзи борармиди.

«Эҳ, ҳаёт, бунчалар аччиқ бўлмасанг...» У Абдуқодирнинг рупарасида ўтираркан, ерга тикилганча унсиз йиғларди. Асли камган бўлган бу ийгит бошига тушган шунча кўргиликлардан сўнг бутунлай индамасга айланганди.

Абдуқодир дустининг чўкиб бораётганини тушунди. Яширган арақларидан иккитасини олиб, Акбарни тезроқ уйга жўнатиш учун Степановдан ёрдам сўради. Бу ерда арақ жуда қиммат турар, кўпчилик зобитлар эса нон емаса емасдики, лекин арақ ичишарди. У билан ҳар қандай ишни битирса бўларди.

Ҳаракат қилиб кўраман, — деди арақни оларкан Степанов. — Баранов кўнса бўлди.

Икки-уч кунда иш ҳал бўлди. Акбар кетишга тайёрлана бошлади. Абдуқодир иккиси жомадон ва кийим-бошларни жойлашди, уйдагиларга совға-салом учун турли ҳорижий матоҳлар топишди. Уша куни кеч-

қурун улар узоқ гаплашиб ўтиришди, «чарс» тутатишди. Акбар ўзини баттар айбдордек ҳис қилар, қадрдон дустининг юзига қарашга ҳам ботинолмади.

— Сен-чи, сен нима қиласан, Қодир?! — деди ўртаниб.

Абдуқодир унинг кўзларига самимий тикилди:

— Мени барибир қўйиб юборишмайди. Яхшиси сен кетавер. Бориб тоғамларни кийгайм ўттин. Мендан салом айт, ҳадемай кеп қолади, — дегин дея у ерга қараб ўй суриб қолди. Едага Нарғизаси тушганди, аммо бу тўғрида Акбарга лом-мим демади. Икки дўст ўз хаёллари билан сукутта толишди.

Эртасига чошгоҳга яқин Акбар жўнаб кетди.

Орадан кўп ўтмай, яқиндагина «Қизил юдуз» ордени билан мукофотланган Степанов ҳам «Союз»га қайтадиган бўлди. Кетиш олдидан ўз вазодаги жангчилар билан кўзлари ёшланиб кучоқлашганча хайрлашди. Абдуқодирнинг рупарасига келиб, унга тикиларкан, ўз оҳангида деди:

— Қодир, мен сени бир неча марта орден-медалга тавсия этдим, лекин комбат рўйхатдан номингни ўчириб ташлади. Мендан хафа бўлмагин.

— Эй-й, қўйсангиз-чи бу гапларни, ўртоқ катта лейтенант! — деди жиламайишга уриниб.

Степанов гапни ҳазилга бурди:

— Катта лейтенант эмас, капитан дегин, ўртоқ аскар...

Барча уни янги унвон билан табриклади. Хайрлашув охирида у Абдуқодирни қаттиқ кучиб:

— Омон бўл, ука! Албатта уйингга хат ёзаман, — деди ҳаяжонланганидан юзу кўзлари қизариб.

Абдуқодир учун рота ҳувиллаб қолди. Бир ойдан зиёдроқ вақт ичида ҳамма «дембил»лар уйга жўнатилиб, унгагина рухсат бўлмади. Қисм командири томонидан «дембил»ларни рейдларга олиб чиқиш таққиланган бўлса-да, уни бир жангдан қолдиришмади. Ёлғизланиб қолган аскарга комбат бошлиқ зобитлар ўз ҳуқмларини ўтказишарди. Олим билан Валера унинг кўнглини кўтаришга уринишар, ҳамиша ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қилишар, аммо у инсоннинг юраги шунчалик адоватга жой топа олганидан эзиларди.

Ҳадемай афгон қишининг совуқ шамолларию изгирилари бошланди. Декабрнинг ўрталарида Олимнинг тугилган кунини нишонлашадиган бўлишди. Хўжалик бўлимидаги ҳамюртлар кўмагида катта дастурхон тузалди. Олимнинг тугилган куни Абдуқодирни кузатиш «тантанасига» қўшилиб кетди. Абдуқодирга эртаси куни Ватанга қайтишга рухсат берилди. У шу кунгача яширган сўнги иккита арагини олиб, базмга кирди. Аввал қўл ва жағлар ишга тушиб, арақ ва аскарлар тайёрланган «қулбола бўза» ичилди, роса «чарс» чекилди. Абдуқодир ва Олимнинг шаънларига одатта биноан эса мактовлар ёғдирилди, сўнг магнитофон қўйилиб, уйин-қулги қилинди. Тенгқурларидан ажралиб, жонига фақатгина «чарс» ора кирган Абдуқодирнинг киртайган кўзлари кайфдан сузилиб, озгин юзига табассум қўнгандек бўлди. У бирдан ўрдидан турди-да, магнитофонини ўчиртириб, сўз беришларини сўради. Маст-аласт йигитлар кетма-кет қичқиришди:

— Сўз дембилимизга!..

— Сўз оқсоқолга!..

Абдуқодир ўртага чиқиб, бир оз тебраниб турди. «Тўппонча»нинг кучи элитан аскарлар унга тикилишиб, жим қотиб қолишди. Давра бир неча лаҳзалик сукутта толди.

— Мен эртага кетаман, — дея гап бошлади Абдуқодир сўзларни чўзиб. — Сизлар эса қоласизлар. Лекин билиб қўйинглар, ҳаммангизни уйда оналарингиз кутмоқда. Шунинг учун ҳаммаларинг ўзинларни эҳтиёт қилинглр... Ҳозир мен она ҳақида бир шеър ўқиб бераман... — Абдуқодир фикрини жамлаш учун бир лаҳза жим қолди-ю, яна тебра-



ниб кетди. Узини унглаб олгач, аввалига пастроқ овозда машхур шоирнинг уз онасига багишлаган шеърини уқий бошлади. У уқир, борган сари овози баландаб, галати хириллаб борарди. Юзу кўзлари бугриқиб, қизариб кетган, киприкларида ёш айланарди. У шеърятни яхши тушунамасди ва умуман шеърга жуда унақа ошно ҳам эмасди. Лекин бу шеърни уқувчилик пайтлариданоқ ёд билар, баъзан ёлғиз қолиб онаси эсига тушганда пичирлаб уқини яхши кўрарди. Давра жим қолган, баъзи йигитлар эҳтиросга берилиб, уз соғинчларини яширолмай, ошқора йиғлашарди. Шу дамда барчаининг қалби эҳтиросларга тўлганди...

Абдуқодир болаларга чарчаганини айтиб, уз чодири томон йўл олди. Вақт аламаҳал булганлиги учун лагер жим-жит эди. Чодирга бурилаётганида зобитларнинг бири уни чақирди. Бу капитан Барановнинг овози эди. Абдуқодир уларга яқинлашаркан, кўнгли қандайдир нохушлик бўлишини сезиб, кайфи тарқалгандай туюлди ўзига. У зобитларга яқинлашиб, «Эшитаман», деганди, улардан бири пичинг қилди:

— Ҳа, бабай — дембил!.. — Бу Орлушиннинг овози эди.

Зобитларнинг иккитасини Абдуқодир танимади. Тўртови ҳам маст бўлган зобитлар кетма-кет унга пичинг қила бошлашди:

— Эртага кетармишсиз?..

— Энди би-ир ҳисоб-китоб қилайлик, полвон! — деди Орлушин унинг елкасидан олиб.

Абдуқодир унинг қўлини силтаб ташлади.

— Қуйсангиз-чи, ўртоқ лейтенант!..

Абдуқодир кимнингдир урган кучли зарбидан ерга қулади. Ана шундан сўнг тўртала қутирган зобит уни тепкилай кетишди. Улар аскарнинг фақат қорни ва кўкрагига тегишарди, очиқ далил қолишидан чўчишарди чоғи. Мана, Орлушиннинг яраланган оёғи Абдуқодирнинг кўкрагига тегди. У инграркан, қўллари орасидан Орлушиннинг кўзларига кўзи тушди. Нарироқдан тушиб турган чироқ нуридан унинг кўзлари ёвуз чақнади, у оёқлари остидаги ганимини ҳар тепганида ҳузурланиб тиржайарди. Абдуқодир зобитнинг бу ёвуз нигоҳини яқинда булган жангда бир кўрганди. Ушанда қандайдир қишлоқ қаршисида тўхтаб қолган ҳарбий карвондаги баъзи аскарлар уз машиналари устида ўтир-волишиб, икки юз қадамча наридаги девор ортида кетаётган афгон аёлини роса ўққа тутта бошлашди. Стаётганларнинг барчаси янги келган аскарлар эди, ҳатто Сергей ҳам танк гумбазига ўтириволиб, астойдил оётаётганди. Абдуқодир чидаб туролмай, уларга ўшқирди:

— Бас қилинглар, манқалар!.. Хотин кишини эмас, душманни отиш керак!

Кўпчилик отишдан тўхтади. Нарироқда турган Орлушин унга яқинлашиб, совуқ тиржайди.

— Нима, қариндошларингга раҳминг келянтими?

Абдуқодир индамай юзини четта бурди. Бундан Орлушиннинг гаши келди:

— Танкчилар! — дея хитоб қилди. — Отишга тайёрланинг!..

Замбарақлар туширилиб қишлоққа тўғриланди. Шу пайт тўғрида ўн беш-йигирма чоғли болаларни қаторлаштириб олиб келаётган уч аёл кўриқди. Улар «шўравийлар»дан қўрққанларидан кўзлари қинидан чиққудай бўлишиб келишар, аёллар тинмай болаларни бир-бирларига яқин юришга ундашарди. Аёлларнинг уччаласи ҳам эллик ёшлар атрофида эди. Улар аскарларга яқинлашишгач, аёллардан бири Орлушиннинг каттақонлигини сездди шекилли, унга бир нималар деди. Лейтенант унинг гапларини тушунмай, танк устида ўтирган Абдуқодирга қараб тиржайди.

— Нима деяпти бунинг?

— Уруш тутагунча сизларнинг орқа томонингизга ўтиб турайлик деяпти, — деди Абдуқодир қовоғини солиб.

Орлушин уларнинг истагини бажарди. Кўп ўтмай бояги аёл югура келиб, Орлушиннинг оёғи остига ўзини ташлаб, ийлаганча гапирди

кетди. Ана ушанда Орлушиннинг кўзлари худди бутунгидек ёвуз чақнади.

— Яна нима деяпти бу бабайка? — дея Абдуқодирга қаради.

— Нон олишмаган экан, болалар нон деб йиғлапти, деяпти, — тушунтирди Абдуқодир. — Рухсат берсангиз қишлоқдан нон олиб чиқаркан.

— Балки сен ҳам ёрдам берарсан? — дея унга киноя қилди Орлушин.

— Борсам бовераман! — деди Абдуқодирнинг ўжарлиги тутиб.

У автоматини олиб аёл билан қишлоққа кириб кетди. Анчадан сўнг иккаласи бир талай афғоний нон кўтариб чиқишди. Аёл Абдуқодирнинг қўлидаги нонларни оларкан, кўзида ёш билан унга таъзим қилди:

— Ташаккур!..

Аёл кетгач, Орлушин яна пичинг қилди:

— Қариндошларинг сени отишмайди-да, а?..

Абдуқодир эрталабгача тепкилар зарбидан инқиллаб чиқди, ҳатто икки-уч қон туфлади. У шу алфозда ҳам юзига шикаст етмаганидан хурсанд бўларди. Ахир шилинган, кўккарган юз билан қандай қилиб уйга боради!..

Эртасига дўстлари уни кузатгани чиқишди. Олим ва Валера билан йиғлағудай бўлиб, кучоқлашиб хайрлашишди. Бир четда қунишиб турган комбат унга ҳарбий билетини узатаркан, ўзининг машхур ёқимсиз тиржайишини ҳам ҳада этди.

— Бизларни унутмагин, аскар! — деди у қўлини қисиб.

Абдуқодир унга еб қўйғудай қаради:

— Улғунимча унутмайман! — дея ёнига туфлади.

У утирган «Урал» Шиндонга йўл олди. Машинада бораркан нима булганда ҳам уша тиконли симлар билан ўралган лагерда кўнглидан нимадир узилиб қолганини ҳис этиб, бағри ачишди.

Шиндондан Қобула, у ердан эса Тошкентга учишди...

11

Абдуқодир шаҳарда таксига ўтириб, тўғри она қишлоғининг қабристонига бўсағасида уни тўхтатади. Тошкентдаги божхонада йўл харажатлари учун берилган пуддан йигирма сўм ажратиб, ҳайдовчига узатди.

— Кечирасиз, ака, мени сизга суюнчи берадиган ота-онам йўқ... Рози бўласиз-да!.. — деди ғамгин жиммайиб.

Эликларга бориб қолган таксичи унинг кўзларига боқди-ю, чапаниларча саҳоват кўрсатди:

— Ие-е, қизиқ экансиз-у ука, пул бермасангизам майли... — деди қўлларини силкиб, — уша ёқлардан ўлмай кепсиз, ҳали ҳаммаси яхши бўлади...

Абдуқодир «Раҳмат», дея пулни ҳайдовчининг ёнига ташлаб, машинадан тушди. Ҳайдовчи самимий хайрлашиб, кўздан ғойиб бўлди. Абдуқодир тоғасини уринтиргиси келмай, шундай қилди, бўлмаса, тоғаси озгина пулу тўн ва белбоғини ундан аяйдиган одам эмасди.

У қабристонга кирди. Ерни сийрак қор қоплаган, ҳаммаёқ оппоқ, қабрларни босмаслик учун асталик билан юриб, ҳеч қандай белги ҳам, панжара ҳам қўйилмаган ота-онасининг чўкиб қолган қабрини тахминан топди. Қабр четига тиз чўкиши билан вужуди силкиниб, ичидан таърифсиз бир фарёд келди. У бутунлай ўзини унуттанди.

— Буви!.. Мен келдим, буви!.. — Бу сўзларни у йиғи аралаш чийиллаб айтди, кўзларидан дувиллаб ёш қуйилди...

Бағрини бир оз бўшатиб олгач, Қуръон тиловат қилди, ота-онасининг руҳига багишлади. Дуодан сўнг ҳам тиз чўккан қўйи узоқ ўтирди.

баданига совуқ утиб, титрай бошлаганда ўрнидан турди. Юз-кўзларини артиб, жомадонини кўтариб қабристондан чиқди.

Қишлоқда ҳеч нарсани сир тутиш мумкин эмас. Абдуқодирнинг келганидан алақачон хабар толган тоғаси, жиянлари ва бир-иккита қўни-қўшнилари қабристон дарвозаси олдида туришарди. Чамаси, уларнинг бу ердалигига анча бўлгану Абдуқодирга ҳалал беришни исташмай, кутиб туришганди. У ҳаммалари билан қучоқлашиб кўришди, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашди. У ёқ-бу ёқдан тинмай гаплашиб боришаркан, гап орасида тоғаси сўради:

— Бизникига борасанми ёки?... — У жиянининг қиёфасидан бир нарсани тушунгандай. — Майли, бутун ўз уйингга борайлик, ҳамма нарсани тайёрлаб қўйганмиз, — деди.

Тоғаси айтгандай — Абдуқодирнинг неча йиллардан буён ҳеч ким ўтирмайдиган кимсасиз уйи саранжом-сарийшта эди. Ҳовли супурилган, уйлар оқланган, уй ичи жиҳозланиб, тушақлар солинган, катта уйга сандал қуриб қўйилганди. Бу ҳолдан таъсирланган йигит кўзларида ёш билан тоғасини қучоқлаб олди. Тоғаси ҳам кўз ёшларини тутиб туролмади.

Уй ичи қўни-қўшни билан тўлди. Фотиҳа қилинғач, Қуръон ўқилди, ўтганларнинг руҳига бағишланди. Тез орадан тоғасининг хотини бир қатор сарупо олиб чиқиб Абдуқодирни ясангириб қўйди. У ичига ботган гамгин кўзларини озгин юзини ҳисобга олмаса бахтиёр куёв бола бўлди-қолди.

— Нимча кеч қолдинг, жиян? Биз роса хавотирландик, — деб кетди суҳбат чоғи тоғаси, — яхшиям ҳалиги Акбарали деган бирга хизмат қилган ошнанг бор экан. Уша келиб жонимизга ора кирди. Булмаса...

— Акбар қачон келди?

— Ҳар икки кунда келади дегин. Бечора жа яхши бола экан-да. Кечагинаям кеп кетди...

Абдуқодирнинг багрини ажиб бир қувонч сийпалаб ўтди.

Ҳовли тўйхонага айланди. Абдуқодирнинг тенгқур дўстлари келишди. Ош дамланди. Бу орада қишнинг шошилган қоронғуси ҳам тушди. Тоғаси ва қўни-қўшнилари бу кеча аскар бола улфатлари билан бир маза қилсин, дейишиб, ёшларни ҳоли қолдиришди. Тоғаси чиқиб кета туриб:

— Эртадан бошлаб бизникида ётасан. Уйлаб қўйганимиздан кейин уйингни тўлдири-иб ўтираверсан, хўпми! — деди кулиб.

— Хўп, тоға, — деди қўлини кўксига қўйиб Абдуқодир.

Ёшлар ҳоли қолгач, арақ ҳам ўзи кириб келди. Магнитофонни қўйишвилиб роса чақчақлашишди. Афгон ҳақида сўрайвериб Абдуқодирнинг тинқасини қуритишди. Боягидан симиришиб, карта уйнашди. Бир маҳал Абдуқодирни тоғасининг кичик қизи ташқарига чақириб қолди. Айвонда жияни унга бир хат тутқазди.

— Наргиза опам, Қодир аканг келса берасан, деганди, — дея у акасига галати қаради-да, чиқиб кетди.

Абдуқодирнинг юраклари дужиллаб, хатни очди. Афтидан, мактубнинг ёзилганига анча бўлганди...

«Ассалому алайкум ҳурматли Абдуқодир ака!

Соғ-саломат келдингизми?

Ушу хатни ўқиётганингизда мен сиздан анча узоқлашган буламан. Мени турмушга беришяпти...

Хатнинг шу ерига келганда Абдуқодирнинг вужуди титраб, инграб юборди. Айвондан тушиб турган чироқда энди хатнинг давомини ўқиёлмай, чироққа яқинроқ борди.

... Уятни ҳам қўйиб айтмай, менинг қўнглим сизда эди. Лекин ота-онамга буни айтолмадим ва уларнинг раъйига қарши боролмадим. Ҳатто ўқишимга ҳам руҳсат беришмади. Биласиз-ку — ўзбекчилик...

Бу ҳақда хизмат жойингизга ёзмоқчи ҳам бўлдим, аммо ҳар хил хаёлга бориб, ундай қилмадим. Мени кечиринг! Илтимос, ҳафа ҳам

булманг! Сиз албатта бахтли бўласиз, мен буни жуда-жуда истайман!.. Хайр, омон булинг!»

Наргиза.  
16 август.

Абдуқодир айвон устунига суянганича жонсиздай қотиб қолди. Шу куйи анча турди, сўнг хатни гижимлаб улоқтирди. Гандираклаб уйга кирди, сандалнинг ёнбошига тиззалаб, косагулга пиёла тутди.

— Қуй!

Косагул пиёлани яримлатиб қуйганди,

— Тўлдириб қуй! — деди.

— Ие-е, ҳа?... — дея тиржайди ошнаси.

— Қуйвер!.. Энди кўп қуясан...

У арақни силқорди. Кўзларини юмиб, афтини тириштирди ва бутун танасини силкитиб «Ах-х!» дея хайқирди. Бу билан у кўзларига сизаётган аламнинг йўлини вақтинча қирқди...

Ойлар, йиллар утаверди. Олаговур замонлар бошланди...

## ХОТИМА ЁХУД ЯНГИ ЖАНГНИНГ БОШЛАНИШИ

У шафаққа тикилиб қолди. Кўзлари хоргин-хоргин чуқайтган Қуёшнинг таърифлашга сўзининг қудрати етмас рангларига — ўлим рангига тула бошлади. У шафақ ранги кирган лабларини қаттиқ тишлаб, уфққа яна ҳам чуқурроқ тикилди. Кўзларига шаҳид дўстларининг нигоҳлари тўлди. Тулаверди... Шу пайт унинг рўпарасидан шакл-шамойили одамга ўхшаш қизгиш-қора тусдаги соялар ўта бошлади. Уларнинг юз-кўзлари, кийим-бошлари кўринмас, фақатгина одамий шаклдангина иборат эдилар. Сояларнинг каллалари Абдуқодирнинг тўғрисида келгач, у томонга бурилардилар-да, унинг юзига тупурадилар. Сояларнинг ҳам, тупуқларнинг ҳам ниҳояси кўринмасди. Йигит бу ҳолдан охири толиқди шекили, шафақ рангига тўлган кўзларини чирт юмиб, кўз ва юзидаги намни қўллари билан артди...



*Матназар Абдулҳаким*

## ҲАР ТОМЧИДА МИНГ ХОТИРАЛАР

\*\*\*

*Ёмғир ёғар. Қушлар қунишган.  
Бослиқади йўлларнинг чанги.  
Ёмғир ёғар. Шеър ёзгим келар,  
Гуё ёмғир янги, шеър янги.*

*Ёмғир ёғар. Хаёл сураман.  
Тинглаб самовотнинг мунгин жим.  
Неча мингинчи ёмғирдир бу  
Ва мен шоир неча мингинчи.*

*Йўқ! Йўқ! Фақат менга бу ёмғир  
Ва мен бу ёмғирга доирман.  
Илк ёмғирдир оламдаги бу  
Ва мен оламда илк шоирман.*

*Шаррос жалаларни куйлайман,  
Дабдабасиз, гариб шеърларда.  
Ақлим етмас, қандай севарлар  
Ёмғир ёғмайдиган ерларда?!*

*Ёмғир ёғар. Булади аён  
Илоҳий бир туйғу жамоли.  
Ёмғирларни ерга бахш этиб  
Не кечаркин осмоннинг ҳоли?!*

*Ёмғир ёғар. Ишқ ҳамрозлигин  
Қўпроқ қила бошлар фаҳм дил.  
Ёмғир ёғар сендек қаҳрчан,  
Ёмғир ёғар сендек раҳмдил.*

*Ёмғир ёғар, оқар бир зилол  
Менинг қақроқ эътиқодимга.  
Ёмғир ёғар. Ҳеч ким сололмас  
Сени ёмғирчалик ёдимга.*

*Ийманмас ҳеч очилмоқдан гул,  
Майса бўлмас унмақдан изза.  
Такрорланар ҳар гал шу ёмғир,  
Шу муҳаббат, шу пок муъжиза.*

*Кўзим етар. Сийқалангайдир  
Бу дунёда бўлса не такрор.  
Мен бетакрор такрор куйлайман,  
Ёмғир ёғар такрор бетакрор.*

*Чашма-чашма ҳалқоблар ичра  
Жафоларинг эрийди чукиб.  
Лиммо-лим куп паймоналарни  
Ёмғир ёғар тукиб ва тукиб.*

*Ёмғир ёғар. Фалак фош этар  
Сирларининг тоза-тозасин.  
Ёмғир ёғар. Тулдирмоқчидек  
Мангуликнинг сабр косасин.*

*Ёмғир ёғар. Алҳамдулиллоҳ.  
Ҳар томчида минг хотиралар.  
Насиб этсин ҳар қайси битта —  
Юлдуздан нур эмган қатралар!*

\*\*\*

*Тунларим тонг бўлар сени уйланиб,  
Сени уйлаб, менинг бўлар кеч куним.  
Сенинг мендан бошқа ҳаммаларинг бор,  
Менинг сендан бўлак йўқдир ҳеч кимим.*

*Дарвоқе, сеним ҳам йўқсан-ку менинг,  
Сени ҳеч меники демаслар энди.  
Юрак мавҳум бир бахт... юракдан бошқа  
Ҳеч бир бахт меники эмаслар энди.*

*Оёқларим менга бош эгмас сира,  
Оёқларим мени сенга судрайди.  
Жудолик либосин устимга ўртиб,  
Рўҳимда садоқат мудрайди.*

*Юракда сайрайди ўлик бир булбул,  
Беҳуда ахтариб қийғос ҳисларни.  
Гулим... дилим... шу ҳам ҳаёт бўлдим,  
Худо раҳмат қилган бўлсин бизларни...*

\*\*\*

*Сенсиз ўтган кунлар юракни эзар,  
Тоқатим тоқ бўлар. Тугайди сабрим.  
Нафасим қисилар, кўзларим тинар —  
Жуда ҳам қоронгу, зах менинг қабрим.*

*Ачиниб кетаман ҳамдари кўёшга,  
У билан сирлашиб ёруғ сир-ла, ман.  
Қабрим нурга тулар, чарогон бўлар,  
Ўлимга тўяман. Тириламан.*

*Ассалому алайкум, сочлари зулмат,  
Ассалому алайкум, рўхсори ойим...*

... алик йуқ, Сен йуқсан. Юмилади кўз.  
Қиёмат эса ҳеч бўлмади қойим.

## Куз

Курдим, отам билан далада  
юрар эди хирмон совуриб.

Отабек Исмоилов.

Офтоб аҳён-аҳён муралаб қўяр,  
Топиб унда-бунда булутлар чокин.  
Ҳансираган тупроқ салқинга тўяр,  
Хоразм ерида хазонрез ҳоким.

Сариққа чалиниб чекиб ётар ғам,  
Ҳар дарахт, ҳар майса, ҳар қир ва ҳар рош.  
Баҳор маликаси боди сабо ҳам  
Қариб шамол бўлган, бўлган бир фаррош.

Хурпайтирар шохга қўнган қушда пар,  
Йулакдаги чангни кетар уфуриб.  
Гоҳ унда, гоҳ бунда юрар, муштипар,  
Байроқ ҳилпиратиб, кўча супуриб.

Богларда хўрсинса, тўкилиб мева,  
Далада оҳ тортса, чаноқ чарақлар.  
Олтин япроқларни сева ва сева,  
Кўҳна китоб қилиб бир-бир варақлар.

Борлиқ кўп сермахсул хаёлга толган,  
Дард кўп ҳорғин кеча-кундузларида.  
Соғлом умид ухлар қурт тушмай қолган  
Юксак дарахтларнинг илдизларида...

\*\*\*

Биз тушган вертолёт Хива устида,  
Кузлар хираланар қалққан ёшлардан.  
Жим янграр қўшиқлар — мовий ва юксак,  
Ҳар бири тўқилган мангу тошлардан.

Қулаб тушсак, ушлаб қолгудек сергак,  
Хўжаминор боқар бизга ачиниб...  
Авф эт Полвон пийрим, кечир, отажон,  
Гулзор устидаги биз — ниначини.

## Беҳи

Бир жуфт беҳи келтирган эдинг,  
Бир-биридан хушбўй, муаттар.  
Мен уларни қаттиқ соғиндим  
Ва саргайдим беҳидан бадтар.

Мана, яна беҳилар пишди,  
Фироқ фасли, ҳижрон мавсуми.  
Меваларнинг энг бир ҳазини,  
Меваларнинг энг бир маъсуми.

Кезмоқдаман беҳизорларни,  
Бир беҳи йуқ бошин эгмаган.  
Заъфарон бу мевалар тахир,  
Ҳеч бирига қўлинг тегмаган.

Сенсиз бутун дунё беҳизим,  
Сенсиз бутун дунё беҳудам.  
Ҳамуқубат, ҳамдардим билиб,  
Ҳол сурайман ҳар бир беҳидан.

Хаёлимда бошқа мевалар  
Минг бор инкор, минг бор рад бўлди.  
Дунёда бор ҳикмат якуни  
Жуфт беҳидан иборат бўлди.

Келмасанг-да тонглар отмоғи,  
Кунларнинг-да ботмоғи мумкин.  
Лекин менга тинчлик бермайди,  
Келтирганинг жуфт беҳи тун-кун.

Айланди ул бири қувшим,  
Айланди ул бири ойимга.  
Армон билан бошқа мевалар  
Тўкилади бир-бир пойимга.

*Матлуба Ҳамроз*

## КҮНГУЛ ЧАРАҚЛАГАН КҮННИ ИСТАЮР

\*\*\*

Кузинг қаросидек қаро тун,  
Кузинг оловидек олов дил.  
Қаролиғу оловлиг ичра,  
Елғиз ўзи тунайди кўнгул.

Лабинг гунчасидек уммедлар,  
Лабинг ҳажри монанд бағир қон.  
На уммеду, на ҳажринг даъво,  
Ҳамон сориг юзимдур сомон.

Чехранг соясида ухлар ой,  
Чехранг ёругидандур дардим.  
Бу не бало савдоки, вой-вой,  
Ҳазон ўлмиш чехраи зардим.

Қаддинг расолиқда бехато,  
Қадди равон келсанг на бўлғай?!  
Йуқ, келма куй, шафқат қил, илло,  
Келсанг тамом, бу дунё куйгай!

\* \* \*

Изгирин қўллари тобора қисқа,  
Кўнгул чарақлаган кунни истаюр.  
Мовий осмон узра, момиқ ер узра,  
Шамснинг нурларини ўрар тахайул.  
Сахро чулдур-чулдур нағмага дўнар,  
Солланиб-солланиб келса баҳорлар.

Майхуш ҳаволарга жон бўлар таслим,  
Кавокиб сеҳридан гуллайди кеча.  
Дилингни тошларга уриб куйлатар,  
Ҳали забони йуқ бойчечак — қизча.  
Маҳзун чеҳралардан кетар озорлар,  
Дилингни куйлатиб келса баҳорлар.

Қаҳқашон маконда дил этар ханда,  
Фитналар бошлайди бунда ҳар чечак.  
Назмсоз қалб билан ёрилиб бунда,  
Арзийди гулларга кўмилиб ўлсак.  
Оламни ўртаюр ишқ хору зорлар,  
Кўнгулни ёшлатиб келса баҳорлар.

\* \* \*

Қаю манзил сари кетурмиз шитоб,  
Тановул этгунча дилни шом-саҳар.  
Нечук, ҳолимиздан куйишди офтоб,  
Каломимиз ҳамон Оллоҳу акбар...  
Дил кул-кул-а ҳайрон,  
Кўнгул ёқавайрон!

Қайғу — ишратимиз, истагимиз кам,  
Маломат уйида тўрт кун меҳмонмиз.  
Фақат биз ўзимиз, ўзимизда жам,  
Гардиш меҳробида гилу гирёнмиз.  
Дил кул-кул-а ҳайрон,  
Кўнгул ёқавайрон!

Сиффатимиз бўлмас туфроқдан ўзга,  
Саодатлик йуқдур туфроқдан баланд.  
Фақат қудратимиз етади Сўзга,  
Риндлигу ошиқлик бизнинг мақомат.  
Дил кул-кул-а ҳайрон,  
Кўнгул ёқавайрон!

Гулхан оловланмас, шаштимиз ёмон,  
Сукунатда ажаб, дашти Карбалло.  
Айттил, ким қолибди саҳнингда омон,  
Қорачиқдан кичик чархи бевафо?  
Дил кул-кул-а ҳайрон,  
Кўнгул ёқавайрон!

\* \* \*

Ишқнинг гулобини тутдим ағерга,  
Тул қолган тунларда оғулар ичдим.  
Неки ҳаловат бор, бўлсин дуст-ерга,  
Алдамчи дунё-я, мен сендан кечдим.

Мени паноҳингга ол, энди кўнгул,  
Иккимиз кетамиз пою-пиеда.  
Шу ғам бизникидур — ҳидланмаган гул,  
Ҳилолдек маъсуму, гўдақдек тоза.

Кўзёшлар на ҳожат ҳасрат дайрида,  
Энди куймаклиқда бўлмас камимиз.  
Хиёнат қилмасак магар, бир-бирга  
Минг йилга татигай ишқли ғамимиз.

\* \* \*

Дилим англр бўлсанг саҳроларга чиқ,  
Ёнар лолазорни тинглагин унсиз.  
Менсиз ғариб бўлар эди бу саҳро,  
Алвон бўлмас эди лолазор менсиз.

Феълим билмоқ эрсанг майсаларга боқ,  
Жони ипақдайин майин дийдалар.  
Эзгилаб кетса ҳам товонлар бошин  
Тошлар отолмайди ортдан майсалар.

Ҳолимни сўрама... вайрон, дилабгор —  
Муножот жиҳотга шайланар дамда  
Чидаб билсанг агар дилингни ёшлаб,  
Бир зум сукутлаб ўт култепаларда...

\* \* \*

Қаноат, қатлимга не қисмат битдинг,  
Ёким расминг шуми, сенинг фанолик?  
Телбадан бечора ҳолати ҳаттинг,  
Дил айди: Ё раббим, бу не расволик?

Ялдо тунларида йиртилган яқо,  
Мажнун кўзларимдан уялмиш нечун?  
Бу турган конимиз майхонами, ё...  
Тўфон туғиб кетган дунё — бесутун.

Жонсиз бу оғочлар дилимга ошиқ,  
Андалиб хунимга чўмилмоқ истар.  
Ишқ каъбамдур, деб, ё лоф урдимми,  
Нечун жим кетяпсан, жоним хокистар?

Талваса ўтида ёнмоқчи асли,  
Дунё азиммати рақамми, ростлиқ?  
Тилидан-да қалта экан-ку дасти,  
Дил айди: Ё раббим, бу не расволик?!

\*\*\*

Биз кетамиз мангулик томон,  
Мерос қолар биргина алам.  
Рухнинг эркин қушчаларига  
Дон тутамиз лабимиз билан.

Учрашамиз еттинчи кўқда,  
Фақат севги булар тақвомиз.  
Ранжитмагай бизни у ерда  
Фонийликда кўрган савдомиз.

Ажабтовур саодат ийиб,  
Шитоб келар тушиб шаштидан.  
Изларимиз қолар миҳланиб  
Селу селоб жунун даштида.

Бундан ортиқ бахт бўлса, ёлгон,  
Васлинг истаб ҳам хору хасмиз.  
Фақат, ўзинг дил аржуманд эт,  
Оллоҳ-оллоҳ, кўйингда мастмиз...

\*\*\*

Нечун наволандинг муганний,  
Асрабмидинг мендек асруни?  
Қизгандингми бедил, бедарддан,  
Ҳиллол тугиб берган қайгуни?

Жонфизо гулшабистон ичра,  
Телба руҳим тилар мағфират.  
Йиглар, йиглайберар бу кеча,  
Яшил туйгу комида ҳайрат.

Бу не роҳат? Астағфируллоҳ,  
Сунгакимдан сув силқса илким?  
Рихлатимиз бўлур қай маъво,  
Сен унутдинг, мен-да унутдим...

## БЕШ КУН

ТУРКУМДАН

\*\*\*

Беш кундир, йулдаман,  
Кимлигим  
Эслай олмайман...

Ярмим — малак:  
Нурхуққани отади зулмат хуққага,  
Уйнайди... бири кам... гардкам...  
Тишлаб кўради — чақилмайди.  
Тўққиз пардали созни тирнайди —  
Чала олмайди.  
Кетади — қайдасан,  
Нурманзил?!

Ярмим — шаҳват:  
Лабу кўз аро,  
Қошу зулф аро,  
Икки ой гул аро  
Адашар —  
Қон туфлар туфдонга.  
Жунайди — қайдасан,  
Шумманзил?!

Ярмим — илон:  
Оғзига гул тишлаб олган,  
Кавакми, говакми,  
Ғамакми, шамакми,  
Суртиб адо қилар...  
Чақмоқ ёнгоқ чақар,  
Бургуткуз, калхаткўз ёғар шивалаб,  
Қочади — қайдасан,  
Қумманзил?!

Ярмим — балиқ:  
Қошини қоқмоқчи бўлади ойга.  
Қанотларига қараб анграр —  
Учса юлдуз танга олиб қайтарди.  
Ғаввосга қараб анграр —  
Ҳайраттанга, таажжубтанга.  
Қамишдан қарзини уза олмайди.  
Шунгийди — қайдасан,  
Сувманзил?!

\* \* \*

Алқисса,  
Сурайман —  
Оқ сигирдан қора сигир пайдо қилган зот  
Қаерда яшайди?

Жавоб бермайди ҳеч ким...  
Билмасам,  
Қора сигирдан оқ сигир пайдо қилган зотни  
Биларсиз?  
Жавоб бермайди ҳеч ким...

\* \* \*

Кечиринг, онажон,  
Бугун ёнингизга бора олмадим.  
Чиқай десам,  
Кулча бўлиб  
Ўлиб қопти йул.  
Оч эди беш кундан буён —  
Тановул қилмаган бирорта қадам.  
Қириб четга ташлай десам,  
Хокандозни йўқотиб куйибман.  
Қўлимда сояандоз,  
Соя йигиб юрибман —  
Чойнак тўла соя қайнаётир,  
Қозон тўла соя пишаётир.  
Беш кундан буён  
Хаёлсоя — гизоим,  
Ақлсоя — жазоим,  
Тасаввурсоя — сазоим.  
Қўлимда сояандоз...  
Биров ичкари кирди,  
Ғафлатда қолдим.  
Онажон, мени кечиринг,  
Яқинда бораман  
Фақат  
Айтинг —  
Соя олдин кирдим,  
Одам олдин кирдим,  
Қай бирини олай сояандозга?

\* \* \*

Майли мени унут, ёдимни қувгил,  
Нафрат шимдирилган шамларинг силкит  
Ва ғамга ибодат қилишдан олдин,  
Мен келар йулларни сандиққа беркит.  
Юракка ин қурган илонни чорла —  
Курса жанг қилсин деб исмимни ўргат.  
Аламинг дарё қил, ғазабинг ўрмон,  
Хаёлинг чангалзор — хаёлим судрат...  
Йиртилсам —  
жон томса,  
бу ҳам бир илинж.  
Томса, томаверса, бизлар сунгги бор

Тикилсак,  
нур билан  
бир-биримизга,  
Сунгги томчи жон...  
сунгги қатим нур...  
нафас сунгги бор...  
О-о, менинг бечора алданган руҳим,  
Илинж мезонларин қувмоқда яна.  
Йуқлик дарахлари ўфурган елнинг  
Қўлига умидвор қунмоқда яна.

Илинж:  
Мен учун туғилган сенмисан?!  
— Сиз мени билмайсиз, гуноҳларим кўп.

Илинж:  
Елгизман, халоскор, мен сени топдим.

— Мен эса кўп кутдим, сунгра адашдим.

Адашдим...

Яна ўша манзилми — вайрона жоним  
Ичида телбадай югурдим йулсиз,  
Кузимдан сўрадим.

Кузим:  
— Мен қўл эмасман,  
Пайпаслаб билсам,  
Саробни нажот деб, адашдим.

Қўлимдан сўрадим.  
Қўлим:  
— Мен сўз эмасман,  
Қанотим манзилга элтса бехато,  
Қайгу қаросида соч деб, адашдим.  
Сўзимдан сўрадим.  
Сўзим:  
— Мен дил эмасман,  
Ўзимни ёқсаму шуъламда кўрсам,  
Баҳор деб гул очган кўзда, адашдим.  
Дилимдан сўрадим.  
Дилим:  
— Мен кўз эмасман,  
Нигоҳни нигоҳим билан изласам,  
Неча бор меҳмонни мезбон деб, адашдим.

Начора,  
Умид ҳам эриди ишқ аёзиди,  
Сунгги бор шимиди хабарчи турна.  
Қанотдан пат берди, патидан игна,  
Хотирин тутқазди — шаклсиз ойна.  
Ва деди:  
Гарчи унутдирсан, йўлинг сандиқда,  
Ҳамроҳинг хаёл, илинжинг тилчи.  
У сени кутмоқда, гарчи бу ёлғон,  
Йулга чиқ, йулга чиқ, сен яна йулчи.



## СОЗ ВАСФИ

(Санъатдаги ҳаётим ва ҳамкасбларим ҳақидаги уйларим)

Тургун Алимат (Тургун Алиматов) мусиқа санъатимизнинг зарбадас намояндаларидан. Санъаткорнинг қалб қуридан таралган куйлар янграмаган ўзбек хонадони бўлмаса керак. Дарҳақиқат, бу устоз санъаткорнинг оташин ижоди маънавий ҳаётимизнинг ажралмас бўлаги ва мусиқа меросимизнинг дурдонасига айланган.

Чинакам истеъдод бебаҳо гавҳарга ўхшаб, серқирра ва сержило бўлади. Тургун Алимат нафақат тенгсиз созанда ва ижодкор, балки ҳаёт мактабда пишиб етилган донишманд, санъат ва адабиётнинг катта билимдонидир. Яқинда санъаткор «Соз васфи» деган эсдаликлар китобини ёзиб тугатди. Бу китобда у ўзининг санъатга кириб келишини, ўзи кўрган, билган буюк санъаткорлар ҳақидаги кузатишларини қаламга олган, мусиқанинг энг юқори «акл-идрок босқичи»га ўтиб, созандалик касби ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён этган. Шу китобдан айрим бобларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

### Тўхтасин Жалилов сабоқлари

Мен Муқимий театрида бир йил, Республика радиосида эса ўттиз йил ишладим. Радио кўмитасида пенсияга чиқишимга бағишланган махсус йиғилиш бўлди. Ушанда Ганихон ака ва бошқа кишилар гапиришди. Раисимиз Ганжа Ёқубов йиғилиш охирида менга ҳам сўз берди. Шунда айтдимки, мен радиода ўттиз йил ишладим, Муқимий театридаги хизматим эса бир йил давом этган. Гарчи театрдаги фаолиятим бир йил давом этган бўлса ҳам, Тўхтасин Жалиловдан кўп нарса ўргандим.

Йиғилишда Салоҳиддин Тўхтасинов ҳам ўтирган эди. Менинг гапим кўпчиликка янгилик бўлди. Тўхтасин акадан кўп нарса ўрганганман, деганимда ҳайрон бўлиб қолишди. Ушанда Тўхтасин ака ҳеч кимнинг эсида йўқ эди.

Мен бировни хафа ёки хурсанд бўлишига қарамасдан, юрагимдаги гапни айтдим. Бунақа дейишимнинг асосий сабаби шуки, мен радиога ишга келганимда санъаткор сифатида шаклланиб бўлган эдим. Бунда Тўхтасин Жалиловнинг катта хизмати бор.

Уруш йилларидаги Муқимий театри миллий маданиятимиз тарихида алоҳида ўрин тутади. Театрнинг бу даврдаги фаолияти фақатгина яхши асарлар қўйиб, томошабинларнинг олқишига сазовор бўлганлиги билан эътиборга молик десак кам. Энг асосийси

шуки, бу даврдаги ижодий шижоат миллий маданиятимизда нисбатан янгилик бўлган театрга одамларнинг муносабатини ўзгартирди. Саҳнада яхши асар қўйса бўлади, бастакорлар ҳам тингловчиларга ёқаётган мусиқа ишлаб олишади, яхши асар қўйилса, одамларни мажбурлаб театрга жалб қилинмаса ҳам, узлари келаверадилар, деган фикр амалда исботланди.

Уша пайтда Журахон Султонов, Маъмуржон Узоқовлардан тортиб, ҳофизларнинг энг зурлари Муқимий театрида эди. Охунжон қизиқ ҳам ўша ерда. У киши ҳам худо берган санъаткор эдилар. Ҳеч нарса демай саҳнада кўринишларининг ўзида одамлар кулишаверарди. Саодат Қобулованинг Марғилондан янги келган вақти, ун тўққиз-йигирма ёшларда, Дони Зокировнинг «Кўрмадим», «Бир иш-ва билан», «Эй сабо»ларини янги ўрганиб айтарди, овози тиниқ ва пардада юрарди. Лутфихон аянинг ҳам авжга чиқиб, доврўг таратган пайтлари.

Театрнинг ўша пайтдаги «Тоҳир ва Зухра», «Беш сўмлик келин», «Нурхон» спектакллари патта топиб бўлмасди. Менинг ўзим ҳам бу спектакллари томоша қилиб тўймас эдим, уларга куй чалиб ўтириб, кўзимга ёш келаверар эди. Нега? Мен яқиндагина фронтдан қайтдим, у ерда инсоний фожияларни — одамлар пашшадек қирилиб кетаётганини ўз кўзим билан кўрдим. Ҳозир эса театрда ишляяпман. Лекин фронтда кўрган қайғу-аламларим қалбимга бир умрга муҳрланиб қолган. Шу боис саҳнада бўлаётган воқеалар менга бошқача таъсир этади. Залда ўтирганларнинг кўпчилиги ҳам менга ўхшаган кишилар.

Саҳнада уйнаётган артистлар ҳам ниҳоятда зур. Саҳнада ҳар ким ўз дардини кўргандай бўлади. Шунинг учун паттанинг нархиға қараб ўтирилмайди, қайта-қайта томоша қилаверишади.

Лутфихон ая «Нурхон»да она ролини ижро этганларида ҳамма-ни йиғлатардилар... Бу саҳна асарининг мусиқа ва ашулалари ҳаммон қалбимнинг тўрида туради...

«Нурхон» фожиявий спектакль. Бош қаҳрамон акаси томонидан сўйилади... Лутфихон ая саҳнада уйнаганда бош қаҳрамон Нурхон эмас, она бўлиб кетади. Она учун фарзанд ҳамма нарасдан азиз-ку. Лутфихон ая ролни ижро этганларида бутун дунёдаги фарзандларнинг дарди, оналарнинг оҳ-воҳи битта бўлиб кетгандек туюларди. Бунда Тўхтасин Жалиловнинг хизмати катта эди.

Тўхтасин ака ҳам яхши бастакор, ҳам яхши бадий раҳбар эдилар. Мен у кишининг мусиқачиларга, актёрларга айтган гапларини кўп эшитганман. Уша пайтдаги театрдаги кўп спектаклларнинг мусиқасини Тўхтасин Жалилов ишлаган. У одам битта «Баё»ни, «Чоргоҳ»ни, «Гиря»ни ёки бошқа халқ куйларини шунчаки олиб келиб қўйган эмас. Тўхтасин ака шу куйни қандай қилиб ишласа, саҳнада бўлаётган воқеага ёпишиб туришлигини жуда яхши билар эдилар. Шу жиҳатдан у киши жуда юқори турардилар. «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»ларга бошқа бастакорлар ҳам бор куйларини қўймоқчи бўлганлар. Аммо уларники унча табиий чиқмаган.

Тўхтасин ака халқ куйларини ҳолатга солишга жуда уста эди. Куй худди ўзига аталиб тикилган тўндек, спектаклга ёпишиб турарди.

Мусиқадан ташқари, роль уйнайдиган онага, қизга, ўғилга шонилмасдан, йиғи-сигисигача тушунтирар эдилар. Репитиция давом этаётганда Тўхтасин ака кўллари кўтарар эди, ҳамма тўхтарди. Кейин у киши нималар тўғри қилинапти-ю, нималар нотўғри бўляпти, тушунтирар эдилар. Сузамол одам эдилар. Гапни вазминлик билан бошлаб, сўзни аллақайлардан ўраб олиб келар эдилар.

У киши савол ташлар эдилар: «Узингизнинг фарзандингиз, як-



каю ягона қизингиз. Шу фарзандингиз балоғатга етиб қолди. Бутун фикру хаёлингиз шунда. У бу дунёдаги ишончингиз, кўзингизнинг оқ-қораси. Шунинг бахту-саодатини кўрсам-у, улсам армоним йўқ, деб юрибсиз. Ана энди, шуни биров ўлдирди! Шунда қандай ҳолатга тушасиз? Ушани уйланг. Узимнинг жигарбандим, жонажон фарзандим шу аҳволда, дейдиган ҳолатга кириб. Халқ олдида кўзингизнинг ёшини оқизиб йиғланг. Сочларингизни юлинг! Шу ҳолатни «Тўрт девор кўйида» кўшиғида беришга ҳаракат қилинг. Ниҳоятда эзилиб айтинг, ўтирганлар таъсирланиб «дод!» десин. Ана шунда санъатингиз одамларга етиб борган бўлади».

Ҳозирги театрларда Тўхтасин ака сингари бадиий раҳбарлар йўқ. У киши режиссёрликни, мусиқани, кийим-кечакни, сахналарни безашни — спектаклни кўйиш билан боғлиқ ҳамма-ҳамма ишларни узлари кузатиб, раҳбарлик қилардилар. Артистларга, ашулчиларга, ўйинчиларга, созандаларга, ундоқ эмас, йўқ, мана бундай бўлса яхши бўлади, деб турардилар. Ҳозиргиларга ўхшаб, режиссёрнинг ашула иши бўлмайди, ўйинчи ва рассом ҳам ўз ишига жавоб берсин, деб парокандалик йўлини тутмасдилар. Театрда бўлаётган ижодий ишнинг ҳамма томонини тушуниб, кўйилаётган асар яхши бўлсин, деб чин кўнгилдан хизмат қиладиган фидойи санъаткорлардан эдилар.

У киши мусиқанинг ипидан-игнасиғача, зеру забаригача тушунадиган одам эди. Созанда ва ашулчилар орасида Тўхтасин акага бир нарсани манзур қилиш осон эмас, деган гап айланмиш юрарди.

Тўхтасин ака Усмон Юсуповнинг яқин одамлари бўлганлари учун театрда айтганлари айтган, деганлари деган эди. Лекин у киши таниш-билишчиликни иккинчи ўринга қўйиб, умумий иш учун чин кўнгилдан хизмат қилардилар. Ҳатто театрда ишлайдиган ўз фарзандларига ҳам қаттиққўл эдилар. Шунинг учун ҳар қанча талабчанлик қилсалар ҳам, барча у кишини ҳурмат қиларди.

Тўхтасин ака бир гапирганларида тўхтамасдан икки соат сўзлардилар. Гапни шошмай, узоқдан бошлаб, эзиб олаверардилар. Кўпинча кесатиб, ачитиб гапирардилар. Лекин маъноли, уринли сўзлар бўлганлиги учун одамлар юракларига олишмасди.

Уша пайтда номи чиққан камончилар, найчилар буларди. Уша санъаткорларга ҳам шундай деганлари ёдимда: «Узларингизни осмонда фаҳмлайверманглар. Жуда юлдузни бенарвон урадиган созанда бўлганингизда ҳам, шуни унутмангларки, тингловчини хизматкори ҳисобланасизлар. Мабодо, улар нимани билишарди, десанглар ақлсизлик қилган бўласизлар. Ҳатто уч-тўрт нафар оддий тингловчи олдида чалаётганларингизда ҳам, мен устозларим олдида имтиҳон берайпман, кўриқдан утаяпман, деб ўйланглар.

Санъаткор раҳбарга эмас, биринчи навбатда халққа ёқиши керак. Сизларни осмонга кўтарадиган ҳам, ерга киргизадиган ҳам халқ бўлади, раҳбарлар эмас. Раҳбарларга хушомад қилиб санъатда обрў топа олмайсизлар. Чунки, раҳбар келади-кетади, халқ эса қолади. Шунинг учун халқ назарига тушишга, узларингиздан из қолдиришга ҳаракат қилинглар. Гердайиб юриш, одамларни менсимаслик мағзи пуч, бемаъни кишиларга хос иллат. Юрагида дарди, санъати бор кишилар ундай қилмайдилар, халққа яқин бўлишга интиладилар. Ҳақиқий ижодкор паришон ҳолатда, фақирона юриши керак. Мевали дарахтнинг шохи эгик, мевасизники тик бўлади... Гердайганларнинг кўпини курдим, ҳеч нарса бўлолмай ўтиб кетдилар.

Юксак даражада ижрочи бўлганингизда ҳам, тингловчидан настамиз, деб ҳисобланглар, шунда барака топасизлар. Ҳар қандай ижрочининг ҳам битта камчилиги бўлади. Одамнинг ўзи уни билмайди, лекин тингловчи сезиб туради».

Ҳақиқатда тингловчи ижрочидан юқори турар экан. Мен бу фикрнинг тўғрилигига ўз тажрибамда иқрор бўлдим.

Уша пайтда биз ҳали ёш мусиқачи бўлганимиз учун Тўхтасин ака билан яқиндан танишиб, улфатчилик қила олмадик. Лекин у киши бош булган ижодий жамоада ишлаб, катта мактабларидан ўтиш имконига эга бўлганман.

Республика радиосида ишлаб юрганымда Саиджон Калонов жамоамизда найчилик қиларди. У киши Тўхтасин Жалиловни ўзига устоз деб билиб, унинг уйига ора-сира бориб тураркан. Бир куни Тўхтасин ака у кишига шундай дебдилар:

— Радиода бир одам танбур чалади, илгари ундай танбурчи йўқ эди, ким экан у?

— Илгари Янгийўл театрида ишлаган, ҳозир радиого ўтган бир қозоққа ўхшаган бола бор. Сиз ўшанинг чалганини эшитган бўлсангиз керак.

— Уша болани олдимга олиб келинглар. Мен куриб, бир гаплашай.

Саиджон ака бу илтимосга «хўп» дебди-ю, лекин менга билдирмабди.

Иккинчи марта борганларида Тўхтасин ака яна мени эслаб:

— Нега олиб келмадинг? — дебдилар.

— Юр десам, ҳозир вақтим йўқ, кейинроқ борарман, деди. Ўзи унинг шунақа ёмон одати бор, биров бир нарса деса дарров хўп дея қолмайди.

Буни қаранг, Тўхтасин акадек санъаткор мени чақиради-ю, мен бормайманми?! Унақа одамлар йўқласа, Ҳиротга пиёда боришга тайёр одам бўлсам.

Саиджон ака Тўхтасин аканинг олдида учинчи марта борганларида у киши:

— Шундай қилиб, радиодаги танбурчи бола бизнинг олдимизга келишни хоҳламабдилар-да! — дебдилар шогирдининг гапларига сал ишонмаётганроқ оҳангда.

— Яна бир марта айтиб кураман, келиб қолар, — дебди Саиджон ака.

Шундан кейин Саиджон Калонов Тўхтасин аканинг илтимосини менга етказди. Мен шу кунийёқ Саиджон ака билан у кишининг олдида бордим. Уша Ўрдадаги уйларида битта узлари экан. «Ассалому алайкум» деб эшиқдан кириб боришимиз билан кўнгиллари бошқача бўлиб кетди. Бизнинг фикру хаёлимизни ўзларига қаратиб, гапга тушиб кетдилар. Бир бошлаганларидан тўхтамасдан уч соат гапирдилар. Кундузи соат иккида келган эдик, беш бўлди. Лекин бизларга беш дақиқа ўтгандек ҳам бўлмади.

Кўпроқ композиторларни гапирдилар. Бир-иккитасининг фаолиятини мақтадилар, қолганларини танқид қилдилар. Уларнинг кўшиқларини, мусиқаларини алланималарга ўхшатганларида мен ҳахлаб кулдим. Саиджон Калонов эса бақрайиб ўтирарди, чунки, у композиторлар томонида, мен Тўхтасин ака тарафда (эллигинчи йиллардан кейин мусиқа соҳасида кўп нарса нота билан ишлайдиганлар қўлига ўтиб кетди. Ушанда Тўхтасин ака узлари яратган куй ва кўшиқларни у ер-бу ерга олиб бориб, сотиб юрган вақтлари эди). Гапларидан маза қиляётганимдан илҳомланиб, қизик гапларни гапириб бердилар.

Кечга яқин узларининг ҳам қоринлари очди, шекилли, «Сизларга дастурхон ҳам ёзмадим, — деб қолдилар. — Анави жойда сабази бор, ошга урнаймиз».

Ҳаммамиз ишга киришиб кетдик. Ошпаз Тўхтасин аканинг узлари бўлдилар, биз у кишига ёрдам бердик. Тўхтасин аканинг ҳамма

нарсага кўллари келишиб кетаверарди. Чунки, у киши доим одамлар орасида юрган, кўпни курган инсон эдилар.

Ош дамлангандан кейин, ичкари уйга кириб, битта эски танбурни кўтариб чиқдилар.

— Мана буни бир кўринг.

Қарасам чапақай танбур экан. Симлари ҳам шунга мослаб тақилган.

— Тўхтасин ака, созни чапақай чаласизми?

— Ҳа, мен чапақайман. Камонни ҳам, танбурни ҳам чапақай чалишга одатланганман.

Танбур симлари чаладиган аҳволда эмасди. Қопқоғининг ҳам мазаси қочган, пардалари силжиб кетган. Бундан ташқари, сознинг жуссаси қопқоқнинг юпқа-қалинлигига қараб харракни жойига қўйиш керак.

— Танбуригини уйимга олиб бориб кўрадиган эканман, — дедим.

— Яхши бўларди.

— Бўлмаса, бугун олиб кетаман-да, у ёқ-бўёғини кўриб, уч-тўрт кундан сўнг олиб келиб бераман.

Шундан кейин Тўхтасин ака танбурчилар ҳақида гапирдилар. Айниқса, Султонхон танбурчини кўп таърифладилар. Танбурнинг ҳофизликдаги аҳамиятини алоҳида қайд этиб, унинг одам овозига айнан мосланганлигини, ашула айтаётган ҳофизга таянч бўладиган нарса эканлигини тушунтириб бердилар. Бухорода ўтган танбурчиларга юқори баҳо бердилар. Яхши танбурчилар камайиб кетаётганлигини афсусланиб қайд этдилар...

Ошни еб булганимиздан кейин ҳам анча вақтгача гаплашиб ўтирдик.

Тўхтасин ака ўз танбурлари тўғрисида бошқаларга ҳам гапирган эканлар. Лекин ҳеч бир натижа чиқмагач, яроқсиз ҳолда уйларида ётган экан. Мен у танбурни олиб кетиб, яхши устага кўрсатиб тузаттирдим. Узининг жуссасига мос янги қопқоқ қилдирдим. Кейин ҳамма пардаларини бошқадан боғлаб чиқдим. Симларини, харрагини ростлаб, чаладиган аҳволга келтирдим. Уйда бир яхши жилд тиктирдим, сўнг радиого олиб келиб, Саиджон Калоновнинг қўлига тутқаздим: «Мана, энди Сиз олиб борсангиз чиройли бўлади, Турғун Алиматов бериб юборди, десангиз бўлди. Мен олиб борсам хижолат бўлишлари мумкин», дедим.

Шундан сўнг кўп санъаткорлар йиғилган жойда Тўхтасин ака мен тўғримида гапириб шундай дебдилар: «Яхши санъаткор, мисоли ёнида мушк-анбари бор одамга ўхшайди. Бундай одам ёнимда мушк-анбарим бор, деб айтмаса ҳам, унинг хушбўй ҳиди атрофни тутиб кетади, кишилар унга интилади. Яхши санъати бор одам ҳам шундай бўлади. Бундай кишилар аксарият ўзларини кўз-кўз қилишни ёқтирмайдилар. Мухлисларининг ўзи уларни қидириб топади...

Ана шундай санъаткорлардан бири ҳозир радиого танбурчи бўлиб келибди. Уни танийсизларми?... Мен уни тўрт марта уйга чақиртириб, бешинчисида зўрга учрашиш имконига эга бўлдим. Узим уни бир кўришни истаб йўқладим... Сизлар ҳам шундай бўлинглар».

Тўхтасин аканинг бу гапларини менга ўша пайтда филармонияда танбурчилик қилган Ҳусанов деган ҳамкасбим айтган эди.

1948 йилда радиого — Юнус Ражабийнинг мақом ансамблига ишга ўтдим. У киши доим бизлар билан ўтирардилар. Ўзларини ҳеч катта тутмасдилар. Ҳаммони тенг кўриб, бамаслаҳат иш қилардилар. «Шашмақом»ни тулароқ ўрганиш учун бухоролик Борух Зиркиев деган домлани олиб келганлар. У киши танбур чалиш ёки ҳақиқий овоз билан ашула айтишни билмас эдилар. Лекин доирада секин усул бериб, бутун «Шашмақом»ни ёддан гингиллаб берадилар. Санъаткор, шинаванданинг бунақа тоифасини мен илгари кўрмаганман.

Зиркиев домла жуда хушмуомала одам эдилар. Мен қизиқиб, у кишидан кўп нарсаларни сўрадим. Ишдан сўнг йўлда секин гаплашиб қайтардик. Менга ўхшаган қизиқувчан одам у кишига ҳам маъқул келарди чоғи. Уйлари Инқилоб Хивбонидан сал нарироқда, яҳудийлар яшайдиган маҳаллада эди. Тарихдан, ўтган-кетган ҳар хил гаплардан чақчақлашиб борардик.

— Ашулачи ёки чолғучи бўлмай туриб, шунча мақомни қандай ёдлагансиз, шунга ҳайронман, — дедим бир куни унга.

У киши шундай дедилар:

— Мен Бухорода туғилиб усганман. Отам созандалар орасида юришга ва «Шашмақом»ни эшитишга жуда ишқивоз булганлар. У пайт Левича деган зур ҳофизлар шуҳрат қозонган вақтлар. Отамлар Левича борадиган жойдан илоҳи борича қолмасликка ҳаракат қилган. Уни уйга меҳмонга чақириб, мақом эшитишни яхши курган.

У пайтда Бухорода фақат эски ўғларни ўргатадиган мақом мактаблари бўлар эди. Ёшлигимда мени ҳам шу мактабга олиб бориб берганлар. Мақом — улўғ нарса. Отам бу ишни, борди-ю, чалиб айтмаганда ҳам, уни эшитадиган бўлсин, деган ният билан қилган эканлар. Шундай қилиб, ёшлигимда, ҳали фикру ҳаёлим бўлилмаган пайтда бутун «Шашмақом»ни хотирамга тошга уйилган нақшдек жойлашиб қолган.

Мақомларни ўша замондаги сузлари билан ёдлаганман. Илгариги устозлар шогирдларининг қўлига доира ушлашиб, мақомларнинг усулларини чалдириб ўргатардилар. «Талқин» — ланг усулда, «Наср» фалончи усулда чалинади, «Мўғулча»нинг усули мана бунақа бўлади, ундан кейинги усулларга мана бундай қилиб ўтилади, деб олдин усулларни ўргатишарди. Шундай қилиб, шогирдлар орасидан қобилиятлилари танланарди ва уларга танбур чалиб, мақомларни бошқача ҳолатда ижро этишга руҳсат бериларди.

Мен «Шашмақом»нинг усулларини биламан. Доирани қўлимга олганимдан кейин ашуланинг сузи ҳам, оҳанги ҳам эсимга қўйилиб келаверди. Сузлари хотирага жойлангандан кейин, ашуланинг йўлини ёдлаш осон бўлар экан.

— Шу соҳада ишлаб, доирачилик ёки ҳофизлик қилдингизми?

— Йўқ. Афсуски, менда ёқимли овоз ёки яхши танбур чалиш қобилияти бўлмади. Фақат ўзим қизиқиб ўрганиб, хиргойи қилиб айтиб, маза қилардим, холос.

— Умрингиз мобайнида қайси касб билан шуғулландингиз? Тирикчилигингиз нимадан бўлди?

— Ўрта мактабда муаллимлик қилдим. Бошланғич синфда ишлаб, болаларнинг саводини чиқардим. 30 йил муаллимлик қилгач, пенсияга чиқдим.

— Орадан шунча вақт ўтибди, мақомлар ёдингиздан кутарилмади?

— Йўқ, ундай бўлмади. Аксинча, мактабда ўттиз йил муаллим-

лик қилиб орттирган тажрибам бирпасда хотирамдан кутарилиб кетди. Муаллимлик қилдимми-қилмадимми, ҳозир эсимга ҳам келмайди. Лекин ёшлигимда ўрганган мақомлар кечагидек ёдимда. Болалиқда хотирага ўрнашган нарса одамнинг эсидан чиқмас экан. Ҳозир Юнус ака қаеридан сўрасалар, кўрсатиб бериб утирибман-ку. Мана, энди керак бўлди ўша ўрганганларим.

Юнус ака ҳам ўрганардилар, ҳам нотага ёзиб борардилар. Шунда айрим жойларида усули тўғри келмай қоларди. Баъзан сўзлари хотирадан кутариларди. Сабаби, у киши янги ўрганганлар-да. Шунда Зиркиев домла ёнларида утирарди. У киши дарров доирани олардилар-да, секин гингиллаб берардилар. Баланд бўлмаган овоз билан, тилни учда «ла-ла-ла» қилиб, «Бак-ко бум бак, бак-ко бум» усулини чалганларидан кейин, у ёғи юришиб кетаверарди.

Ҳақиқий мақом йули домла Зиркиевдан чиқарди. Овозлари баланд бўлмаса ҳам, у кишининг «гинги»да чинакам мақом шираси ва услуби бор эди. Мен у кишини эшитиб роҳатланардим. Уйлайманки, «Шашмақом» ана шундай услубда айтилса ҳамма ҳам маза қилади.

Зиркиев домла бизнинг мақом ишимизга катта ҳисса қўшган одам. Юнус аканинг китобларида Зиркиев домланинг хизматлари алоҳида тилга олинади.

Юнус ака мақомларни китобга ёзишга қанчалик вақт сарфлаган бўлсалар, кейинчалик уларни пластинкага тушириш учун ҳам шунча вақт сарфладилар. Чунки бу ишларнинг ташкилий томони анча овозрагарчиликни талаб этарди. Мақомларни бизларга ўргатиш вақтида у киши яна анча нарсаларни бошқатдан куриб чиқдилар, бу ҳам катта иш бўлди. Ҳам ўрганиб, ҳам ўргатдилар, десам тўғри бўлади.

Юнус ака китоб ёзишда куй ва оҳанглари хаёлдан олмаганлар. Биттасини ундан, иккинчисини бундан қилиб, қаерда яхши созанда ёки хонанда бўлса, ўшандан ўргандилар. Бир созанда ёки ашулалачи билан қаноатланмадилар. Эски мақомчилар, узоқ йиллар санъат соҳасига аралашиб юрган кишилар билан мулоқотда бўлдилар. Куй ва ашулаларни тозаллаб ёзиш учун санъат билимдорларнинг кўпчилиги билан фикрлашдилар.

Биринчиси, иккинчисини кўрганларидан кейин учинчиси борганлар. Бунинг учун ойлар, йиллар керак бўлган. У киши умрларини шу ишга тикдилар. Ҳар бир мақомни, ҳар бир халқ куйини мумкин қадар инобатга олишга интилдилар. Кейин шуларнинг ичидан бирининг камчилигини иккинчисидан олиб тўлдириб, мукамал ҳолатга келтириб, ёзиб қолдирдилар. Булар гапиришга осон-у, қилиш қийин бўлган ишлар.

Юнус ака мақом ҳақидаги китобларини ёзиб тугатган, биринчи варагидан бошлаб, шошилмасдан бизларга ўргатишга киришдилар. Энди бизларга ўргатиш — яна бир катта иш. Бир-икки кунда ўзлаштиролмаймиз. Айтилиб юрган, қулогимизга сингиб кетган нарсалар эмаски, дарров ўрганиб олсак. Баъзан бир-икки ой ва ундан кўп вақт керак бўлади. Бунинг бошқа сабаби ҳам бор: орамизда тез қабул қиладиганларга нисбатан секин-аста ўзлаштирадиганлар кўпроқ. Ундан кейин ҳамма созанда ва хонанданинг имконияти тенг эмас. Овозларни бўлиб берганларидан кейин, икки-учтасини бир хил қилиб қўшолмасдан анча уринардилар.

Юнус ака мақом куйларини биронта асбобда чалиб ўргатмасдилар. Паст овоз билан айтиб, «ла-ла-ла» қилиб ўргатардилар. Мақом йуллариинг ҳар қайсисига сўз солиш учун қанчадан-қанча машаққат тортиш керак бўлади.

Ҳозир ашулалар «Юзингни кўрсатиб аввал ўзингга бандалар қилдинг»ни тўрт-беш куйга солиб айтаверадилар. Куйлар бошқа-

бошқа, шеър эса битта. Нега? Ўша ашулалачиларга сўз етарли бўлмаганидан! Юнус ака битта куйга бир ғазал ёки мухаммас айтдимми, иккинчисига бошқа бўлиши устида бош қотирар эдилар. Халқ орасида созандалар бир сўзни икки-уч куйга солиб айтаверган бўлсалар ҳам, китобда бундай қилмаймиз, ҳар бир куйни алоҳида шеър билан берамиз, деб ҳаракат қилар эдилар. Яна у пайтда «худораббано» деган сўзлари бўлган ғазаллар китобларга киритилмайдиган даврлар. Шунга қарамай, Юнус ака «қизил» шеърларга берилмай, яхши-яхши ишқий нарсаларни топиб қўйдилар. У кишининг санъатимиздаги хизматлари ҳақида гапирилганда мана шу томонларини ҳам ҳисобга олиш керак.

Битта мақом «пишгунча» анча вақт утарди. Тайёр бўлгандан кейин иккинчи мақомга киришмасдан туриб, аралашиб кетмасин деб, пластинкага ёздириб олишнинг ҳаракатини қилардилар. Мақомда шунақаси ҳам бўлар экан, уста одам бўлмаса чалгиб қолади, бир хилга ўхшаб турган жойлари куп. Биридан иккинчисига ўтганини ўзи билмай қолади.

Мақомларни бошдан-оёқ пластинкага ёзган Анвар Тожиев бўлди. У ўзи созандадан чиққан, мусиқанинг паст-баландини, ширали ва бемаза жойларининг фарқига боради. Миллий мусиқага иштиёқи баланд, Москвада ўқиб келган уристебиат режиссёрлардан эмас. Сал хира (фальш) бўлиб қолса дарров сезарди. Ундан кейин Юнус акамларни ҳурмат қиларди. Нима десалар «хуп» деб турарди. Ўшанақа одатидан ўзи ҳам барака топди. Юнус акамларга ўхшаган устозлар билан ишлайвериб, анча тажриба орттирди. Менинг пластинкаларимнинг ҳам ҳаммасини Анвар ёзган.

У пайтда пластинкага ёзадиган студия Навоий кўчасидаги Маданият вазирлиги биносининг учинчи қаватида эди. Кўчадаги шовқин кундузи ёзишга имкон бермас эди. Шу боисдан кўчадаги ҳаракат тўхтагач, кечаси ўн иккидан кейин ёзишга тўғри келарди. Туни билан уйқудан қолиб ишлар эдик. Шунда ҳам Юнус аканинг ҳурматлари учун йигитларнинг биронтаси гиринг демасди.

Пластинкага ёзиш жараёнининг ўзи ҳам катта бир машаққат бўлди. Энди ёздикми, деб турганимизда, биттасининг овози хира бўлади ёки бошқа бир ишқал чиқиб қолади. То бир нарсани тоза ёзганимизда хуноб бўлардик.

Ўша пайтда яна Тошкентда ер қимирлаб турган вақт. Ер силкиниб турганидан кейин мияда иморат қулаб тушмасайди, деган хаёл ҳам бўлади. Кўпчилигимиз уйимизга ҳам киролмай, ҳовлига палатка тикиб яшаямиз.

Шундай таҳликали вақтлар бўлишига қарамай, эрталаб беш-олтилангача қолиб ишлардик. Агар Юнус акам шунақа шижоат кўрсатмаганларидан мақом бошдан охиригача ёзилиб қолинмасди.

Бир куни Юнус акамларга шундай дедим:

— Назаримда, мақомларнинг изи ёзилапти. У одамлар маза қиладиган, завқ оладиган, қаттиқ таъсирланадиган даражада бўлмаяпти.

— Сен мўлжаллаганингдек қилиб ёзадиган бўлсак, бир-икки йилда қиладиган ишимиз учун камида ўн-ўн беш йил керак бўлади, — деб жавоб қилдилар Юнус акам. — Бунга менинг умрим етмайди, соғлигим ҳам тўғри келмайди. Бизларнинг умримиз энди ганимат ҳисобланади. Анча қариб қолдик. Бир-икки йилдан кейин бундай меҳнатга ярамаймиз. Шунинг учун ҳозирча ўша изини ёзиб қолдиришимиз ҳам катта гап.

Устознинг бу сўзлари менга маъқул бўлди. У киши яна давом этдилар:

— Ҳозирча ўша изи ёзилиб қолсин. Бизлардан кейинги санъат-

корлар, мана, сизларга ўхшаганлар, вақти келиб уларни такомиллаштириб, шинавандалар ҳузур қилиб эшитадиган даражага етказасизлар.

Мақом ансамблида ишлайдиган ашулачилар, созандалар ҳозир ҳам баъзан гап таллашиб қолишади. Нотани биладиганлар: «Мана бу ерда Юнус ака бундай деб ёзганлар», деса, бошқалари: «Пауза-ни икки такт қилиб кўрсатганлар. Бу жойда нохунни икки ёки уч марта уриш керак. Лекин чалишда ундай бўлмапти», дейишади.

Шунда мен гапга араллашиб, Юнус акам айтган сўзларни такрорлайман: «Мақом — бу осмондан тушган Қуръони карим эмаски, ҳар бир ҳарфи ўз жойида абадий қолса. Аксинча, у доим ўзгариб турадиган йул».

Бир кун қизимникига борганимда куёвимнинг уртоқлари келиб қолишди. Шунда радиода мақом янграётган эди. Ҳалиги йигитлардан бири:

— Тургун ака, нима, катталардан бири ўлганми? — деди.

— Билмадим.

— Нега бунақа мотам музикаси чалиняпти бўлмаса?

— Йук, эй барака топкурлар, мотам эмас, мақом концерти бўляпти.

— Ҳайронмиз, каттароқ одам ўлса, радиода шунақа куйлар чалинара эди, — дейишди меҳмонлар.

Тургун, илгари, Юнус акамлар даврида, қайси бир катта ўлса, тобути устига бориб мақом чалардик. Лекин у бошқа гап, мусиқани атайлаб оғир ва мунгли қилиб чалиш. Ҳозиргилар эса мотам бўлмаса ҳам шу руҳни йўқотмасдан туришибди.

Мақом айтувчиларнинг асл юрти Бухоро бўлган. Илгари ўша ерда яшаб ўтган ҳофизлар буни қойил қилишган. «Шашмақом» айтилган эски пластинкаларни тингласангиз, уларнинг таассуроти бутунлай бошқача бўлади. Бухоролик домла Ҳалим Ибодов ҳам мақомчи бўлганлар. У киши доира чалиб айтардилар. Левичанинг ўзи бир олам эди. Унақа овоз ва шунга мос санъат билан айтадиган мақомчи ҳозир йўқ. Ана шундай ижро этилган «Шашмақом»нинг қайси бир ашуласини эшитсангиз ҳам маза қиласиз.

Ҳозир мақомни эшитадиганлардан эшитмайдиганлар куп. Тушунадиганлар эса жуда оз. Сабаби, айтиладиган сўзларнинг маъноси ниҳоятда чуқур. Навоий, Ҳофиз, Фузулий ва Бедилга ўхшаган шоирларнинг улуг сўзлари билан бетилади у. Ҳозирги одамларнинг кўпчилиги эса эски адабиётдан бехабар. Шунинг учун улар эски шеърларнинг маъносини тушунолмайдилар. Ундан кўра «Яллама ёрим» сингари енгил айтиладиган ашулаларни афзал қуришади.

«Лекин барибир шундай катта илдиз йўқолиб кетмайди, — дердилар Зиркиев домла билан шу ҳақда суҳбатлашганимизда. — Уларни ҳавас билан ижро этувчилар ва эшитувчилар пайдо бўлади. Мақомлар негизидан ҳали кўп куй ва ашулалар ўсиб чиқади. Ҳозирги енгил-елпи нарсалар унинг шохчалари ҳисобланади. Мусиқамизнинг асосида ўзи мақом туради».

Зиркиев домланинг айтишларича, амир даврида, авом халқ орасида бу улуг сўзларнинг қадрини тушириб юрманглар, омма бу нарсаларни яхши тушунмагандан кейин, уни эъзозламайди, дейишар экан. Шу боис илгари мақом кўпроқ аслзодаларнинг давраларида куйланган.

Левича фақат ўз шинавандалари орасида, маълум даврада айтар экан. Бошқа бир одам уйига олиб бориб эшитмоқчи бўлса, хужайиндан — амирдан махсус рухсатнома олар экан. Уша пайтда Бухорода мақомни бошидан охиригача бир ўзи айтадиган ҳофизлар куп булар экан. Аммо Левичаникидек кучли ва катта овозли, маъно-

ли ва илҳом билан айтадиган ҳофиз йўқ экан. У кишининг санъатида ҳам парда, ҳам шира, ҳам дард бутунлай бошқача чиқар экан.

Очиги, ҳозир бизларда мақомнинг асл услуби чалишда ҳам, айтишда ҳам ифода этилмайди. «Шашмақом»ни илгариги овозларга ўхшатиб айтмаса фойдаси йўқ. Мусиқа билим юртиларидаги дарсда талабаларни ўқитаётган пайтда ҳам «Шашмақом» ана шундай айтиларди ва чалинарди, деб тушунтириш лозим. Бўлмаса, улар яхши айтиш йўллари қаердан ўрганишади?

Мақомни роса меъёрига етказиб айтганларнинг ҳали кўпчилик эшитгани йўқ. Бу ёзувлар радио фонотекасида, эски пластинкаларда бор. Зокиржон Султоновнинг отасига раҳмат, шунақа ижроларни йўқан. У жуда оқилона ва тарихий аҳамиятга молик иш қиляпти. Мақом айтган бухоролик ҳофизларнинг овозини ҳеч қаердан тополмасангиз ҳам унда бўлади. Ана шу ёзувларни кўпчилик эшитиш учун имкон яратилса, давлат аҳамиятидаги иш қилинган бўлур эди.

Хонандаларимизнинг ҳозирги айтишида мақом услуби ўзгариб кетган. Юнус ака буни батта-битта ўргатиш учун оғир-вазмин қилиб айтдирандилар. Бирданига баралла айтиш қийин бўлгани учун сод-дароқ йулда ўргатишга мажбур бўлганлар. Уни ўйнатаиб, завқ-шавқ билан айтиш кейинги мўлжалда турган. Оқибатда бизларнинг болаларга бу расм бўлиб қолди. Уларнинг ўзларидан бир нарса қўшишга, ижодий ёшдашишга имкониятлари йўқ.

Очиги, мақом дастасида иштирок этадиган менинг ўзимга ҳам бу оғирлик қиларди. Оддий халққа ундан ҳам оғирроқ туюлса керак, деб ўйлайман. Вазни жуда суст ва бўшаштириб юборилган. Мисол учун, пластинка тезлигини пастроқ қилиб айтдирилса, эшитгингиз келадими? Йўқ, албатта. Мақомчиларимиз ҳам худди шу йўсинда айтишга одатланишган. Шунини шўхроқ қилиб, сал юргизиб, ўзидан бир нарсаларни қўшиб, илҳом билан айтса ҳам бўлади-ку!

Менинг ҳам, айниқса сатода, жуда оғир қилиб чалган нарсаларим бор. Лекин у мусиқанинг маъноси бутунлай бошқача, мақом эмас улар. У нарсаларни қайғу-аламли постановкаларга, юрак дардлари изҳор этилган шеър ва газалларнинг ўқилишига мослаш мумкин. Лекин мақомнинг маъноси ундай эмас деб тушунаман. Уни сал тирик ва жонли қилиб айтиш керак.

Менинг фикримча, мақомларни биринчи навбатда «дасталаштириш»дан холи қилиш керак. Бошдан-оёқ даста билан ижро этилганидан кейин у мақом эмас, балки эстонларнинг хориға айланади. Мақомни мен асли соф мусиқа, куй деб тушунаман. Халқимизда шундай гап бор: «Чучвара ейишдан мақсад гўшт емоқ». Мақом тингладдан мақсад эса маза қилиб мусиқа эшитишдир. Мусиқа эшитиш дегани эса, унинг пардасини, оҳангини, ноласини ажратиб, юракдан чиқаётган нафис туйғуларни тингламоқ дегани. Уттиз-қирқ одам бирданига ижро этиб турганидан кейин унинг пардасини ажратиб, ноласини эшитиб, нидосига тушуниб бўладими?!

Тарихда мақомлар кўпчилик бўлиб айтилган ёки чалинган деган гапни ҳеч кимдан эшитмаганман. Мушкilotларни чаладиганлар ҳам даста бўлиб қойил қилишмаган. Қолаверса, мусиқанинг улуг куй даражасига кўтарилиши кўп ёки оз бўлиб чалишга, катта ёки кичик куй ижро этишга қарамайди. Қандай бўлганида ҳам унда бир ижод, илҳом, илохий куч бўлиши керак. Аслида тингловчиларга ёқадиган томони ҳам мана шу.

Юқорида айтиб ўтганимдек, миллий мусиқамизнинг табиати шундайки, унга нозиклик, дард, нола бахш этилмаса, у куруқ бир товушга ўхшаб қолади. Шунинг учун уни битта сознинг ўзиде чалганда ҳам дунё эшитадиган қилиш мумкин. Дутор ва танбуларимизда ана шу дардни ташқарига чиқарадиган барча имкониятлар

бор. Масалан, танбурда мақомни тула-түкис қилиб кўрсатишга ҳамма имконият мавжуд.

Энди овоз масаласига келадиган бўлсак, яхши овоз табиатда кам учрайди. Созда юрадиган эса янада озроқ. Яна шуниси борки, овоз одамдан чиқадиган нарса бўлганлиги учун, қўшиқ куйловчида ёқимли товушдан ташқари, юрак дарди ҳам бўлиши керак. Ана шундай фазилатларни ўзида мужассамлаштирган ҳофиз ниҳоятда кам учрайди. Шу нарсаларнинг барчаси бўлган тақдирда ҳам, унинг қадрига етадиган шинаванда керак. Ана шундай муҳит мавжуд бўлган шароитдагина улуг санъаткорлар етишиб чиқади.

Мақомнинг энг муҳим жойи — уларда айтиладиган ўлмас шеърлар, газаллар, мухаммаслар тўғрисида ҳам гапириш керак бўлади. Шеърларнинг ҳам энг улуглари, юз йиллар мобайнида халқ ичида айланиб юрадиган «қаймоқ»лари мақомларга киритилган. Уларнинг ҳар мисрасида бир олам маъно бор. Қанча тақрорласангиз ҳам эскирмайди. Шундай экан, мақомларнинг шеърларини янгилаш — уларни тингловчилардан узоқлаштирадиган сабаблардан бири.

Буларнинг ҳаммаси қўшилиб, ижро масаласига келиб тақалади. Мақомнинг куй-оҳанглари, шеърлари даражасидаги юқори савияли ижроси бўлмаса, фойдаси йўқ. Ҳали айтганимдек, фақат мақом чалаямиз, деган билан обрў олиб бўлмайди. Унга муносиб даражадаги ижро бўлгандагина мақом одамларнинг юрагига етиб бориши, тингловчиларни ўзига жалб қилиши мумкин.

Эҳтимол, мақом дастасида йигирма-ўттиз чолғувчини сақламасдан, беш-олтитасини, балки ундан ҳам озрогини олиб қолишга тўғри келар. Чолғувчилар сонининг оз ёки кўплиги асосий масала эмас. То эшитувчини ўзига қаратадиган созандалар бўлмагунча, мақомни кўпчилик севиб эшитадиган қилиш қийин.

Яхши созандалар тўплангани билан, улар бир-бирига қулоқ соладиган одамлар бўлмаса, у ҳеч қачон даста бўлмайди. Ҳозир мақом дастасида эса, йўқ, сеники нотўғри, меники тўғри, дейдиганлар анча тўпланиб қолишган. Шунинг учун уларнинг иши олдинга юрмапти.

Оилада ҳам эр-хотин бир-бирини тушунмаса, яқдиллик бўлмаса, турмушлари пароканда бўлиб кетиши мумкин. Муסיқа шароити эса ундан ҳам мураккаб. У ерда қалблар бирлашмагунча натижа чиқмайди. Муסיқани қўл пайдо қилмайди, у фақат қалб амрини бажаради. Шундай экан, мақом деган улуг нарса учун лозим бўлса, энг аввало, шунга ишқивоз ва соф кўнгилдан хизмат қиладиган одамларни бирлаштириш керак. Мақом дастаси бир одамнинг иши эмас, балки кўпчиликнинг ташвиши бўлиши лозим, деб уйлайман.

Гоҳо, даста бўлиб туришнинг ўзи мақом табиатига қаршимасмикан, деган фикрга бораман. Бизда бир ишга ўрнашиб олгандан кейин, у ердан кетказишдан қийин нарса йўқ. У одам аллақачон тузук бир иш бермаётганлиги, шунчаки йўлига келиб-кешиб юрганлиги, умуман ижоддан, ўсишдан қолиб кетганлиги ҳеч кимни қизиқтирмайди. Чунки, тартибимиз шунақа тузилган.

Бундан кейин мақом соҳасида маълум бир шартнома билан ишлаш керакдир балки. Бу ҳукумат учун ҳам ойлик тулаб, одамларни бир жойда сақлашдан осон-да.

Қолаверса, Ўзбекистонда ёки Тожикистонда даста бўлиб, бирор жойда мақомнинг қойил қилиб ижро этилганини мен кўрмадим. Уша Берта Давидова, Барно Исҳоқова, Коммуна Исмоилова ва бошқалар дастада эмас, балки бир ўзлари айтганлари учун ҳам ном чиқарганлар.

## Маъмуржон аканинг авжи

Қориларнинг тиловатини мириқиб эшитаман. Афсуски, кўп сўзларининг маъносига унча тушунмайман. Лекин кироатига, қориларнинг ҳофизлик маҳоратига ишқивозман.

Соат ундан ўтгач, хуфтон намозидан сўнг Покистон радиосидан кироати зўр қорилар Қуръон тиловат қиладилар. Бошқа қорилар икки-уч марта нафас оладиган жойларида, битта ҳам тўхтамасдан, жуда фалак авжларига борадиган ҳофизлар бўлади. Ана ушундай авж мақомига етганда, бу ёқдагилар жуда катта ҳаяжон билан «Во-о!» деб юборишади.

Гап шундаки, яхши ҳофиздан жуда бой таассурот қолади. Овоз, кироат сўзнинг таъсирини кучайтиради. Одамнинг фикру хаёлини бутунлай бошқа томонга тортиб кетади.

Баъзан кишига гап гапирсангиз эшитгиси келмайди. Уни пардаси, оҳанги ёқмаганидан кейин, маъносига эътибор бермайди. Шу нарсани ўз оҳангини топиб, керакли пардада, мулоим қилиб айтсангиз, у бутун вужуди билан сизга қулоқ солади. Кишини тинглайдиган ҳолатга соладиган сўз эмас, биринчи навбатда, оҳанг.

Ҳиссиётда, хусусан, овоз билан боғлиқ ҳофизлик санъатида юқорига — авж нуқталарга интилишнинг маънавий негизлари, ислом дунёқарашлари билан бевосита боғлиқ ҳолда юзага келган ақидадир. Бутун оламни мунаввар этувчи Оллоҳ таоло макони, гўзалликнинг олий мақоми жаннат ҳам аршу аълода — кўкда жойлашган. Туйғулар изҳорида — диний ашулалар ва мақомларнинг ижросидаги авжга талпиниш ҳам, Оллоҳнинг жамолига интилишнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлади. Шунга эътиборан мақом ва диний ашулаларнинг авж пардалари уларнинг энг кўркам нуқталари ҳисобланган. Зотан, дунёда овоз санъати, ҳофизликнинг ривожланишида ислом динининг муносиб ҳиссаси бор.

Ҳофизликда уртамиёна овоз унча эътиборли ҳисобланмайди. Паст-йўғон товуш эса умуман, ғализлик ва кўполик нишонаси саналади. Гузаллик ва таъсирчанлик тимсоли фақат тик, ёрқин ҳамда кўнғирок овозлар билан боғлиқ. Шунга кўра Қуръон тиловатида ҳам, диний ашулаларда (жумладан, «Муножот», «Сувора», зикр ва катта ашулаларда) ҳамда мақомларда баланд авжлар ижод қилиш овоз санъатининг чўққиси сифатида саришта қилинган. Бизда ингичка овозларнинг қадрланиши ва айни чоғда, йўғон товушларда қўшиқ айтувчиларнинг эътибордан холи эканлигининг сабаби ҳам ана шундадир.

Бир-бирини тўлдирувчи ва мос тушган ҳамнафаслар ижро этган ашулалар ижодий жиҳатдан баркамол намуналар ҳисобланади. Жумладан, бизнинг қўшиқчилик санъатимизда Журахон Султонов билан Маъмуржон Узоқовлар ҳамнафасликда ижро этган нарсалар ҳофизлик санъатининг олий кўринишларидан саналади. Жумладан, улар ижро этган ва 1937 йилда пластинкага ёзилган «Боғаро» ва «Бир келсун» катта ашулалари ҳофизлик санъатининг олий намунаси дидир.

Бу қўшиқлар 1937 йилда Москвада бўлган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси муносабати билан пластинкага ёзилган. Шу биринчи пластинканинг ўзидаёқ Журахон ва Маъмуржон акалар ўзларини кўрсатишди ва қўшиқчилик санъатимиздан абадий ўрин олишди.

Ёшлигимда бу санъаткорларнинг ашулаларини эшитиб, муҳлис бўлиб юрар эдим. Муқимий театрига ишга келганимдан сўнг улар билан бирга бўлиб қолдим. Шунда уларни инсон сифатида бил-

дим, санъатлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим. Утга-бетга туйларга ҳам бирга бора бошладим.

Жураҳон ака анча аввал «Жураҳон ака» бўлиб халқ озгига тушган, Маъмуржон ака эса у кишининг шоғирдидир. Шу боис Жураҳон аканинг хурматлари баланд эди. Бундан ташқари, у киши тарихдан кўп нарсаларни биладиган, илму тушунчаси анча кенг, мисоли бир жонли тарих китобидек эдилар, десам муболага қилмаган бўламан; қайси ерини очсангиз, ўша еридан қизиқарли нарсаларни топавердингиз.

Утиришларда тўқсон фоиз гап Жураҳон акадан бўларди. Ҳамма ни ўзларига қаратиб, даврадагиларни зериктирмасдилар. Ора-сира секин: «Маъмур, қани энди, битта-яримта ашула қилиб берайлик», деб бу томонини ҳам қойил қилишарди.

Жураҳон ака билан Маъмуржон акаларнинг муҳлис ва шинавандалари кўп бўлган. Уларни тинмасдан туйларга, ўтиришларга таклиф қилиб туришарди. Умуман, у пайтларда бу кишиларнинг олди-га тушадиган ҳофиз йўқ эди.

Баъзилар ашулаларидан ҳам кўра суҳбатларига ишқивоз эдилар. Одамларни кулдиришда, аскияда ҳам жуда зур, гапдон, ақли чақмоқдек кишилар эдилар. Айниқса, Жураҳон ака ҳар бир аскияга муносиб жавоб қайтара олардилар.

Жураҳон ака «босмачилик» даврини ҳам яхши билардилар. Қўр-бошилар орасида гап бериб, ашулачилик қилган эканлар.

Энди, шундай машҳур, халқнинг назари тушган одамни, албатта, битта-иккита кўролмайдиганлар ҳам бўлади. Ана шундай кишилар «Жураҳон ака босмачилар билан бирга бўлган», деб бир сизра бу кишини таъйиб қилмоқчи бўлиб юришди. Аммо толелари баланд экан, худо асраб, омон қолдилар.

Жураҳон ака ўз санъатлари билан халққа танилганларидан кейин, Марғилонда катта ашулачи сифатида етилиб келаётган Маъмуржон Узоқовни ёнларига олганлар. Унинг катта санъат йўлига чиқиб, халққа танилишида бу кишининг ҳиссаси катта бўлган. «Якка отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас» деган халқ мақоли бор. Санъатда ном чиқаришда, шунақа, кўпинча биров-бирова сабабчи бўлади.

Маъмуржон аканинг Муқимий театрига ишга келиши ҳам шу кишининг таклифи билан бўлган. Бу ҳақда Усмон Юсуповга айтганлар. Усмон ака Маъмуржон акани оиласи билан Тошкентга кўчириб, уй-жой билан таъминлаш тўғрисида тегишли кишиларга кўрсатма берган.

Тошкент — пойтахт шаҳар. Санъатчиларнинг ҳам, санъатшуносларнинг ҳам «мана ман» дейдигани шу ерда. Шу боис санъатчининг рўёбга чиқиши вилоятлардан кўра марказда осон бўлади. Маъмуржон акада ҳам шундай бўлган.

Усмон Юсупов санъатга катта эътибор берган одам эди. Буни мен шу соҳада ишлаш бошлаганимдан кейин билдим. У киши ҳеч бўлмаганда ҳафтада бир марта театрга келиб, директорни учратиш билан кифояланмасдан, барча санъаткорлар билан кўл бериб қуришиб, уларнинг дарду ҳасратларини тинглар эдилар. Саҳнага чиқиб утирардилар-да: «Нима камчиликлар бор? Қандай қилсак иш яхши бўлади?» деган саволларни ўртага ташлардилар. Ана шундай муносабат натижасида қаерда яхши ашулачи, чолғучи, ўйинчи бўлса, Тошкентдаги театрларга олиб келинган. Энг қийинчилик, ҳаттоки, қиргинбарот уруш кетаётган, энди ундок нарсаларни, яъни карнай-сурнайларни йиғиштиринглар, деб турилган пайтда Усмон ака, аксинча, санъат соҳасига, айниқса театрларга катта эътибор бердилар. Муқимий номидаги музикали драма ва комедия театри, На-

воий номидаги опера ва балет театрининг ҳозирги бинолари немис-фашистларга қарши уруш қизгин кетаётган пайтда қурилганлиги фикримизнинг исботидир.

У киши нега шундай қилган? Сабаби, Усмон ака санъат инсонинг руҳини кутарадиган жуда зарур нарса эканлигини билган.

Жураҳон ака Тошкентда Маъмуржон акани доим ўз ёнларида олиб юрдилар. Хоҳ халқ қўшиқлари, хоҳ катта ашула бўлсин, биринчи бўлиб Жураҳон ака бошларди. У шоғирдининг пардасини, имкониятларини яхши биларди. Мисоли елқаларида қўтариб, телега олиб чиқиб, «Мана, қўринглар, тингланглар, ҳузур қилинглар», дерди. Ҳақиқий устоз шунақа бўлади.

Жураҳон ака танбур чалардилар. Танбурни лозим бўлган даражада созлаб, тегишли пардаларни узоқдан ўйнатиб олиб келардилар. Ундан кейин иккинчисига Маъмуржон ака қўшилардилар. Авжга борганда, у киши керакли пардаларни айлантириб, шу ерга чиққунча, Маъмуржон ака яна қараб турардилар. Шу орада янги-янги йўллари ижод қилиб ташлардилар. Чиройли бир нарса қилиб, илҳомни қитиқлагандан кейин, ундан баландроқ этиб, қайтариб берадиган жойини чинқиртириб олардилар. Шундай қилиб, одамлар Жураҳон аканинг овозидан қандай завқ олсалар, Маъмуржон аканинг овозидан ҳам шундай ҳузур қилишарди.

Жураҳон аканинг овозида ўзига хос бир «хасталик» — хириллаш бор эди, шунинг ўзи алоҳида бир завқ беради. Кейин бошқа ҳофизлар Жураҳон акага тақлид қилиб, овозларини атайлаб «хасталатмоқчи» бўлдилар, лекин унақа шира чиқаролмадилар.

У кишининг овозлари унча бўлмаса ҳам, усталик билан жуда кўп пардаларни ола билардилар.

Юнус акамларда ана шунақа усталик бор эди. Кичкинагина овозлари билан шунақа нарсаларни қилиб ташлардиларки, катта овозлар улар олдида ҳеч гап бўлмай қоларди.

Маъмуржон аканинг овози тик ва тиниқ эди; одамнинг бошини оғритадиган қуруқ бақирӣқ эмас, пардали, парваришли, ширали овоз эди. Шу тиниқликда юқори пардаларни олганларида шахсан мен маза қилардим.

Асосий йўл Жураҳон акада бўлса ҳам, авжга борганда Маъмуржон ака ошкор қилиб беради. Устоз ширасига яна шира қўшиларди. Жураҳон ака бутун хунарларини пастда кўрсатардилар, юқорида «сайраш»ни шоғирдларига қўйиб берадилар. Булар сиртдан оддий нарсалар бўлиб кўринади. Лекин аслида қўшиқчиликда жуфтлашиш, мослашиш, энг муҳими, бир-биридан илҳом олиш учун жуда катта санъат керак.

Маъмуржон аканинг катта ашула айтганларида ишлатадиган битта авжлари бор. Уша нарса Маъмуржон акани «Маъмуржон ака» қилган тамга. Шу авжга чиққанларида тингловчилар қийқириб юборишарди. Маъмуржон ака ўша кунгилдаги пардани ҳосил қилганларидан кейин одамларнинг хумори тарқарди; худди бир нарса топиб олгандек маза қилишарди. Бутун санъат бир томон, ўша авж бир томон эди.

Мен ҳам шу авждан жуда таъсирланардим. Кейинроқ танбурда «Роҳат»ни машқ қила бошлаганимда, бир илҳом келиб, шу авж ўзидан пайванд бўлиб кетди. Мен уни атайлаб, шу авжни шу куйга қўшаман, деб ўйлаб, бош қотириб ўтирган эмасман. Узимга ёқиб, маза қилганимдан, шу нарсани чалгим келаверган. Уша патнисаки ашулалардаги катта авжни қўшиб чалганим одамларга маъқул келганидан сўнг, танбурда чаладиган «Роҳат»имга шу нарса ўрнашиб қолди.

Ҳофизнинг овозидаги тингловчи энг маза қиладиган жойи ўша

хос пардаларга мос келади. Ҳар нарсани, «Курд»ми, «Ажам»ми, шунга ўхшаган бошқа улуг куйларни, энг таъсирли ери авжи ҳисобланади. Чунки охирги мақсад шу ерда ҳал бўлади. Куй бошдан пишиб бораверади-ю, авжга борганда армон ушалади, мурод ҳосил бўлади. Шу пайт эшитувчининг юрагидан бир шуур ўтади. Уни ҳеч бир нарсага тенглаб бўлмайди. Ундан кейин куйнинг шашти пайиб, қайтиш қилади. Ана шу бўлмаса, куйга бир нарса етишмагандек бўлиб тураверади.

Санъатчи ҳам бошқа қайсидир бир санъатчидан илҳом олган бўлади, таассурот юракка ўтиб, иккинчи одамда бошқача янграйди. Айтмоқчиманки, мен ҳам ёшлигимда Жураҳон ака, Маъмуржон акаларнинг санъатларидан қаттиқ таъсирланганман. Кейин улардаги яхши пардаларни ўз ижроларимда фойдаланганман.

Фақат бир кишининг тарбиясида бўлиб, ундан ўрганиш санъат соҳасига унча тўғри келмайди. Чунки ҳар бир устознинг ўз йўли бўлади. Ургатувчи одам ўшанга тортмасдан ҳеч бир иложи йўқ. Сабаби, ҳар ким ўзида борини ўргатади-да.

Уруш туғаб, қийинчиликлар ортда қолиб, омон-омон замонлар бошланганидан кейин Жураҳон ака билан Маъмуржон ака, афсуски, бир-бирларидан узоқлашиб кетишди. Чунки, шундан манфаатдор одамлар пайдо бўлди. Улар бу ишни аста-секинлик билан ташкил этишди.

«Маъмуржон ака, Сизнинг овозингиз бутунлай бошқа, санъатингиз улуг. Бунинг устига, ҳали ёшсиз. Узингиз кимсан, фалончи бўлишингиз мумкин.

Жураҳон ака эса ўз даврини суриб бўлган одам, энди у кишининг вақти ўтди. Доим Жураҳон аканинг ортида шоғирдга ўхшаб юрманг. Ўз овозингиз билан ҳурмат қозонишга интилинг. Филармонияга ишга кiring. У ерда зўр санъаткорлар бор, ушалар билан бўлинг. Улар Сизга янги-янги куйлар топиб беришади. Қачонгача алмисоқдан қолган ашулаларни айтиб юрасиз?! Сизни саҳнага олиб чиқиш керак. Ҳозир замон талаби шу. Сизнинг ашулангизга Муқаррама опалар уйнайди. Филармониядаги яккаю-ягона, олди ашулачи бўласиз. Ҳамма олқиш Сизники бўлади. Сизсиз концерт ўтмайди», — деган гаплар билан Маъмуржон акани авраб, секингина Жураҳон акадан ажратиб олишга интилишган.

Шунда Маъмуржон ака ҳам бу кишиларнинг гапига учиб: «Жураҳон ака, энди мени маъзур тутасиз. Бу ёқда катталар концертга чақиришяпти. Мен энди саҳнага чиқмасам бўлмайдиганга ўхшайди», деган бўлсалар керак устозларига. Жураҳон ака ҳам хафгарчиликларини билдирмай, мулойимроқ қилиб: «Майли, Маъмур, буш пайтларимизда ўтда-бетда бирга булсак бўлди», — деб қуяверганлар.

Кейин Маъмуржон ака саҳнага чиқиб, яхши олқиш олдилар. Замонга, сиёсатга хизмат қилдилар. Яллаларни чиройли қилиб айтдилар. Аммо, менинг назаримда, Маъмуржон аканинг асл вазифаси у эмас эди. У кишининг овози, қалб дарди ўша катта авжли нарсаларда, чуқур маъноли сўзлар солиб айтиладиган ашулаларда очиларди. Афсуски, бу киши саҳнада уйин кўрсатганда айтиладиган энгил яллаларга берилиб, ўзларининг ҳақиқий услубларидан, катта ашулалардан, чинакам халқ оҳангларидан қолиб кетдилар.

Жураҳон ака билан юрганга айтадиган катта ашулалардан йигирма-уттизтасини ёздириб қолдирганларидами! Унда жуда бошқача, тарихий аҳамиятга молик иш қилинган бўлур эди. Чунки, Маъмуржон аканики сингари овозлар эллик-юз йилда бир пайдо бўлади.

Ўша пайтда саҳнани гуллатган энгил ашулаларни бир уйлайлик.

У пайтларда қанақа яллалар айтиларди-ю, ҳозир қанақалари айтиляпти?! Улар ўтди-кетди. Катта ашулалар, мақомларнинг эса юз йиллар ўтганидан кейин ҳам қадри пасаймайди. Шу «Баёт», шу «Сеғоҳ», шу «Наво». Албатта, энгил нарсалар ҳам ўз ўрнида керак. Лекин мен унақа ноёб овозлар билан фақат яллалар айтиб ўтишни увол деб биламан.

Маъмуржон ака билан умрларининг сўнги пайтларида ҳам у ер-бу ерларда кўришиб турардик, чойхоналарда гаплашиб ўтирардик. У киши бизларга яқин жойда — Тошкентнинг Каллаҳона маҳалласида яшардилар.

Бир кунни эрталаб учрашиб қолдик.

— Ҳар кунни ҳаммомга тушаман, — дедилар сал хомушлик билан. — Қон босими деган нарса бўлар экан. Менда шундай дард пайдо бўлибди. Бошим оғрийверганидан кейин шифокорларга учирадим. «Қон босимингиз жуда баланд бўлиб кетибди, — дейишди улар, — энди Сиз ҳар кунни чўмилиб туринг, шу қон босимини биров туширади. Қовурма овқатларга ружу қилманг, парҳез сақлашингизга тўғри келади. Авжи баланд ашулалардан айтманг...»

Парҳез қилаяман, лекин қуйлаганда авжга чиқмасам қанақа ашулачи бўламан?! — деб сўзларини давом эттирдилар Маъмуржон ака. — Қон босими айнан шу катта ашуладан кейин баландлашар экан. Мен эса бир жойга борсам чакана-чукана ашула билан қаноатланмай ўтиролмайман, ўша ўзимнинг пардаларимни олишим керак. Йўқса, ҳеч қаерга чиқмасдан уйда ўтиришимга тўғри келади. Одамлар, Маъмуржон ака ҳам «О, лаббай!» бўлиб қолибдилар-ку, дейишларини ҳеч хохламайман...

Яна бир кўришганимизда у киши шундай дедилар: «Энди менинг ашула айтмаганим дуруст экан. Шу боисдан Тошкентдан кетишимга тўғри келади. Чунки, бу ерда шундай ҳурматли одамлар борки, уларга қандай қилиб, узр, тўйингизга боролмайман, ашула айтолмайман, дейишим мумкин?! Саҳнага чиқишни бас қилдим. Бу ёғига Марғилонга бориб, ўша ерда дам олиб юришимга тўғри келади...»

Орадан кўп вақт ўтмай Маъмуржон ака вафот этдилар.

Марғилонда қурултой бўлиб, Тошкентдан санъаткорлар чақирилибди. Ўша йигинга Маъмуржон ака ҳам таклиф этилган экан.

Рафиқасининг ҳикоя қилишича, шу воқеадан икки-уч кун аввал Маъмуржон ака бир туш кўрибди. Шунда у киши бир катта ҳовуз бўйига бориб, унда сузиб юрган оққушга миниб, осмонга учиб кетибдилар.

Қурултой бўлаётган жой яқинида катта боғ бўлиб, санъаткорлар шу ҳовуз бўйидаги икки сурига ўтиришибди. Ҳовузда катта, чиройли оққуш сузиб юрган экан...

Йигин бошлангунча санъаткорлар ашула қилиб туришибди. Шу ерда Алижон Ҳасанов ҳам бўлган. У Маъмуржон акалар олдида, гўё устози ҳурмати учун, катта ашула қилибди.

Улоқчи от кўпкарини кўрганида, чопгиси келиб ўйноқлайверарди. Маъмуржон аканинг юрагини ҳам шундай бир туйғу безовта қилган. Ҳамма у кишига қараб тургандек бўлган, назарларида. «Мен ҳам битта ашула қилай», дебдилар. Тарелкани кўлга олиб, ўзларининг баланд пардаларидан бошлабдилар. Авжга чиқиб, ўша, кишига завқ бахш этадиган пардаларга етказаман, деганларида «шилқ» этиб ёнбошларига қулабдилар.

Эртаси Марғилонда Маъмуржон Узоқовни кўмиш маросими бўлибди. Тошкентдан ҳам кўп кишилар, шу жумладан, Жураҳон ака ҳам борибдилар. Марҳумни қабрга қўйиб, домла Куръон тиловат қилганидан кейин, Жураҳон ака «Хайр энди» кўшигини



қабристон узра янгротиб айтиб, дўсти ва шогирди билан видолашибди.

## «Ҳожи танбур»

Менда анчагина танбур, дутор ва скрипкалар бор. Улардан ҳар бирининг ўзига яраша тарихи мавжуд. Ҳар бирида қандай куйни чалиш маъқул эканлиги ўзимга равшан. Уларнинг, худди жониворларга ўхшаш исмлари ҳам бор: «Қора танбур», «Кичик танбур», «Жайдари танбур», «Ҳожи танбур», «Қашгар танбур», «Сариқ танбур» ва ҳоказо.

Уруш йиллари Янгийул театрида ишлаб юрган пайтларимда Тошкентга йўлим тушганида вокзалда ночор аҳволда, маъюс бўлиб ўтирган бир рус кишининг қулида скрипка гилофини куриб қолдим. Шунда кўнглимда қизиқиш пайдо бўлиб, ҳалиги одамнинг олдига бориб:

— Скрипканинг бири кўрай, — дедим.

— Нима, сотиб олмақчимисан? — деди у киши ёқар-ёқмас оҳангда.

— Аввал бир кўрай-чи, олсам олавераман.

Скрипканинг у ёқ-бу ёғини кўздан кечириб, харрак ва симларини тўғриладим.

— Оладиган бўлсанг, минг сўмдан ками йўқ.

— Эй, оғайни, шунча пул менда нима қилсин?! Юз сўм берсам ҳам катта гап.

Ночорроқ аҳволдаги камоннинг таранглигини сал бушатиб, ўзбекча қилиб, бармоқ билан чалишга мосладим. Сўнг чордона куриб ўтириб, скрипкани тиззамга қўйиб, алланималарни машқ қила бошладим. Скрипка эгаси созидан ўзбекча нолалар чиқаётганлигини кўриб жонланди. Гавжум вокзалнинг бир чеккасига, скрипка садолари таралаётган жойга одамлар қўйилиб кела бошлади. Атрофимни одамлар, асосан ҳарбий кийимдаги кишилар ўраб олди. Уларнинг икки-учтаси қўлтиқтаёқда эди. Шунда бирдан хаёлимдан фронтда бўлган воқеалар, госпиталда ётган пайтларим ўтди. Қўлим беихтиёр «Катюша» куйига бориб қолди. Атрофимдагилар ҳам скрипка куйига жўр бўлиб, «рам та-та-там, там та-там» деб хиргойи қилганларича, бири оёғини дўпиллатиб, иккинчиси қўллари билан қарсақ чалиб, биргаллашиб ижро эта бошладилар. Бу ҳолатни курган скрипка эгаси хурсанд бўлиб:

— Узи сенга насиб қилган экан бу скрипка, майли, пул берманг ҳам олақол, — деди.

— Мен санъаткорман, — дедим унга, — яқинда фронтдан қайтганман, ҳозир Янгийулдаги театрда ишлайман... Сен ҳам яхши одамга ўхшайсан, мусофир экансан, юр, уйимга олиб кетай.

— Мен ленинградликман, Ўзбекистонга бола-чақамни ахтариб келдим. Уларни уруш бошланганда шу томонга эвакуация қилишган экан. Лекин қайси шаҳарда эканликларини билмайман... Бу скрипка отамдан қолган. Мен уни чалишни билмайман, лекин эшитишни яхши кўраман. Уйимда арзигулик бошқа бирон нарса бўлмагани учун, уни бир кунимга яраб қолар, деб олиб келган эдим. Тўғриси, уни сотгим йўқ. Мен учун азиз нарсани қандай қилиб пулга алмаштираман. Яхшиси, сенга тўхфа қиламан. Пул беришни уйлама. Ажойиб йигит экансан, скрипка чалишинг ҳам аъло. У сенинг қўлингга бўлса увол бўлмайди. Бизнинг бола-чақамизга бошпана берган ўзбекларга раҳмат!..

— Булмаса бундай қилайлик, ошна. Узи аслида асбобни пулга баҳолаб бўлмайди. Лекин ўзбек одатага қўра, бировдан бир нарса олгандан кейин уни албатта рози қилиш керак. Ҳақи берилмаса хайрли бўлмайди. Ёнимда юз эллик сўм пулим бор, шуни олгин. Агар кўпроқ пулим бўлганида, айтганингни берардим.

Рус киши рози бўлди. Мен скрипкани уйимга олиб келиб, яхшилаб кўздан кечирсам, машҳур «Штейнер» асбобларидан экан. Бу скрипка ҳозиргача хизматда.

50-йилларнинг бошида бир гуруҳ санъаткорлар билан Самарқандга гастролга бордик. Буш вақтларимда бозорларни айланиб, томоша қилишни яхши кўраман. Бир куни нонуштадан сўнг «Сиеб» бозорини айландим. Деворга уч-туртта танбур ва дуторлар осиглиқ дўкон ёнидан бефарқ ўтиб кета олмадим. У ерда бир мўсафид ўз иши билан овора эди.

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом! Келинг, ўғлим.

— Кечирасиз, уста ака, хув, чеккадаги қанақа танбур?

Кекса уста ёқар-ёқмас ўрнидан туриб, танбурни менга узатди. Сўнг яна ишини давом эттираверди.

Қарасам қўлимга мос келадиган мўжазгина танбур, иккитагина сими бор, харрагининг ҳам бир чети учиб кетибди. Харрагини у ёқ, бу ёққа суриб куриб, симларини ҳам қайта-қайта созлаб, нохунсиз, тирноқ билан чертиб кўрдим.

Бир маҳал уста ҳам менда бир гап борлигини сезди шекилли, секин суз бошлади:

— Ўғлим, бу танбурни кўп одам кўрдию, лекин ҳеч ким эппал чалолмади. Унга дуо теккан дейдилар.

Мен устанинг сўзига жавоб қилишни ҳам уйламай, танбурни обдан кўздан кечириб, пардаларини ростлагач, чунтагимдан нохунни олиб, чалган эдим, унинг зарби, садоси ҳам бошқача бўлиб кетаверди.

Кўпни курган шинаванда уста, бир-икки зарбни эшитиши билан ноқ муомалани бутунлай ўзгартириб:

— Қани, ўғлим, бу ёққа ўтинг, мана бу ерда ўтиринг, — деб мени кўярда-қўймай тор устахонасига бошлаб кириб, рупарасига ўтказди. Сўнг «Қани, тўхтанг-чи», деб танбур, дутор харраклари турган кутича ва ёнбошидаги халтачадан бир-икки тутам юмшоқ симлардан олиб, менинг олдимга қўйди.

Мен ҳам шошилмасдан, янги харрақлардан биттасини олиб, у ёқ, бу ёғини текислаб, тилимга теккизиб ҳўллаб, жойига қўйгач, симларни ҳам тула қилиб тақиб, устага нима чалиб берсам экан, деган хаёл билан аста машқ қила бошладим. Шунда Ҳожи Абдулазизнинг «Бозургоний»сига ошиқ бўлиб юрган пайтларим эди. Бу санъаткорнинг сеҳрли нолаларини ўзлаштиришни мақсад қилиб, граммофонни деярли ҳар куни эшитардим, бутун фикру хаёлим шу кўйда эди. Ҳалиги эркин машқим бир жойга борганда ўз-ўзидан «Бозургоний»ни бошлаб юбордим. Қанча вақтлардан бери «сайратадиган» кишини тополмай ётган танбур каминанинг қулида «пирранг» зарбларда яйраб кетди. Танбур садоси устахонани тўлдириб юборди.

Куй ниҳоясига етгандан кейин уста бир зум ҳалиги ширин ҳолатдан чиқолмай тургач, бирданига рупарадаги дуконда ишлаётган болага бурюди:

— Ҳой, Мустафоқул! Бор, болам, пастдан иккита ширмой нон, бир коса қаймоқ олиб чиққин. Кейин чой дамлайсан...

Сўнгра уста менга мурожаат қилди:

— Энди, ўғлим, Сиз ҳам ўрнингиздан туринг.



Мен мўсафиднинг айтганини қилдим. У киши остиларидаги янгироқ кўрпачани олдилар-да, менинг остимга тўшаб, эскисига узлари ўтирдилар. Кейин олдиларидаги асбоб-ускуналарни бир чеккага суриб қўйиб, белларидаги қийиқни дастурхон қилиб ёйдилар.

Устанинг ўгли бир зумда нон ва қаймоқни келтирди, сунг чой дамлади.

Жуда хурсанд бўлиб кетган уста чехраси очилиб, «Эй, баракалло! Эй, баракалло!» деганча нонларни ушатиб, қаймоқни олдимга суриб, сал хўрсингандай бўлди-да, ҳаяжон билан гап бошлади:

— Буни «Ҳожи танбур» деймиз. Ҳожи Абдулазиз яқин улфатим эди. Уйимга тез-тез келиб турарди, раҳматли. Бу танбурни фақат уша киши чалиши учун ясаганман. Ҳожи Абдулазиз дунёдан ўтганидан кейин, уни чаладиган одам бўлмади. Шундан бери «жонивор» қозикда осиглиқ турибди. Бир-икки киши уни чалмоқчи бўлди, лекин танбур уларнинг «етови»га юрмади чоғи...

Энди, ўғлим, Сизга айтсам, созга Довуд пайгамбарнинг, пиру устозларнинг дуоси теккан бўлади. Уларнинг дуоиси жуда кучли. Шунинг учун бундай созларни шунчаки уйинчоқ қилиб, тингиллатиб юриш гуноҳ. Чалганда, ҳазрати Довуд, пиру устозлар, Ҳожининг руҳи шод бўладиган қилиб, қойиллатиб чалиш керак... Қўлларингиз дард кўрмасин, мўътабар созанда экансиз! Сизни менга Оллоҳ етказди. Чалишингизни куриб, худди Ҳожи билан суҳбатлашгандай бўлдим. У бир худо назар қилган ҳофиз ва созанда эди. Бандаси унга бас кела олмасди. Узини билган созанда унинг олдида соз чалишга ёки қўшиқ айтишга журъат этмасди. У дунёга бир келдию кетди. Шунинг учун ҳам бу танбур мўътабар танбур, унга Ҳожининг қўли теккан!

Уста бир зум сукут сақлагач, сўзини давом эттирди:

— Ана энди беармон ўлиб кетаверсам бўлади, «Ҳожи танбур» ўз эгасини топди. Ҳожининг руҳи олдида бу мен учун бир омонат нарсасдек эди. Аминманки, Ҳожининг ўзи бўлганида ҳам, шу ишни қилган бўлур эди. «Ҳожи танбур» Сизники бўлди, Сизнинг қўлингизда бу булбулдай сайрайди.

Қани, ўғлим, қўлингизни очинг! — деди мўсафид. Сунг у қўлини очиб, Одам Ато ва ўтган пайгамбарлар қаторида Довуд алайҳиссаломни тилга олиб, Ҳожи Абдулазизнинг арвоҳларини эслаб, дуо қилди.

Мен учун бу ҳеч қутилмаган табаррук совга бўлди. Уни ҳозир ҳам авайлаб-асраб юрибман. Сабаби, у мен санъатини беҳад севган Ҳожи Абдулазиз Расуловнинг танбуридир.

Бу улуг санъаткорни куриш менга насиб этмаган. Аммо менда у кишининг 1937 йилда чиққан иккита пластинкалари бор. Бирининг бир томони «Бебокча», иккинчи томони «Бозургоний». Иккинчи пластинканинг иккита томони ҳам «Гулузорим» ёзилган.

У пайтларда ўртача пластинкаларнинг бир юзига кўпи билан уч минут айтиладиган қўшиқ сиққан. Шунинг учун ҳофизлар ёздириладиган нарсаларини шунга мослаб қайта ишлаганлар. «Бебокча», «Бозургоний»лар аслида катта нарсалар бўлган, ўрталарида кенг, бемалол чалинадиган чиройли-чиройли чолғу машқлари бўлган. Ҳожи бува шу қўшиқларни пластинкага мослаганлар. Бу ишни кифтини келтириш учун жуда катта усталик ва санъат керак.

Ҳожи бувада ҳамма нарса мукамал, чалишлари жуда зўр. Дуторда қиладиган нозик пардаларини мен ҳалигача чиқара олмайман. Қанақа қилиб чалганларининг тагига етиб бўлмайди. Ҳақиқий санъат дегани мана шунча тубсиз, чексиз бўлади. Овоздаги шира ундан зур. Яна бу саксон икки ёшларида айтилган қўшиқ,

Қаранг, овоз ойнанинг устига сочилган марвариддек жаранглаб турибди! Биронта хира парда йўқ.

Бундан ташқари, бу санъаткорнинг ўз услуби бор, шундоқ бир пардасини эшитишингиз билан Ҳожи буваники эканлигини билиб оласиз. Юракда катта дард билан қуйлайдилар, ижодлари доим қайнаб туради. Шунинг учун у кишини бир лаҳза эшитишининг ўзи кишига ҳузур бахш этади.

Уни қурган-билганларнинг айтишиларича, шеър танлашми, гап гапиришми, қайси томондан баҳоласангиз ҳам, у киши бир авлиёсифат инсон бўлган. Муомала, ҳўсн-хамоллари ҳам шунга муносиб.

«Бебокча», «Бозургоний»ларни ихчамлаштириб, уч минутли қилиш учун жуда катта усталик керак. У киши ихчамлаштириш орасидаги чолғу машқларини қисқартириш ҳисобига бўлгани маъқул, деб ҳисоблаганлар. Уша паузани яримтадан ҳам кичик қилиб, дуторда битта парда бериб, ашулага тушиб кетаверганлар. Бунақа қилиб айтиш жуда ноқулай, ҳар кимнинг ҳам қулидан келавермайди. У киши бу ишни эплашдан ташқари, шу ернинг ўзида ҳам бир санъат кўрсатиб кетганлар.

Ҳожи бува ҳамма нарсани эшитиш орқали олган бўладилар. Чунки, бундай нарсаларни фақат қалбга жойлаштириш орқали ўрганиш мумкин. Агар қалбдан жой олмаса, қанча машқ қилганингиз билан ҳам фойдаси кам; ўхшатиб, яқинига олиб борасиз-у, лекин айнан ўзидай қилолмайсиз. Расулқорида ҳам Ҳожи буванинг пластинкалари бор эди. У шу пластинкаларидаги нарсаларни айнан кўчириб ёздиртирган. Ҳожи бува дутор чалиб ижро этган бўлсалар, у танбурда айтган. Яқинда шу ёзувни олиб, алоҳида диққат билан эшитдим. Лекин Расулқорининг Ҳожи бувага етказган ёки ундан ўтказган жойи йўқ. Санъат санъат бўлиши учун киши озгина бўлса ҳам узидан нимадир қўиши, ижодий ўзлаштириши лозим. Лекин Расулқорида ундай бўлмаган. Шундай бўлса ҳам, Расулқорининг қилган ишидан хурсанд бўлдим. Бошқалар шуни ҳам эплай олишмади.

Ҳожи бува айтадиган ашулаларнинг ҳаммаси тўла-тўқис ўз ижодларидир. Оҳангни ҳам, унга мос тушадиган сўзларни ҳам ўзлари топганлар. Ашулаларини эшитсангиз, биронта ҳам чайналган сўз йўқ, ҳаммасини аниқ эшитиб турсиз. Худди шоирнинг ўзи айтаётгандай ижро этганлар. Ўз сўзлари билан дардларини бировга изҳор этаётганга ўхшайдилар.

Мен Ҳожи Абдулазизни ҳаммиша биринчи устозим сифатида тилга оламан. Устоз келиб, қўлингиздан етаклаши шарт эмас. Бирон кишига эргашдингизми, демак, у киши сизга устоз бўлади.

Ўзим санъатчи сифатида маълум нуқталарга етишган бўлсам ҳам, Ҳожи бува санъати ҳамон мен учун ишғол қилинмаган чўққи бўлиб турибди. Бизлар ҳам дасталарда «Гулузорим»ни чалдик. У киши тез айтган деб, юргизиброқ чалдик. Лекин шираси у даражада бўлмади. Мен чалган «Гулузорим»да у кишининг услуби сезилиб туради. Дони Зокиров шунинг ёзувини эшитиб: «Ҳожи буванинг йўлида чалибсиз, анча мукамал, худди ўзларини эшитгандек бўлдик», — деган эди. Менинг назаримда эса, бу ижро Ҳожи бува даражасига етмагандек туюлади.

Дони ака Ҳожи бувани кўрган. У киши асли самарқандлик эди. Республика пойтахти Самарқанддалигида Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи бува, Юнус Ражабий каби бир гуруҳ санъаткорлар ягона дастанни ташкил этиб, халқ орасида концертлар беришган. Юнус ака шу дастада найчи бўлганлар. Менда шу улуг санъаткорлар бирга тушган сурат бор.

Юнус акамлар Ҳожи буванинг ҳаётлари, феъл-атворлари, одат-

лари ҳақида менга анча гапириб берганлар. У кишининг санъати га юқори баҳо бериб, «Бизлар кўп нарсаларни ўша кишилардан урган-ганмиз», дер эдилар.

Илгари микрофон бўлмаган. Қанча катта издиҳом ва қанча кўп одам тўпланишидан қатъи назар, ҳар ҳофиз ўзининг бор овози билан айтган. Дуторнинг нафис нолаларигача эшитган одамлар ўша вақтда. Шунинг учун ҳам бу чолгу асбоби тараққий этган.

Ҳожи буванинг чалишларидан, айтишларидан жуда оз намуна қолган бўлса ҳам, у катта бир мактабнинг тўрида туриши лозим бўлган чинакам санъат ҳисобланади. Санъаткор услубини кўрсатиш учун кўп нарса бўлиши шарт эмас. У бир-икки ижронинг ўзида яққол кўринади.

Ҳожи буванинг эски ёзилган ўн битта пластинкасини бир одам Зокир Султоновга олиб келиб берган эмиш. «Мана шу нарса менинг энг катта бойлигим. Энди ёшим қайтиб қолди, йўқ бўлиб кетмасин, деб сизга олиб келдим», дебди у. Бу пластинкалар 1903 йилда ёзилган экан. Демак, тўқсон йилдан бери сақланиб келинаётган, эгасига ҳам кимдандир қолган нарсалар бўлади.

Шу пластинкаларни кўчириб олиб, бир эшитмоқчиман. Улар Ҳожи бува ёшроқ, бошқачароқ авжлар қиладиган пайтларда ёзилган ашулалар бўлади. Қирқ ёш санъаткорнинг камол топган, истеъдоди барқ уриб очилган даври ҳисобланади.

Ҳожи буванинг энг яқин одамларидан бири Файзулла Ҳўжаев бўлган. Сабаби, Ҳожи бува Файзулла Ҳўжаев падари бузрукворининг яқин дўстларидан эди. Файзулла Ҳўжаевнинг отаси кексайган чоғида кўпчилик олдида углига шундай васият қилган экан: «Мен оламдан ўтганимдан сўнг Ҳожи бувани менинг ўрнимда кўргин. Мўҳим бир ишга қўл уришдан олдин ўша киши билан маслаҳатлаш-гин».

Ҳожи бува фақат кўшиқчи эмас, балки диний соҳада ҳам анча забардаст мулла, дунё кўрган, жаҳонгашта инсон бўлганлар. Сўз ва санъат излаб, билим ахтариб дунёни кезганлар. Икки марта ҳажга борганлар. Бундан ташқари, Эрон, Афғонистон, Ироқ, Ҳиндистон, Туркия ва Юнонистонда бўлиб, ўз санъатларини намойиш этганлар. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида «Шашмақом»ни мукаммал ўрганиш мақсадида Бухорога бориб, машҳур мақомчи Отажалол Назировга шогирд тушганлар ва «Шашмақом»ни янада такомиллаштириш ишига улкан ҳисса қўшганлар.

Файзулла Ҳўжаевнинг Ҳожи бува билан яқинлигининг яна бир сабаби шундаки, у кишининг қонида ҳам нафис санъатга мойиллик бўлган. Болалигидан ҳофизлар, олимлар, шоирлар, умуман фазилатли инсонлар муҳитида ўсган. Истеъдодли кишиларни беҳад хурматлаган.

Юнус акамнинг ҳикоя қилишича, Файзулла Ҳўжаев Ҳожи буванинг иссиқ-совуғидан мунтазам хабардор бўлиб, лозим бўлган ёрдамни бериб турган, уни ўз отасидай кўрган. Тез-тез уйига чақириб, мусиқа ва ашулаларидан эшитишни яхши кўрар экан. Ҳожи бува дутор чалганларида, ашула айтганларида Файзулла Ҳўжаевнинг кўзларидан ёш оқар экан.

20-йилларда Ҳожи буванинг бошига ташвиш тушади: у киши сал бузуқчилик йўлига кирган қизларини жазолайдилар. Ўша пайтда юртимизда дин-этиқоднинг кучлилиги, бундан ташқари, бу кишининг халқ ўртасидаги обрўлари шундай қилишга ундаган. Шунда у киши камалиб, йўқ бўлиб кетишлари мумкин эди. Лекин Файзулла Ҳўжаев ёрдам берган. Шу кишининг маслаҳати билан Ҳожи Бува Тошкентга кўчганлар. Тошкентнинг санъат аҳли Ҳожи бувани яхши кўтиб олган.

Кўп ўтмай республика пойтахти Самарқанддан Тошкентга кўчган.

Ўз вақтида Ҳожи бува ҳам Файзулла Ҳўжаевни улимдан сақлаб қолган эканлар. У киши Бухоро амирининг бир суҳбатига бўлганларида Файзулла Ҳўжаевни йўқотиш ҳақида гап бўлган. Ҳожи бува ўша жойдан чиқиб, Файзулла Ҳўжаевни қидириб топиб, «Ҳозирги-на сени ушлаб, ўлдириш ҳақида маслаҳат бўлди, чорангни кўр!» деб вазиятни тушунтирганлар. Шунда Файзулла Ҳўжаев ўша заҳотиёқ Бухородан қочиб, омон қолган экан.

## «Шоми ғарибон»

Қандай пайтда мусиқа инсонга кучли таъсир қилади? Бу ҳам касбимизнинг нозик томонларидандир.

Инсонда «Шоми ғарибон» деган бир ҳолат бўлади. Унда гап кўп. Одамнинг эрталаб тургандаги, наҳордаги умри бир бошқа, одам ширин вазиятда бўлади бу пайтда. Шунда мусиқа кишига яхши таъсир кўрсатади. Ундан кейин кун бошланади-да, ҳали у ишга, ҳали бу ишга урнаб кетасиз. Турмуш ташвишлари билан бўлиб, кеч бўлганини сезмай қоласиз.

Кўёш ботиб, вақт шомга яқинлашганидан сўнг яна бошқа бир ҳолат пайдо бўлади. Кундузги гавжумликдан аста-секин ёлғизлик ҳолатига ўтасиз. Ташвишларингиз сал четга чиқиб, улфатларингиз уй-уйига тарқаб, ўзингиз билан ўзингиз бўлиб қоласиз. Шунда инсонда ғариблик туйғулари пайдо бўлиб, ўзи билан ўзи дардлаш-гиси келади. Инсондаги мана шу ҳолатни «Шоми ғарибон» дейила-ди.

Бу бир руҳий ҳолатки, унда хаёл гирдобига шўнғиб кетгандай бўласиз. Ўша вазиятда кўчага чиқиб айлансангиз ҳам, ўзингиз билан ўзингиз бўлиб юраверасиз. Мабодо ёнингизда одам бўлса, уни кўришни ёки гапини эшитишни хоҳламайсиз. Ғариб бўлиб юргангиз ҳар нарсадан ширин туюлади. Ана шу вақтда ҳам мусиқа одамга қаттиқ таъсир этиши мумкин.

«Ҳижрон тунӣ...» деб бошланади-ку Навоийнинг газали. Ҳижрон кундузи бўлмайди. Чунки, бу пайтда одам ҳаёт ташвишлари билан овуниб юраверади. Кечқурун, битта ўзи қолганда ўша дард, Ҳижрон қалбга кириб келаверади. Бу туйғу бировда камроқ, бошқа бировда кўпроқ бўлиши мумкин. Лекин қалбда шунақа нарса йўқ одам жуда кам бўлади.

Мусиқанинг яна бир жонли таъсир этадиган вақти «кайф» қилиш билан боғлиқ. Кайфнинг кўриниши кўп. Масалан, улфатлар билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, ўтган яхши гапларни эсласангиз, руҳингиз анча созланиб, ором олади. Бу ҳам бир кайф.

Руҳий кайф қилишнинг ўз лаззати бўлади. Жаннатда юргандек бўлаверасиз. Қалбингиз тозаланади. Кайф қилганингиздан кейин, сиз қаерда тугилсангиз, қайси жойларда ўсгансиз, ҳаётингизда қандай яхши дамлар бўлган, ота-онангиздан қандай меҳрибончиликлар кўргансиз, ҳаммаси бир-бир дилингиздан ўтаверади. Хаёлингиз кайф билан ўша лаззатли томонга бораверади. Ушбу ҳолатда ҳам мусиқа сизга жувозлик қилади, дардкаш бўлади.

Кайф ҳолатига ўтиш учун шароб таъсирини ҳам айтиш керак. Озгина шароб ичилса, асабларингиз юмшайди. Шаробнинг ози танга даво, дейилишининг сабаби ҳам шу. Шароб сизни хаёлингизни қамраб турган турмуш ташвишларидан йироқлаштиради, хилватга тортиб, диққатчиликлардан четлаштиради.

Кайф қилиш, ғариблик ҳолати фақат мунгли нарсани тақозо этади. Шўх куйлар билан у ҳолатга эришиш қийин. Шўхлик одатда купчилик билан бўлади. Кайф қилиш эса ҳар кимнинг уз қалбидаги нарса. Шу пайтда сизнинг юрагингизни тушунадиган мусиқа бўлади. Қалб билан боғланиб кетишлик учун нафис, мунгли, дардли оҳанг керак. Бундай пайтда шўх нарса ортиқчалик қилади.

Демак, руҳий кайф, озгина шароб ичгандан кейинги кайф кишидаги айрилиқ дардларини, юрак армонларини кўзгайдиган учқун ҳисобланади.

Айрилиқларнинг ҳаммасини тўплаб ишқ деса бўлади. Ниятига етишолмаган, қалбида армонлари бор кишилар — ишқий одамлардир. Бу армонларини ўла-ўлгунларича кўнгилларидан чиқариб юборолмайдилар. Бундай ҳолат айниқса ватанидан бадарга қилинган, яқинлирига — севган ёрига, суюкли фарзандига етишолмаган, ота-онасидан эрта айрилган кишиларда кўп бўлади.

Ана шундай қалбида дарди, армонлари кўп кишилар санъатга, адабиётга яқин бўлади. Бундай кишилар бўш вақтларини кўпроқ китоб ўқиб, гап-сузлари маъноли одамлар билан суҳбатлашиб ўтказишга ҳаракат қиладилар. Узи ўқимаса ҳам ўқийдиган одамларнинг гапига қўлоқ солишни хоҳлайдилар. Ана шундай кишилар мунгли мусиқани ёқтирадилар. Созандаларга шу тоифа одамлар учраса, шинавандамни энди топдим, деб ўзи ҳам маза қилиб чалади.

Мен илгари квартирама-квартира юрган вақтларимда, бирон жойда шундай тингловчилар учраб қолса, рўзгорим ноҷорроқлигига қарамай, уларни уйимга чақириб меҳмон қилар эдим. Уша ўтиришга ўзимни сошлаб, нима чалиб беришимни хаёлимдан ўтказиб, ҳамма нарсани саранжомлаб кўярдим. Мусиқамни маза қилиб эшитганликлари сабабли, дунёдаги энг яқин улфатларим бўлиб кўринарди у кишилар.

Улфатларим ҳам бироз кайф қилганларидан кейин асосий мақсадга ўтишга шошилардим. Менинг ҳам асл ниятим ўзи шу — мусиқа. Ана шундай ҳолатга етишгандан кейин, юрагим тортган нарсаларни илҳом билан чалардим. Орамизда ҳеч қандай тўсиқ қолмагандан кейин улфатларим мен билан очик гаплашишарди. Дилларида қанақа таассурот бўлса тўғриси айтишарди. «Роҳат»нинг мана бу жойи сал ёпишмади», «Дутор баёти»нинг шу ери ўхшамади...» дейдиган гапларни қиладиганлар ҳам чиқиб қоларди орамиздан. Мен бундай гаплардан ранжимайман, аксинча хурсанд бўламан. Тўхтасин ака айтганларидек, эшитувчини энг талабчан ва хурматли устозим деб биламан.

Шу ўтиришда улфатларнинг энг юрагига тегадиган нарса «Танавор» бўларди. Ҳар йиғилганимизда беш-олти марта, ҳаттоки ундан ҳам кўпроқ чалдиришарди. Асосий гап ҳам, муҳокама ҳам шу «Танавор» устида бўларди. Ҳамма улфатларимга у ёд бўлиб, қалбига ўрнашиб қолган эди. Утириш тугаб, мана кетдик, деган пайтда ҳам, «Тургун ака, битта «Танавор»ни эшитайлик ва шу маза билан тарқалайлик», дейишарди.

«Танавор» кўшигини қойиллатиб айтадиган санъаткор Меҳри Абдуллаева эди. Бизнинг Меҳри опа билан оилавий борди-келдимиз ҳам бор эди. Меҳри опа зўр санъаткор бўлиб ўтди. Дардли, мусиқага жуда ишқибоз, чapanи аёл эдилар. Жуда нозик пардаларни ҳис қиладиган санъаткор бўлганликлари учун, табиатлари мени истаб, ҳар замонда соғиниб, уйимизга келиб қолардилар. Утириб, ундан-бундан гаплашгандан кейин: «Тургунбой! Қани энди, дуторни олинг, бир «Танавор»ни чалинг», дердилар.

Кўнгиллари ўша ўзлари айтган «Танавор»ни истаётганини сезаман. Мен ҳам сазни юмшоқ қилиб, секин бошлаيمان, сўнг ўзлари

оладилар. Эриб, симоб бўлиб кетадилар. Менга ҳам илҳом келиб, бир нарсаларни ижод қиламан. Шунга мос ва ҳамоханг пардалар у кишидан ҳам қайнаб чиқаверади. Ана шундай вазиятларда ёзиб олинган мусиқа бебаҳо саналади. Бошқа жойда, студияда унақа ҳолат бўлиши қийин. «Танавор» ҳам шунақа дард билан, ижод билан айтилганидан кейин «Танавор» бўлади.

«Танавор»ни жуда кўп санъаткорлар айтди, лекин бошқаларда Меҳри опаникидек дардли чиқмади.

Меҳри опа охириги марта бизларникига келганларида аёллар сумалак қилишаётган эди. Ушанда у киши дуторларини тузатиш учун куёвимикига борган эканлар. Сиддиқжондан «Келин қаёқда?» деб сурабдилар.

— Оталарникида сумалак пиширишяпти.

— Э, Тургунбойникида сумалак қилишаётган бўлсалар, мен ҳам албатта боришим керак, — деб дарров автомобилга ўтириб келибдилар.

Ушанда ҳам жуда яхши ўтирдик. «Энди битта «Танавор» бўлмагунча хумор тарқамайди, Тургунбой», дедилар Меҳри опа. Дутор пардаларини «Йул бўлсин Танавор»га мосладим. Бу сафар асосий етакловчи мен бўлдим. Мен чалганимда у киши нолаларга ишқибоз бўлиб, илҳом билан, секин хиргойи қилиб турдилар.

— Яхшиям шуни ёздирган эканмиз, Тургунбой, — дедилар опа қўшиқ тугагач, кўзларига ёш олиб. — Афсуски, Сизни илгарироқ танимаган эканман, бўлмаса кўп нарсалар қилган бўлар эдик. Майли, шунисига ҳам шукур. Иккита нарсани ёзиб улгурдик. Тарихда қоладиган бўлди.

— Меҳри опа, бизларда илгари айтган нарсаларингиз бор, — дедим у кишига.

— Қайси бири? Улар эсимдан ҳам чиқиб кетган.

— Ёшлигимизда Сизнинг пластинкаларингизни севиб эшитиб юрардик. Сизни «Истат-истат» деган ашулангиз буларди, ўшани яхши кўрардим.

Меҳри опа, у қайси ашула экан, дегандай қилиб менга қаради. Мен секин гингиллаб бердим.

Меҳри опанинг бирдан юзиде табассум уйнаб:

— Тургунбой, келинг бир ўпай! Мени ёш қилиб юбордингиз, айланиб кетай Сиздан. Менинг эллик йил аввал айтган ашулам ҳали ёдингизда турибдима-а?! — дедилар.

— Яхши ашулалар менинг юрагимдан кетмайди. Шунинг учун ҳам Сизни хурмат қиламан!

Кўшиқ шинавандалари баъзан мендан «Танавор» қадимда исловотхоналарда айтилган дейишди, шу ростми, деб сурашди. Бундай кишилар исловотхона нима эканлигини яхши тушунмайди ўзи. Уни фоҳишахона билан алмаштиришди. Исловотхона асли кайф-сафо қиладиган жой бўлган. У ерда буза, шаробга ўхшаган нарсалар бўлганлиги учун баъзи жойларда уни ишратхона ҳам дейишган. Ишратхонанинг чойхонадан асосий фарқи шу. Мусулмон мамлакатларида инсон турмушининг шу томони ҳам ҳисобга олинган. Уша Амир Темур пайтида, дини ислом энг кучайган даврда ҳам Самарқанд, Ҳирот каби шаҳарларда мусулмон одамлар бориб машаат қиладиган ишратхоналар бўлган.

Шундай жой бўлганидан кейин, у ерда, албатта мусиқа чаладиган, қўшиқ айтадиган, рақсга тушадиган одамлар ҳам бўлган. Келганлар фақат буза ичиб, бир-бирларига қараб ўтирмайдилар-ку.

«Ўтган кунлар» романида ҳам шунақа хилват жойлар таърифланиши бежиз эмас. Отабекни айрилиқ дарди эзаверганидан кейин, шунақа жойга қўриб қолганини ўзи билмай қолади. Шу билан кўнг-

ли таскин топиб, юрак дардлари енгиллашиб, маст бўлиб ухлаб қолади. Аслида, Абдулла Қодирий Отабекни ёмон ёки бузуқ одам сифатида тасвирламайди-ку! Ҳозирги одамлар ҳам ресторанларга боришади-ку. Тўғри, уйда бола-чақа олдида ўтирса ҳам бўлади. Лекин алоҳида ўтириб ёзилганга етмайди.

Исловотхонани мен шунақа тушунамани, у энг аввало дард-манд ва яхши шинавандалар йиғиладиган жой бўлган. Тирикчиликдан, булар-бўлмас нарсалардан гаплашадиган одамлар у ерга бормаган. Дардли кўшиқ ва мусиқага ишқивозлар тупланган. Ана шунақа пайтда Меҳри опага ўхшаган «Танавор»ларни эзиб айтадиган санъаткорлар зарур бўлган.

«Танавор»лар ҳар ким ҳам «ла-ла-ла» қилиб айтаверадиган нарса эмас, жуда улуг куйлар. Уни мен мақомларимиз даражасида турадиган, дунё аҳамиятига молик мусиқа деб биламан. Исловотхоналар бузуқ жой бўлганида, унда бундай улуг куйлар пайдо бўлмас эди.

Меҳри опа ашулаларини ўзлари дутор чалиб айтардилар. Дастлаб чиққан пластинкаларга ўзлари чалиб айтган ашулалар кирган. Сўнги бир-иккита кўшиқларига мен чалиб берганман. Аммо санъаткорнинг ўзи чалиб айтгани бутунлай бошқача бўлади. Меҳри опа уста дуторчи эмасдилар, лекин кўлларига дутор олишлари билан бошқача бўлиб кетардилар.

Чолгу асбоби ашула билан қўшилганида вазифалари кўпаяди. Энг асосийси, ашулачига таянч бўлиб туради. Қўлда соз бўлса, ашуланинг қолипни келтириш осонлашади ва санъаткор қанақа нозик пардалар қиламан деса қилаверади, бировнинг ихтиёрига қараб қолмайди.

Меҳри опа керакли пардани ростлаб олганидан кейин асбобни унча чалиб ўтирмасди. Қўл шундай дастада юриб турар, майин, «ипак» овоз билан эса осмон-фалакка сайр қилиб кетаверардилар. Бу томонини ўзларидан кўшиб, бир нарсаларни ижод қилиб айтаверардилар. Ана шу хусусиятлари у кишини ўзга санъаткорлардан ажратиб турарди.

Бошқа кўп ҳофизларнинг яхши овози пардада тиниқ юрганлиги билан, биров ўргатган нарсани такрорлайдилар. Ёки бошқалар айтганини эшитиб, шунга тақлид қиладилар. Бунақа ҳофизларнинг баҳоси ўзи ижод қилиб айтадиганларга қараганда анча паст юради, албатта. Шунинг учун эски устозлар бировнинг йўлида юрадиганларни «Ҳа, бир-икки эшитишга ярайди», деб қўярдилар.

Меҳри опанинг доира чалиб айтадиган одатлари ҳам бор эди. Доира ҳам пардаси йўқ бўлгани билан, дуторга ўхшаган бир таянч. Меҳри опаларга пардали асбоб унча зарур ҳам эмас. Усиз ҳам созда жуда тиниқ юрадилар. Доирада астагина усул бериб, бу томонда овозлари яйраб кетаверар эди.

Асли илгари хотин-қизлар кўпроқ доира чалиб айтишган. Ҳозир ҳам шунақа. Бухоро, Самарқандларда бундай айтиш эркаклар орасида ҳам кенг тарқалган. Домла Ҳалим Ибодов мақомчилар отаси ҳисобланадилар. У киши ҳамма вақт доира чалиб айтардилар.

Зиркив домла айтардиларки, Левича ҳофиз мақомларни кўпинча танбур билан айтарди. Мажлис қизиб, авжига чиқадиган пайтида, гоҳо танбурни қўйиб, битта доира билан хоних қилардилар. Бундай кезларда у овозини шу даражада яйратиб, уйнатар эканки, мақом йўллари одамлар умрида эшитмаган авжлар қўшар экан.

Доирага катта эътибор берилишининг яна бир сабаби шундаки, мақомни кўпайтирадиган, катта қилиб берадиган асосий нарса усул бўлади. Бир куй — мақом кўп усулларга солинавганидан кейин

жуда бой ва хилма-хил бўлиб кўринади. Бир мақомга бирини иккинчисидан қизиқарли қилиб янгидан-янги усуллар тўқилаверади. Уни эшитаётган одам ҳам зерикмайди, эшитиб тўймайди.

Шунинг учун Самарқанд ва Бухородаги шинавандалар кўпроқ ўзларини мақомга уришади. Унинг завқ оладиган, маза қиладиган томонлари кўп бўлади.

## Мусиқа — дил изҳори

Мусиқанинг қайси бир масаласини олманг, у ҳақда чуқурроқ мутолаа қилсангиз, ўша илоҳий қудрат, юракдаги ишққа бориб тақалади. Чунки, асосий негиз шу, бошқа фазилатлар ундан ўсиб чиқадиган бир куртак ёки шох бўлиши мумкин. Чолғучилик, ашулачилик ёки ижод масаласини оласизми, унинг негизида ана шу худо берган бир нарса бўлмаса, у эътиборли бўлолмайди, узоққа бормайди. Бирон-бир из қолдирмасдан, шундайлигича ўтиб кетаверади. «Нега шунақа?» деган савол пайдо бўлади. Бунга жавоб бериш жуда қийин ва айни чоғда осон. Қийинлиги шундаки, ишқ-муҳаббат, дард тушунтириб бўлмайдиган нарса, уни сезасиз, ҳис қиласиз, аммо нима эканлигини сўз билан ифодалаш қийин. Мана, бир нарсага ишқингиз тушади, уни қандай тушунтириш мумкин? Ақл билан туйғу бошқа-бошқа йўлдан юради. Лайли ёки Шириннинг ўрнига улардан чиройли парини олиб келиб қўйсақ бўлмайми? У билан саодатга эришиб бўлмайди. Унда улар оддий юрган Фарҳод-бой, Мажнунбой бўлиб қолишади. Айтади-ю:

*Деди: бу ишқ тарки яхшироқ.*

*Деди: бу шева ошиқдан йироқроқ.*

*Деди: ол ганжу қўй меҳрини ниҳоний!*

*Деди: тўфроққа бермон кимёни.*

Қаранг, бу ёқдаги бутун бойлик, ганжу хазина тўпроққа тенглашиб, унга бебаҳо гавҳар — кимёни алмаштирмайман дейди. Чунки унинг муҳаббати фақат шунга тушган. Уни ҳеч нарса билан алмаштириб, ўзгартириб бўлмайди. Бу нарса шунақа мустаҳкам қилиб яратилганки, у абадий бўлиб туради. Чунки ўша ошиқнинг вужуди шундай яратилган. Қачондан бери бу ишққа мубталосан деса, у вақтда руҳим жонимга пайванд эмас эди, дейди.

*Деди: қай чоғдин бўлдинг ишқ аро маст?*

*Деди: руҳ эрмас эрди танга пайваст.*

Онамнинг қорнидалигимда, ҳали руҳим жонимга пайванд бўлмаган эди. Ёни ҳали одам шаклига келмаган, ҳали сув бўлиб турган пайтимда бу ишқ пайдо бўлган эди, демоқчи Алишер Навоий. Демак, улардаги муҳаббат нури инсон бўлмасларидан аввал Оллоҳ томонидан яратилган. Шунинг учун, ёруғ дунёга чиққандан кейин бу ишқ ўсиб бораверади, унга ҳеч бир нарса тўсқинлик қилолмайди. Кун сайин униб-ўсиб, ахийри ўзини-ўзи нобуд қилишга олиб боради. У фақат ишқ йўлида ёниб, кулга айланиб, адо бўлади.

Юрагида ҳақиқий дард, санъат бор одам ҳам ана шундай. У дардни жиловлаб, ўзгартириб ёки бошқа бир нарса билан алмаштириб бўлмайди. Сўзга меҳр қўйилган бўлса, тинмасдан бўлбўлдек сайрайверади. У унта ёки юзта дoston ёзгани билан сўзи тамом бўлмайди. Ишқ-муҳаббат созга тушган бўлса, унинг учун куй, муси-

қанинг чеки бўлмайди. Унга қайси бир асбобни чалиш ёки овозни ишлатиб ҳофизлик қилишнинг фарқи йўқ. Мусиқа унинг юрагидан қайнаб чиқаверади. Унга эшитадиган, тинглайдиган одам бўлса бас. Тингловчи бўлмаса ҳам чалаверади. Қўлидан созини олиб қўйсангиз, асбобсиз, юрагида айтаверади. Мусиқа ижро этиб, бировга яхши кўриниш, обру олиш, пул топиш, рўзгорини тебратиш хаёлига ҳам келмайди.

Шахсан менга мусиқани биров ўргатган ёки тушунтирган эмас. Ақлимни таниганимдан бери шу нарса юрагимда борлигини билманман. Балким ундан олдинроқ ҳам бўлган бўлса ажаб эмас. Мен «Танавор», «Чўли Ироқ», «Наво» ёки бошқа халқ куйларига болагимда, ҳали созандалик нима эканлигини билмасимдан аввал меҳр-муҳаббатимни бериб бўлганман. Мен болагимда шу куйларни эшитганимда таъсирланиб йиғлардим.

Ҳали ҳеч нарса билмаган, кўрмаган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татимаган ёшгина бола бўлсам. Ота-онамнинг менга меҳр-муҳаббатлари бекиёс бўлса. Олдинда мени нималар кутаётганлигидан хабарсизман... Нима учун мусиқа менга бу қадар қаттиқ таъсир қилиб, йиғлатади? — деган савол пайдо бўлади.

Демак, мен шундай бўлиб тугилганман. Шундай дардли қилиб яратилганман. Ота-онам мени шундай тарбиялаган эмас. Бу Оллоҳ таолонинг иши.

Булмаса мен тенги ёшлар йўқми? Мендек ўсган болалар озми? Бошқа созандалар йўқми?! Нима учун улар мусиқадан бундай таъсирланмайдилар?

Кўп чолғучилар, ашулачилар қирқ-эллик йил шу соҳада ишлаб, пенсияга чиққанларидан кейин, бу соҳадан узоқлашиб кетишади. Чунки, улар эсларини таниганларидан кейин созанда бўлишган. Шу нарсани ўзларига касб қилиб, шунинг орқасидан тирикчилик қилиш учун санъат соҳасига кирганлар. Улар мусиқа чалиш ёки ашула айтишни ўзларига вазифа қилиб олганлар. Мен учун эса бу хизмат вазифаси ёки бурчи эмас, балки кунгил ёши, юрагимни изҳор этиш воситаси!

Мен чолғучи бўлмасимдан аввал эшитган куйларимнинг оҳанглари юрагимга ўрнашиб қолган. Қўлимга чолғу асбобини олганимдан кейин, ўша юрагимга ўрнашган нарсаларни қўлда ифода эта бошлаганман. Токи, ўша кўнглимдаги даражага етадиган бўлгунча чалаверганман. Шунинг учун, асли мусиқани ижро этаётган нарса қўлим эмас, қалбим! Узлуксиз чалаверганимдан кейин ўзидан-ўзи пишиб, маълум бир куй шаклига келиб қолади.

Мана, шунча йил театрларда ишладим. Кейин куйларим ёзиладиган вақтларга келганимда, эртага қандай чалишимни бугун мўлжаллаб, қолипни келтириб қўйган эмасман. «Репитиция» қилиб, бош-оёғини ўлчаб, бирон шаклда қотириб қўймасдим. Фақат, ўша эртага бўладиган нарсанинг ҳолатини, гоёсини ўйлаб, ўзимни шунга сошлаб юрардим. Қанақа бўлиб чиқишини худо билади.

Ўзи менинг одатим, иложи бўлса, бир марта чалсам дейман. Икки-уч марта такорлаганимдан кейин илҳомим қочиб кетади. Ёздиришга ҳавасим қолмайди. Ана шундай пайтларда чалишга ҳафсалам сўниб, қайтиб кетган вақтларим ҳам бўлган.

Кўпгина улуг созандалар ёнида бўлдим. Аммо ҳеч бир нарсани биров айтганидек қилиб чалмадим. Шу нарсани шундоқ ижро этинг, мана бу ери камроқ, у жойи ортиқроқ эди, дейдиган одамлар кўп бўлди атрофимда. Лекин мен у сўзларни ҳеч қабул қилолмадим.

Юнус ака бир куни жаҳллари чиқиб айтдиларки, «Шуларни айтганини қилсанг, «хўп» деб қўяқолсанг, бир жойинг камайиб қола-

дими?!» Шунда мен айтдимки, «хўп» десам уларнинг айтгани бўлади. Мен эса ўзимнинг юрагимдагидек бўлишини хоҳлайман! Мен ўзимнинг йўлимда чалмасдан, қанақа қилиб улар айтгандай ижро этаман? Унда у мусиқанинг, ижронинг эгаси мен эмас, улар бўлади-ку!

Куйга, мусиқага муҳаббатни бола-чақага бўлган муҳаббатга ўхшатгим келади. Ота-онангизга, қариндошларга бўлган ҳурмат бошқа-ю, фарзанднинг ширинлиги бутунлай бошқа. У ҳамма нарсадан юқори туради. Юрагингиздаги бу муҳаббат кўзингиз юмиладиган вақтда ҳам тепангизда сизга қараб турган бўлади. Бошқа ҳамма нарсадан кечиси мумкин, лекин ундан кечолмайсиз.

Созанданинг севиб ижро этадиган куйи, шинаванданинг вужуди билан берилиб тинглайдиган мусиқаси унинг учун фарзандидай азиз бўлади. Агар уни ўзгартирса, фарзандига бевафолик қилгандек бўлади. Шунингдек, яхши кўриб чаладиган ҳолатингиз ҳам сизга бениҳоя азиз бўлиб қолади. Шунинг учун ҳақиқий созанда ўзининг чалиш йўлини бошқаларникига алмаштириши мумкин эмас!

Шахсан менда шундай бўлди. Бирон бир баҳона топиб ёки баҳонасиз чалган куйимни қабул қилишмаса, қайтиб кетавердим. Орадан беш, ўн, ун беш йил ўтганидан кейин ҳам ўзгармадим. Токи, майли, ўзингиз хоҳлаганча чалаверинг, дейдиган одам пайдо бўлгунча юравердим. Мен учун шундай одам Расул Раҳмон бўлди. Агар у киши радио эшиттириш қўмитасига раҳбар бўлиб келмаганларида, балки ҳеч нарсани ёздирмасдан, чалмасдан пенсияга чиқиб кетган бўлишим мумкин эди. Чунки, мен ўзим яхши кўрган нарсани, юрагимдаги муҳаббатни, қандай қилиб бошқа нарсага алмаштираман?!



*Даврон Ражаб*

## БИР ҚАДИМИЙ НАГМА КИРАР ДИЛИМГА

Сен уйламайсан мени ҳеч қачон,  
уйлагандек дарахт ё қушни.  
Қуш ўзини осмонга отар,  
қарайсан, лекин, уйламайсан қушни.  
Кўз олдинда ҳайратли дарахт,  
қарайсан, лекин, уйламайсан яна...  
Ташқарида эса қор ёғар,  
қорга қараб уйламайсан қорни.  
Сен шундай, уйламайсан мени ҳеч қачон,  
сен шундай, қараб тураверасан.  
Дераза ранглари кўчар,  
дарз кетар ойналари.  
Келар бошқа қушлар,  
қуриб қолади дарахтлар ҳам.  
Сен шундай, қараб тураверасан,  
шундай, уйламайсан мени ҳеч қачон...

\*\*\*

Тақдир мени юзлаштиради,  
тинсиз кўчган мунгли юлдузга.  
Балки кўчган юлдуз эмасдир,  
балки кўчган кучсизлигимдир.

Йўқ-йўқ, менинг ҳали қалбим пок,  
онам берган кўзёшим бисёр.  
Кўзда ёшим эмас бахтсизлик,  
кўзда ёшим менинг бахтиёр.

Энди менинг уйғонди қалбим,  
энди қанот чиқарди сўзим,  
Мунгли юлдуз, майли кетавер,  
бахтли юлдуз мени кутади.

\*\*\*

Дарё тошиб кетмоқчи, индамасман.  
Чақмоқ осмонни парча-парча қилар,

индамасман.  
Олов ҳавони ёқиб юборди,  
мен жимман.

Мен жим турибман,  
сенга аталган гулларни ушлаб.

\*\*\*

Йиқилма, тошйўллар  
босиши мумкиндир сени.  
Том босиб қолиши муқаррар,  
йиқилма.  
Тур, ўрнингдан тур,  
буса ол,  
барглари қўргошин бўлса ҳам,  
лабларинг қонаб кетса-да,  
уп, ҳаёт гулларини.

\*\*\*

Дарахт панасида йиглайди бир қиз,  
жимгина-жимгина, юм-юм.  
Бир қадимий нагма кирар дилимга,  
хамма нарса ҳақда йиглайверар қиз.

Инсон йиғисига куй басталанг, сиз,  
на таржимон керак ва на бирор тил.  
Фақат жўр бўлингиз шундай қадога,  
одам йиғлаганда ўлмайди, ахир!

Мен ҳам тилга кирган бир соқов каби  
куйлаб кетаяпман қизга қўшилиб.  
Бизлар хафалабмас, гам учун эмас,  
қушиқ айтиш учун келдик дунёга.

**Даврон Ражаб — Урганч шаҳрида туғилган. Шеърлар ёзиш барибарида наққошлик билан ҳам шугулланади. Биттиклари матбуот саҳифаларида эълон қилинган. Журналда икки бор қатнашган.**

*Илҳом Каримов*

## ТУНДА ОЙ ЧИРОЙЛИ ЧЕҲРАНГГА КЎЧАР

\*\*\*

Қобирғамнинг қатида қатирлайди кесаклар,  
Панжаларим пинжида потирлайди полапон.  
Кўзнинг кесик кўксидан тукилади кузаклар,  
Ёзлар чалган жисмимни йиртингиз моҳитобон.

Оқ теракму кук терак,  
Биздан сизга не керак?

Мен букун туйиб кетдим, мужгонларнинг зилидан,  
Жоним жонидан туйган узга жонлар тусайди.  
Зиллоларим тукилса кипригимнинг тилидан,  
Қани энди сиздек қиз сочларимни ювсайди?  
Оқ теракму кук терак,  
Биздан сизга не керак?

Бу қандайин жавоҳир — бошдан-оёғи нозли,  
Чумчуқлар чугурлайди товонига чукиб тиз.  
Нега қошлар чимрилган, юзлар эса аразли,  
Бусани қайтиб олсам гуноҳимдан кечарсиз.  
Оқ теракму кук терак,  
Биздан сизга не керак?

Икки юрак икки ён, севгимиз кукка учди,  
Ҳаволарда йиғлайди, ерда етолмаган кул.  
Уртага совуқ тушди, кунглунгиз зарга тушди —  
Яна нима керак, дил,  
Қийнама минг булак бул?!  
Оқ теракму кук терак,  
Биздан сизга не керак?

\*\*\*

Тиниқликда тенгсиз тальатим,  
Синиқликда мен тенгсиз синиқ.  
Қамар доғли, юзлари тилим,  
Юзингизда нигоҳ изи йуқ.

Ойни мақтаб, куну тун ила  
Ситоралар тилидан улан.  
Баҳс бойлашиб мен тентак билан  
Хижилдурлар — қарар юзи йуқ.

Кафтларим ўт, қабариб кетган —  
Доғларнинг қайноқ нафаси қотган.  
Киприklarнинг зарбидан битган  
Исмингиз бор, гуноҳ изи йуқ.

Булутларга мингашиб, охир,  
Юлдузларга термулдим бир-бир.  
Жавоб берди ой ҳам сарозир:  
«Тавқимнинг бундай юлдузи йуқ».

Пойингизда чарх урар қумри,  
Аниқ кўрдим туманда туриб.  
Куюш — асли кўзингиз нури —  
Сизсиз дунёнинг кундузи йуқ.

Дунё оташ, бу қандай бало,  
Кучоғингиз қилгайдир адо?!  
Угли бордир биздек бедаво,  
Ҳеч кимнинг сиздайин қизи йуқ.

\*\*\*

Йўллари девона, кучалар ҳазин,  
Изимиз йўқолди тупроқларида.  
Кўзёшим симирган гунчалар ҳазин,  
Титрайди ишқимиз қароғларида.

Дил билмас йиғларин, на бир куларин,  
Охири чидолмай кўксимга кулар.  
Далакка учириб марҳаматларин,  
Ортимда қолдилар чанг ютган гуллар.

Ҳижроннинг тишлари ҳисларим чайнар,  
Йуқ, ночор чайнолмай бўлибди ўсал.  
Тунлари кунглунгни ҳовучлаб қийнар,  
Кафтингга ёзилган тақдири азал.

Тангадек жисмимда дунёдек шов-шув,  
Бошини суқади юрагим сари.  
Чорлама ғамнигоҳ жилмайган сулув,  
Лабларим тукилди... сарсари.

\*\*\*

Оққина тўшақда оппоқ тонг отар,  
Кўксимга ҳижронни қадайди зулм.  
Наҳорнинг насими кўйнингда ётар,  
Мен нимага арзидим, Гулим?!

Тунда ой чиройли чеҳрангга кучар,  
Уйқунгда сочингни силар бир сўлим.  
Изингни упай деб, хазонлар учар,  
Мен нимага арзидим, Гулим?!

Рухсоринг кўшқиди соқчилар сочинг,  
Ҳажр даштларида адашар йўлим.  
Усмани шаробдек симирди қошинг,  
Мен нимага арзидим, Гулим?!

Исмингни такрорлаб кун тушар чўкка,  
Жисмингни ўзидан қизганар ўлим.  
Чигиртка чириллар чирмашиб кўкка,  
Мен нимага арзидим, Гулим?!

**Илҳом Каромов — Қашқадарё вилоятининг Касби туманидан. Қарши Давлат муаллимлар дорилфунунини битирган. Шеърлари журналда биринчи марта ба чиқяпти.**



Мухаммад Юнус Тоиб

## ТАРИХИ АЛИМҚУЛИ АМИРЛАШКАР

...жаноби\* жавҳари шамшири шужоат, қуввати бозуи шаҳомат, яъни, абулфатҳ Мулло Алимқули амирлашкар, шаҳиди марҳумнинг ибтидои офтоби давлатларидан то гуруби умр ва иқболларигача давлатсоз мулозимни рикоби ҳумоюн (ида) эрдим. Хусни ихлос ва ақида шунини талаб қилар эрдиким, ул зоти олисийфотнинг айёми саболаридин, то ҳангоми шаҳодатларигача воқеалар ва ахборотларини таҳрир силкига чекиниб, бир яхши китоб қилсам. Муни устига, ул шажарайи тойиба самаралари фарзанди Мулло Шермуҳаммад Мирзойи мингбоши ҳам илтимос қилдиларки, ул жанобини воқеа ва ахборотларини сиздан яхшироқ биладургон одам йўқ, ул зоти ҳужастасифот зикрларини бир ёдномо китоб қилиб берангиз, то ойиши хосу авомдан фаромӯш бўлуб қолмасин, деб. Агарчи бандан ҳақирда шайхухот (қариллик) галабаси ва мунинг устига, беду айғ огриқи ва даҳли, қўз огриқ ва иштиҳосиллик илона бўлиб, қуввати заъф ва қўққат топиб ёзмоқ ва таҳрир қилмоққа мажол ва қўдрат қолмаган эрди, аммо ул жанобини зикри лавзат мазаси билан ўз қўзум билан кўрганларимни ва кўрмаган бўлсам, ул жанобини (нг) фарзанди аржумандлари Мулло Шермуҳаммад Мирзойи мингбошидан сўраб, амрга шурӯъ айладим.

Маълум улгайким, Амирлашқари марҳумнинг насаблари қирғиз-қинчоқ жамоасидан бўлиб, исми шарифлари Мулло Алимқули Ҳасанбий ўгли эрди ва волидайи шарифлари Шаҳарбону биби эрур. Мазкурлар Ҳўқанд уезида Навигут бўлустида Бўжун Буткан деган мавзеда турғучи фуқаро ақлидан эрдилар. Қилладургон ишлари қўю мол ва йилқи тўхтатиб, боқиб, булардан фойдаланиб

Тоибнинг «Тарихи Алимқули амирлашкар» асари

Қўқон адабий муҳити тарихчилари бой ва сермазмун ўтмишимизни урганиш, тадқиқ қилишда муҳим манба бўладиган асарлар ёзиб қолдирилганлар. Улар ўтгандан ортиқ тарихий ва хотира-тарихий мазмундаги асарларини — ҳам назмда, ҳам насрда, ўзбек ва тожик тилларида яратганлар. Бу мактабнинг намойидалари, XIX аср бошидан ташкил топини, ривожланиши, валифа ва аҳамияти эндиликда тадқиқ ва изланишлар доирасига киритилди. Шунинг учун ҳам бу масалага тегинли мавзуларни ёритиш ўзбек тарихнависларининг келажакдаги энг аҳамиятли вазифаларидандир.

Қўқон тарихнавислар мактабининг асарлари ва муаллифлари маълум ва номалум сабабларга кўра, шу пайтгача олимлар назари ва илмий тадқиқотлар доирасидан четда қолиб келган. Асоссиз равишда фаромӯшлик кўрбони бўлган муаллифлардан бири Мухаммад Юнус ибн Мухаммад Амин ал мутахаллис Тоиб бўлади.

\* Афсуски, қўлёзмаининг биринчи ва охириги саҳифалари сақланмаган. (Таҳр.)

юрар эдилар. Худованди қарим дуғфу қарими бўлиб, мазкур Ҳасанбийдан шу мавзеда Мулло Алимқули амирлашкар ва яна бир қил... нуҷудга келиб, кейин Андижон уезига (уездига) тобёв Қўрғон бўлустидаги (волоести) Тошлоқ қишлоқда тарбият топиб (дилар).

Амирлашқари марҳум икки яшарлик вақтиларида оталари Ҳасанбий ва фот қилиб, волидалари қўлларида ёш ва савир қолиб, бо нуҷудга ёшилг беҳуда ҳарикат қилмай волидаларининг акалари Мулло Дўст охунд деган, то олти-етти яшар бўлгонларича Бўжун Буткан мавзеда ўқиб, саводлари чиққондан сўнгра Қўрғонтепа бўлустига кўчиб келибдилар, сўнг Андижонда Оқмасжид мадрасала бир-икки йил ўқиб, кейин Ҳўқанд бориб Маҳзум Ҳожи ранежаноби Домулло Абз маҳдум марҳум ўғиллари хизматларида ўқиб, илму хат ҳосил қилибдилар. Шу аснода тахминан жаноби Амирлашқари марҳум ўн саккиз яшар бўлгон эдилар. Баъд Амирлашқарини ҳамшираларини олган Тағойқул додхоҳ олиб келиб, баъзи сипоҳгарчилик ишларига аржумандтириб, ул ерда ҳам хизмат ишларини бир неча вақт яхши қилиб туриб, яна Қўрғонтепа бўлустида оталари ўрнига бий бўлибдилар. Ниҳоят, хушмандинг ва эйрақларидан ишларини яхши саранжом айлаб, фуқаро ва халқулоҳга нафъ ва оқойиш етқуриб, қулдан-қун ривож ва равнақлари зиёда бўлган сабабли, замона мардумлари ул кишига ҳасад қилиб, беақду бехирақлар адоват камарини белларига боғладилар...

### Бу фасл Амирлашқарининг ибтидои сипоҳгарчиликка орапашқонларининг Баёни турур

Амирлашқари марҳум катта бир жойга суяймоқ ва така қилмоқни зарур ва лоқиминини фаҳмадилар, ўша фурсатда Худойрхоннинг ота бир волида бошқа акаси Маълабек Шералихонни ўгли ўз акаси Андижон ҳокими Сўфибек тўй қилғони учун тўйга келибди. Амирлашқари марҳум ҳам бир от билан Маълабекни мазкурини (нг) хизматларига келиб, пўқар ва йиғит бўдилар. Ул ерда камолни хушмандингидан қулдан-қун мартабаси оиниб, Маълабекни мазкурга тақарруби зиёда бўлиб, бирга Ҳўқанд келдилар. Аммо Худойрхон ҳамеша ит талоштурумоқ ва теваю қўқор уруштирмоқ ва улоқ чопмоққа машғул бўлиб,

Мухаммад Юнус Қўқон хонлигининг буюк давлат арбоби, шоир ва тарихчиси бўлиб, ўша даврнинг илмий, маданий ҳаётида салмоқли из қолдирган маорифнашар шахсидир. Таржимаи ҳолига оид маълумотлар жуда кам бўлиб, улар ҳам Тоибнинг ўз асарларидан келтирилган шарҳлардан ибаратдир. Унинг «Тўхфан Тоиб», «Ҳадоиқ ул-анвор», («Нурилар боғлари») асарлари Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Бёруний номидаги Шарқишунослик институтидида қўлёзма ҳолида 4243/11 ва 596 рақамлар остида сақланади.

Мухаммад Юнус Тоиб «Тўхфан Тоиб» асарини ёзайтган вақтда, яъни, 1903 йили 73 ёшда эканини (25 а саҳ.) ва шу йили Оқмасжид воқасидан эълик йил ўтганини ёзайди (39 б с.) Бу маълумотдан бисқа бўладикки, Мухаммад Юнус 1830 йили таваллуд топган. Шу ерда яна у ўзи ҳақида «Шоший таваллуду Фарғоний ал-муҳаттат» деганики, бундан унинг Тошкентда туғилиб, Фарғона мулкида яшагани маълум бўлади (924 б с.).

Мухаммад Юнус замонасининг дунёвий ва диний илмларига эга бўлганлиги асарларининг савия ва мазмунидан ҳам кўришиб туради. Мухаммад Юнус ёшлигидан Тошкент ҳокимларига, кейинчалик Шодмонхўжа қўшбеги (1864 йили қатл этилди), Худойрхон, Маълабек, Султон Саид (1863-1865 йилларида Қўқон хони), Алимқули амирлашқарга хизмат қилиб, узоқ йиллар Шарқий Туркистон ҳокими амир Мухаммад Ёқуббек Бадавлатта ҳам ёвар ва девонбеги, сўнг 1877 йилгача Ёрқандда ҳоким бўлган.

Алимқули амирлашкар 1864 йили Мухаммад Юнусни шиговул этиб тайин-



фуқаро ҳолидан гофил қолган сабабли, Қурама халқи Нормухаммад парноначи зулмидан додга келиб, фарёдларига ҳеч ким қулоқ солмаганидан, аризаларини дарактлар шохига оғитилар. Тошканду Дашти қичоқ фуқаролари Мирзо Аҳмад қўшбегни жабру зулмидан жонларидан тўйиб, доду фарёд ва оху нодаларига ҳеч қулоқ солмаган сабабли тамоми қирғизия, қазақия ва сартни ёв бўлиб, Мирзо Аҳмад қўшбегини ҳар тарафга закот учун юборган сардор ва одамларини тамомаи уриб, ўлдириб, ўзини Авлиё ота қўрғонига қамаб, атрофини олдилар. Худойёрхон ноҳор Мирзо Аҳмаднинг қўтқариб олмоқ учун Маллабек ва Шодмонхўжа мингбошини аскар аскарини Хўқанд ва жаноби Миён Халил ҳазрат (Оллоҳ унинг марқадини ёритсин) билан Тошканд бутурдилар. Ёзилар Тошканд бориб, уч-тўрт кундан сўнгра Чимкент бордик ва Хўқанд аскар Чимкентда қўнғондан сўнгра Ақий отада Мирзо Аҳмаднинг қамаган элотиға кундан-кун заиф бўлиб тарқалиб кетди. Мирзо Аҳмад қўнват тошиб, Авлиё отадан чиқиб, Чимкент келди. Мингбоши Маллабекларни олиб Чимкентдан Тошканд келдилар. Тошкандда Солар лабиди беш-олти кун туриб, Тошканд ишини сарништа қилгандан сўнг Мирзо Аҳмаднинг олиб Хўқанд тарафига жўнаб, Тўйитена мавзесиға қўнғонда маълум бўлдики, Мирзо Аҳмад қўшбети Шодмонхўжа мингбошига тўхмату бўҳтон қилиб, «Тошкандни бузиб ёв бўлмоқчи эди», деб Хўқандга ариза ёзибди. Худойёрхон бу сўзни таҳқиқ қилмай, ишониб, иноватнома юбориб, ўша ерда мингбошини мазкурини ушлаб, Йўлчибек деган дўшларини(нг) понасад-бошисига тошириб, у ердан жўнаб, Хўқанд келибди. Мингбошини мазкурини банд қилиб Шаҳрихон юбориб, унинг ўрнига Мирзо Аҳмаднинг мингбошини қилди.

Ул фуқарода амири Бухоро (Насруллоҳон — Ш.В.) қўшин билан айлашиб келиб Ўратепани қамади, Худойёрхон Ўратена мадади учун юборган Мухаммаднзарбек қўшбегилар етмасдан илғари амир Ўратепани олиб, Рустамбекни ўлдуриб, келиб Хўқанд муҳосирасига мангўл бўлибди. Худойёрхон Хўқанд мадади учун Мухаммад Ғўлббек Бадаллатини Хўқандга юбориб (юборди). У Хўқандга кириб, ниҳоят шўжоват ва мардоналик кўрғатибди. Бу кишининг гайрати сабаб Хўқанд саломат қилиб, амири Бухоро ёвди. Амири Бухоро қўшинидан Қосим мингбошини қадима, Ғадойбой мингбошининг ўгли Ҳақназар мияро, Қосимбек ва Баҳодур қўшбегининг ўғиллари, Мирзо Улуг ва Рустамбек сарқори Раҳимбеклар қочиб Хўқанд келдилар. Худойёрхон мажбур бўлиб, Шодмонхўжа мингбошини ҳам олиб келди.

Бир кун намози бомлоқдан сўнг тамоми умаро ва сардорлар салом учун ўрда эшикига жамъ бўлғонда Маллабек Мирзо Аҳмад қўшбети ва Дустмухаммад дастурхончиларга ниҳоят қаҳру ғазаб билан боқиб: «Хонини сизлар йўлдан уруб, ит уруштармоқ ва хўрус уруштурмоқ йўлиға бошлаб, юрт ва фуқаролар ҳолидан гофил ва беҳабар айлаб, оламини хароб қилдинглар!» деб уларни(нг)

лаб, уни «Фарғонани хироси ва танобона, закот пуллари, аскарини қишлоқ ғаллати ва қишлоқлар ижороти, сарқори амлоқлар таҳқиқи ва ҳисоби, аскарини йироқ аслиҳа дафтарига жавоблар» қилади («Тарихи Алимқули амирлашкар» қўлаъмаси, 124-с.).

Мухаммад Юнус Оқмасжид ҳимоясида, Ќқон муҳорибаси, Чимкент ва Тошкент мудофасида фаол қатнашиб, Қўқон хонлигининг аълилик ишларига ҳам аралашиб юрган. Тоиб умрининг сўнгги йилларини Қўқонда ўтказгани маълум бўлса ҳам, нафотининг саваси аниқ эмас. «Тарихи Алимқули амирлашкар» 1903 йили 8 ундан бир-икки йил кейин ёзилган бўлиши мумкин. «Тўхфаи Тоибнинг бир нуسخаси 1323 йили жумад у-сонини ойида (милодий 1905 йил, август) кўчирилган. Бу нуسخа «Тарихи Алимқули амирлашкар» асари каби муаллифининг қўлаъмаси бўлиши мумкин. Лекин «Ҳадоиқ ул-анвор» асарини 1914 йили кўчирган қотиб Мухаммад Юнус шиговул Тоибни «марҳум» деб эслабди («Ҳадоиқ ул-анвор», 196 б с.). Шу далилларга асосланиб, тарихчи олим, шоир ва давлат арбоби Мухаммад Юнус ибн Мухаммад Амин Тоибнинг вафот этиш йилини 1905-1914 йилларининг ораси деб тахмин қилса бўлади.

Тоибнинг «Тарихи Алимқули амирлашкар» асари Русиянинг Туркистонини

қасдида қиличини ғилофидан чиқорди. Акобир ва умаро мабодо бир беҳуда иш бўлмасин, деб Маллабекни(нг) қўлидан ушлаб, илтижо ва зорилар билан уларни ҳалос қилдилар. Маллабек бу ердан чиқиб, ҳовлисига келиб, ҳозиру тайёр иўқарлари билан Андижон тарафига азимат қилди. Худойёрхон буни эшитиб, қайтармоқ учун орқасидан одам бутурди. Аммо одамлар етолмадук деб қайтиб келдилар.

Маллабек Амирлашқари марҳум маслаҳати билан тўғри Ўшга келибди. Ул ердан Алимбек додхоҳ ва Сайидбек додхоҳларини олиб келиб, яхши сўз ва аҳду наймон билан ўшга мутъ ва фармонбардор айлаб, Қаломуллоҳ қўтартириб, тамоми ўттуз ўғил, тайит ва санчиқли (қабилалари) Маллабекни итватига кирибди. Ўшдан жамъияти тамом билан жўнаб, Андижон тобеси Тошлоқ мавзесида Амирлашқар ҳовлисида қўнубдилар. У ерда билиттифоқ Маллабекни хонлиққа қўтариб, асоби жанг тайёр қилмоқ ва юрт олмоқ тараддудига тушибдилар. Ул вақтда амири Бухоро дафъи учун Андижон ҳокими Суфйибек ва Маргилон ҳокими Шоҳмуродбек йигит ва лашқари билан Хўқанд кетиб, бу юрлар бўш қолган сабабли осонлик билан Маллабек тасарруфига кириб қолди. Маллабек жамъияти тамом ва жамъи қирғизия ва қичоқия қўшини билан Хўқанд тасҳири учун жўнаб, Сомончи мавзесида бориб қўнубдилар. Худойёрхон ҳам тамоми Хўқанд аскар ва тўпу тўпхона билан Хўқанддан чиқиб, Қороқулдан ўғуб қўнубди. Ул кеча ётиб, эртаси намоздан сўнгра икки тараф саф тортиб, муҳориба воқеъ бўлиб, гарду гўбор офтобни хира қилди. Худойёрхон ва Маллабек рўбарў бўлишиб, бир-бирларига қилич солдилар, аммо бир-бирларига захилари тасеир қилмай, икки лашқар ҳам тарқалиб кетди. Аммо Худойёрхон аскарининг тафриқаси кўпроқ эди. Фақат Бобобек ва Мухаммад Муродбек — Шаҳрисабз беклари Хўқандга қочиб келиб, тўпхона ва сарбозга бош бўлибдилар, гайрат билан жанг қилардилар. Худойёрхон хуфтон вақтида Хўқандга дохил бўлди, Маллаҳон жа, ташқарида Хўқандни қамалга олди. Аммо Мирзо Аҳмад мингбоши Сомончидан қочиб, ҳеч жойда таваққуф қилмай, Бухорога кетди. Қосим мингбоши жа, йўлдан қайтиб Хўқандга келиб, яна мингбоши бўлди. Лекин ташқари атрофу теварак тамомаи Маллаҳонга тобъ бўлди ва кундан-кун қўнвати ошди.

Тўқайитена қамали ва муҳосираси қаттиг бўлди. У ерда Амирлашқари марҳум Хўқанд қоровулларига рўбарў бўлиб, уларни қочириб, орқасидан тушган вақтда отдан йиқилиб, оёқлари андак шикастланди, яна Оллоҳ таоло шафот қилди. Мунинг устига, Тошканд ҳокими Султон Муродбек ҳам Хўқандга келди. Тошкандга қолган Ўтамбой қўшбегни қичоқ ҳам Тошканд аҳли билан Маллаҳонга тобъ бўлди. Худойёрхон иши ислоҳдан ўтиб, фасолга тортибди. Андижон ҳокими Суфйибек бир неча тамоми тобъот ва қўшини билан Хўқанддан қочиб, Маллаҳонга қўшилдилар. Қурама ва иўқарлари билан Хўқанддан

босиб олиш масалаларини ёритиб берадиган муҳим манбадир. Асар Туронзамин қаҳрамони, Тошкент ҳимоясида вафот этган Алимқули амирлашқар ибни Ҳасанбий ибни Шоҳмирозога бағишланган. Бу асарни Тоиб «Тўхфаи Тоибга ўхшаб мажкур амирлашқарининг ўғли Мулло Шермухаммад Мирзо мингбоши илтимоси билан ёзган. Асар далил ва маълумотлар, тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг иштирокчиси томонидан ёзилгани учун ҳам жуда ишонарли ва қимматлидир. Асардаги маълумотлар Туркистон тарихининг кўн қоронги саҳифаларини ёритишга кўмак бериб, ўша давр тарихий-сўбсий аҳволинини текширади, Русия истилоси тафсилотларини ҳамда ҳар хил кучларнинг завро муносабати ва қарам-қаршиликларини баён қилади. Асар Қўқон тарихнавислик мактабинини ўрганиб баҳолашда, Тоибнинг ўртаасийлик тарихчилар сафида ўрни борлигини исботлашда муҳим қимматга эга деб ўйлаймиз.

Бу тарихий манба жулғий таҳрир этилиб, асарнинг тили ҳозирги ўзбек тилига қисман мувофиқлаштирилди.

Шодмон Воҳид Хўсайноза,  
тарих фаълари номзоди.

қочиб чиқиб, Маллахонга қўшилди. Худоёрхон уни тамом бўлганини фаҳмлаб, бир кеча эл ағви босилгандан ўзи ва акаси, шогирдпешалари ва хос одамлари билан хазинадан нақдина, пул ва қимматли нарсаларни олиб, Бухоро тарафига қочти.

Эртаси тамоми машоих ва уламо акобиру ашроф шаҳардан чиқиб, Маллахонни дуо қилиб, эъзоз ва икром билан шаҳарга олиб кириб, билиттифоқ хонлиг тахтига кўтардилар. Худоёрхон Хўқанддан чиқиб, Хўқандга кирди. (Шаҳар ҳокими) Муҳаммад Мусо парвоначи ҳам уни эъзоз ва икром қилиб, Хўқанд аркига қўндирди. Аммо Хўқанд синоҳларидан Тиллохўжа ва Мир Тоҳирбек ва Мулло Бобожон деган фитначи одамлар Худоёрхонга яқинлик пайдо қилиб, иғво билан Маллахонга ёв бўлмоқ ва Хўқанд хонлигини қайта олмоқ фикрини Худоёрхон димоғига жойладилар. Муҳаммад Мусо парвоначи буни англаб, панд-насихат билан Худоёрхонни йўлга солмай, ночор йиғитларини йиғиб, уруш билан Худоёрхонни Хўқанд шаҳридан Бухоро тарафига ҳайдадилар. Маллахон Муҳаммад Мусога кўн илтифотлар қилиб, Худоёрхонни бузган муфсидадларига Мир Комилбой, Мир Тоҳир бийнинг акасини ҳам қўшиб, буларни Қўқанд тарафига бағди қилиб юбориб, ўша жонбод ҳалок қилди.

Маллахон Хўқанд тахтига ўтургондан сўнг, Қосим Мингбошига Балиғчи ҳукматини берди. Қосим Мингбоши мингбошилик мансабидан Балиғчи ҳукматига ўтишини ўзига номуносиб ва нолайиқ иш деб жузъу фуруғ ва ношуқрлик қилгани сабабли аёл бўлиб, Қаротегин ва Дарвоз тарафига чиқориб юборилди. Балиғчи ҳукматини Подмохўжа мингбошига ва Чимён ҳукматини Амирлашқари марҳумга (Алимқулига) берди ва ишлар саранжом бўлди.

Маллахонни мазкур бағоят сариғул-ғазаб, тундхўй ва қаҳҳор, баджаҳл подшоҳ эди. Чунончи бир кеча қимиз учун Амирлашқардан хафа бўлиб, шунча қилгон жонбоқлик ва давлатхоҳликларини ёдига келтирмай, бағди қилиб, Туркистонга Рустамбек додхоҳга тоширди. Яна уч-тўрт ойдан сўнг олиб келиб, олдинги мансабини берди. Едуббек Бадавлатга ҳам ғазаб айлаб Шаҳрихонга Бобобек додхоҳга берди. Ҳосил (ул-калом), ўша қиш ичида Маллахон Тошқанд бориб, Тошқанд аскарларини қўриб, Утамбой қўшбегини Тошқанд ҳукматига насб қилиб, Хўқанд келди ва оз фурсатдан сўнг Утамбой қўшбегини Тошқанд ҳукматидан олиб, Муҳаммад Мусо парвоначинини Тошқандда ҳоким қилди. Унинг ўрнига Хўқандга Бобобек додхоҳ кирғиз ҳоким бўлди.

Бу орада фақирини Муҳаммад Мусо парвоначинини(нг), молия ишлари ва мулкчиларини сарништа қилмоқ учун Тошқанд вилоятига сикритар, яъни, мир-зобоши қилиб юбордилар. Неча муддатдан сўнг яна Маллахон ўзлари Қаноат оталиқ билан Тошқандга борди. Муҳаммад Мусо парвоначинини элотиани қўнгирот ва тавоботи закотини олмоқ учун буюрди. Жаноби хон ва арқони давлат лавозими зийфат ва меҳмонгарлик қилмоқ учун Тошқандда мени муддати йигирма икки кун хизматкорлик камарини боғлаб қолди. Муҳаммад Мусо парвоначи ҳам закотчилик ишидан фориғ бўлиб қайтиб келди. Хон Қаноат оталиқни буюриб, Муҳаммад Мусо парвоначинини ҳисоб-китоб қилдириб, акаси зарур сарфларини тан олмай, йигирма икки минг тилло қара билан Тошқанд ҳукматидан олиб, ўрнига Рустамбек додхоҳ Қоқоқбой ўғлини Тошқандга ҳоким қилиб, Хўқандга мурожаат қилди. Бир неча муддатдан сўнг Рустамбеки мазкур тамоми Тошқанд ва тавобиоти қўшини билан Русия дафъа учун Нишқак тарафига отланди.

Эмди бу ерга етканда аввалги ва келаси еъз боғланиши учун Русия аҳволидан баён қилмоқ лозим кўринди.

### **Бу фаслда Хўқанд хонлари билан Русия давлати ораларига тушкан воқеаларнинг ибтидосининг баёни турур**

Маълум улғайким, Русия султонлари билан Хўқанд хонлари ораларига аввалдан ҳеч муҳолифат ва душманлик тушмай, ҳаминша муҳаббат ва ошнолиғ

бўлган экан. Бизларни(нг) асримнадан илгари Умархон вақтида Хўқанддан Подмохўжа мингбоши амакиси Турсунхўжаи суður (билан) Фитирбурхга элчи бўлиб борибди. Импротури аъзам гоитда уларни эъзоз қилиб, муддати қирқ кундан зиёда Фитирбурхда иззат билан таваққуф қилиб, ундан сўнг хушвақт ва хурсанд қайтариб, Чу сойидан бери тарафга Урусияга аскари ва нари тарафга Хўқанд аскари ўтмаста муқаррар қилиб, иттифоқ бўлган эрканлар.

Яна (бир дафъа) Муҳаммад Алихоннинг ибтидои давлатидан жаноби ҳилоитианоҳ мазҳари лутфи роби жалил ҳарати Миён Халил Соҳибқода ки, сийдиқуфтор ва олинсаб ва вофурҳасаб, зуко, оқиллик ва хушманлиғда ақди муқаррар, еъзалиғда лойиқ ва муносиб эдилар, Муҳаммад Алихон тарафидан ба тариқи элчилиги ва сафарат, Фитирбурхга борибди. Импротури аъзам ниҳоят иззат ва эҳтиром айлаб, мувофиқи фазлу дошислари Эрон, Хоразм ва бошқа вилоят элчиларидан сарфи назар қилиб, муқаддам ўлтурғизиб, тамоми муддаоғ ва маъсадларини қабул айлаб, хушвақт ва сарасфроз этибди ва икки подшоҳ орасида муҳаббат ва дўстлик бинноси ниҳоят истехком тошибди. Ҳатто Тошқанд ҳокими Лашқар бекларбеси Чу сойидан ўтиб, нимол тарафидан улуг тоққа ва машриқ тарафидан Қарфолга қўргон солиб, бу ўртадаги элотиаларни Хўқанд ва Тошқандга тобей қилиб, закот ва улфон олурсан демасдан эркин ва озод қўюбди. Хўқанд тавобиоти ва мулки вусъат тошиб, ниҳоят даража обод бўлган эди.

Аммо бу орада Тойчиқ тўра ва Аҳмад тўра ва Сидиқ тўра, оталари Кенжасари тўра деган Қосим ўғли шўх ва бебок чиқиб, Урусия тавоботиға дахл ва тааруз қилиб, молу амволларини гораг ва торож қилгани сабабли фуқаро Русия сардорларига арз қилибди. Урусия аскари Кенжасари тўрани қувлаб ва тўранинг ўрусларга муқобила бўлмоққа тоқат келтурмай, бери суруб қочибди. Кам-кам ушбу тариқа бирла Урус тавобиоти Тошқанд тавобиоти бирла аралашиб яқинлаштиллар. Кенжасари тўра Урусияга қилгон иши устига Хўқандга ёв бўлиб, Тошқанд тобей Сузак деган жойни қозоқия қўшини билан қамади. Сузак ҳокими Раис деган ғайратлик киши шужоат зоҳир қилиб, Кенжасари аскарини шикват ва ҳазимат бериб қайтарди. Кенжасари тўра бир неча муддат Иткечук ва Авлие отага тобей элотиға орасида юриб, охири ул-амр тақрибан сана 1263 ҳижрийда (милодий 1847 йили) Нишқак тавоботи Кабеллик манзелида султа ва сарбағини кирғизиялари устига келибди. Тўрани мазкур улар билан урушиб, тамоми тавобиотлари бирлан мақтул бўлибди.

Яна Оқмасжид тарафидан Раҳим қалъаси деган жой, аввалан Урганж тобейи эди. У ерга Урганж хони тарафидан Хोजа Ниёзбек деган ҳоким эди, шу учун «Хोजа Ниёз қўргони» атар эдилар. Бу Хўжа Ниёз ҳам қўтоҳақл ва камандеша одам экан. Раҳим карвонбоши деган киши Бухоро карвони ва кўн юк билан келганда, Хўжа Ниёз: «Мен бу молу юкларини очиб закот қилурман», деб (карвонни тўхтади). Раҳим карвонбоши: «Мунда закотлик мол йўқ, тамоми закотини Бухорода берганмиз», деса ҳам, қабул қилмай: «Мен закотлик молни ўзим тошиб оламан», деб юкни ешгунча сабр қилмай, арқонларини ничоқ билан кесибди. Савдогар моли паршон бўлиб ва қанчаси йўқолибди. Юк боғлайдургон барбандчи ва есимбандчи юк боғламоққа арқон тополмай, савдогарлар кўн кулфат ва меҳнатлар чекиб, ташвин тортиб (эрканлар). Шу дафъа Раҳим карвонбоши импротури аъзамга: «Ўўда бу нағр қароқчи вақудо ут-тариқ бор, эмди бизларга савдогарлик ва авқот қилмоқ мушкул бўлди», деб йиғлаб, арз қилиб(ди). Импротури аъзами мазкур йўл эмиллиғи ва савдогар тинчлиғи учун аскар юборибди. Хўжа Ниёзбек маҳороба қуввати бўлмай, Урганж тарафига қочибди. Урусия аскари мазкур қўрғонга жойланиб, Раҳим карвонбоши арзи бирла олинган сабабли «Раҳим қалъаси» деб от кўтарди.

Бу сабаб бирла Оқмасжид тарафидан Русия аскари ва фуқароси Хўқанд аскари ва фуқаросига аралашиб ва фуқаро ва ўша халқ ораларида муносибат ва мухоимат тушиб, дўстлик биносига хила халал етди.

Мунинг устига, Муҳаммад Алихон охири айём давлатида Хожя Қурбон отгли бир ноқиеул-ақд ва хазифул-хираду сийфат ва асфия одамни элчи қилиб

Фитирбурхга юборди. Бу элчилар Русия сарҳадига борганда, сарҳад ҳокими буларни тўхтатиб, элчи келган хабарини имиротури аъзам хизматларига маълум қилибди. Имиротури аъзам: «Фитирбурх ва Масков бу агроф жавоибда шиддатли ва қаттиғ вафо бўлбдур, менинг ўз фуқаров ва аскаримдан ҳар қанча ўлса, Худойи таоло тақдирини ва ризосини деб сабуру таҳаммул қилдурман, аммо менга дўстликдан элчи юборган подшоҳини(нг) бир камтарини нафар одамига вако тегиб нобуд бўлса, унинг афсусе ва ҳасрати ҳаргиз қўнғулдан чиқмасе керб. Элчилар не тариқа хоҳласалар, шу тариқа иъзат ва икром билан тўхтатиб, хатларини менга юборинлар ва мен ҳар на илтимос қилгон бўлсалар, тамоман қабул айлаб, хушвақту хуррам қайтарай», деб жавоб ёзган экан.

Ҳожи Қурбон бу сўзини эшитиб, ниҳоят камақлик ва беҳирадик билан арбада (жанжол) қилиб: «Мен хатимни сизлар қабилли одамга берадургон киши эмасман, ўз қўлим билан имиротури аъзам қўлларига тошириб, оғзларидан қулониғ билан сўз эшитиб қайтадургон одамман!» деб ҳазинот ва беҳуда калимот бошлаб (юборибди).

Русия бошлиқлари: «Тўғри. Биз ҳў билдик ва тажриба қилдик. Сан на муслмон ва на насроний ва на жуҳуд ва на габру, на ҳиндий ва ҳеч бир дин эгаси одам эмас экансан. Қилдургон ишини кечаси арақ ичиб, масту пиён бўлиб, хушдан ажраб, зино қилмоқ ва Муҳаммад Алихону Лашкар белгаларини шуқўҳи ва ниҳоятини ва дашному ҳақоратини қилмоқ ва субҳидамда ит каби уйқўламоқ ва кундузи беҳуда сўзламоқдур. Худо амрини ва ўз хонинини қадрини ва валинсьмати шукри нсьматини билмаган одам бизини(нг) подшоҳини қимматини нечүк билеун?! Кет! Йўқол! Бизларга касофат ва шумлугунг йўқмасун!» деб имиротурга маълум айлаб, шарманда этиб қайтардилар. Бу сабаб бир-на дўстлик қасри ниҳидом тошиб (бузулиб), муҳаббат ва ошнолик орадин кўтарилди.

Тақрибан сана 1266 ҳижрийда (милодий 1849-50 йили) Муслмонқули минибони Хўқанддан Мулло Холбек қўшбети ва Мулло Каримқули дастурхончи ва Мулло Қўлбоқо рисолачилар Тошқанда Муслмонқули минибонига ёв бўлиб, Муслмонқули минибони Хўқанд бети Ёқуббек Бадавлатни Оқмасжиддан олиб келиб, Тошқанда баҳодурбоши қилдилар. Бадавлат Муслмонқули билан Чалчиқ (Чирчиқ) лабида урушиб, Муслмонқули шикаст тошиб, қирғизия тарафга қочти. Уни(нг) ўзинга Ўтамбой қўшбетини минибони қилиб, Худойрхон билан Хўқанд тарафига қайтдилар.

### Ушбу ерда Урусия пашкари билан Муслмония пашкарини иблидон уруш қилгонларини(нг) баённи тўрув

Бу орада бир мунча ўрус лашкари Берфут пулқувлик бошчилигида Оқмасжид устига келиб, Ёқуббек Бадавлат ноиб Мулло Муҳаммад Ризо баҳодурбошини қамабди. Ва бу хабарни эшитган заҳоти Ёқуббек Бадавлат, мен ва Тошқанд аскари Оқмасжид мадади учун шитоб ва таъжик билан жүнадик. Бу ўрусия аскари Оқмасжидни қаттиғ муҳосира қилиб ва тўилари ўқи шаҳарга тушиб танг қилиб турган маҳалда, иттифоқдан шаҳардан отган бир тўп ўқи Русия тўшига тегиб, Русия тўши сийибди. Бунинг устига, Бадавлат ҳам яқинлашди ва Русия Оқмасжид устидан қўчиб кетти. Бадавлат Оқмасжидга кириб, уч-тўрт кун туриб, Оқмасжид ишини саранжомлаб, сўнгра Тошқанд келиб, бир ҳафта туриб олди.

Бу муддатда Нормуҳаммад қўшбетидан ёширин тамоми Тошқанд акобирларини Шодмонхўжа минибони, Муҳаммадинийэ понсадбоши, Фозилбек понсадбоши ва Қосим понсадбоши ва тамоми акобирлар Бадавлат билан билиттирқоқ қинчоқини ўртадан кўтармоқга аҳду паймон қилиб, Қурьон кўтариб, сўзларини бир жойга қўюб, Хўқанд тарафига жўнатдилар. Шаҳидон қўнғонларида яна аҳду паймонларини янги қилиб, истеҳком бердилар. Удин ўтиб, Чилмаҳрам ка-

сига келганда, Хўқанд шаҳридан Хўжа Калонтўра ва Каримқули меҳтар ва Муҳаммадиназар парвоначи Хўжаид ҳокими ва Мўминхўжа додхоҳлардан одам келиб, аҳду паймон қилиб, Қурьон кўтариб қайтдилар. Уша кунни дарёдан ўтиб Чорбоғи Тўранги мавзенига қўниб, у ердан субҳи содиқдан олдин қўчиб, жаноби Бадавлат тамоми аскарини билан илгари тушибди. Нормуҳаммад қўшбети бир андак маҳрам ясовули билан кейин қўлибди.

Қўён чиқиб тулдуз қилгон вақтда Хўқанд ўрдаинини дарвоқаси олдидаги сойга биз ҳам ҳозир бўдик. Қинчоқия ҳам салом учун ўрда ичидида жамъ арканлар. Шу дамда Бадавлат ишораси билан тамоми аскарини қилчларини гилофидан чиқориб ва милтиқларини рўстлаб: «Ҳар жойда қинчоқия бўлса, ўлдуринлар!» деб баланд овоз билан, яқбора отилиқ ва ийида арк ичига кириб, хон ҳузурига дастурхонда ўлтургон қинчоқияни ҳам судраб олиб чиқиб, ўлдуриб ташладилар. Ул кунш Утамбой минибони ва Нормуҳаммад қўшбети ва фарзандларидан бошқа Хўқанд шаҳрида тирик қинчоқ қолмай ўлдирилиб, сўнгра Қосим понсадбошига минибонилик ва Мулло Юсуфдинга дастурхончилик ва Бадавлатта инговулик ва Муҳаммадинийэ понсадбошига Тошқанд ҳукумати ва Маллабекка Ермозору Марғилон ҳукумати ва Ўшбойи қўрамага Киронучи ҳукуматини бериб, уч-тўрт кун шаҳарда туруб, шаҳар ишини саранжомлаб қилдилар. Сўнгра Муслмонқули минибони ва қолган қинчоқия дафъи учун Икки сув ораси тарафига азият қилиб жўнадилар. У мавзета боргандан сўнг Муслмонқули минибони ҳам тамоми қинчоқия билан жонларидан келиб, жамъияти азим айлаб, муқобала бўлиб, муҳориба қилдилар. Уруш ниҳоят даража қаттиғ бўлиб, қинчоқия халқи ва Худойрхон қўшини ҳар иккала тараф паршишон ва пароканда бўлсалар ҳам, аммо Худойрхон ва Маллабек ва Шодмонхўжа минибони, Қосим минибони ва авлоди Кулиқадин Андижон ҳокими Нео парвоначилар матрақада собитқадим турдилар. Муслмонқул лашкари тамоман мағлуб ва муҳазим бўлди. Охируламр, тамоми қинчоқия Муслмонқулдан юз ўгириб, уни(нг) тадбири ва маслаҳатига қўлоқ солмай, Муслмонқулнинг ушлаб, «Ямошимиз шул эрди», деб Худойрхонга тутиб тоштурдилар. Бу қилган ишлари қинчоқияга ҳеч нафъ ва фойда бермай, балки Ҳотамқул парвоначи ва Холмуҳаммад додхоҳ ва мунга ўхшаш тамоми акобир ва сардорларини Худойр ўлдириб ва Муслмонқулнинг Йўлчибек додхоҳ қўлидан Хўқанд юбориб, дорга осиб ўлдириб, ўзи қайтиб, Хўқанд келиб ўлтурди.

Аммо Маллахон бағоят тундмизожу бебок эди. Марғилон Хўқандга яқин бўлгани учун Худойрхон Маллахон ваҳиддан ташвининок бўлиб, ҳар нимадур йироқроқ жойда турун, деб Муҳаммадинийэ қўшбетини Тошқанд ҳукуматидан олиб, Маллабекни ҳоким қилиб юборди. Маллабек Тошқанд бориб, Абдували деган одамни Оқмасжидга ҳоким қилиб юбориб, ўзи андак муддат ичидан Худойрхонга ёв бўлиб, хонлик давъосини қилди. Худойрхон Маллабек дафъи учун тамоми Хўқанд аскари бирла отлашиб, Хўжаид йўли бирла юриб, Хўжаидга Муҳаммадиназар парвоначи ўзинга (Ёқуббек) Бадавлатни ҳоким қилиб, ўзи Тошқанд бориб, Маллабекни қамаб олди.

### Русия иккинчи мартаба Оқмасжидни муҳосира қилгонини(нг) баённи тўрув

Бу орада ўрусия аскардан бир катта сардор бир мунча аскар ва тўпу тўпхона билан келиб, Оқмасжидда Абдувалини муҳосира қилди. Маъкур сардор Абдувалига уруш яқини эрмас, ҳар нимадур ислоҳ билан тошшайлик, деб одам киргузса ҳам, Абдували тундхўйлик билан ўрус сардорига: «Сиз қўрғонга келинг, икковлон сўзлашиб аҳду паймон айлаб, тошнинг, муслмонча қилайлик», деб одам юборибди. Ўрус сардори унинг сўзига ишониб, бошлиқлари билан милтиқ ушламай, бе яроғу анжом, хотиржамлик билан қўрғон олдига келибди. Абдували хиёнат қилиб, тамоми мерганларини қўрғон устига чиқариб, ҳамма-ларни ўрусияни ишонаса қилиб, яқбора «Отинлар!» деб буюрибди. Ҳаммалари

якбора ўрусияни отибдилар, аммо Худованди таоло сақлаб бирор нафар ўрусия ё отларига ўқ текмай, ҳаммалари саломат жойларига қайтибдилар. Ундан сўнг ўрус сардори Абдувалига: «Бу қилгон гадур хайбат бирла сенинг қонинг менга муҳофиз бўлди», деб муҳофизрани қаттиг қилибди. Қўрғон деворига наъб қовлаб, дору тўқдириб, қўш ўт қўюб, қўрғонни йиқитиб, раҳнадан аскар шаҳарга югурибди. Абдували бир неча тавобен бирла ўлиб ва ярадор бўлган ярадор бўлибди. Русия аскарари қаҳру талаба бирла шаҳарга кирибди...

Бу тарафдан Маллабек Худойрхонга муқобилдан оғиз келиб, Бухоро тарафига қочти ва Худойрхонга Тошканд фатҳ бўлиб, Шодмонхўжа қўшбегини ҳоким қилиб, ўзи қайтди. Шодмонхўжа Тошканд қўшини ва тўпу тўпхона билан Русия дафъи учун Оқмасжид тарафига отлашиб борди. Ўрусия тарафидан бир мунча аскар чиқиб орада андак муҳориба воқеъ бўлиб, Шодмонхўжа қўшбегини эски аскар хўшмаддинги ва оқиллигидан билдиким, Русия аскарари билан урушиб, обрў олиб бўлмайдди. Печор тadbир устидан бир хат чиқориб: «Менга хондан ўрус билан урушманг, мен ўзим импротури аъзам хизматларига элчи юбориб сўзлашурман, деган маъмулда иноятнома қилибдурлар», деб айтди. Шу тadbир бирла урушнин манкуф қўюб, тўпхона ва асбобу анжом бирла саломат мурожаат қилди.

Аммо Қосим минбошини ниҳоят подонлиг ва ҳамоқатидан: «Шодмонхўжа бегайрат ва номрад одам экан, Тошканд қўшини билан ўрусни олмай ва Оқмасжидни фатҳ қилмай қайтмоғдан ортуроқ номардлик иши бўларму?! Мен атар лочин ва қарингайларимни буюрсам, Русияни чаңголлари билан кўтариб ташлаб, тамом қилур эдилар», деб айтди. Худойрхон бу аҳмоқона сўзларига ишониб, Шодмонхўжа қўшбегини ва Саримсоқ додхоҳ, Муҳаммадқарим шайх додхоҳ — бу уч нафар сардорини таҳқирю иҳонат бирла Хўқанд олиб бориб, Хўқанд ўртасида айин жамоат ва салом вақтида яниона (аёлларини) либосини кийдириб, оёлларига чарх ва дук қўюб, беҳуда обрўларини тўкти.

Қосим минбошини тамоми Хўқанд аскарари ва тўпу тўпхона ва Тошканд аскарини олиб, «Фитирбухгача ўрусдан асар қолдирмайман», деб гўрур ва лофю казоф билан Оқмасжид устига жўнади. Булар бориб, бир қазон лабига қўйдилар. Ўрусия аскарари Оқмасжиддан чиқиб, рубарў бўлиб, Ўрусия тарафидан беш-олти тўп отилиб, ўқлари Қосим минбошини ланкарига оралаб тушиб, ҳеч ким ўлмади ва ярадор бўлмабди, аммо Худованди таоло кўнгилларига хавфю ҳайбат солиб, тўпу тўпхона, қўшну илга ва хайвайю чодар ва молу амвол, ҳатто бошларидан марворид телфақларини ташлаб, от қамчи(лаб), Тошканд тарафига қонибдилар. Ўнда очлик ва чаңқоқлик қудратини тортиб, ит азобида дохили Тошканд бўлиб, ҳалез ифтиол ва хижолат ва шармандалик билан дохили Хўқанд бўлиб келдилар.

Қосим минбошини(нг) Худойрхон ва тамоми аҳли сипоҳ ва фуқаро назаридан қадру эътибори қолмади. Андак муддатда Худойрхон Қосим минбошини ва Намангон ҳокими Сўфибек додхоҳ Давронбек ўгли, Мулло Сайфиддин дастурхончи, Муҳаммад Назар парвоначи ва Мўминхўжа додхоҳлардан хафя бўлиб, Қосимбек минбошини, Сўфибек ва Қамбарбекларни Қаротегини тарафига чиқориб юборди. Мулло Сайфиддин дастурхончи, Муҳаммад Назар парвоначи ва Мўмин додхоҳларини Хўқандда ўлдириб, Муҳаммадинеъ қўшбегини минбошини ва Фозилбек додхоҳ Арслонбек додхоҳ ўзинини дастурхончи қилди. Ана Худойрхон оғанилик жихати ва силаи раҳм ўйидан Бухорога Маллабекка жарчи юбориб, жамаи гуноҳидан ўттибди. У ҳам Хўқанд келиб, яна оғинини топишиб, иттифоқ бўлдилар. Бу ҳангомда Маллабекни ота-она бир (айиний) уюси ва Худойрхонини(нг) ота бир она бошқа уюси Андижон ҳокими Сўфибек Шерали хон ўгли Андижонда тўй бошлаб, Худойрхон Маллабек бирла тўй учун Андижон келдилар.

Астағфируллоҳ! Не мақомда эрдим ва не ерга келдим. Амирлашқари марҳумини(нг) бағин аҳволи эди, таҳрир топтоқи дозим эди, аммо аввалдан ўзлиб, сўз оралиди.

Хосили калом, ул қиш ул баҳорда Шодмонхўжа минбошини Бағинчидан чиқориб, Туркистонга ҳоким қилди. Ва камини минбошидан бир ҳафта илга

ри Туркистон бордим. Рустамбек ўрнига амакиваччаси Шодибек Абдусамад Оқсоқол ўгли ҳоким бўлиб, Туркистон аскарари чунон хароб эканки, шунча аскар ичидан икки тош йўлга ярайдургон от топилмади. То минбошини боргунча. Оқмасжиддан бир ўрус сардори бир мунча аскар билан отлашиб келиб, бўлак ўнига қўнди. Алқисса, Шодмонхўжа минбошини доҳили Туркистон бўлиб, Сайидхўжа отлиг одамни элчи қилиб, яхши, ширин ва мулоийм сўзлар айтиб, сулҳдан сўз бошлади. Мазкур Русия сардори ҳам жойидан ҳаракат қилмай турди. Бу орада Тошканд ҳокими Қаноат оталиқ сўзи билан Шодмонхўжа минбошини ўрнига Дўстмуҳаммад қароқалфоқни Туркистонга ҳоким қилиб, минбошини Хўқандга олиб келиб, тўпу тўфанларни топириб, ноиб қилди.

### Учинчи мартаба Ўрусия аскарари Янги Қўрғонни муҳофизда қилгани бағини турур

Муни(нг) устига, ўрус сардори Янги Қўрғонни қамади, деган хабар келди. Маллахон дарҳол Шодмонхўжа минбошини Нормуҳаммад қўшбегини қишқоқ ва Баҳодурбек додхоҳ ва Қўрама ҳокими Ёқуббек Бадавлат ва мени тўпу тўпхона ва сарбозлар билан Русия дафъи учун Янги Қўрғон буюрди. Билар шитоб билан Туркистонга борсак, Русия Янги Қўрғонни олиб, ичидаги аскар ва одамларни сихату саломат Туркистонга юбориб, Янги Қўрғонни ўлдириб кетган экан.

Алқисса, Янги Қўрғон бориб, қайта бошдан таъмир қилмоқ ва девор урмоқ учун камини сарбоз билан Янги Қўрғонда қолиб, тамоми қўшини Жўлак устига кеттилар. Бу микдор қўшини тўпу милтиқ хавфидан Жўлак қўрғонига яқин боролмай, уч-тўрт нафар аробага пичан юклаган русларга рубарў бўлиб, русларни отамиз, деб ҳамла қилибдилар. Руслар милтиқ отиб Баҳодурбек додхоҳни баланидан ярадор қилиб, ўзлари саломат Жўлак қўрғонига, бу қадар қўшинлар жа, аробага қўшган беш-олти алад хўқуларини ўзла қилиб, Янги Қўрғонга қайтиб келдилар.

Давоми бор

## МУНДАРИЖА

МУҲАРРИР МИНБАРИ	
Уткир Ҳошимов. Истиқлолни асрайлик.....	3
САОДАТ АСРИ ҚИССАЛАРИ	
Аҳмад Лутфий. Интизор, кутилган шафақ.....	10
НАЗМ	
Ойдин Ҳожиева. Бугун соғинчлардан кузларим хайрон.....	127
Матназар Абдулҳаким. Ҳар томчида минг хотиралар.....	172
Матлуба Ҳамроз. Кунгул чарақлаган кунни истаюр.....	175
Азиз Саид. Беш кун.....	179
НАСР	
Наби Жалолiddин. Улимнинг ранги. Қисса.....	131
САНЪАТ	
Турғун Алимат. Соз васфи.....	182
БУЛОҚ КУЗ ОЧДИ	
Даврон Ражаб. Бир қадимий нағма кирар дилимга.....	210
Илҳом Каромов. Тунда ой чиройи чеҳранга кирар.....	211
МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ	
Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алимқули Амирлашкар.....	214

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев

Мусаҳҳих М. Зайниддинова

Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин  
● Таҳририятга келган бир босма табоқча булган материаллар муаллифларга қайтарилмайди ● Таҳририят ўз тавсиясига кура амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади ● Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — 83, Буюк Турон кучаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
● Обунага монетлик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Амир Темур тор кучаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 28.12.95 й. Босишга рухсат этилди 31.01.96 й.  
Қоғоз формати 84x108 1/32. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди.  
Босма табоғи 7. Шартли. босма табоғи. 13,44. Нашриёт-ҳисоб табоғи 18,48. Адади 12516 нусха. Буюртма № 4584.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА  
«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кучаси, 41.